М. СИДДИҚОВ, З. ЮНУСОВА

ТИЛ ВА АДАБИЁТ МАЪРИФАТИ

ОНА ТИЛИ

I китоб

Олий ўқув юртларига кирувчилар ва академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта таълимнинг ўқувчилари учун ёрдамчи ўқув қўлланма

TOSHDO TAU
0000002908

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИИСТИТУТИ

М. СИДДИҚОВ, З. ЮНУСОВА

ТИЛ ВА АДАБИЁТ МАЪРИФАТИ

I китоб

Она тили

ТОШКЕНТ
«TURON-IQBOL»
2008

1889
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

81.2Ўзб
С52

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти Илмий кенгашида нашр учун тавсия этилган.

Махсус муҳаррир:

филология фанлари доктори,
профессор *Р.Сайфуллаева.*

Тақризчилар:

филология фанлари номзоди, доцент *Н.Охунов,*
филология фанлари номзоди, доцент *И.Пўлатов.*

Сиддиқов М.

Тил ва адабиёт маърифати/М. Сиддиқов, З. Юнусова; ЎзР Халқ таълими вазирлиги, Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика инс-ти. – Тошкент: «Turon-Iqbol», 2008. – 240 б.

К.І: Она тили.

І. Юнусова З.

ББК 81.2Ўзбя7

Мазкур ёрдамчи ўқув қўлланма умумий ўрта таълим мактабларининг V–XI синфлари учун амалдаги «Она тили» дарсликлари бўйича яратилган бўлиб, ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлаш мақсадида тузилган. Бугунги талаб ва истаклардан келиб чиқиб, қўлланма ўқувчиларни тест синовларига чуқур ва ҳар томонлама пухта тайёрлаш йўлларини назарга олган ҳолда тузилган. Шунга кўра ҳар бир мавзу бевосита дарсликлар бўйича алоҳида дарсларга ажратилган; муҳим қоидалар, маълумотлар умумлаштирилган; мавзуларни мустаҳкамлаш юзасидан тестга йўналтирилган савол ва топшириқлар, хотира машқлари ва синовдан ўтган бир қатор тест топшириқлари берилган.

Қўлланма умумий ўрта таълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқитувчилари, репетиторлар, олий ўқув юртларига кириш учун мустақил тайёргарлик кўраётганлар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-14-107-0

© «TURON-IQBOL» nashriyoti, 2008.

СЎЗ БОШИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳозирги замон ёшларининг интеллектуал салоҳиятини ўстириш юзасидан қатор кўрсатмалар ўртага ташланган. Зеро, бугунги авлод таълимнинг барча соҳаларида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиши, мамлакат тараққиёти учун амалга оширилаётган катта миқёсдаги ишларда олдинги сафларга чиқиши даркор. Бу мақсад ўз-ўзидан юзага чиқиб қолмайди. Бунинг учун ҳар бир шахс фаннинг турли соҳалари бўйича ўз билимини мунтазам равишда ошириб бориши талаб этилади. Қўлингиздаги ушбу ўқув қўлланма ана шу мақсаддаги уринишлардан биридир.

Ўқув қўлланмадан фойдаланиш ўта қулай ҳамда самаралидир. Чунки муаллифлар биринчи галда илмнинг бу тармоғи бўйича мустақил шуғулланаётган толиби илмларни назарда тутган ҳолда ушбу ўқув қўлланмани яратганлар. Қўлланмадан фойдаланиш жараёнида ҳар бир мавзунинг қоидаси ва шарҳи мухтасар баён қилинганлигига жиддий эътибор қаратилиши зарур. Ўқувчи берилган қоида ва маълумотларнинг моҳиятини англаб етгач, қуйида ҳавола қилинган савол-жавоб, савол ва топшириқлар ҳамда тест намуналари билан ишлашда билимларини татбиқ этади. Айни чоғда, мавзу бўйича келтирилган мисолларга ўхшаш товуш, ҳарф, сўз, иборалар келтириш, бирикма, гап ва матнлар тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш кўникмасини эгаллайди.

Муаллифлар мазкур ўқув қўлланма юзасидан билдирилган барча таклиф ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиладилар ҳамда китобнинг кейинги нашрларида уларни эътиборга оладилар.

Шартли белгилар

Қ – қоидалар.
М – мавзу юзасидан маълумотлар.
ТСЖ – тест йўналишидаги савол-жавоблар.
СТ – савол ва топшириқлар.
Т – тестлар.
ХМ – хотира машқи учун материаллар.
PS – қўшимча изоҳ.
Ф – формула (қолип)лар.

ОНА ТИЛИ 052007

1-дарс. Кириш суҳбати. Тил – ижтимоий ҳодиса

М. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра ер юзида **3000** дан зиёд тил бор. Тилларнинг ҳаммаси инсонлар орасидаги алоқа-муносабатни таъминлайди.

М. Жамиятдан узилган, инсонларнинг алоқасига хизмат қилмайдиган тил **ўлик тилдир**.

Т. 1. Қайси қаторда **тирик тил** номи берилган?

A) санскрит, тоҳар; B) қадимги хоразм ва қадимги ҳинд тили; C) эскимос (юит) ва қорачой тили; D) лотин, полаб ва прут тили.

М. Тил жамиятга, яъни одамларнинг ўзаро муносабатга киришувига, алоқа қилишига хизмат қилади, шунинг учун **ижтимоий ҳодиса** ҳисобланади.

Т. 2. Жамият ривожи билан тилда янги пайдо бўлган сўзларни аниқланг.

A) коллеж, лицей, тадбиркор; B) фермер, туман, вилоят; C) газета, партия, дудоқ; D) A ва B.

ТСЖ. Мақолни давом эттиринг. *Тиғ яраси битади... – тил яраси битмайди.*

Т. 3. *Асалдан ширин, заҳардан аччиқ.* Топишмоқнинг жавоби ва бадиий санъатни аниқланг.

A) қовун, ташбеҳ; B) тил, тазод; C) сўз, тамсил; D) фикр, саж.

СТ. 1. Тил нима учун ижтимоий ҳодиса саналади? 2. Тирик ва ўлик тилларга 5 тадан мисол айтинг. 3. Сизнинг она тилингизга қариндош бўлган тиллар қайсилар? 4. Сиз ўрганаётган чет тили қайси тил оиласининг қайси бир туркумига киради? 5. Ҳозирда тил оилалари сони нечта? 6. Ўзбек тилига мансуб бўлган Олтой тиллар оиласига яна қайси тил туркумлари киради?

2-дарс. Ўзбек тили – давлат тили

СТ. Нима учун ота, ака-ука, опа-сингил тили эмас, айнан она тили атамасини ишлатамиз?

М. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига **давлат тили** мақоми берилди.

Т. 4. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг қайси моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб ёзиб қўйилган?

A) 1-модда; B) 2-модда; C) 3-модда; D) 4-модда.

Т. 5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида «Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир» деб ёзиб қўйилган?

A) 1-модда; B) 2-модда; C) 3-модда; D) 4-модда.

3-дарс. Айрим унлилар имлоси

ХМ. Ушбу сўзларда *и* ёки *у* унлисининг ёзилишини ёдда сақлаб қолинг: *товус, бутун, мўғул, уйқу, учун, қизиқ, истиқбол, товуқ, совит.*

Т. 6. Қайси қатордаги олинма сўзда *о* унлиси *ў* тарзида ўқилади?

A) директор; B) оркестр; C) мотор; D) генератор.

СТ. 1. Ўзбек тилида нечта унли товуш бор? 2. Қайси сўзларда *у* унлиси *и* каби айтилади? 3. Қайси сўзларда э унлиси *и* каби айтилади? 4. *Баҳор, азон, баҳодир, навқирон* сўзларида *а* унлиси қайси унли каби айтилади?

Т. 7. Берилган сўзларнинг қайсиларида э унлиси *и* каби айтилади?

A) эрк, эртак; B) терим, етти; C) эҳтиёж, эътибор; D) барчасида и каби айтилади.

4-дарс. Айрим ундошларнинг ёзилиши

ХМ. ***Бир ҳарф билан фарқ қилувчи (пароним) сўзларни ёдда сақлаб қолинг:*** *боб—боп, оз—ос, эг—эк, мард—март, ҳол—хол, фалак—палак, фақир—пақир, соф—соп, туф—туп, тўфон—тўпон, фақир—пақир, равон—ровон, дарс—дарз, ёриқ—ёруғ, даъво—даво, қалъа— қала, афзал—абзал, аср—асир, асл—асил, аҳл—аҳил, амр—амир.*

Т. 8. Қайси сўзларда бўғиз ундоши эмас, чуқур тил орқа ундоши ёзилиши лозим?

A) ҳушёр, маҳсулот, ҳаракат; B) ҳурматли, ҳукм, ҳозиржавоб; C) ҳанг-манг, ҳаяжон, ҳеч қачон; D) хулоса, сахий, хаёл.

М. Ўзбек тилида янги ўзбек алифбоси бўйича 23 та ундош бўлиб, 22 ҳарф билан ифодаланади.

ТСЖ. Ўзлашма ундошлар қайсилар? — *ж* (журнал), *ф* (фикр).

Т. 9. Олинма ундош иштирок этган сўзларни топинг.

А) ғужғон, ҳаяжон, жума; В) гижда, Ғиждувон, мужда; С) жизза, жажжи, ғижжак; D) жараён, муножот, мурожаат.

ХМ. Қўш унли ёзиладиган ушбу сўзларни ёдда сақланг: *бадиий, табиий, таажжуб, таассурот, матбаа, мудофаа, беэътибор, шуур, истеҳзоомуз, Ватерлоо.*

ХМ. Қўш ундош ёзиладиган ушбу сўзларни ёдда тутинг: *таажжуб, шоввоз, мураббаъ, мазза, модда; мижжа, марра, ҳакка, салла, муаммо, танноз, чаппа, карра, митти, баққол.*

ХМ. *нг* ундоши айтиладиган ушбу сўзларни ёдда тутинг: *кўнгил, сингил, манглай, танглай, отангиз, денгиз, янга, янги, тенгсиз, ҳанг-манг.*

Т. 10. Қайси сўзда *н* ва *г* бирикмаси ўқилади?

А) лангар, тангенс; В) денгиз, мангу; С) инграмоқ, аланга; D) тонгги, штанга.

5-дарс. Бош ва кичик ҳарфларнинг қўлланиши

СТ. Бош ҳарфлар қачон ёзилади? *Чотқол, Қурама, Ҳисор, Чимён* сўзлари нима учун бош ҳарф билан ёзилган?

ХМ. *Тошкент, Янгиқишлоқ, Фарғона, Бувайда* сўзларининг бош ҳарфлар билан ёзилишини изоҳланг.

Т. 11. *Менинг болалик йилларим Фарғона водийсининг яйпан, нурсуқ, қудаш, толлиқ, олқор, юлғунзор, оққўрғон деган қишлоқларида ўтган.* Ушбу гапда қандай хатолик мавжуд?

А) бош ҳарфларнинг ёзилиши билан боғлиқ; В) тиниш белгиси билан боғлиқ; С) услуб билан боғлиқ; D) хато мавжуд эмас.

СТ. Бир товуш билан фарқ қилувчи сўзларга 10 жуфт мисол айтинг. Шулардан талаффузи яқинлари қандай номланади?

ХМ. *Мард—март, қатиқ—қаттиқ, кифт—кафт, дарс—дарз, бармоқ—бормоқ, даво—даъво, сава—саъва, ёд—ёт, одим—одам, азм—азим, халос—холос, уриш—уруш, аҳл—аҳил, сут—суд, пахта—пухта, тилла—тила, қарз—қарс, ухламоқ—уҳламоқ, шоҳ—шох, таъна—тана.*

Т. 12. *Беш асрким назмий саройни Титратади занжирбанд бир шеър.* Қандай хато мавжудлигини аниқланг.

A) сўз қўллаш билан боғлиқ; B) имло билан боғлиқ; C) тиниш белгиси билан боғлиқ; D) хато мавжуд эмас.

8-дарс. Маънодош сўзлар

СТ. Маънодош сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? *Ваниш сўзининг* маънодошларини топинг.

ТСЖ. Қайси маънодош сўзлар орасида маъновий фарқ мавжуд? – *Озодлик, ҳурлик, мустақиллик.*

9-дарс. Шаклдош сўзлар

СТ. Шаклдош сўз деб нимага айтилади? *Ёқ, карам, куй, қўй, қуй, мушак, ой, боғ, тахт, эт* сўзларининг шаклдошлигини изоҳланг.

Т. 13. Шаклдош сўзни топинг.

A) бор, ёқ; B) доғ, сир; C) туш, тахт; D) барчаси шаклдош.

10-дарс. Зид маъноли сўзлар

СТ. Зид маъноли сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? *Ёқ* сўзи ушбулардан қайсинисига зиддош: *ёв, ғаним, душман.*

Т. 14. Зид маъноли сўзлар қайси жанрда етакчи бўлади?

A) қўшиқ; B) мақол; C) луғз; D) достон.

11-дарс. Қўшма сўзлар имлоси

СТ. Қўшма сўзларнинг қўшиб ва ажратиб ёзилишига мисоллар айтинг. Қайси туркумга оид қўшма сўзлар доим ажратиб ёзилади?

Т. 15. 1. ...сўз; 2. ...забон; 3. ...томоқ. Қайси сўзни қўшиш орқали қўшма сўз ҳосил қилиш мумкин?

A) қўшма; B) ширин; C) аччиқ; D) нордон.

12-дарс. Жуфт сўзлар имлоси

СТ. Хатоларни тўғриланг: *куч-фаросат, кўча-томоша, ақл-сўз, эри-душман, гап-қудрат, яхши-бугри, тўй-қўй, дўсту-ёмон, ёмон-хаёл, ўй-саодат.* Жуфт сўзлар қандай ёзилади?

Т. 16. Хато ёзилган жуфтликни аниқланг.

А) ёру-дўст; В) аччиқ-тирсиқ; С) ранг-баранг; D) ашқол-дашқол.

13- дарс. Дарак, сўроқ, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гапларда тиниш белгилари

СТ. Дарак, сўроқ, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гап белгиларини айтинг.

Т. 17. *Салом, менинг дугоналарим.* Ушбу гап:

А) дарак гап; В) сўроқ гап; С) ундов гап; D) буйруқ гап.

16-дарс. Синтаксис ва пунктуация

М. Синтаксис — сўзларнинг боғланишини, пунктуация тиниш белгиларини ўргатади.

СТ. *Спорт, тинчлик, элчи* сўзларини ўзаро боғлаб гап тузинг.

Т. 18. *Хона катта кишиларга ёқти* гапида қайси тиниш белгиси орқали мазмун ва грамматик қурилиш ўзгариши мумкин?

А) вергул; В) нуқта; С) тире; D) нуқтали вергул.

17-дарс. Гап

Қ. Оҳанг ва фикр тугаллигига эга бўлиб, кесимлик шаклари орқали ифодаланган сўз ва сўзлар қўшилмаси ғап дейилади: *Воҳид ўрнидан турди.*

СТ. Гапни сўз ва сўз бирикмаси билан солиштиринг. Учала бирлик ҳақида маълумот беринг. Битта сўзни гапга айлантиринг.

Т. 19. *Ватанимиз эртаси чароғон.* Ушбу гапда кесим олдидан нега тире қўйилмаган?

А) боғлама бўлмагани учун; В) Сифат кесим бўлгани учун; С) кесим равиш бўлгани учун; D) Тире қўйилиши керак эди.

18-дарс. Гапда сўзларнинг боғланиши

СТ. Гапда сўзларнинг боғланиши неча хил? *Китоб ўқидим, ер ва қуёш* бирикмаларидаги боғланишни тушунтиринг.

М. Гапда сўзлар икки хил боғланади: тенг боғланиш ва тобе боғланиш.

19-дарс. Сўз бирикмаси

СТ. Сўз бирикмаси қандай юзага келади? Тобе сўз ҳоким сўзга қандай бирликлар ёрдамида боғланади?

Қ. Тобе сўз ҳоким сўзга келишик, эгалик қўшимчалари, кўмакчи ёки оҳанг воситасида боғланиб, бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб, аниқлаб келса, сўз бирикмаси юзага келади: *қизил гул, уйга келмоқ, қалам билан ёзмоқ.*

М. Сўз бирикмаси ҳар доим икки қисмдан иборат бўлади: **тобе қисм+ҳоким қисм**. Сўроқ ҳоким сўзга қараб берилади.

Т. 20. Қайси бири сўз бирикмаси эмас?

A) ҳаёт гўзал; B) сенга гапирмоқ; C) мактаб боғи; D) укаси учун совға.

22-дарс. Дарак гап

СТ. Гаплар ифода мақсадига кўра неча хил бўлади? Дарак гапнинг асосий белгилари қайсилар?

М. Гаплар ифода мақсадига кўра 4 хил бўлади: дарак, сўроқ, буйруқ, истак гаплар.

Қ. Дарак, хабар маъносини берувчи гап – дарак гап. *Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини қадрлаймиз.*

23–25-дарслар. Сўроқ гап

СТ. Сўроқ гапларнинг ҳосил бўлиши ва асосий белгиларини тушунтиринг. *Хонада Салим борми? Онадан буюк зот борми?* Гапларини солиштиринг.

Қ. Жавоб талаб қиладиган гап – сўроқ гап дейилади.

М. 3 хил усул билан ҳосил бўлади: а) сўроқ олмоши; б) сўроқ юкламаси; в) сўроқ оҳанги.

Т. 21. Сўроқ олмоши сўроқ гапни ҳосил этмаган қаторни топинг.

A) Ким чақиряпти? B) Ким чақирса бораверасанми? C) Ким нима экса, ўшани ўради. D) Ким бу ишни уддалай олади?

М. Сўроқ олмошли сўроқ гап жавоб бўлувчи сўзни талаб қилади: *Ким келди? – Салим.*

М. Юклама билан ҳосил бўлган сўроқ гаплар **«ҳа»** ёки **«йўқ»** жавобини талаб қилади.

Ишни бошлаймизми? – Ҳа.

М. Сўроқ оҳанги ҳам сўроқ гапни ҳосил қилади. *Уйда меҳмон бор?*

Т. 22. Сўроқ юкламаларидан қайси бири сўзга қўшиб ёзилади?

A) -ми; B) -чи; C) -а; D) -я.

26–28-дарслар. Буйруқ, истак, ҳис-ҳаяжон гаплар

М. Буйруқ гапнинг кесими буйруқ майлида, истак гапнинг кесими шарт майли шаклида бўлади. Дарак, сўроқ, буйруқ, истак гаплар ҳис-ҳаяжонсиз ва ҳис-ҳаяжонли бўлиши мумкин.

М. Ҳис-ҳаяжон гаплар таркибида *қанча, нақадар, шунчалар, қандай* ёки ундов сўзлар бўлади. *Оҳ, нақадар гўзал она табиат*!

32–44-дарслар. Гап бўлаклари

Қ. Гап таркибида маълум сўроққа жавоб бўладиган мустақил сўз ёки бирикма гап бўлаги дейилади.

М. Кесим, эга, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи – гап бўлакларидир.

М. Кесим гапнинг мантиқий маркази. Барча бўлаклар кесимга тобеланади.

Т. 23. Қайси қаторда кесимнинг сўроғи берилмаган?

A) нима қилди? B) кимдир? C) қаерда? D) барчаси кесим сўроғи.

М. Эга кесимга тобе. Бош келишикда турган ҳар қандай сўз ёки бирикма эга бўла олади.

М. Ҳол, тўлдирувчи, аниқловчилар иккинчи даражали бўлак ҳисобланиб, кесимни бевосита (ҳол ва тўлдирувчи) ёки билвосита (аниқловчи) тўлдиради, изоҳлайди, аниқлайди.

Қ. Фақат кесимдан иборат гап содда йиғиқ гап дейилади. *Куз. Қара.* **Кесим бошқа бўлаклар билан кенгайса, содда ёйиқ гап ҳосил бўлади**. *Атрофда куз. Сен буларга суқланиб қара.*

46–47-дарслар. Уюшиқ бўлакли гаплар ва уларда тиниш белгилари

Қ. Бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил гап бўлаги бўлиб келадиган бирликлар уюшиқ бўлаклар дейилади.

Уюшиқ бўлакли гапда умумлаштирувчи сўз ҳам бўлиши мумкин.

Т. 24. Умумлаштирувчи сўз қатнашган уюшиқ бўлакли гапларда қайси тиниш белгилари қатнаша олади?

A) нуқта, вергул; B) икки нуқта, тире; C) икки нуқта, тире, вергул; D) кўп нуқта, нуқтали вергул.

Т. 25. *Яхши хулқ, диёнат, қаноат, шижоат, виждон, Ватанни суймак ва бошқалар инсонни улуғлайди.* Ушбу гапда қайси тиниш белгиси билан боғлиқ хато мавжуд?

A) вергул; B) икки нуқта; C) тире; D) кўп нуқта.

48–49-дарслар. Ундалмали гаплар ва уларда тиниш белгилари

М. Ундалма – сўзловчининг фикри қаратилган шахс ёки предметни ифодалаган сўз ёки бирикма. *Мен сизни қуёш деб атайман, ойижон!..*

Қ. Ундалма вергул билан ажратилади, ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ундов белгиси қўйилади.

52–53-дарслар. Кириш сўзлар

Қ. Сўзловчининг фикрига ишонч, гумон, тасдиқ, тахмин каби маъноларни қўшадиган сўзларга кириш сўз дейилади. Улар гапнинг боши, ўртаси ва охирида келиб, вергул билан ажратилади.

ТСЖ. Фикрнинг тўғрилигини ифодаловчи кириш сўзларни топинг. – *Дарҳақиқат, сўзсиз, албатта, тўғри.*

54-дарс. Қўшма гап

Қ. Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан ҳосил бўлган гап қўшма гап дейилади. *Юрт тинч – сен тинч.*

Т. 26. Қайси қаторда қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар берилган?

A) ва, аммо; B) бўлса, эса; C) чунки, негаки; D) барча жавоб тўғри.

СТ. Қўшма гапнинг қандай турлари мавжуд? Боғловчисиз қўшма гап қандай қўшма гаплар билан маънодош?

55–57-дарслар. Кўчирма гап. Диалог ва монолог

Қ. Сўзловчи томонидан ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз ишлатилган гапи кўчирма гап дейилади. *«Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз», – деган улуғ бобомиз Алишер Навоий.*

М. Диалог икки кишининг, монолог якка шахснинг нутқи. Диалог олдидан тире қўйилиб ёзилади.

65-дарс. Сўз туркумлари. Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари

Қ. Бирор сўроққа жавоб бўлиб, кўпинча аташ маъносини билдирувчи, гапда маълум бир гап бўлаги ёки ундалма вазифасида келадиган сўзлар мустақил сўзлар саналади: *китоб, Комил, яхши, ана шу, келмоқ, жўрттага, бешинчи.*

Қ. Сўроққа жавоб бўлмайдиган, аташ маъносини билдирмайдиган сўзларга ёрдамчи сўзлар дейилади: *ва, фақат, сари.*

Т. 27. *Охири, бир кўр киши билан чўлоқ кечга яқин бир сув ёқасига етдилар.* Ушбу гапда нечта ёрдамчи сўз мавжуд.

A) 2 та; B) 3 та; C) 4 та; D) 5 та.

66–69-дарслар. От. Турдош ва атоқли отлар. Келишик ва эгалик қўшимчалари

СТ. Отлар қандай маъноларни билдиради ва қайси қўшимчалар билан келади? Отлар келишик қўшимчаларини олганда қайси гап бўлаклари бўлиб келади? Отлар эгалик қўшимчаларини олганда қандай товуш ўзгаришлари бўлади?

М. Шахс, нарса-буюм, жой номини билдиради. *Ким?, нима?, қаер*? сўроқларига жавоб бўлади. Гапда бош ва иккинчи даражали бўлаклар бўлиб келади.

М. Бир турдаги нарса-буюмнинг номини билдирган отлар **турдош от** дейилади: *қишлоқ, чойнак, ака, дарахт.*

М. Айрим шахс ёки нарса-буюмга атаб қўйилган номлар **атоқли от** дейилади.

ТСЖ. Қайсилар атоқли от таркибига киради? – *Киши исмлари ва фамилиялари, жой номлари, нарса ва ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, китоб, фильм, газета, ташкилот номлари.*

М. Келишик қўшимчалари *(-нинг, -ни, -га, -да, -дан)* отларга қўшилиб, уларни ўзидан кейинги сўзга тобеланти-риб боғлайди.

М. Отларнинг уч шахсдан бирига қарашли эканлигини кўрсатувчи қўшимчалар эгалик қўшимчалари дейилади.

PS. Эгалик қўшимчаси қўшилган от ўзидан олдин келган сўзнинг қаратқич келишигида бўлишини талаб қилади.

Т. 28. Қайси боғланиш ҳар доим қаратқич+эгалик қолипида бўлади?

A) битишув; B) мослашув; C) бошқарув; D) тенг боғланиш.

Т. 29. *Тупроқ, терак, ўша, бурун* сўзлари қайси қўшимчани олса, фонетик ёзувда ёзилади?

A) эгалик; B) келишик; C) кўплик; D) нисбат.

70–71-дарслар. Сифат ва унинг даражалари

М. *Қандай?, қанақа*? сўроқларига жавоб бўлиб, оддий, қиёсий, орттирма даражадаги белгини билдирувчи сўзлар сифат дейилади. Сифат гапда аниқловчи ёки кесим бўлиб келади (баъзан ҳол: *яхши яшамоқ*).

Т. 30. *Усти ялтироқ, ичи қалтироқ*. Мақолда қандай сифат қатнашган?

A) туб; B) ясама; C) қўшма; D) сифат мавжуд эмас.

72–73-дарслар. Сон. Соннинг ёзилиши

Қ. ***Қанча?, неча?, нечанчи?*** **сўроқларига жавоб бўлиб, нарсаларнинг сон-саноғи ва тартибини билдирган сўзлар сон дейилади.**

М. Сон гапда отга боғланса – *аниқловчи*, феълга боғланса – *ҳол*, охирида келса, *кесим* бўлади.

Т. 31. Фонетик ёзувда ёзилган сонларни топинг.

A) битта; B) икков, олтала; C) еттовлон, ўн битта; D) барча жавоб тўғри.

Т. 32. Хато ёзилган сонни топинг.

A) еттовлон, ярмиси; B) IX-синф, бирта; C) 2008 йил, 24 апрел; D) учала, тўртала.

74-дарс. Олмош

Қ. От, сифат, сон ва бошқа сўзлар ўрнида қўлланиб, уларга ишора қилувчи сўзлар олмош дейилади.

СТ. *Қанча?, неча?, ўша, шундай* олмошлари қайси туркумлар ўрнида қўлланади? *Мен, сен* олмошлари қайси келишик қўшимчаларини олса, фонетик ёзувда ёзилади?

Т. 33. *У, бу, шу, ўша* олмошларига қайси қўшимчалар қўшилса, товуш ўзгариши юз беради?

А) -га, -дек, -дай; В) -га, -да, -дан; С) -га, -да, -дай; D) барча жавоблар тўғри.

78–83- дарслар. Феъл. Феъл замонлари. Шахс-сон қўшимчалари

Қ. Феъл – *нима қилмоқ?, нима бўлмоқ?* сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар туркуми.

Т. 34. Қайси қаторда феъл берилган?

А) курашчан; В) ўйландим; С) йиғлоқи; D) аллаким.

М. Феъллар бўлишли ёки бўлишсиз, бирор замон шакли ва шахс-сон шаклида бўлади: *ёзмадим* – бўлишсиз, ўтган замон, I шахс.

М. Феъл замонлари – феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабати. Улар: *ўтган, ҳозирги, келаси замон.*

ТСЖ. *-ди, -ибди, -бди, -ган эди, -ган экан* қўшимчалари билан келган феъллар... – ўтган замон феъли.

ТСЖ. *-янти, -ётир, -моқда* қўшимчалари билан келган феъллар ... – *ҳозирги замон феъли.*

ТСЖ. *-ади, -йди, -ур, -ажак, -моқчи* қўшимчалари билан келган феъллар... – *келаси замон феъли.*

Қ. Феълдан англашилган иш-ҳаракат ва ҳолатнинг сўзловчи, тингловчи ёки ўзгага тегишли эканлигини билдирувчи қўшимчаларга **шахс-сон қўшимчалари** дейилади.

Т. 35. *Ўзингни эр билса..., ўзгани шер бил...* Нуқталар ўрнига нечанчи шахс-сон қўшимчаси қўшилади?

А) I шахс; В) II шахс; С) III шахс; D) шахс-сон қўшимчаси қўшилмайди.

84-дарс. Равиш

СТ. *Тўсатдан, қўққисдан, анча, аввал, кейин, астойдил* сўзларининг равиш эканлигини исботланг. Равишнинг богланиши ва вазифасини тушунтиринг.

Қ. *Қандай?, қанча?, қачон?* **сўроқларига жавоб бўлиб, ҳаракатнинг ҳолати, даража-миқдорини билдирган сўзлар турлуми равиш дейилади:** *тез-тез, ўша ер.*

Т. 36. *Ўқимоқ* феъли билан боғлана оладиган сўзни топинг.

А) секин, ҳали; В) атайлаб, кўп; С) энди, сал; D) барча жавоб тўғри.

88–91-дарслар. Ёрдамчи сўзлар

Қ. Бирор сўроққа жавоб бўлмай, гап ёки гап бўлакларини бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган сўзларга *ёрдамчи сўзлар* дейилади.

М. Ёрдамчи сўзлар: *боғловчи, кўмакчи, юклама.*

Т. 37. Кўмакчини кўрсатинг.

А) ҳақида; В) шунинг учун; С) чунки; D) ахир.

Қ. Боғловчи – уюшиқ бўлаклар ва қўшма гапдаги содда гапларни ўзаро боғловчи ёрдамчилар: *ё, ва, бироқ, дам...дам.*

Қ. Кўмакчи – отларнинг бошқа сўзларга тобе боғланиши учун хизмат қиладиган ёрдамчилар: *укам **учун** китоб, дарё бўйлаб юрди, она **каби** меҳрибон.*

Қ. Юклама – айрим гап бўлаги ёки бутун гапнинг мазмунига қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилувчи сўз ёки қўшимчалар: *ахир, ғирт, -у, -ки, -чи, -оқ.*

ТСЖ. Қайси гапда ёрдамчиларнинг ҳар уч тури мавжуд?
– *Анвар ва Заҳро келиши биланоқ, кўчага чиқдим.*

Т. 38. Берилган кўмакчи ва қўшимчалардан қайсиниси ўзаро маънодош эмас?

А) учун, -га; В) ҳақида, -дан; С) орқали, -дан; D) барчаси ўзаро маънодош.

92-дарс. Ундов ва тақлид сўзлар

Қ. Сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини, ҳайвон-паррандаларни бирор ҳаракатга ундашни ифодаловчи сўзлар – ундов сўзлардир: *ура, эҳ, оҳ, вой, салом, балли, кишт, чуҳ, дрр, тсс, маҳ-маҳ.*

Қ. Товуш ва ҳолат ифодаси бўлган сўзлар – тақлид сўзлардир: *чирс, чаҳ-чаҳ, пўк-пўк, диконг-диконг, ғат-ғут.*

95–96-дарслар. Қўшма сўзлар

Қ. Икки ёки ундан ортиқ ўзаклардан ташкил топиб, битта сўроққа жавоб бўлган сўзлар қўшма сўзлар дейилади: *отқулоқ, тинчликсевар, қўштирноқ; ҳар бир, ҳеч нима, ҳар вақт, олиб чиқ, бориб кел, таъсир эт.*

Т. 39. От+сифатдош қолипли қўшма сўзни топинг.

А) кулранг; В) ишёқмас; С) лайлакқор; D) баландпарвоз.

М. *бир, ҳар, ҳеч* қисмли қўшма сўзлар ажратиб ёзилади, аммо *бирпас, бирйўла* сўзлари бундан мустасно: *бир нима, ҳар кеч, ҳеч ким.*

М. Қўшма феъл, қўшма сон, қўшма олмошлар ажратиб ёзилади: *хабар қилди, ўн тўрт, ана шу.*

97–98-дарслар. Жуфт ва такрорий сўзлар, уларнинг ёзилиши

Қ. Жуфт сўз – маъноси яқин, маънодош ёки зиддош қисмлардан тузилган бир сўз: *ош-нон, ҳамд-сано, катта-ю кичик.*

Т. 40. Қисмлари бир-бирига яқин жуфт сўзни топинг.

А) қариндош-уруғ, эл-юрт; В) ёру дўст, бахт-саодат; С) баланд-паст, ҳовли-жой; D) соғ-саломат, қинғир-қийшиқ.

Қ. Такрорий сўзлар – бир ўзакнинг икки марта такроридан ҳосил бўлган сўзлар: *бора-бора, югур-югур, оз-моз, қанд-панд.*

Т. 41. Жуфт сўзни топинг.

А) ували-жували; В) миш-миш; С) қоп-поп; D) алвон-алвон.

104-дарс. Тилшунослик ва унинг бўлимлари

М. Тил фанини ўрганувчи тармоқ **тилшунослик** дейилади. Бу фан бир неча бўлимлардан иборат. Тилнинг товуш тузилиши **фонетикада**, ҳарфлар тизими **графикада**, сўз ва унинг маънолари **лексикологияда**, сўз туркумлари **морфологияда**, гап ва гапда сўзларнинг боғланиши **синтаксисда** ўрганилади.

Т. 42. Маълум бир тилнинг товуш, сўз, бирикма, ибора ва бошқа соҳалардаги имкониятлари қайси бўлимда тўлиқ намоён бўлади?

А) лексикология; В) морфология; С) синтаксис; D) фонетика.

105-дарс. Фонетика ва графика

Қ. Фонетика – оғзаки нутқнинг товушлар тизимини ўрганувчи бўлим. Графика – ёзма нутқнинг ҳарфлар тизимини ўрганувчи бўлим.

Т. 43. Сўзлаш ва ёзиш орқали маълум фикрни баён қилиш...

A) нутқ; B) товуш; C) сўз; D) гап.

СТ. Нутқ нечта йўл билан амалга ошади? Ҳарфлар кетма-кетлиги асосида баён қилинган нутқ нима дейилади?

106-дарс. Нутқ товуши ва ҳарф

Қ. Нутқ товуши – оғзаки нутқнинг энг кичик, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган қисми.

М. Ҳарф – товушнинг ёзувдаги ифодаси; ҳарфлар бир товуш ёки икки товуш билан ифодаланади: *шудринг, чақмоқ, шаршара.*

107-дарс. Унли товушлар

Қ. Унли товуш – ўпкадан чиқаётган ҳавонинг оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамаслигидан ҳосил бўлган бирлик.

М. Ўзбек тилида 6 та унли товуш бор: *а, о, э, ў, у, и*

ТСЖ. Унли товушларнинг муҳим вазифаси – бўғин ҳосил қилиш.

Т. 44. Қайси сўзда 3 хил унли мавжуд?

A) мантиқий; B) бўлади; C) қаерга; D) антиқа.

108-дарс. Ундош товушлар

Қ. Ундош товушлар – ўпкадан чиқаётган ҳавонинг оғиз бўшлиғида бирор тўсиққа учрашидан ҳосил бўлган товушлар.

М. Тилимизда 24 та ундош товуш бор: *б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ғ, ч, ш, қ, ҳ, нг, дж.*

111-дарс. Нутқ аъзолари

М. Нутқ аъзолари – нутқ товушларини ҳосил этишда иштирок этадиган инсон аъзолари.

М. Нутқ аъзолари: *ўпка, бўғиз, товуш пайчалари, оғиз бўшлиғи, тил, лаблар, тишлар, бурун бўшлиғи.*

1889
8682
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТСЖ. Тил орқа ундошларини кўрсатинг. – *к, г, нг.*
ТСЖ. Тил олди ундошлари қайсилар? – *т, ш, н, қ, г.*

112-дарс. Лаб товушлари

М. Лаб товушлари *б, м, п, в, ф* ундошлари бўлиб, *п, б, м* – лаб-лаб, *в, ф* – лаб-тиш ундошларидир.

Т. 45. Қайси сўзда лаб ундоши сўз ясовчи қўшимча бўлиб келган?

A) сайлаб; B) танлов; C) чақирув; D) сурп.

М. *ф* ундоши фақат ўзлашма сўзларда учрайди.

М. *б* товуши равишдош қўшимчаси сифатида ҳол ҳосил қилади, кўмакчи феълни етакчи феълга боғлайди, эргашган қўшма гап қисмларини боғлашга хизмат қилади; феъл+феъл қолипидаги қўшма феъл қисмларини боглайди.

113-дарс. Тил товушлари

М. Тил товушлари тилда пайдо бўлади ва улар 4 хил: а) тил олди ундошлари: *т, д, с, з, ч, ж, ш, л, р, н*; б) тил ўрта ундоши: *й;* в) тил орқа ундошлари: *к, г, нг*; г) чуқур тил орқа ундошлари: *қ, х, ғ.*

ТСЖ. Қайси сўзда 4 та тил ундоши мавжуд? – *Қўрқоқ.*

Т. 46. Тил ундоши қатнашган ясама сўзни топинг.

A) порлоқ; B) тўкмоқ; C) денгиз; D) келдик.

114-дарс. Бурун товушлари

М. *м, н, нг* – бурун товушларидир.

ТСЖ. қайси қаторда *н* ва *г* бир товушни ифодалаган? – *Онг, тонг, бонг, қаранг, кўнгил.*

СТ. Бурун товушлари қатнашган 10 та сўз айтинг. Қандай сўзларда *н* ва *г* бир товушни ифодалайди?

115-дарс. Бўғиз товуши

СТ. *Хуллас, хаёлпараст, хатти-харакат, хушёрлик, мухлис, хабар, хақ, хайрли, хасад, мехнаткаш, гох-гох, худуд, эхтимол, тахт* сўзларининг қайсиларида бўғиз ундоши ёзилади?

М. *ҳ* – ўпкадан чиқаётган ҳавонинг бўғизда қисилишидан ҳосил бўлган товуш.

Т. 47. Қайси сўзда бўғиз ундоши ёзилиши керак?
A) а...вол; B) ...ато; C) ...алқпарвар; D) а...лоқ.

117-дарс. Нутқ товушларининг маъно фарқлаш вазифаси

М. Фонема – маъно фарқлаш вазифасини бажарувчи товушдир.

СТ. *Қол, қор, қоч, қот* сўзларида қайси товушлар маъно фарқлашга хизмат қилади?

118-дарс. Ўзбек алифбоси

М. Алифбо – ҳарфларнинг маълум бир тартибда жойлашуви.

М. *Алифбо* сўзи араб ёзуви ҳарфларининг биринчи ва иккинчи ҳарфлари номидан олинган: алиф+бо (бе).

М. Янги ўзбек алифбоси тартиби: Aa, Bb, Dd, Ee, Ff, Gg, Hh, Ii, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, Oo, Pp, Qq, Rr, Ss, Tt, Uu, Vv, Xx, Yy, Zz, O‘o‘, G‘g‘, Shsh, Chch, Ngng, ’ (tutuq belgisi).

120-дарс. Талаффуз ва имло меъёрлари

Қ. Тўғри талаффуз меъёри – оғзаки нутқда бир неча хил талаффуз қилинувчи товуш, қўшимча ва сўзлардан адабий тилга қабул қилинган биттаси.

Қ. Имло меъёри – ёзма нутқда бир неча хил ёзилувчи товуш, қўшимча ва сўзлардан қабул қилинган шакли.

PS. Orfoepiya – тўғри сўзламоқ; Orfografiya – тўғри чизмоқ.

ТСЖ. Нотўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг. – *Шамба, махсат, тахсим.*

121–125-дарслар. Унлилар талаффузи ва имлоси

М. Икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида лабланган *у* унлиси таъсирида иккинчи бўғинда *и* унлиси *у* ҳолида талаффуз қилинса ҳам, ёзувда *и* ёзилади: *уриш, юриш, қурит.*

М. *а* ҳарфи баъзан *о* каби талаффуз этилса ҳам, *а* ёзилади: *савоб, замон, баҳор.*

ТСЖ. *о* ҳарфи *ў* каби айтиладиган сўзларни топинг. — *Тонна, ноябр.*

ТСЖ. *о* ҳарфи *а* ҳарфи билан алмашган сўзларни топинг. — *Сана, англа.*

ТСЖ. *а* ҳарфи *о* ҳарфи билан алмашган сўзларни топинг. — *Қайноқ, ишлов.*

М. Асосан олинма сўзларда унлилар қатор келиши мумкин.

СТ. *оа, ао, иа, аи, ио, аа* унлилари қатор келган сўзларга мисол келтиринг.

ТСЖ. Қайси сўзларда унлилар қатор келган? — *Таом, маош, табиат, муаллим.*

ТСЖ. Қайси сўзларда *ў* товуши торроқ талаффуз қилинади? — *Жўра, чўл, муўтабар.*

ТСЖ. Қайси сўзларда *о* унлиси кенгроқ талаффуз қилинади? — *Қори, хўроз, рўмол.*

ТСЖ. Тўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг. — *Mo'tabar, mo'tadil, mo'jiza.*

ТСЖ. Қайси сўзларда э унлиси тўлиқ талаффуз қилинади? — *Экран, неъмат, кеча.*

ТСЖ. *э* ҳарфи *и* каби талаффуз қилинадиган сўзларни топинг. — *Театр, океан.*

129—132-дарслар. Айрим ундошлар талаффузи ва имлоси

М. Сўз охирида *б-п, д-т, з-с, г-к, ғ-х* жуфтликларининг орасидаги фарқ талаффузда йўқолади, ёзувда сақланади: *боб, ёд, эг, боғ.*

ТСЖ. қ ундоши билан тугаган ўзакка қайси келишик қўшимчаси қўшилганда *-га* қўшимчаси *-қа* шаклида ёзилади? — *Жўналиш келишиги.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўзлар тўғри ёзилган? — *Bog'ga, bargga.*

ТСЖ. *к* ундоши билан тугаган сўзларга қайси қўшимча қўшилса *к* ундоши *г* билан алмашади? — *Эгалик.*

ТСЖ. Фонетик ёзувда ёзилган сўзларни топинг. — *Булоғи, қишлоғи, тошлоққа.*

ТСЖ. Морфологик ёзувда ёзилган сўзларни топинг: — *Bog'ga, bug'ga, og'gan.*

ТСЖ. *б* ва *м* ҳарфларидан олдин қайси ундош *м* ҳолида талаффуз қилинади? — *н.*

133–140-дарслар. Айрим ундош ҳарфларнинг изоҳи

М. *ж* ҳарфи *жўжа, жажжи* каби сўзларда тил олди, шартловчи, жарангли товушни ифодалайди, лекин *журнал, жарафа, гижда* каби сўзларда тил олди, сирғалувчи, жарангсиз товушни ифодалайди.

ТСЖ. Қайси жуфтликларда *ҳ* ва *х* ҳарфларининг фарқи сезилади? – *Шох – шоҳ, ухламоқ – уҳламоқ, хол – ҳол.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўзда лаб-тиш ундоши лаб-лаб ундоши каби айтилади? – *Фил, футбол.*

ТСЖ. Қайси сўзда бир лаб-тиш ундоши иккинчи лаб-тиш ундоши билан алмашиб айтилади? – *Афғон.*

СТ. *Уфа* ва *упа, фақир* ва *пақир, туф* ва *туп, фол* ва *пол* сўзларининг маъно фарқларини тушунтиринг. *Шудринг, кўнгил, денгиз, сингил, кенглик, янга, тонги* сўзларини *менга, осмонга, конгресс, штанга* сўзлари билан солиштиринг.

ТСЖ. *Соч, ош, шош.* Бу сўзлар ҳақидаги қайси ҳукм тўғри? – *Шаклдош сўзлар.*

141-дарс. Қўш ундошли сўзлар

ТСЖ. Қайси сўзларда қўш ундош аниқ талаффуз қилинади? – *Икки, чаққон.*

ТСЖ. Қайси сўзларда қўш ундошдан биттаси талаффуз қилинади? – *Миллион, артиллерия, конгресс.*

ТСЖ. Қайси сўзларда қўш ундошдан кейин шу ҳарф билан бошланувчи қўшимчалар қўшилса, қўш ундошдан бири тушириб ёзилади? – *Грамм, металл.*

ХМ. Қўш ундошли ушбу сўзларнинг талаффузи ва ёзилишини ёдда тутинг: *мураббий, ёввойи, тараққиёт, миллион, миннатдор, килограмм, танаффус, комиссия, миллиард, грамматика, қассоб.*

142-дарс. Тутуқ белгисининг ишлатилиши

М. Тутуқ белгиси унлидан кейин келса, шу унли чўзиқроқ айтилади: *аъло, раъно, маъно, даъво, неъмат, эътибор.*

М. Тутуқ белгиси ундошдан кейин келса, шу ундош билан ундан кейин келган унли ажратиб айтилади: *саньат, қалъа, журъат, қатъий, иньом.*

Қ. Тутуқ белгиси унлидан кейин келса, шу унлини чўзишга, ундошдан кейин келса, ундош билан унлини ажратишга хизмат қилади.

М. Тутуқ белгили сўзлар асосан арабийдир.

143-дарс. Қатор келган ундошлар

М. Агар бир бўғинда икки хил ундош ёнма-ён келса, қатор келган ундош ҳисобланади: *гўшт, барг, дарахт, метр, сайр, илм, суст, брокер, стакан, трактор.*

М. Агар ёнма-ён келган ундош алоҳида-алоҳида бўғинларда бўлса, қатор келган ундош ҳисобланмайди: *пахта, нимча, ўсимлик, компютер, ўртоқ, илҳом, инграмоқ.*

СТ. Қатор ундош деганда қандай ундошни тушунасиз?

146—147-дарслар. Бўғин ва унинг турлари

Қ. Бир ҳаво зарби билан айтилган товуш ёки товушлар бирикмаси бўғин дейилади.

М. Унли билан тугаган бўғин очиқ бўғин, ундош билан тугаган бўғин ёпиқ бўғин дейилади.

ТСЖ. Очиқ бўғинли сўзлар қаторини топинг. — *Жимирламоқ, амалпараст.*

ТСЖ. Ёпиқ бўғинли сўзлар қаторини топинг. — *Лайлакқор, сувсизлик.*

PS. Сўзнинг ўзак ва қўшимчаларга ажралиши бўғинга ажралишига ҳамма вақт ҳам тўғри келмайди: *сут-ли (тўғри келади), бар-ги (тўғри келмайди).*

М. Бўғин кўчиришнинг махсус қоидалари бор: а) сатрга сиғмай қолган сўз бўғин асосида кейинги сатрга кўчирилади; б) бир товушдан иборат бўғинлар эски сатрда қолмайди, янги сатрга кўчирилмайди; в) *sh, ch, ng* ҳарф бирикмалари ажратиб кўчирилмайди; *2005, XXI, 5-«б» синф, «Наврўз—2002», БМТ* каби бирликлар ҳам бўғинга кўчирилмайди.

148-дарс. Урғу ва унинг турлари

ХМ. Ушбу сўзларда урғу маънони фарқлаб, шаклдош сўзлар ҳосил қилишини эсда тутинг: *олма, атлас, тугма, кўзлар, сўзлар, саҳифалар, тортма, йигитча, қизгина, ўқувчимиз, академик.*

Қ. Сўзда бирор бўғинни, гапда бирор бўлакни бошқасига [illegible] кучлироқ талаффуз қилиш урғу дейилади. Шунга [illegible], бўғин урғуси сўз урғуси, бўлак урғуси мантиқий урғу [illegible].

М. Ўзбек тилида сўз урғуси охирги бўғинга, гап урғуси [illegible]дан олдинги бўлакка тушади. Лекин сўз ва гап урғуси [illegible] ўринларда ҳам бўлиши мумкин: *ҳозир, албатта, доим* [illegible]ларида охирги бўғинга тушмаган. *Ватанимиз – келажак[illegible] давлат бўлади* гапида урғу *Ватанимиз* сўзига туш[illegible].

Т. 48. *Гапирмайсанми* гапида урғу нечанчи бўғинга туш[illegible]?

A) 1; B) 2; C) 3; D) 4.

149-дарс. Товушларнинг орттирилиши ва тушириб қолдирилиши

М. *Рост, гишт, хурсанд* сўзлари талаффузида охирги ун[illegible] тушиб қолади.

М. *Оид, шоир* сўзлари талаффузида бир ундош орттири[illegible].

Т. 49. Қайси сўзларда товуш тушиши юз берган?

A) ўрни, пасай; B) қувноқ, сайлов; C) ўқув, тўқув; D) ҳаққи, [illegible]чиқ.

ТСЖ. Адабий меъёрга мос сўзларни топинг. – *Айрил, [illegible]мени, иссиқ, қувноқ.*

158-дарс. Лексикология

СТ. Лексикология нимани ўргатади? «Лексикология» сўзи юнонча қайси сўзлардан олинган?

ТСЖ. Сўз тил фанининг қайси бўлимларида ўрганилади? – *Лексикология ва морфологияда.*

ТСЖ. Қайси қаторда сўз бирикмасидаги тобе қисм ўз маъносида қўлланмаган? – *Келинчак баҳор, пўлат ирода, кумуш қиш.*

159-дарс. Сўзнинг аташ маъноси

Қ. Сўзларнинг борлиқдаги нарса-ҳодисалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларни ифодалаши аташ маъноси дейилади.

М. Фақат мустақил сўз туркумларигина аташ маъносига эга.

ТСЖ. Аташ маъносига эга бўлмаган мустақил сўз туркумини топинг. — *Олмош.*

СТ. *Шундай, керак, ва, чунки, ғирт, ҳатто, аммо* сўзлари нима учун аташ маъносига эга эмас?

160—161-дарслар. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар

М. Нутқий жараёнда фақат битта маъно англатган сўз **бир маъноли**, икки ва ундан ортиқ маънода қўлланувчи сўзлар **кўп маъноли сўз** ҳисобланади.

М. Кўп маъноли сўзда **ўз** ва **кўчма** маъно бўлади, бир маъноли сўзда эса фақат **ўз маъно** бўлади.

М. Ўз маъно — сўзнинг нутқ жараёнига боғлиқ бўлмаган аташ маъноси: *кўз* — кўриш аъзоси; нутқ жараёнидаги бошқа сўзлар ёрдамида англашилган маъноси — кўчма маъно: *кўз* — деразанинг кўзи, ишнинг кўзи, булоқнинг кўзи, узукнинг кўзи.

ТСЖ. Бир маъноли сўзларни кўрсатинг. — *Ўн, Тошкент, геометрия.*

ТСЖ. Кўп маъноли сўзларни кўрсатинг. — *Оғиз, қўл, илиқ, чуқур, хира, совуқ.*

ТСЖ. *Юмшоқ* сўзи қайси сўзлар билан бирикса, кўчма маънода қўлланган ҳисобланади? — *Одам, феъл, овоз, сув.*

164-дарс. Шаклдош сўзлар

Қ. Шаклдош сўзлар (омонимлар) — айтилиши ва ёзилиши бир хил сўзлар: *тут, ют, оқ, ёт, эт, уч, сузма, боғлар, кўзлар, олма.*

СТ. Шаклдош сўзлар кўп маъноли сўзлардан қайси белгисига кўра фарқланади?

ТСЖ. Қайси қаторда бир неча маъно ифодаловчи битта сўз берилган? — *Қаттиқ.*

ТСЖ. Бир неча маъно англатувчи бир неча сўзни топинг. — *От, ўт, йигирма.*

165-дарс. Уядош сўзлар

Қ. Уядош сўзлар — бир мазмуний гуруҳга (уяга) мансуб сўзлар.

М. *Бузоқ, сигир, совлиқ, қўчқор* — уй ҳайвонлари уясида.
СТ. Уй-рўзғор буюмлари уясига оид сўзларни келтиринг.

166-дарс. Паронимлар

Қ. Паронимлар — бир товуш билан фарқ қилувчи, талаффузи бир хил сўзлардир: *абзал—афзал, амир—амр, даҳо—даҳа, разм—разм, ёлқин—ёрқин, сайл—сайр, роса—расо.*

М. Паронимларни тўғри қўлламаслик услубий хатога олиб келади.

ТСЖ. Услубий хатога йўл қўйилган гапни топинг. — *Бобурнинг Қобул довони топилган эмас. Шеърни ёт олинг. Тўйга келиши ғамладим. Амир — фармон демакдир.*

167—168-дарслар. Маънодош сўзлар

Қ. Маънодош сўзлар (синонимлар) — бир умумий маънони ифодаловчи икки ва ундан ортиқ сўзлар: *баҳс, мунозара, тортишув; танқис, камчил, тақчил.*

СТ. Маънодош сўзлардан фойдаланишнинг қандай аҳамияти бор? *Қарамоқ* сўзининг маънодошларини топинг.

М. Маънодош сўзлар мажмуи синонимик қатор дейилади. Синонимик қаторда турувчи биринчи сўз доминантдир. Бошқа сўзлар эса турли маъно қирралари билан намоён бўлади.

М. *Шивирламоқ, гапирмоқ, бақирмоқ, бўкирмоқ* сўзлари маъновий синоним бўлиб, матнда **сўзламоқ** луғавий бирлигининг турли маъно қирраларини намоён этади.

ТСЖ. Китобий услубга хосланган маънодошларни топинг. — *Ирод этмоқ, баён этмоқ.*

169-дарс. Зид маъноли сўзлар

Қ. Антонимлар — зид маъноли сўзлардир.

М. Зид маъноли сўзлар доимо икки қарама-қарши маънодан иборат бўлади.

ТСЖ. Қайси антоним жуфтликлар *бари, овқат тури, ҳамма ёқдан* аташ маъноларини ифодалаган? — *Ёшу қари, аччиқ-чучук, узоқ-яқиндан.*

172-дарс. Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари

Қ. Ўзбек тили икки манба асосида бойиб боради: ички ва ташқи манба.

М. Ички манба – янги сўз ясаш ва шевадан сўз олиш: *гулзор, ўйна, виждонан, дугона.*

М. Ташқи манба – бошқа тиллардан сўз олиш: *китоб, гул, бизнес, палто, чой.*

173-дарс. Эскирган сўзлар

Қ. Эскирган сўзлар – тилимизнинг маълум даврида қўлланиб, ҳозирги кунда фойдаланилмайдиган сўзлар: *қози, амир, элиг, аълам.*

М. Эскирган сўзлар 2 хил: **тарихий** ва **архаик** сўзлар.**Тарихий** сўзлар ўзи билдираётган маъно билан эскиради: *қози, миршаб, амин, ботмон, пайса.* **Архаик** сўзларнинг шакли эскиради, маъноси бошқа сўз билан ифодаланади: *илик – қўл, тиши – аёл, алам – байроқ, ҳандаса – геометрия.*

174-дарс. Янги сўзлар

Қ. Янги сўзлар – ҳозирги кунда янгилик белгисини сақлаб турган сўзлар: бизнес, маркетинг, монитор, «сичқонча», «кучукча», интернет, бакалавр, магистр.

175-дарс. Иборалар

Қ. Ибора – маъноси бир сўзга тенг келадиган сўзлар бирикмаси ёки гап.

М. Иборалар гап таркибида битта сўроққа жавоб бўлади ва битта гап бўлаги бўлиб келади.

М. Иборалар нутқни таъсирчан, жозибали қилади.

ТСЖ. *Тилидан бол томади* иборасининг маъноси қайси қаторда тўғри берилган? – *Ширинсўз.*

ТСЖ. *Илоннинг ёғини ялаган* иборасининг маъноси нотўғри берилган қаторни топинг. – *Ишёқмас.*

СТ. *Қўли калталик қилди, гапни кесди, мум тишлаб қолди, бурни кўтарилган, қўл қўймоқ* ибораларининг сўз синонимларини топинг.

176-дарс. Тасвирий ифода

М. Тасвирий ифода – нарса ва ҳодисаларнинг иккинчи номи.

Қ. Тасвирий ифода — бирор нарса ва ҳодисани бошқа бир нарса ҳодисага қиёслаб, тасвирлаб баён қилиш: шер — ўрмон подшоси.

СТ. Ушбу тасвирий ифодаларнинг сўз синонимларини қиёсланг: *мўйқалам соҳиби, саломатлик посбонлари, чарм кўпкоп устаси, ғазал мулкининг султони, ҳаётимиз қомуси, олтин бошоқ, пўлат от, кумуш чойшаб, само лочини, зангори шоз.*

180—181-дарслар. Атамалар

М. **Атамалар** — илм-фан ёки касб-ҳунар доирасида ишлатиладиган бир маъноли сўзлар: *квадрат, андава.*

М. Атамалар икки хил йўл билан ҳосил бўлади: умумхалқ тилидаги сўзлардан маъносини махсуслаштириш орқали (*от, илдиз, ҳол, феъл*) ҳамда бошқа тиллардан илмий тушунча учун атама олиш (*каср, мусбат, манфий*).

ТСЖ. Синтаксисга оид атамаларни кўрсатинг. — *Эга, боғлама, уюшиқ бўлак.*

ТСЖ. Касбий атамаларни кўрсатинг. — *Андава, лойхўрак.*

182-дарс. Шевага хос сўзлар

Қ. Шевага хос сўзлар — бир ҳудуд доирасида қўлланиб, шу ерда яшовчиларга тушунарли бўлган сўзлар (диалектизмлар).

СТ. *Учоқ, инак, шоти, каллапўш, юмурта, мўрча, довучча, қаринджа* сўзларининг адабий тилдаги шаклларини кўрсатинг.

183-дарс. Олинма сўзлар

Қ. Олинма сўзлар — ўзбек тилига қариндош бўлмаган тиллардан ўзлашган сўзлардир: *радио, телевизор, трамвай, коллеж, лицей, чой, бизнес, китоб, илм, баҳор, маъно, гул.*

ТСЖ. Тожик тилидан ўтган сўзларни кўрсатинг. — *Беҳи, гулдон.*

ТСЖ. Инглиз тилидан ўтган сўзларни кўрсатинг. — *Волейбол, троллейбус.*

ТСЖ. Рус тилидан ўтган сўзларни кўрсатинг. — *Лампочка, парта.*

184–185-дарслар. Луғатшунослик

М. Луғатшунослик (лексикография) – луғат тузиш қоидаларини ўрганувчи бўлим.

Қ. Луғат – тилимиздаги сўзларнинг алифбо тартибида жойлаштирилиши.

ТСЖ. Тилдаги барча сўзларнинг қандай маъноларни билдириши қайси луғатда берилади? – *Изоҳли луғатда.*

ТСЖ. Бир тилдаги сўз иккинчи тилда қандай сўзга тенг келишини кўрсатувчи луғат... – *Таржима* луғати ҳисобланади.

ТСЖ. Имло луғати ... – *Сўзларнинг тўғри ёзилишини кўрсатувчи луғат.*

ОНА ТИЛИ 062005

1-дарс. Ўзбекистонда давлат тили ва бошқа тилларнинг ривожи

М. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси: «*Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир*».

М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси: «*Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир*».

Т. 1. Қайси қаторда ўзбек тилига қариндош бўлмаган тил берилган?

A) украин; B) қозоқ; C) шор; D) нўғай.

ТСЖ. Ҳозирги Хитой Республикаси ҳудудида қайси турки халқ истиқомат қилади? —*Уйғур.*

2-дарс. Унли товушлар

СТ. 1. Унли товушлар деб қандай товушларга айтилади? 2. Ўзбек тилидаги унли товушларни айтинг ва уларга тавсиф беринг. 3. *Бола, ўрик, кема, эшик* сўзларидаги унлиларни изоҳланг.

Т. 2. Қайси қатордаги нуқталар ўрнига 6 та унли фонема қўйиб, янги сўз ҳосил қилиш мумкин?

A) з...р; B) б...р; C) т...р; D) д...л.

3-дарс. Ундош товушлар

СТ. 1. Ундош товушларнинг ҳосил бўлишини тушунтиринг. 2. Жарангли ва жарангсиз ундошларга тавсиф беринг. 3. Лаб ундошлари қайсилар? 4. Тил ундошлари қайсилар, улар қандай ҳосил бўлади ва неча хил? 5. Портловчи ва сирғалувчи ундошлар қайсилар?

ТСЖ. *Меҳнат — роҳат ва фароғатнинг калити.* Ушбу гапда нечта тил ундоши қатнашган? — *12 та.*

ТСЖ. Қайси қаторда морфологик ёзувда ёзилиб, айтилиши ва ёзилиши фарқ қиладиган сўзлар берилган? — *Кутган, туссиз, чиққач, тўккунча.*

Т. 3. Фонетик ёзувда ёзилган қайси сўзда ундош товуш ўзгаришга учраган?

А) буйруғи, сарғимтир; В) хонаки, оғзаки; С) саноқсиз, атоқли; D) яша, ўйна.

Т. 4. 1. *Идрок*, 2. *юрак*, 3. *иштирок*, 4. *ток*, 5. *эрк*, 6. *билак* ушбу сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилса, қайси бирининг ўзагида товуш ўзгариши бўлмайди?

А. 1, 2, 3; В) 4, 5, 6; С) 1, 3, 5, 6; D) 1, 3, 4, 5.

Т. 5. Сўзларга қайси қўшимчалар қўшилса, асос охиридаги жарангсиз ундош жаранглига алмашади?

А) келишик қўшимчалари; В) унли билан бошланувчи эгалик қўшимчалари; С) кўплик қўшимчалари; D) сўз ясовчи қўшимчалар.

Т. 6. *Конгресс* сўзида нечта тил товуши бор?

А) 2 та тил орқа ва 4 та тил олди; В) 4 та тил олди ва 2 та тил орқа; С) 2 та тил орқа ва 3 та тил олди; D) 2 та тил орқа ва 2 та тил олди.

4-дарс. Ўзбек алифбоси ва имло қоидалари

СТ. 1. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек ёзувига ўтиш ва янги имло қоидалари ҳақида сўзланг. 2. Ўзбек алифбосини ёддан айтиб беринг. 3. Имло қоидалари деганда нимани тушунасиз?

ТСЖ. Қайси қаторда сўз хато ёзилган? — *Буришган, унгир, улгирмоқ, шовилла.*

ТСЖ. Қайси қаторда сўз хато ёзилган? — *Олимпийада, хукумат, қаҳ-қаҳа.*

ТСЖ. Қайси сўзларнинг айтилиши ва ёзилиши бир хил эмас? — *Қовун, хушомадгўй, шод, ҳашарот, шогирд, ботаника.*

Т. 6. Хато ёзилган сўзни топинг.

А) узим; В) шод-ҳуррам; С) барчаси хато ёзилган; D) улгирмоқ.

5-дарс. Бўғин ва урғу

СТ. 1. Бўғин деб нимага айтилади? 2. Очиқ ва ёпиқ бўғин ҳақида сўзланг. 3. Урғу ва унинг турлари ҳақида гапиринг.

Т. 7. Қуйидаги қайси сўзларда урғу маънони фарқлашга хизмат қилади ва шаклдош сўзни юзага келтиради? *1. Чизма. 2. Кўзлар. 3. Қизгина. 4. Ҳозир. 5. Йигитча. 6. Ўқувчимиз.*

А) 1, 2, 3, 4, 5, 6; В) 2, 3, 4, 5; С) 1, 3, 4, 5, 6; D) 2, 4, 6.

Т. 8. Қайси қаторда урғу туфайли юзага келган шаклдош сўзлар берилган?

A) Бу қишлоқча тоғ бағрида жойлашган. B) Боғдаги гуллар кузга бориб гуллар. C) Бу олма эрта-индин гулласа керак. D) Барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Қайси сўзларда урғу маънони фарқлаган? — *Гуллар, тузлар, янги, сўзлар, ҳозир, қизгина, боғча, кўзлар, саҳифалар.*

Т. 9. Қайси қатордаги гапда урғу туфайли юзага келган шаклдош сўзлардаги шаклдош қўшимчанинг таркиби бир хил эмас.

A) Бу кўзлар эзгуликни кўзлар. B) Йигитча янгича одатларга кўниколмади. C) Сузма қатиқни сузма. D) Иш-чи? — Ёш ўшқирди ишчи.

6-дарс. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар

СТ. 1.Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? 2. Ўз ва кўчма маъно деганда нимани тушунасиз? 3. Кўчма маъноли сўзларга мисоллар келтиринг.

Т. 10. Қайси қатордаги гапда кўчма маъно ифодаланмаган? — *A) У кўл ёқасига келиб қолганини ҳам сезмади. B) Элёрнинг вужудига оромбахш шабада югурди. C) У ҳовучига сув олиб, юз-қўлини чайди. D) Барчасида кўчма маъноли сўз мавжуд.*

ТСЖ. Синекдоха усулида маъно кўчган сўз қатнашган гапни топинг. — *Не кунларни кўрмади бошим.*

Т. 11. *У ўз жигарига ҳам раҳм-шафқат қилмади.* Ушбу гапда маъно кўчишининг қандай усули қўлланган?

A) метафора; B) синекдоха; C) метонимия; D) ирония.

ТСЖ. Бир маъноли сўз иштирок этган қаторни аниқланг. — *Ўсимликлар карбонат ангидрид ютиб, кислород чиқариб беради.*

7-дарс. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари

СТ. 1. Шаклдош сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? 2. Маънодош сўзлар деганда нимани тушунасиз? 3. Зид маъноли сўзларга мисоллар келтиринг. 4. Пароним сўзлар деб қандай сўзларга айтилади?

Т. 12. Қайси гапда шаклдош бўладиган иккита сўз берилган?

A) Ош тотиғи туз. B) Бор, тошингни тер. C) Туш, ишингни қил. D) Барча жавоблар тўғри.

Т. 13. Қайси қатордаги сўзларнинг маънодоши мавжуд?

A) эҳтимол, совға; B) эшитмоқ, ғалаба; C) барча жавоблар тўғри; D) хато, қадам.

ТСЖ. Қайси қатордаги мақолда иккита маънодош жуфтлик бор?— *Яхшилик нур келтирар, ёмонлик — зулмат.*

ТСЖ. Зиддош сўз қатнашган гапни аниқланг. — *Бир нўноққа бир эпчил эш бўлди.*

Т. 14. Берилган сўзларнинг қайси бирида пароним жуфтлик йўқ?

A) туб, ёд, бурч; B) уруш, буруш, оғиш; C) ёқилғи, қайд, туз; D) барчасида паронимлик мавжуд.

Т. 15. Қайси қаторда *«ғалаба»* сўзининг маънодоши тўғри берилган?

A) зафар; B) босим; C) муваффақият; D) мусобақа.

8-дарс. Эскирган ва янги сўзлар. Атамалар. Шевага хос сўзлар. Иборалар. Луғатшунослик

СТ. 1. Эскирган сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? 2. Янги пайдо бўлган сўзларга мисоллар келтиринг. 3. Атамалар деб нимага айтилади? 4. Шевага хос сўзларга мисоллар айтинг. 5. Иборалар ҳақида сўзланг. 6. Луғатшуносликда нималар ўрганилади?

Т. 16. Қайси қаторда архаизмлар берилмаган?

A) мисқол, удайчи; B) бўнак, алам; C) туғ, битик; D) барчаси архаизм.

ТСЖ. Қайси қаторда неологизм берилган? — *Хусусийлаштириш, фермер.*

ТСЖ. Қайси қаторда биологияга оид атама берилган? — *Фотосинтез.*

ТСЖ. Қайси қатордаги иборанинг маъноси нотўғри берилган? — *Ковушини тўғрилаб қўймоқ (қўрқмоқ).*

ТСЖ. Луғатшунослик тарихида илмнинг турли соҳалари бўйича қайси луғат алоҳида ажралиб туради? — *«Асос ул-балоға».*

12-дарс. Морфология

СТ. 1. Лексикология сўзнинг қайси томонини ўрганади? 2. Сўзнинг аташ маъноси нима? 3. *Қарамоқ, боқмоқ, кўрмоқ* сўзларининг аташ маъносини айтинг. 4. *Чаққон, нур* сўзларининг маънодошларини айтинг. 5. Морфология сўзнинг қайси томонини ўрганади? 6. *Йўл* сўзининг аташ ва грамматик маъносини айтинг.

Т. 17. Қайси қаторда *«олма»* сўзининг аташ маъноси тўғри берилган? *A) мевали дарахт; B) олма дарахтининг меваси; C) A ва B; D) нарсани олма.*

ТСЖ. Қайси атама «шакл+таълимот» аташ маъносини беради? – *Морфология.*

Т. 18. Қайси қаторда *«чаққон»* сўзининг грамматик маъноси берилган?

A) тез ҳаракатланувчи; B) сифат, оддий даража; C) барча жавоблар тўғри; D) ишбилармон шахс.

ТСЖ. Қайси қатордаги атама 2–3 хил аташ маъносига эга бўлиши мумкин? – *Омонимлар.*

ТСЖ. Қайси сўзлар 2–3 хил грамматик маънога эга бўлиши мумкин? – *Маънодош сўзлар.*

ТСЖ. *Ялқовлик муҳтожлик эшигидир* гапида *эшигидир* сўзининг грамматик маъноси қайси қаторда тўғри берилган? – от-кесим, от.

М. Сўзларнинг борлиқдаги маълум нарса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатларни билдириши уларнинг *аташ маънолари* ёки *луғавий маънолари* дейилади.

М. Лексикология – тилшуносликнинг аташ маъноларини ўрганувчи бўлими.

М. Сўзлар аташ маъноси билан бирга, маълум грамматик маъно ва уни ифодаловчи шаклга ҳам эга. *Олмаларимни* сўзида кўплик, эгалик, келишик шакллари, от, аниқ от кўринишлари грамматик маънодир.

Қ. Грамматик маъноларни ифодаловчи воситалар (кўплик, эгалик, келишик, нисбат, тусланиш, даража ва ҳ.к.) грамматик шакл дейилади.

Т. 19. Тилшуносликнинг қайси бўлимларида сўз ўрганилади?

A) лексикология ва синтаксис; B) морфология; C) лексикология; D) морфология ва лексикология.

13-дарс. Сўз таркиби

СТ. 1. Сўз таркиби деганда нимани тушунасиз? 2. *Дўстларимизни* сўзининг таркибини аниқланг. 3. *-жон, -хон, -чи, -дор* қўшимчаларини сўзларга қўшинг ва уларнинг маъноларида содир бўлаётган ўзгаришларни тушунтиринг.

Қ. Сўз таркиби асос ва қўшимчалардан иборат.

Т. 20. Қайси қаторда икки асосли сўз берилган?

А) бойчечак; В) Сарварбой; С) оташпараст; D) дарсхона.

ТСЖ. Қайси қаторда иккита бир хил қўшимча мавжуд? — *Улуғворлик.*

PS. Асос ва қўшимчалар сўзнинг маъноли қисмларидир.

PS. Агар бир хил асосларга турли сўз ясовчи қўшимчалар қўшилса, ҳосил бўлган сўзлар **асосдош сўзлар** дейилади: чопқир, чопағон, чопувчи; бехабар, хабардор, хабарсиз.

Т. 21. Қайси қаторда асосдош сўзлар берилган?

А) илмли, илмий, илмпарвар; В) улуғла, улуғвор, улғай; С) ёғли, ёғсиз, ёғла, серёғ; D) барча жавоблар тўғри.

14-дарс. Асос ва қўшимчалар

СТ. 1. Асос ва қўшимчаларнинг фарқи нимада? 2. *Гиёҳларни, ажратилди, саёҳатчилар, бағрига, ноинсофлик* сўзларини маъноли қисмларга ажратиб, асос ва қўшимчаларни изоҳланг.

Қ. Сўзнинг асосий маъносини ифодалаб, мустақил қўллана оладиган қисми асос дейилади.

Қ. Мустақил қўллана олмайдиган, асосга қўшилиб, унга янги ёки қўшимча маъно юклайдиган, шунингдек, сўзларни боғлашга хизмат қиладиган қисмга қўшимча дейилади.

PS. Асос: а) сўзнинг асосий маъносини ифодалайди; б) мустақил қўллана олади.

PS. Қўшимча: а) мустақил қўллана олмайди; б) асосга янги маъно юклайди; в) асосга қўшимча маъно юклайди; г) сўзларни бир-бирига боглайди.

PS. Фақат сўз ясовчи қўшимчалар асосдан кейин ва олдин қўлланиши мумкин.

ТСЖ. Фақат асосдан иборат ясама сўзни топинг. — *Бойчечак.*

Т. 22. Қайси сўзда иккита сўз ясовчи қўшимча мавжуд?

А) боғлам; В) ноинсофлик; С) билимдон; D) барча жавоблар тўғри.

15-дарс. Қўшимчалар таснифи

СТ. 1. Сўз ясовчи қўшимчаларни изоҳланг. 2 Шакл ясовчи қўшимчаларнинг вазифаси нима? 3. *Сув, ақл* сўзларига аввал сўз ясовчи, кейин шакл ясовчи қўшимча қўшинг.

Қ. Қўшимчалар вазифасига кўра икки турли бўлади: а) сўз ясовчи қўшимчалар, масалан, оқ асосига *-ла* қўшимчасининг қўшилишидан *«оқ рангга киритиш»* маъноли янги сўз ясалади; б) шакл ясовчи қўшимчалар, масалан, *-лар* қўшимчаси *ер* асосига қўшилиб, унинг маъносидан бошқа янги маъно ясамайди, гулнинг бирдан ортиқ эканлигини билдиради.

ТСЖ. Қайси қатордаги қўшимча синтактик шакл ясовчи ва сўз ясовчи қўшимча бўла олади? — *-им.*

Т. 23. Агар *-ла* қўшимчаси *«оқ»* сўзига қўшилиб, «оқ рангга киритиш» маъносини юзага келтирса, қандай қўшимча ҳисобланади?

А) сўз ясовчи; В) алоқа-муносабат шакли; С) луғавий шакл ясовчи; D) эгалик шакли.

Т. 24. Ушбу қўшимчаларни гуруҳлаштиринг. *1. -бон, 2. -шунос, 3. -ин, 4. -ги, 5. -лар, 6. -тир, 7. бе-, 8. -иб, 9. -ли, 10. -ий,11. -она, 12. -гунча, 13. -соз, 14. -дир, 15. -паз, 16. -иқ, 17.-га, 18.-сиз,19. -ча, 20. -чи.*

А) сўз ясовчи: 1, 2, 3, 4, 7, 9, 10, 11, 13, 15, 16. 18. В) шакл ясовчи қўшимча: 5, 3, 6, 18, 12, 14, 17, 19, 15. С) А ва В. D) 3, 4, 6, 8, 9, 14, 17, 19.

Т. 25. Қайси қатордаги сўзда сўз ясовчи қўшимча мавжуд?

А) шоирнинг; В) юришгандан; С) иситмади; D) чангитиб.

Т. 26. Қайси қатордаги ясама сўз фонетик ёзувда ёзилган?

А) қийноқ; В) қўрқоқ; С) тупроқ; D) ушоқ.

16-дарс. Сўз ясовчи қўшимчалар

СТ. 1. Қандай сўзлар сўз ясовчи қўшимча дейилади? 2. *Тинимсиз, беғуборлик, севинч, тинчликсевар, билимдон, кўрқинчли, суҳбатлашмоқ, одамгарчилик, мажбурият, ишловчи, кераксиз, дўстона, аллаким* сўзларидаги сўз ясовчи қўшимчаларни ажратинг.

Қ. Асосга қўшилиб, янги маъно ҳосил қилувчи қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади. Масалан, *дўппи+дўз, сер+қатнов, фойда+ли, тақсим+ла.*

PS. Асосга қўшилиб янги маъно ҳосил қилади, асосдан кейин ва олдин қўшилади.

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз ясовчи қўшимча товуш ўзгаришига учровчи янги сўз ҳосил қила олади? — *-истон, (Қорақалпоғистон).*

ТСЖ. Қуйидаги гапда нечта сўз ясовчи қўшимча мавжуд? *Қордек оппоқ, қордек юмшоқ, дум-думалоқ чиройли савлати бор. — 3 та.*

ТСЖ. *Замонавий билимга эга, одобли, илмли, баркамол* ва *шижоатли фарзандлар бизнинг келажагимиздир.* Ясовчи қўшимчали сўзларни аниқланг. — *6 та ясама сўз.*

ТСЖ. *1. -ли. 2. -сиз. 3. -дош. 4. -чи. 5. -илла. 6. -ла. 7. -лик.* Қайси қўшимчалар сифат ва от ясаши мумкин? — *4, 7.*

Т. 27. Қайси қаторда ҳам от, ҳам сифат ясовчи омоним қўшимчалар берилган?

A) -дўз, -чи, -чан, -к, -ма; B) -боз, -дор, -й, -бе, -бо; C) -а, -гар, -ч, -дош, -к; D) -қ, -ин, -кор, -дон, -дош.

Т. 28. *-ир* қўшимчаси вазифасига кўра қандай қўшимча ҳисобланади?

A) луғавий шакл ясовчи; B) сўз ясовчи; C) A ва B; D) синтактик шакл ясовчи.

Т. 29. Пайтга хос белгини билдирувчи сифатлар ясовчи қўшимчани топинг.

A) -чи; B) -й; C) -симон; D) -ги.

Т. 30. Хослик белгисини билдирувчи сифатлар ясовчи қўшимчани топинг.

A) -ий; B) -ли; C) -симон; D) -чи.

Т. 31. *-ч* қўшимчаси қайси қатордаги сўзлардан от ясайди?

A) ишон, таян, қувон; B) жиркан, тин, севин; C) қўрқ, тин, қувон; D) ўтин, шошил, ая.

17-дарс. Туб ва ясама сўзлар

СТ. 1. Туб ва ясама сўзларнинг фарқи нимада? 2. *ишонч, отқулоқ, ота-онасиз* сўзлари нима учун ясама сўз ҳисобланади?

Қ. Туб сўз таркиби асос ва ясовчи қўшимчаларга бўлинмайди. Масалан, *тош, темир, қуёш.*

Қ. Ясама сўзлар — сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган янги асос (содда ясама сўз — *тошлоқ, темирчи*),

қўшимча ва жуфт сўзлар. Бир умумий асосга эга бўлган сўзлар асосдош **сўзлар дейилади:** ***ташвишли, серташвиш, ташвишланмоқ*** **каби.**

PS. Сўзнинг шакл ясовчи қўшимчаларисиз қисми **асос** дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда туб сўзлар берилган?

A) ташвишли; B) серташвиш; C) барча жавобларда ясама сўз; D) ташвишланмоқ.

ТСЖ. Туб сўзни топинг. — *Бозор.*

Т. 32. Туб сўзни топинг.

A) ранжимоқ; B) санамоқ; C) тақамоқ; D) йўламоқ.

Т. 33. *Одобли ва адолатли инсон қўлидаги қалам бахт-саодат учун хизмат қилувчи одамларни завқлантиради, бирбирига яқинлаштириб, дўстликни мустаҳкамлайди.* Ушбу гапда нечта ясама сўз мавжуд?

A) 5; B) 6; C) 7; D) 8.

18-дарс. Шакл ясовчи қўшимчалар ва уларнинг таснифи

СТ. 1. Луғавий ва синтактик шакл ясовчи қўшимчаларнинг вазифасини изоҳланг. 2. *Иситма, қўлланма, қайнатма, кўчирма, ёқилғи, ёнилғи* сўзларида сўз ясовчи қўшимчадан олдин қандай қўшимча ишлатилган?

Қ. Асосга қўшилиб, унинг маъносига қўшимча маъно юклаш ёки ўзи қўшилаётган сўзни бошқа сўзга боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчаларга ***шакл ясовчи қўшимчалар*** **дейилади.**

Қ. Шакл ясовчи қўшимчалар вазифасига кўра икки турли бўлади: а) луғавий шакл ясовчилар; б) синтактик шакл ясовчилар.

Қ. Асосга қўшилиб, унинг маъносига қўшимча маъно юкловчи қўшимчалар луғавий шакл ясовчи қўшимчалар дейилади. Масалан, *-лар, -роқ, -ча, -хон* каби. Ўзи қўшилаётган сўзни бошқасига боғлаш вазифасини бажарувчи қўшимчалар синтактик шакл ясовчи қўшимчалар ёки муносабат шакллари дейилади. Масалан, *эгалик, келишик, шахс-сон қўшимчалари.*

ТСЖ. *Узоқ ўтмишда қоғоз бўлмаган.* Ушбу гапда нечта синтактик шакл ясовчи қўшимча мавжуд? — *2 та.*

ТСЖ. Қайси қаторда синтактик шакл ясовчи қўшимча мавжуд? — *Ишлардан.*

М. Феълга хос луғавий шакл ясовчилар: бўлишсизлик, нисбат, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи қўшимчалари. **Отга хос луғавий шакл ясовчилар**: кўплик, кичрайтириш-эркалаш қўшимчалари. **Сифатга хос шакл ясовчи қўшимчалар**: озайтирма, кучайтирма ва қиёсий даража қўшимчалари. **Сонга хос шакл ясовчи қўшимчалар:** дона, чама, тақсим ва жамловчи сон қўшимчалари. **Равишга хос шакл ясовчи қўшимчалар:** қиёс қўшимчаси *-роқ*.

ТСЖ. *Ишнинг боши бошлангунча* гапида қандай қўшимчалар мавжуд? — *Синтактик ва луғавий шакл ясовчи.*

Т. 34. *Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини.* Ушбу гапда нечта луғавий шакл ясовчи қўшимча мавжуд?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) 4 та.

Т. 35. *Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини.* Ушбу гапда нечта синтактик шакл ясовчи қўшимча мавжуд?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) 4 та.

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда қўшимчаларнинг ҳар учала тури ҳам мавжуд? — *Бешикдан қабргача илм изла.*

Т. 36. *1. -оқ. 2. -лоқ. 3. -ингиз. 4. -дан. 5. -нинг. 6. -гани.* Синтактик шакл ясовчи қўшимчаларни кўрсатинг.

A) 1, 2, 3; B) 3, 4, 5; C) 4, 5, 6; D) 4, 5.

19-дарс. Сўз таркибида тартиб

СТ. 1. Асосдан кейин қўшилувчи қўшимчалар қандай жойлашади? 2. *Ўзимча, иситма, ёзишма, ёнилғи* сўзларида сўз ясовчи қўшимчадан аввал қайси қўшимча жойлашган?

Қ. Сўзнинг маъноли қисмлари маълум тартибга эга. Уларнинг жойлашуви қуйидагича бўлади: ***асос+сўз ясовчи+луғавий шакл ясовчи+синтактик шакл ясовчи: иш+чи+лар+га.***

Т. 37. Қайси қаторда сўз ясовчи қўшимча луғавий шакл ясовчидан кейин келган?

A) ўчирғични; B) бошланма (от); C) барча жавоблар тўғри; D) иситма (от).

20-дарс. Тўплам ва таснif

ТСЖ. «Болалар ўйинлари» тўпламининг таснифи қайси қаторда тўғри берилган? — *«Кураш», «Қушим боши», «Миндиминди», «Ботмон-ботмон».*

ТСЖ. «Баландлик» тўпламига хос таснифни топинг. — *Тепалик, тоғ, қир, чўққи.*

23-дарс. Сўз туркумлари. Тўплам ва таснифлар

Қ. Ўрганиш учун олинган турли нарса, воқеа-ҳодисалар йиғиндиси тўплам дейилади.

Қ. Тўпламни ўхшаш ва фарқли белгилар асосида ички гуруҳларга бўлиш тасниф дейилади.

ТСЖ. От, феъл, олмош, сифат атамаларининг таснифи қайси тўпламга киради? — *Грамматик маъно.*

24-дарс. Сўз туркумлари

СТ. 1. Сўз туркумлари деб нимага айтилади? 2. Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларининг хусусиятларини изоҳланг.

Қ. Сўзларнинг сўроғи ва қандай умумлашган маъно ифодалашига кўра гуруҳларга бўлиниши сўз туркумлари дейилади. Сўз туркумлари маъно ва вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: *мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар.*

Қ. Маълум бир сўроққа жавоб бўлиб, бирор гап бўлаги вазифасида келадиган сўзлар мустақил сўзлар саналади, улар қуйидагилар: феъл, от, сифат, сон, олмош ва равишлар.

PS. Мустақил сўзлар уч белгиси билан қолган туркумлардан фарқ қилади: а) сўроққа жавоб бўлиши; б) аташ маънога эгалиги (олмошдан ташқари); в) гап бўлаги бўла олиши.

ТСЖ. *Киши фақат ақли билангина эмас, одоби ва ахлоқи билан ҳам гўзалдир* гапида нечта мустақил ва ёрдамчи сўз мавжуд? — 6; 6.

ТСЖ. *Сув қаҳр билан унинг биқинига уриб шовуллар, бошидан ошиб ўтгандай бўлар, лекин тоғдай гавдасини қимирлата олмас эди.* Ушбу гапда қайси сўз туркумига оид сўзлар мавжуд? — *От, олмош, феъл, сифат, кўмакчи.*

25-дарс. Феъл

СТ. 1. Феъл деб нимага айтилади ва қандай сўроқларга жавоб беради? 2. Ҳаракат ва ҳолат феъллларига 10 тадан мисол келтиринг.

М. Феъл икки белгиси билан бошқа туркумлардан фарқ қилади:

а) *нима қилмоқ?, нима бўлмоқ?* саволларига жавоб бериши билан; б) ҳаракат ёки ҳолатни атаб келиши билан.

PS. Ҳаракат ёки ҳолатни юзага келтирган шахс ёки ҳодиса бажарувчи дейилади.

Қ. Шахс ёки иарсаларнинг ҳаракат ёки ҳолатини атаб келган сўз туркуми феъл дейилади.

Т. 38. *Титрамоқ* феъли қандай феъл ҳисобланади?

A) ҳолат феъли; B) ҳаракат феъли; C) кўмакчи феъл; D) тўлиқсиз феъл.

Т. 39. Феълнинг ноаниқ шаклини топинг.

A) қимирлама; B) чиққан; C) бормоқда; D) қичқирмоқ.

26-дарс. Ҳаракат ва ҳолат феъллари

ТСЖ. *Дарахтларнинг япроқлари олтиндай сарғайди* гапидаги феъл қайси гуруҳга оидлигини аниқланг. — *Ҳолат феъли.*

ТСЖ. Қайси қаторда ҳолат феъли берилган? — *Жилмайди, порламақ, жимирлаган.*

Қ. Феъл нимани атаб келишига кўра икки хил бўлади:

а) ҳаракат феъллари — шахс ёки нарсанинг жисмоний ҳаракати билан боғлиқ феъллар: ***илон қимирлади.***

б) ҳолат феъллари —шахснинг ички кечинмалари ва нарсанинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини ифодалайди: ***бола жилмайди (кулди), барглар сарғайди.***

ТСЖ. *Ёз келгунча энди уларга ҳеч ким тегмайди, йўлини тўсмайди.* Ушбу гапдаги ҳаракат ва ҳолат феъларини аниқланг. — *3 та ҳаракат феъли мавжуд.*

Т. 40. Ҳолат феъли иштирок этган қаторни аниқланг.

A) кўкармоқ, қизармоқ; B) қотмоқ, урмоқ; C) қайтармоқ, бошламоқ; D) куйламоқ, таралмоқ.

27-дарс. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар

СТ. 1. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар қолипини изоҳланг. 2. Ўтимли феъларни ўтимсиз феъла айлантирувчи воситалар қайсилар? 3. Ўтимсиз феъллар қандай қўшимчалар орқали ўтимли феъла айлантирилади?

Қ. Тушум келишигидаги сўзлар билан боғланадиган феъллар ўтимли феъллар, бундай хусусиятга эга бўлмаган феъллар ўтимсиз феъллар дейилади.

Ф. Тушум келишигидаги сўз ёки бирикма+феъл — ўтимли феъл.

Ф. Бошқа келишиклар ва кўмакчили сўз+феъл — ўтимсиз феъл.

PS. Мажҳул, биргалик, ўзлик нисбатдаги феъллар асосан ўтимсиз бўлади; аниқ ва орттирма нисбатдаги феъллар ўтимли бўлади.

Т. 41. *Қайнатмади* феъли қандай феъл?

А) ўтимли; В) ўтимсиз; С) тўлиқсиз; D) кўмакчи феъл.

ТСЖ. Ўтимсиз феъллар қандай қўшимчалар орқали ўтимлига айлантирилади? — *Тушум келишиги қўшимчаси орқали.*

28-дарс. Феъл нисбатлари

СТ. 1. Феълнинг қандай шакллари нисбат шакллари дейилади? 2. Қайси нисбат шаклларини ўтимли ва ўтимсиз феъллларга қўшиш мумкин?

Қ. Бажарувчининг ҳаракат ёки ҳолатдаги иштироки *феъл нисбатлари* дейилади.

М. Улар 5 та:

а) аниқ нисбат — махсус кўрсаткичи йўқ, бажарувчиси аниқ феъллар;

б) ўзлик нисбат -н, -л, -ин, -ил қўшимчали бажарувчиси аниқ феъллар;

в) мажҳул нисбат -н, -ин, -л, -ил қўшимчали бажарувчиси номаълум феъллар;

г) биргалик нисбат -ш, -иш қўшимчали бажарувчиси кўп бўлган феъллар;

д) орттирма нисбат -т, -ир, -ар, -гиз (-киз), -қиз, -из, -дир (-тир), -газ (-каз), -қаз қўшимчалардан бири билан келиб, бажарувчиси восита бўлган феъллар.

Т. 42. *Ривожланмоқ* феълидан қайси нисбатни ҳосил қилиб бўлмайди?

А) ўзлик; В) мажҳул; С) орттирма; D) биргалик.

29-дарс. Аниқ нисбат

СТ. 1. *ишла* феълига *-нг* ва *-ш* қўшимчаларини қўшинг. Маънодаги ўзгаришларни изоҳланг. 2. Хоҳлаган 4 та феълни аниқ нисбат шаклига келтириб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Қ. Бажарувчиси аниқ бўлган ҳаракат ёки ҳолатни билдирган феъл шакли аниқ нисбат дейилади.

Т. 43. Қайси қаторда аниқ нисбатдаги феъл берилган?

A) одатланмоқ; B) баҳслашмоқ; C) барча жавоблар тўғри; D) вайрон қилмоқ.

30-дарс. Ўзлик нисбат

СТ. 1. Ўзлик нисбат шакли қандай маънони беради? 2. Ушбу қўшимчалардан нисбат қўшимчаларини ажратинг: *-гач, -т, -ув, -ит, -ир, -н, -гунча, -ла, -ин, -тир, -гиз, -л, -ш, -ган, -чи, -из, -иш.*

Қ. Бажарувчининг ўзи устида амалга ошадиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли ўзлик нисбати дейилади. Ўзлик нисбати шакли феъл асосига *-и(н), -(и)л* қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

ТСЖ. *Салим қийналди, лекин мақтанишни қўймади* гапида қайси нисбатдаги феъллар қатнашган? — *Ўзлик ва аниқ.*

Т. 44. *Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди.* Ушбу гапда қайси нисбатдаги феъл қатнашган?

A) аниқ; B) ўзлик; C) мажҳул; D) орттирма.

31-дарс. Мажҳул нисбат

СТ. 1. Ўзлик ва мажҳул нисбат феъллари қандай фарқланади? 2. *Чўзилди, ташланди, берилди* феъларини ўзлик ва мажҳул нисбат қилиб гаплар тузинг.

Қ. Бажарувчиси номаълум бўлган ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи феъл шакли мажҳул нисбат дейилади. Мажҳул нисбат шакли унли билан тугаган феъл асосига *-н, -л;* ундош билан тугаган феъл асосига эса *-ин, -ил* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Ўзлик ва мажҳул нисбат шакллари айнан бир хил, лекин улар ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчисини аниқ билдириши-билдирмаслиги билан фарқ қилади: *таранди—таралди, кийинди—кийилди.*

ТСЖ. *Фойдаланилмоқ* мажҳул нисбатдаги феъли қайси нисбатдан ҳосил қилинган? — *Аниқ.*

Т. 45. *Ўқитилди* феъли қайси нисбатдан ҳосил қилинган мажҳул нисбат ҳисобланади?

A) орттирма; B) мажҳул; C) ўзлик; D) аниқ.

32-дарс. Орттирма нисбат

СТ. 1. Қуйидаги феъл асосларига *-т, -дир (-тир), -гиз (-киз), -аз, -из, -ар* қўшимчаларидан мосини қўйинг: *оз-, тўс-, ёз-, кеч-, том-, қол-, қайна-, чиқ-*. 2. Аниқ ва орттирма нисбатдаги феъларнинг фарқини айтинг.

Қ. Бажарувчининг таъсири билан бошқа шахс ёки нарса томонидан бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни билдирувчи феъл шакллари орттирма нисбат дейилади. Орттирма нисбат шакллари: *-т, -дир (-тир), -гиз (-киз), -газ (-каз), -ир, -ар, -из* каби қўшимчалар ёрдамида ясалади.

Т. 46. Қайси қаторда орттирма нисбатдаги феъл берилган?

A) туширмоқ; B) ажратмоқ; C) барча жавоб тўғри; D) чиқазмоқ.

Т. 47. Орттирма нисбатдаги феъл қайси қаторда берилмаган?

A) чақирмоқ; B) ичирмоқ; C) ажратмоқ; D) тушунтирмоқ.

33- дарс. Орттирма нисбат қўшимчаларининг ишлатилиши

СТ. 1. Орттирма нисбат шаклларининг феъл асосга қўшилишини тушунтиринг. 2. Орттирма нисбат шакли қандай феъларни ҳосил қилади?

М. Орттирма нисбатнинг *-т* қўшимчаси унли товуш билан тугаган феъл асосларига қўшилади: *тўқит, ишлат.* Орттирма нисбатнинг *-ир, -ар, -из* қўшимчалари ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга қўшилади: *чиқар, шошир, оқиз.*

М. Баъзан феъл асосига орттирма нисбат ҳосил қилувчи бирдан ортиқ қўшимчалар қўшилиши мумкин: *ўқит —ўқиттир —ўқиткиз.* Бунда орттирма нисбат маъноси кучаяди.

М. *г* ва *ғ* билан бошланган орттирма нисбат қўшимчалари жарангли ундош билан тугаган феъларга, *к* ва *қ* товушлари билан бошланган қўшимчалар эса жарангсиз ундош билан тугаган феъларга қўшилади: *юргиз, кеткиз, тургиз, ётқиз.* *к* ва *қ* ундошлари билан бошланган шакл фонетик ёзув қоидасида ёзилган ҳисобланади.

М. *-дир* қўшимчаси жарангли товуш билан тугаган, *-тир*, асосан, жарангсиз билан тугаган феъларга қўшилади.

Т. 48. Қайси қаторда орттирма нисбат қўшимчаси нотўғри қўйилган?

A) секинлаштирмоқ; B) ўқитгиз; C) эмиздирмоқ; D) айттиргиздирмоқ.

34-дарс. Биргалик нисбати

СТ. 1. *Баҳслашмоқ, ишлатмоқ, санамоқ, сакрамоқ, экмоқ, киймоқ* феълларининг биргалик нисбатини ясаб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Қ. Бирдан ортиқ бажарувчи томонидан биргаликда бажарилган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайдиган феъл шакли биргалик нисбати дейилади. Биргалик нисбат шакли унли билан тугаган феъл асосига *-ш*, ундош билан тугаган феъл шаклига *-иш* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан: *ишлашди, келишди.*

ТСЖ. Қайси қаторда биргалик нисбатдаги феъл берилган? — *Одатланишмоқ.*

ТСЖ. *Жанжаллашмоқ, одатланмоқ, фахрланмоқ, суҳбатлашмоқ, асосланмоқ* феъллари қайси нисбат шаклида? — *Аниқ нисбатда.*

ТСЖ. *Қушлар уни яхши кўришиб, майна деб исм қўйишибди.* Мазкур гапдаги феъллар қайси нисбатда? — *Биргалик нисбатда.*

35-дарс. Феъларнинг вазифа шакллари

Қ. Феъллар гапда бошқа сўзлар билан боғланиб, кесим, эга, тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи вазифасида келиши мумкин. Бунинг учун феъл махсус шаклларга эга бўлади. Турли гап бўлаклари вазифасида келиши учун хосланган феъл шакллари *феълнинг вазифа шакллари* дейилади.

М. Феълнинг 4 вазифа шакли мавжуд: *соф феъл шакли, ҳаракат номи шакли, сифатдош шакли, равишдош шакли.*

ТСЖ. Қайси қаторда феълнинг луғавий шакли атамаси берилган? — *Равишдош.*

ТСЖ. Феълнинг луғавий шаклларига мисоллар қайси қаторда тўлиқ берилган? — *Ўқиди, ўқиш, ўқиб, ўқиган (бола).*

М. Феъларнинг вазифа (луғавий) шакли — феълнинг бирор гап бўлагига (кесим, эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) хосланганлиги.

М. Феъларнинг вазифа (луғавий) шакли 4 хил бўлади:

а) **соф феъл**: *ўқиди, олиб келяпти, кийинтирмоқчи* – феъл-кесим бўлади;

б) **ҳаракат номи**: *олиб келиш, гапирмоқ, гапирмак, сўраш, ювиш-тотув, ишлов* – барча бўлаклар бўла олади;

в) **сифатдош:** *ўқиган бола, келажак ҳаёт, оқар сув, гапирадиган гап, йиғлаётган қиз* – асосан аниқловчи бўлиб келади, отлашиб бошқа гап бўлаклари бўла олади;

д) **равишдош:** *қотиб, сўраб, кета (бошлади), йиғлай–йиғлай, сўраб кўргач, қайтгунча, чопганча, ўқиб кўргани* – асосан ҳолга ихтисослашган, қисман кесим бўлиб келади: ***Анвар қотиб кулди. Ишнинг боши бошлангунча.***

ТСЖ. *Турсунбой олтинни **топмоқ** умидида тиззасини **ушлаб**, балчиққа **ботган** ерда зўрға қадам босарди* гапида феълнинг вазифа шакллар0идан қайсилари қатнашган? – *Ҳаракат номи, сифатдош, равишдош.*

ТСЖ. Биргалик нисбатидаги феъл қайси ҳолатда ҳаракат номига айланади? – *Замон ва шахс-сон қўшимчалари туширилса.*

Т. 49. *Аёл кишини сўкиш катта гуноҳ.* Ушбу гапда ҳаракат номи қайси бўлак вазифасида келган?

A) кесим; B) бирикмали эга; C) ҳол; D) тўлдирувчи.

36-дарс. Ҳаракат номи

Қ. Феълнинг отга хосланган шакли ҳаракат номи дейилади ва феъл асосларига *-и(ш), -у(в), -моқ, -мак, -маслик* қўшимчаларини қўшиш йўли билан ясалади.

Т. 50. Қайси қаторда ҳаракат номи берилган?

A) қаров; B) тўпламоқ; C) югурув; D) барча жавоблар тўғри.

М. Ҳаракат номи – феълнинг отга хосланган шакли бўлиб, *нима?* деган сўроққа жавоб бўлади.

Ф: *феъл асос+ -ш, -иш, -ув, -моқ, -мак, -маслик: санаш, чиқмаслик, суғорув.*

Т. 51. *Бировни бировга чақиш энг ёмон иллат ҳисобланади.* Ушбу гапда ҳаракат номининг нечта қўшимчаси қатнашган?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) 4 та.

37-дарс. Ҳаракат номининг ясалиши

Қ. Ҳаракат номи унли билан тугаган феъл асосларига *-ш, -в* қўшимчаларини, ундош билан тугаган феъл асосларига *-иш, -ув, -моқ, -мак* қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади. Масалан: *яша+ш, бил+моқ, кел+иш, айт+ув; а* ёки *и* унлиси билан тугаган феъл асосларига *-в* қўшимчаси қўшилганда, *а* унлиси *и* га айланади ва шундай ёзилади. Масалан: *ишла – ишлов, тани – танув*.

М. Ҳаракат номи қўшимчаси отлар каби эгалик ва кўплик қўшимчаларини олади ва гапда улар бажарадиган гап бўлаклари вазифасида келади. Масалан: *Чиройли ёзишни ўрган! Ёзувинг ёмон эмас.*

Т. 52. Қайси қаторда унли ва ундошдан кейин қўшилаверадиган ҳаракат номи қўшимчаси берилган?

A) -ш, -в; B) -иш, -ув; C) барча жавоблар тўғри; D) -моқ, -мак.

ТСЖ. Қайси қатордаги ҳаракат номи товуш ўзгаришига учраб, фонетик ёзувда ёзилади? — *Танув, қаров.*

Т. 52-а. Ҳаракат номи қайси қўшимчаларни олмайди?

A) эгалик, келишик; B) кўплик, сўз ясовчи; C) барчасини қабул қилади; D) шахс-сон, замон, нисбат.

Қ. Ҳаракат номи отга хосланганлиги учун турланади, феъл каби тусланмайди, яъни феъл қўшимчаларини олмайди, замон ва шахсни кўрсатмайди.

43-дарс. Сифатдош

Қ. Феълнинг сифатга хосланган шакли сифатдош дейилади. Сифатдошлар феъл асосига *-ган (-кан, -қан), -йдиган (-адиган), -(а)ётган, -а(р)* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Сифатдош шахс ва нарсаларнинг белгисини билдириш билан сифатга ўхшайди. Сифатлар шахс ва нарсанинг турғун, барқарор белгисини ифодаласа, сифатдошлар ўзгариш, ҳаракат белгисини ифодалайди. Солиштиринг: *оқ гул, оқар дарё*.

Т. 53. Қайси қаторда сифатдош берилмаган?

A) ўқиётган (бола); B) ишладук (жой); C) барчаси сифатдош; D) эгилган (шохлар).

М. Сифатдош – феълнинг сифатга силжиган шакли бўлиб, гапда аниқловчи; кўпроқ кесим (замон шакли) бўлиб келади.

ТСЖ. Қайси қаторда нарсанинг ҳаракатдаги белгиси ифодаланган? — *Униққан кўйлак.*

ТСЖ. Қайси қаторда сифатдош мавжуд? — *Кенг феъл, етмас давлат берсин.*

Т. 54. *Билмаслик айб эмас, билмаганини бўйнига олмаслик айб.* Ушбу гапда феълнинг қандай вазифа шакллари қатнашган?

A) ҳаракат номи; B) равишдош; C) ҳаракат номи ва сифатдош; D) ҳаракат номи, сифатдош, соф феъл шакли.

44-дарс. Сифатдошларнинг замон шакллари. Ўтган замон сифатдоши

М. Сифатдошлар феъл шакли бўлганлиги учун феълга хос бўлган замон, бўлишли-бўлишсизлик, нисбат маъноларини ифодалайди.

Қ. Сифатдошнинг *-ган (-кан, -қан)* қўшимчаси шахс-нарсаларнинг ўтган замонга хос ҳаракат белгисини ифодалайди. Бу қўшимча унли билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, *-ган* ҳолида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади. Жарангсиз ундош билан тугаган феъл асосларига қўшилиб, *-кан* ҳолида талаффуз қилинса ҳам, *-ган* ёзилади (*кўчган, ўсган* каби). Жарангсиз *қ* ундоши билан тугаган феъл асосларига қўшилганда *-қан*, *к* ундоши билан тугаган феъл асосларига қўшилганда *-кан* ҳолида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади (тиқ-қан, тик-кан). Жарангли *ғ* ундоши билан тугаган феъл асосларига қўшилганда, *-қан* ҳолида талаффуз қилинса ҳам, *-ган* ёзилади (туғ—туғган).

Қ. Ўтган замон сифатдоши икки кўринишда намоён бўлади: а) битишув шаклида аниқловчи кўринишида: *кўпни кўрган одам, ўрилган соч;* б) кесим шаклида (тусланган): *ўқиганман, олиб келганди.*

Ф. Формуласи: *феъл асос+ -ган, -кан, -қан.*

Қ. *-ган* қўшимчали сифатдош аксарият морфологик ёзувда; *-кан, -қан* қўшимчали сифатдош фонетик ёзувда ёзилган бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда ўтган замон сифатдоши морфологик ёзувда ёзилган? — *Кўчган (муз).*

Т. 55. Қайси қатордаги гапда ўтган замон сифатдоши қатнашган?

A) Ваҳобжон бояги қиз кўрсатган уй эшигининг тугмасини босди. B) Йиғлаётган қиз бирдан жимиб қолди. C) Айтадиган гапингизни айтаверинг. D) Келажагимиз бундан-да порлоқ.

45-дарс. Ҳозирги ва келаси замон сифатдошлари

СТ. 1. *Қурмоқ, боқмоқ, тикмоқ, қайтмоқ, келтирмоқ, англамоқ* феъларидан ўтган, ҳозирги ва келаси замон сифатдошларини ясанг. 2. *Қайнайдиган сув, ҳайдаладиган ер, кетаётган бола* бирикмалари таркибидаги сифатдошлар қайси шаклда?

Қ. Ҳозирги замон сифатдоши феъл асосларига *-(а)ётган* қўшимчасини қўшиш билан ясалади. Келаси замон сифатдоши феъл асосларига *-йдиган, -адиган, -(а)р* қўшимчаларини қўшиш билан ясалади.

Қ. Ҳозирги замон сифатдошининг формуласи: *феъл асос +ётган, -аётган; юраётган (машина), юраётган эдим.*

Қ. Келаси замон сифатдоши формуласи: *феъл асос +-йдиган, -адиган, -р, -ар, -мас, -ажак.*

ТСЖ. *Ёқимли ёз шабадаси эндигина қад кўтариб келаётган ёш ниҳолларни тебратар эди* гапида қайси замон сифатдоши иштирок этган? — *Ҳозирги замон.*

46-дарс. Сифатдошнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари

Қ. Сифатдошнинг бўлишсиз шакли феъллардаги каби *-ма* қўшимчаси ёрдамида ясалади. *-(а)р* қўшимчаси билан ясалган сифатдошларга *-ма* қўшимчаси қўшилганда *-р* товуши *-с* га айланади: *келар-келмас.*

Қ. Сифатдошнинг бўлишли шакли унинг бирламчи шаклидир: *қайнаётган* (сув).

ТСЖ. Қайси қаторда бўлишсиз сифатдош мавжуд? — *Оқмас дарё.*

47-дарс. Равишдош

СТ. 1. Равишдошлар қандай ясалади? 2. Равишдошлар қайси гап бўлаги бўлиб келади? 3. Бирикмали равишдош нима?

Қ. Феълнинг равишга хосланган шакли равишдош дейилади. Равишдошлар ҳаракатнинг белгисини билдириши билан равишга ўхшайди. Равишдош ҳам равиш каби феълга боғланиб, унинг белгисини билдиради.

Т. 54. Қайси қаторда равишдош мавжуд эмас?

A) Ишнинг боши бошлангунча. B) Ортингдан қараб қолдим. C) Уни кўргани келдим. D) Барчасида қатнашган.

ТСЖ. *Бойсарибой ўн минг уйли Қўнғирот эли билан кўчиб боргач, Кўкқамиш кўли атрофида молларини семиртириб, яйловда яйраб ётади.* Ушбу гапдаги равишдошлар ва уларнинг нисбатини аниқланг. — *4 та равишдош; 3 та аниқ ва 1 та орттирма нисбатда.*

48-дарс. Равишдошларнинг маъно турлари

Қ. Равишдошнинг *-(и)б, -а(-й)* шакллари кўпроқ ҳаракатнинг ҳолатини, баъзан пайт, сабабини; *-ганча (-канча, -қанча)* шакли ҳолатини билдиради: *чопганча чиқиб кетди, йиғлай-йиғлай тугатди, қотиб кулди; Ўқитувчи кириб, дарс бошланди. Ерда туз кўпайиб, дарахтлар қуриди. -гач (-кач, -қач), -гунча (-кунча, -қунча)* шакллари ҳаракатнинг пайтини билдиради: *Тонг отгач, йўлга чиқдик*; *-гани (-кани, -қани, -гали)* шакли ҳаракатнинг мақсадини англатади: *Қўзи борди сув ичгали.*

ТСЖ. Ҳолат равишдоши қатнашган гапни топинг. — *Гапни билиб-билмай гапирмаслик керак.*

Т. 56. Равишдошнинг қайси қўшимчаси пайт ва сабаб маъносини ясайди?

A) -б, -иб, -а, -й; B) -ганча, -канча, -қанча; C) -гач, -гунча, -кунча; D) -гани, -кани, -қани, -гали.

49-дарс. Равишдош ясовчи қўшимчалар талаффузи ва имлоси

СТ. 1. Равишдошнинг қайси қўшимчалари фонетик ёзув қоидаси бўйича ёзилади? 2. *Бобур гулни яна бир ҳидлаб, бошидаги салласининг қатига қистириб қўйди* гапидаги равишдошларни изоҳланг.

Қ. *-гач, -гунча, -гани* равишдош қўшимчалари морфологик ёзувда ёзилади; *к, қ* билан бошланувчи равишдош қўшимча-

лари фонетик ёзувда ёзилади. Жарангсиз ундош билан тугаган феъл асосларига равишдош қўшимчалари қўшилганда *-кач, -кунча, -канча, -кани* шаклида талаффуз қилинса ҳам, *-гач, -гунча, -ганча, -гани* тарзида ёзилади.

Т. 57. *-кач, -кани* қўшимчаси равишдош ҳосил қилганда қачон фонетик ёзувда ёзилади?

А) к билан тугаган феълга қўшилса; В) қ билан тугаган феълга қўшилса; С) барча жавоблар тўғри; D) жарангсиз ундош билан тугаган феълга қўшилса.

ТСЖ. Равишдошнинг қайси шакли бўлишсизлик қўшимчасини олмайди? — *Мақсад.*

ТСЖ. Равишдошнинг қайси шакли такрор қўлланади? — *-б, -иб, -а, -й.*

ТСЖ. *-масдан* шаклидаги равишдош қўшимчаси қайси таснифга киради? — *Ҳолат.*

52-дарс. Кўмакчи феъллар

СТ. 1. Кўмакчи феъл деб нимага айтилади? 2. Кўмакчи феъл қандай шаклдаги етакчи феълларга боғланади? 3. *Қўймоқ, қирқмоқ, гапирмоқ, емоқ, ичмоқ, чопмоқ, ёзмоқ* феълларини етакчи феъл қилиб, уларга ҳар хил кўмакчи феъллар қўшинг.

Қ. Равишдошнинг *-а, -й, -б, -иб* шаклларига қўшилиб, ўз мустақиллигини йўқотган феъллар кўмакчи феъл дейилади. Булар ўзича маъно билдирмайди. Худди шакл ясовчи қўшимчага ўхшаб, асосий феълларга қўшимча (модал) маъно юклайди. Кўмакчи феълдан олдин келган равишдош етакчи феъл дейилади. Етакчи феъл мустақил қўллана олади.

ТСЖ. Қайси қаторда кўмакчи феъл берилган? — *Сўраб юбормоқ.*

ТСЖ. *Олмоқ* феъли кўмакчи феъл бўлиб келган қаторни топинг. — *Туриб олмоқ.*

Т. 58. Қайси қаторда кўмакчи феълли сўз қўшилмаси мавжуд?

А) Қўқонга нонушта маҳали кириб келдик. В) Битта-битта қадам босиб уйи томон юриб кетди. С) Ишдан келгач, нари-бери тамадди қилиб, уй томон ўтиб бордим. D) Барча жавоблар тўғри.

53–54-дарслар. Кўмакчи феълнинг маънолари

СТ. 1. *Умарали ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди* гапидаги феълларни изоҳланг. 2. *Нотавон кўнглимни тинитиб кетсанг бўлгани* гапидаги кўмакчи феълли сўз қўшилмасини изоҳланг.

Қ. Кўмакчи феъллар қуйидаги модал маъноларни билдиради:

а) ***бошламоқ*** **– ҳаракатнинг бошланиши:** ***ўқий бошламоқ, жунжика бошлади*** **(ҳолат); б)** ***олмоқ*** **– ҳаракатни бажаришга имкони мавжудлиги:** ***ёза олмоқ, сўраб олмоқ;*** **в)** ***ётмоқ, юрмоқ, турмоқ*** **– ҳаракатнинг давомийлиги:** ***ўқиб ётмоқ, гапириб турмоқ, ўйнаб юрмоқ;*** **г)** ***юбормоқ, ташламоқ, кўймоқ*** **– ҳаракатнинг тез ва осон бажарилиши:** ***гапириб юбормоқ;*** **д)** ***чиқмоқ*** **– ҳаракат тўла якунланганлигини билдиради:** ***санаб чиқмоқ, ўқиб чиқмоқ.***

Қ. Кўмакчи феълли сўз қўшилмасида нисбат қўшимчалари қуйидагича ишлатилади: орттирма, ўзлик нисбати қўшимчалари етакчи феълга: ***ўқитиб турди, кийиниб олди, отилиб кетди*** берувчи кўмакчи феъл берилган? — *Тугатмоқ, бўлмоқ.*

Т. 59. Қайси кўмакчи феъл шаклдошлик хусусиятига эга?

А) қил, қол; В) бўл, тур; С) қўй, кўр; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 60. Кўмакчи феъл қўшилмасида етакчи феъл қандай шаклда бўлади?

А) содда; В) қўшма; С) такрорий; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 61. *Олиб келиб бериб қўя қолинг* сўзи ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?

А) етакчи феъл қўшма шаклда; В) учта кўмакчи феъл мавжуд; С) битта сўроққа жавоб бўлади; D) барча жавоблар тўғри.

57-дарс. Феълларнинг ясалиши

СТ. 1. *Сана, бойи, оқар, қорай, сувса, ялтира, суҳбатлаш* феълларининг таркибий қисмини аниқланг.

Қ. ***-ла, -а*** **қўшимчалари от, сифат, ундов сўзлардан,** ***-(а)й, -и, -сира, -са*** **қўшимчалари от ва сифатлардан,** ***-(а)р*** **қўшимчаси сифатлардан,** ***-илла, -ира*** **қўшимчалари тақлид сўзлардан феъл ясайди.**

ТСЖ. *Сана, бойи, оқар, қорай, сувса, ялтира, суҳбатлаш, чирқилла, қисқар* ясама феъл‌ларидан қайси бири таркибида иккита товуш қўшимча вазифасида келган? — *Сувса, оқар.*

ТСЖ. Сифатдан ясалган ясама феъл‌ларни аниқланг. — *Қорай, қисқар.*

Т. 62. Қайси қаторда ясама феъл мавжуд?

А) йилтира; В) қалтира; С) А ва В; D) савала.

ТСЖ. Қайси қаторда феъл ясовчи феъл‌нинг луғавий шакл ясовчи билан шаклдошлиги берилган? — *Сувса, борса.*

Т. 63. Қайси қатордаги гапда ясама феъл етакчи феъл бўлиб келган?

А) Буларнинг каттаси бизга яқинлашмади. В) Қизлар ўзаро секин суҳбатлашиб туришарди. С) Тўмарис қўшин тўплаб, жангга отланди. D) Бола секин ёза бошлади.

58-дарс. Айрим феъл ясовчи қўшимчалар имлоси

Қ. Феъл ясовчи *-а* қўшимчаси *ўйин, қийин* каби икки бўғинли сўзларга қўшилганда, бу сўзларнинг иккинчи бўғинидаги *и* унлиси талаффузда тушиб қолади ва шундай ёзилади. Феъл ясовчи *-ай* қўшимчаси *паст, суст* сўзларига қўшилганда, бу сўзлар охиридаги *т* талаффузда тушиб қолади ва шундай ёзилади. *-илла* қўшимчаси таркибида *у* унлиси ёки *в* ундоши бўлган бир бўғинли сўзларга қўшилганда, *-улла* тарзида айтилади ва шу ҳолда ёзилади.

Т. 64. Фонетик ёзувда ёзилган қуйидаги феъл‌ларнинг қайси бирида товуш тушиши юз берган?

А) ўйна, қийна; В) пасай, сусай; С) А ва В; D) сана, яша.

Т. 65. Қайси ясама феъллар хато ёзилган?

А) гурулла; В) гувулла; С) барчаси тўғри ёзилган; D) увилла.

59-дарс. Феъл‌ларнинг тузилишига кўра турлари. Содда феъллар

Қ. Феъллар тузилишига кўра уч хил бўлади: *содда, қўшма, жуфт*. Содда феъллар бир асосдан таркиб топади. Содда туб феъллар асос ҳолатида иш-ҳаракат ва ҳолатни англатади: *қурмоқ, юрмоқ;* содда ясама феъллар сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида бошқа сўз туркумларидан ясалади: *шод- шодланмоқ, янги-янгиламоқ, гап-гапирмоқ, гув-гувулламоқ. тез-тезламоқ.*

ТСЖ. Содда туб феълни топинг. – *Қутламоқ.*

Т. 66. Содда феъл иштирок этган гапни топинг.

A) Бир-биримиз билан тезда эски қадрдонлардек суҳбатлашдик. B) У ҳаммамизни тарбия қилган. C) Ҳаким бобо ҳар бир ниҳолни парвариш қиларди. D) Чойхоначи патнисда нон билан қанд-қурс олиб келди.

60-дарс. Қўшма феъллар

СТ. 1. *Тарбия қилмоқ* ва *бориб келмоқ* феълларининг қўшма феъл эканлигини изоҳланг. 2. *Кириб чиқмоқ* (қўшма феъл) ва *ўқиб чиқмоқ* (кўмакчи феълли сўз қўшилмаси) феъллари орасида қандай фарқ мавжуд?

Қ. Қўшма феъллар уч белгига эга: а) бирдан ортиқ асослан ташкил топади; б) асослар орасига бошқа қўшимчалар қўшиб бўлмайди; в) битта сўроққа жавоб бўлади. Масалан, ***бунёд қилмоқ, олиб келмоқ.*** **Қўшма феълнинг юзага келиши икки хил: а) от, сифат, сон, ундов, тақлид+*қил, эт, бўл* сўзларини қўшиб; б) феъл +*келмоқ, кетмоқ, чиқмоқ*. Масалан,** ***чақириб чиқ, югуриб кет.***

PS. *Қўшма феълда ҳар иккала қисм луғавий маънони сақлайди.*

Т. 67. Қайси қаторда содда ва қўшма феъл синонимлиги нотўғри берилган?

A) янгиламоқ – янги бўлмоқ; B) суҳбатлашмоқ – суҳбат қурмоқ; C) тарбияламоқ – тарбия қилмоқ; D) барчаси тўғри берилган.

61-дарс. Жуфт феъллар

СТ. 1. *Уринди – туртинди, баҳслашмоқ, баҳс юритмоқ, ҳайдамоқ, сўради – қўйди, шитирламоқ, ҳавас қилмоқ, қочди-кетди, ишлади-қўйди, ёрдам бермоқ* феълларини содда, қўшма ва жуфт феълга ажратинг.

Қ. Учта белгиси бор: а) иккита феъл жуфтлашади – *синди-қолди;* б) битта сўроққа жавоб бўлади – *синди-қолди (нима бўлди?);* в) гапда битта гап бўлаги вазифасида кела олади – *Коса синди-қолди*. Жуфт феъллар иш-ҳаракатнинг тез ва кутилмаганда рўй беришини ифодалайди: *У китобни олди-қўйди*. Доим чизиқча билан ёзилади.

PS. Равишдошнинг *-а, -й, -б, -иб* шакллари такрор қўлланa олади, чизиқча билан ёзилади ва такрорий феъл дейилади: *айта-айта, йиғлай-йиғлай, сўраб-сўраб, бориб-бориб.*

Т. 68. Қайси қаторда жуфт феъл берилган?

A) олди-берди; B) борди-келди; C) барчаси жуфт от; D) келди-кетди.

ТСЖ. Жуфт феъл берилмаган қаторни топинг. — *Узилкесил.*

Т. 69. Жуфт феъл қатнашган гапни аниқланг.

A) Мен шу Ватан қўйнида ундим-ўсдим. B) Набира кўргач, омонатини осонгина топширди-кетди. C) Барча жавоблар тўғри. D) Бу ниятни Моҳларойим ҳам қўллаб-қувватлар эди.

66-дарс. Феълнинг маъновий гуруҳлари

СТ. *Чиқармоқ, қимирлатмоқ, фаҳмламоқ, кўринмоқ, кийинтирмоқ, ўртоқлашмоқ, севиниб кетмоқ, овқатланмоқ, ғизилламоқ, дудуқланмоқ* феъларини 4 маъновий гуруҳга ажратинг.

Қ. Феъллар қандай ҳаракат-ҳолатни ифодалашига кўра тўртга бўлинади: нутқий фаолият феъллари: *гапирмоқ, овоз бермоқ, кечирмоқ;* ақлий фаолият феъллари: *ўқимоқ, ёд олмоқ;* жисмоний фаолият феъллари: *юрмоқ, югурмоқ; ҳолат феъллари: қарамоқ, титрамоқ.*

ТСЖ. Қайси қаторда жисмоний фаолият феъли берилган? — *Бурилмоқ.*

Т. 70. Ҳолат феълини топинг.

A) пичирламоқ; B) иситмаламоқ; C) назар ташламоқ; D) кесмоқ.

Т. 71. *Тўнғилламоқ* феъли... *A) нутқий фаолият феъли; B) ақлий фаолият феъли; C) жисмоний фаолият феъли; D) ҳолат феъли.*

67-дарс. Феъларнинг муносабат шакллари

СТ. 1. Феълнинг муносабат шаклларига унинг қайси турлари киради?

Қ. Феълнинг кесимга хосланган шакли муносабат шакли ҳисобланади. Феъларнинг *замон, майл, шахс-сон қўшимчалари* муносабат шакллари ҳисобланади. Бу шаклларга эга бўлган ҳар қандай феъл гапда кесим вазифасида келади.

PS. Феъларнинг синтактик шакл ясовчи қўшимчани олиб ўзгариши тусланиш ҳисобланади.

ТСЖ. Қайси қаторда кесимга хосланган феъл шакли мавжуд? — *Олиб чиққан.*

ТСЖ. *Уринмоқ, исботламоқ, орзу қилмоқ, руҳланмоқ* инфинитив шаклларига қайси қўшимча қўшилса, муносабат шакллари юзага келади? — *Шахс-сон, замон, майл* қўшимчаси.

Т. 72. Феълнинг ноаниқ шакли...

А) барча хосланган шакли; В) ҳаракат номининг -моқ (инфинитив) шакли; С) равишдош шакли; D) сифатдош шакли.

68-дарс. Феъларнинг замон шакллари

СТ. 1. *Ҳайқирар эди, куйламоқчи, яйради, қичқирмоқда, тўлиб-тошди, қоплаганди, йиғламоқчи, ичяпти, адашиб қолди, ёзар эди, юрдик, қараяпмиз* феъларини уч замонга ажратинг.

Қ. Феъл асосида ифодаланган ҳаракат-ҳолатнинг уч замондан бирида содир бўлишини билдирувчи шакллар замон шакллари саналади. Феъл учта замон шаклига эга: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон.

ТСЖ. Қайси қаторда келаси замон шакли берилган? — *Сайрайди.*

69-дарс. Ўтган замон шакллари

Қ. Ўтган замон шакллари ҳаракат ва ҳолатнинг гап айтилаётган вақтдан олдин бўлганини билдиради. Бу замон шакллари феъл асосларига *-ди, -б, -ган (-кан, -қан)* қўшимчаларини ва улардан сўнг шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади.

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда феълнинг ўтган замон шакли мавжуд? — *Мана бу шотутни бобоси эккан.*

Т. 73. *Синф раҳбаримиз Ҳасан ака менга билдирмай Ғанини уйга юборибдилар.* Ушбу гапда кейинги феъл қайси замон шаклида?

А) ҳозирги; В) ўтган; С) келаси; D) замон шакли берилмаган.

70-дарс. Ўтган замон шаклларининг ясалиши

Қ. *-ди* қўшимчаси билан ясалган ўтган замон шакли сўзловчининг бевосита ўзи кўрган ҳаракат ва ҳолатни билдиради. Бу

қўшимчадан сўнг шахс-сон қўшимчасининг *-м, -к, -нг, -нгиз* шакллари қўлланади. *-б,-иб* қўшимчаси билан ясалган ўтган замон шакли илгари рўй берган ҳаракат ва ҳолатнинг сўзловчи томонидан эшитиб билганини ифодалайди ва бу қўшимчадан сўнг шахс-сон қўшимчасининг *-ман, -миз, -сан, -сиз, -ди* шакллари қўшилади. *-ган* қўшимчаси билан ясалган ўтган замон шакли ҳаракат ва ҳолатнинг илгарироқ бажарилганлигини билдириб, бу қўшимчадан сўнг шахс-сон қўшимчасининг *-ман, -миз, -сан, -сиз* шакллари қўшилади.

Т. 74. Ўтган замоннинг қайси қўшимчаси рўй берган ҳаракат ва ҳолатнинг сўзловчи томонидан эшитиб билганини ифодалайди?

A) -б, -иб; B) -ган; C) -ди; D) -б, -ди.

ТСЖ. Ўтган замоннинг қайси қўшимчаси сўзловчининг ўзи кўрган ҳаракат ва ҳолатни билдиради? — *-ди.*

ТСЖ. Ўтган замоннинг қайси қўшимчаси ҳаракат ва ҳолатнинг илгарироқ бажарилганлигини билдиради? — *-ган, -кан, -қан.*

Т. 75. Қайси қаторда ўтган замон шакли кўмакчи феъл таркибида келган?

A) Мен илжайиб туравердим. B) Оқ ер очдим, қора буғдой сочдим. C) Адҳам мактабда яхши ўқиган эди. D) Бошланган ишни чала ташлаб қўярди.

71-дарс. Ўтган замон шаклларида тўлиқсиз феълнинг ишлатилиши

Қ. *Эди, эмиш, экан* феъллари тўлиқсиз феъллар саналади. Бу феъллар етакчи феълнинг замон шаклларидан кейин келади. Шахс-сон қўшимчалари тўлиқсиз феълга қўшилади: *келган экансан, келаётган экансан. Эди, эмиш, экан* тўлиқсиз феъллари *-ди, -миш, -кан* шаклида ҳам қўлланади: *борганди, борганмиш, келаркан.*

Т. 76. Қайси қаторда тўлиқсиз феъл ўтган замон шаклини юзага келтирган?

A) тураётган экан; B) бораётган эмиш; C) келаётган экан; D) барча жавоблар тўғри

ТСЖ. Тўлиқсиз феъларни топинг. — *эди, эмиш, экан.*

ТСЖ. Ўтган замоннинг қайси қўшимчаси бир вақтда ҳам замон, ҳам 3-шахсни билдиради? — *-ди.*

72—73-дарслар. Ҳозирги замон шакллари. Уларнинг имлоси

СТ. 1. Унли билан тугаган феъл асосларидан ҳозирги замон шаклини ясанг. 2. Ундош билан тугаган феъл асосларидан ҳозирги замон шаклини ясанг.

Қ. Ҳозирги замон шакли ҳаракат ёки ҳолатни гап айтилаётган вақтда юз берганлигини билдиради. Формуласи: *феъл асос+яп, -моқ, -ётиб, -ётир, -аётир, -аётиб+шахс-сон. -ётир, -ётиб шакллари унли билан тугаган феъл асосларига, -аётир, -аётиб* шакллари эса ундош билан тугаган феъл асосларига қўшилади.

Т. 77. Қайси қаторда ҳозирги замон қўшимчаси мавжуд?

A) -яп, -моқ; B) -ётир, -аётир; C) барча жавоблар тўғри; D) -ётиб, -аётиб.

Т. 78. Ҳозирги замон шаклидаги феълни топинг.

A) яшамоқда; B) олиб келаётир; C) барча жавоблар тўғри; D) бериб юборaётир.

ТСЖ. Ҳозирги замоннинг қайси шакли морфологик ёзувда ёзилган? — *-ётиб, -аётиб.*

ТСЖ. Қайси қаторда ҳозирги ва ўтган замон шаклидаги феъллар қатнашган? — *Кўчага чиқаётиб, орқасига бир қараб қўйди.*

74-дарс. Келаси замон шакллари

Қ. Келаси замон шакллари ҳаракат ёки ҳолатнинг гап айтилаётган вақтдан сўнг юз беришини билдиради. *Феъл асос+а, -й, -р, -ар, -моқчи+шахс-сон.*

PS. Ундош билан тугаган феъл асосларига *-й, -р,* бўлишсиз феъл шаклларига эса *-с* қўшимчаси қўшилади. *-(а)р* шакли келаси замонни гумон, тахмин йўли билан ифодалайди: *ўйнайман, бормассан, келар.*

М. Бу шакллар баъзан ҳаракатнинг доимий, ҳар уч замонга оидлигини ҳам ифодалайди: *Акам коллежда ўқийди.*

ТСЖ. Қайси қаторда келаси замон феъли берилган? — *Топар.*

Т. 79. Келаси замон гумон феълининг бўлишсиз шакли қайси қаторда тўғри берилган?

A) -мас; B) -мар; C) -маслик; D) -май.

ТСЖ. Келаси замон феъли қатнашган гапни топинг. – *Кунларнинг саноғин билмай қоласан.*

ТСЖ. Келаси ва ўтган замон феъли иштирок этган гапни топинг. – *Мих болғадан қутуламан деб, тахтага кириб кетди.*

75-дарс. Майл шакллари

Қ. Майл бажарувчининг ҳаракат-ҳолатга нисбатан истак-хоҳишини ифодалайди; учта майл шакли мавжуд: хабар, буйруқ-истак, шарт майллари.

М. Феъл асосида ифодаланган ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги хабар, буйруқ-истак, шарт маъноларини ифодаловчи феъл шакллари саналади.

ТСЖ. Буйруқ-истак майлидаги феъл қатнашган гапни топинг. – *Қариликдан қўрқма, ҳали унга етиш керак.*

ТСЖ. Хабар майлидаги феъл қатнашган гапни аниқланг. – *Зеби юрагида тугилиб ётган зўр тугунни ечиб юборган эди.*

76-дарс. Хабар майли

Қ. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги ҳақидаги хабар, даракни ифодаловчи феъл шакли хабар майли шакли ҳисобланади. Бу майл феъл асосига замон ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали шаклланади.

ТСЖ. Хабар майлидаги гапни топинг. — *Ўйнамайман.*

ТСЖ. *Бу гапни эшитиб, Баҳромнинг кўзи чарақлаб очилиб кетди.* Хабар майлидаги феъл қандай шаклда қўлланган? – *Мураккаб кўмакчи феъли сўз қўшилмаси билан.*

77-дарс. Буйруқ-истак майли

Қ. Ҳаракат ёки ҳолатнинг бажариш ёки бажарилмаслиги ҳақидаги буйруқ, истак, илтимос, маслаҳат маъноларини билдирган феъл шакли буйруқ-истак майли шакли саналади. Буйруқ-истак майли шакллари феъл асосларига қуйидаги қўшимчаларни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади: *-(а)й, -(а)йин, -гин, -(и)нг, -син, -(а)йлик, -(и)нглар.*

ТСЖ. Буйруқ-истак майлининг қайси қўшимчаси ишлатилганда буйруқ маъносидан кўра истак, илтимос, маслаҳат маъноси кўпроқ англашилади? — *I шахс бирлик.*

ТСЖ. Феъл асосдан сўнг замон, шахс-сон қўшимчалари қўлланмаса, қандай феъл ҳосил бўлади? — *II шахс буйруқ шаклидаги феъл (тур, айлан, кийин, олиб чиқ).*

Т. 80. *Кошки эди, ўша тоққа мен ҳам борсам.* Кесим ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?

A) истак гапнинг номустақил кесими; B) истак гапнинг мустақил кесими; C) буйруқ гапнинг мустақил кесими; D) дарак гапнинг мустақил кесими.

78-дарс. Иккинчи шахс буйруқ-истак майли қўшимчаларининг қўлланиши ва маънолари

Қ. Феълнинг замон, шахс-сон қўшимчаларисиз қисми II шахс буйруқ-истак майлини ифодалайди. Бу қисмга буйруқ-истак маъносини кучайтириш учун *-гин, -нг, -инг, -ингиз* қўшимчаларни қўшиш ҳам мумкин, шунинг учун бу икки шакл маънодош саналади.

ТСЖ. Қайси ҳукм тўғри? — *Буйруқ-истак қўшимчаси бўлган феъл асос фақат буюриш маъносини беради.*

СТ. 1. *Борингиз, боринг, боргин, бор* феъларининг маъно фарқларини изоҳланг. 2. Буйруқ-истак майлининг II шахс ҳурмат маъноси қандай ясалади?

83-дарс. Шарт майли

Қ. Бошқа бир ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги учун шарт бўлган ҳаракат ва ҳолатни, шунингдек, истак-хоҳишни билдирган феъл шакли шарт майли шакли саналади ва у *-са* қўшимчаси ёрдамида ясалади: *борсам, борсанг, борса, олиб чиқсанг.*

Қ. Шарт майли *эди, экан* тўлиқсиз феъллари билан келганда орзу-истак маъносини билдиради. *-са эди* шакли баъзан *-сайди* тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади. Шарт майли шакли *керак* сўзини олиб келганда тахмин, гумон маъносини билдиради.

Т. 81. Қайси формула шарт майлига орзу-истак маъносини беради?

A) феъл асос+сайди; B) феъл асос+эди, экан; C) феъл асос+са эди; D) A ва C.

Т. 82. Қайси формула гумон маъносидаги шарт майли шаклини юзага келтирган?

A) феъл асос+са эди; B) феъл асос+са керак; C) феъл асос+са экан; D) феъл асос+сайди.

ТСЖ. Шарт майлининг қўшимчаси қайси қаторда номустақил кесим ҳосил қилган? – *Ғуломжон бу ишнинг тагига етса, ҳаммасига этак силтаб кетиб қолса керак.*

84-дарс. Шахс-сон шакллари

Қ. Шахс-сон қўшимчалари тусловчи қўшимчалардир. Феъларнинг 1- ва 2-шахси махсус шакллар орқали ифодаланади, 3-шахсда эса замон қўшимчалари шахс маъносини ҳам ифодалайди.

М. Ўтган замоннинг *-ди* ҳамда келаси замон шарт майли *-са* шаклларидан сўнг *-м, -нг,-к,-миз* қўшимчалари; равишдош, сифатдош шакллари ҳамда соф феълнинг ҳозирги замон шакларидан сўнг *-ман, -миз, -сан, -сиз* қўшимчалари қўлланилади.

Т. 83. Тусланган феълни топинг.

A) ўйнадим; B) бормоқчи; C) сўзлади; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Тусланмайдиган феъл шаклларини кўрсатинг. – *1. Ҳаракат номлари. 2. Равишдошнинг -гунча, -гач пайт шакллари. 3. Равишдошнинг -ганча ҳолат шакли. 4. Равишдошнинг -гани мақсад шакли.*

М. Феълнинг хосланган, нисбат, майл, замон шаклларининг қўшимчалари луғавий шакл ясовчи ҳисобланади.

М. Феълнинг шахс-сон, майл, замон қўшимчалари синтактик шакл ясовчи саналади.

85-дарс. От

СТ. 1. От қайси сўроқларга жавоб бўлади? 2. От қандай маъно гуруҳларига ажралади?

Қ. Шахс, нарса маъноларини, шунингдек, жой номларини билдириб, *ким?, нима?, қаер?* сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар от дейилади. *Ким?* сўроғи шахсни билдирувчи, *нима?* нарса-буюмни билдирувчи, *қаер?* жой номини билдирувчи сўзларга берилади. Шунга кўра отлар шахс, нарса-буюм, ўринжой отларига бўлинади.

ТСЖ. Қайси қаторда ўрин-жой оти берилмаган?
A) Қизилқум; B) гулзор; C) дарвоза; D) тошлоқ.
Т. 84. Қайси қаторда нарса-буюм оти берилган?
A) Карим; B) одам; C) гулдон; D) Самарқанд.

86-дарс. Отларнинг тузилишига кўра турлари. Содда от

СТ. *Белкурак, тустовуқ, қуёш, теша, ота-она, қарин-дош-уруғ, ош-пош, кўз-кўз* отларини содда, қўшма, жуфт, такрорий отларга ажратинг.

Қ. Содда от фақат бир асосдан таркиб топган отлардир: ер, туз, дарахт.

ТСЖ. Қайси қаторда содда от берилган? — *Осмон.*

Т. 85. Қайси қаторда жуфт от берилган?
A) чой-пой; B) ит-пит; C) қўни-қўшни; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда содда, қўшма, жуфт от қатнашган? — *Бойчечакнинг товланиб турган гулбарглари ҳаммани-нинг кўнглидаги гина-адоватга барҳам берди.*

87-дарс. Қўшма отлар имлоси

СТ. 1. Қандай отлар қўшма от дейилади? 2. Қўшма отлар қандай ёзилади?

Қ. Қўшма от икки ва ундан ортиқ асосдан таркиб топган отлардир: *қўрқоқ, олтингугурт, бешиктерватар.*

Т. 86. Хато ёзилган қўшма отни топинг.
A) ер ёнғоқ; B) Кичик Осиё; C) асалари; D) қўларра.

М. Икки ва ундан ортиқ асосдан ташкил топган турдош отлар доим қўшиб ёзилади.

М. Иккинчи қисми турдош от бўлган атоқли отлар доим қўшиб ёзилади: *Қоратепа, Гулчеҳра.*

М. Биринчи қисми сифат бўлган қўшма отлар ажратиб ёзилади: *Марказий Осиё, Ғарбий Европа.*

PS. Биринчи қисми турдош от, лекин сифат ўрнида келган қўшма от ажратиб ёзилади: *сопол коса, темир йўл, ёғоч кўприк.*

Т. 87. Қайси қаторда такрорий от берилган?
A) дори-дармон; B) кўрпа-тўшак; C) буғдой-муғдой; D) орзу-армон.

ТСЖ. Қайси қаторда жуфт от берилган? — *Опа-сингил.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда қўшма от нотўғри ёзилган? — *Қизлар тиллақош, зебигардон, қўлтиқтумор, шойи кўйлак, нимча кийиб ясанар эди.*

88-дарс. Жуфт ва такрорий отлар имлоси

СТ. 1. Ушбу жуфт отларни ёдингизда сақланг: *савдо-сотиқ, теварак-атроф, ой-кун, ҳузур-халоват, гап-сўз, ёр-дўст, темир-терсак, ранг-тус.*

Қ. Жуфт ва такрорий отлар қисмлари чизиқча билан ажратиб ёзилади.

ТСЖ. Қайси қаторда жуфт от берилмаган? — *Катта-кичик.*

Т. 88. *Наврўз байрамига ёш-қари, катта-кичик, аёл-эркак қатнашди ва шириндан-шакар хилма-хил баҳорий таомлар пиширилди* гапида нечта жуфт от берилган?

A) 3; B) 2; C) 4; D) 1.

Т. 89. *ранг* - ... Нуқталар ўрнига ушбу сўзлардан қайси бири қўшилса, жуфт от ҳосил бўлади?

A) баранг; B) ранг; C) панг; D) тус.

ТСЖ. 1) *тўй-томоша;* 2) *ош-пош;* 3) *фан-техника;* 4) *қишлоқ-пишлоқ;* 5) *феъл-атвор*; 6) *қўй-пўй*; 7) *қўй-қўзи.* Такрорий отларни аниқланг. — *2, 4, 6.*

89-дарс. Атоқли отларнинг турлари ва имлоси

Қ. Бирор шахс, нарса ёки жойга атаб қўйилган номлар атоқли отлар саналади. Атоқли отлар нимани атаб келишига кўра шахс ва жой номларига бўлинади. Кишиларнинг исми, отасининг исми, фамилияси, тахаллусини билдирувчи отлар шахс номлари саналади.

ТСЖ. Қайси қатордаги отлар атоқли от бўла олмайди? — *Мавҳум отлар.*

Т. 90. Қайси ҳукм нотўғри?

A) Жўра, Санам, Юлдуз — ономимлари отдан ясалган; B) Гўзал, Сулув, Нодир — ономимлари сифатдан ясалган; C) Кўпайсин — феълдан, Омон равишдан, Олтибой — сондан, Кимсанбой — олмошдан ясалган; D) Барча жавоблар тўғри.

PS. Шахсга атаб қўйилган ном ономим бўлади: *Йўлдош, Носир, Санобар, Акбар қизи.*

PS. Жойга атаб қўйилган номлар топоним бўлади: *Бекобод, Марғилон, Жанубий Африка.*

ТСЖ. Киши номлари кўрсаткичлари қайси қаторда тўғри берилган? — *Абду-, -қул, -берди, -жон, -бек, -ой, -хўжа, -бону.*

М. Фамилиялар шахс исмидан сўнг отасининг исмини қўшириш (*Усмон Носир*), отасининг исмига *-ов(а), -ев(а)* қўшимчасини қўшиш билан ифодаланади (*Эркин Воҳидов*).

90—91-дарслар. Жой номлари ва уларнинг имлоси

СТ. 1. Қитъа, давлат, шаҳар, қишлоқ, вилоят, туман, маҳалла номларига 2 тадан атоқли от айтинг. 2. Ажратиб ёзилган топонимларга 4 та мисол келтиринг.

Қ. Маълум бир географик ҳудудга атаб қўйилган номлар жой номлари ҳисобланади: *мамлакат, ўлка* номлари қўшма сўз шаклида бўлганда, таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Буюк Британия*. Вилоят, шаҳар, туман номлари қўшма сўз бўлса, қўшиб ёзилади: *Сурхондарё, Оққўрғон.*

ТСЖ. Қайси қаторда жой номи хато ёзилган? — *Волга бўйи.*

ТСЖ. *Зирабулоқ Тупроққўрғондан катта, Баландмачитдан кичик қишлоқ.* Ушбу гапдаги топонимнинг таркибини аниқланг: — *от+от, сифат+от.*

95-дарс. Ташкилот, корхона, муассаса номлари

СТ. 1. Халқаро ташкилот, олий давлат ташкилотлари ва мансаблари, давлат муассасаси номлари, корхона номлари бўлган атоқли отларга 4 тадан мисоллар айтинг.

Қ. Халқаро ташкилот ва олий давлат ташкилотлари ва мансабларининг номлари таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Ўзбекистон Республикаси, Олий Мажлис Раиси.*

Қ. Вазирликлар, идоралар, ташкилотлар таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Халқ таълими вазирлиги, Қўқон Давлат педагогика институти.*

Қ. Бирор нарса ёки жойга берилган шартли номлар қўштирноқ ичида бош ҳарф билан ёзилади, бирикма шаклида бўлса, биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: *«Туркистон» саройи, «Дўстлик» фирмаси.*

ТСЖ. Қайси қаторда хатолик мавжуд? — *«Алишер Навоий» номли санъат саройи.*

ТСЖ. Қайси қаторда нотўғри ёзилган сўз мавжуд? — *Жаҳон тинчлик кенгаши.*

96-дарс. Тарихий сана ва байрам номлари

СТ. 1. *Янги йил. Рамазон ҳайити, Ийди қурбон, 8-Март, Навруз айёми.* Ушбу байрам кунлари иштирокида гаплар тузинг.

Қ. Тарихий сана ва байрам номлари қуйидаги формулада баён қилинади: ***сана+ой+байрам номи.***

Қ. Тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади.

PS. Шу формула буларни қуйидаги ёзиш қоидасини келтириб чиқаради: А. Сана рақам билан ифодаланса, бир хил ёзилади. Б. Сана сўз билан ёзилганда байрам номи келмаса, катта ҳарф билан ёзилади.

ТСЖ. Қайси қаторда тарихий сана ва байрам номлари тўғри ёзилган? — *8 декабрь — Конституция куни* (лотин алифбосида санадан сўнг чизиқча қўйилади).

М. *Ой, байрам номи келмаса, бош ҳарф билан ёзилади. Сана рақам билан ёзилади: 8 Мартни нишонладик.*

М. *Байрам номи фақат бош ҳарф билан ёзилади: Руза ҳайити, Қурбон ҳайити.*

ТСЖ. Байрам кунлари тўғри ёзилган қаторни аниқланг. — *1. Биз Янги йилни байрам қилдик. 2. 8 Мартда онамга совға тайёрладим. 3. Уни 9 майда қабристонда кўрдим. 4. 1 октябрь — Устозлар, мураббийлар куни. 5. 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни.*

97—98-дарслар. Сув ҳавзалари ва иншоотлари номлари

Қ. Бу номлар содда бўлса, бош ҳарф билан, қўшма бўлса, қўшиб бош ҳарф билан ёзилади, таркибли бўлса, фақат биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади: ***Қорасув, Орол денгизи, Аму-Бухоро канали, Роҳат кўли.***

Қ. Сув ҳавзалари ва иншоотлари номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади.

ТСЖ. Қайси қаторда Сирдарёнинг қадимги номи тўғри берилган? — *Ранҳа.*

Т. 91. Қайси қаторда сув ҳавзаси номи бўлган атоқли от ҳато ёзилган?

А) Оқдарё, Иссиққўл; В) Ғовасой, Зарафшон; С) Катта Фарғона канали, Чордара; D) Туя бўғиз, Шаҳрихон сой.

101-дарс. Турдош отлар

Қ. Турдош отлар — бир турдаги шахс, нарса, ўрин-жой, фаолият, жараён номларини билдирувчи отлар: *киши, уруғ, гулзор, чопиқ.*

ТСЖ. Шахс отини билдирган турдош отни топинг. — *Хола.*

Т. 92. Атоқли отни топинг.

А) Жўравой; В) Йўлчиев; С) Нукус; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 93. Қайси қатордаги турдош от ясама ҳисобланади?

А) чопиқ; В) тиканзор; С) курак; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 94. Қайси гапда 3 та турдош от мавжуд?

А) Нурали бахши бу томонларда жуда машҳур эди. В) Шамол қорни юз-кўзларга келтириб уради. С) Секин-секин юриб, ичкари ҳовлига кириб борди. D) Ҳаёт машаққатларга тўла.

102-дарс. Шахс отлари

Қ. Шахс отлари *ким?* сўроғига жавоб бўлиб, шахсларни ёшига, яшаш жойига — *шаҳарлик, америкалик*, мансаб-унвонига — *президент, раис*, касб-корига — *сувчи, пиллакор, боғбон*, ижтимоий ҳолатига — *бой, камбағал*, қариндошлик даражасига — *тоға, амма, хола*, насл-насабига — *саид, хўжа, оқсуяк* кўра номлаб келади.

ТСЖ. *-лик* қўшимчаси қайси қаторда шахс оти ясамаган? — *Дўстлик.*

103-дарс. Шахс оти ясовчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси

Қ. Шахс оти ясалишининг формуласи: *асос+чи, -соз, -кор, -хон, -дош, -шунос, -вчи, -увчи, -воз, -боз, -паз.*

М. *-лик* қўшимчаси ўрин-жой билдирувчи турдош отларга қўшилиб, шахснинг шу ҳудудга мансублигини билдиради. Атоқли отларга қўшилган *-лик* қўшимчаси атоқли отни турдош отга айлантиради ва кичик ҳарф билан ёзилади: *қўқонлик, андижонлик.*

Т. 95. Қайси қатордаги шахс оти ясама ҳисобланади?

А) йўлсоз, ғазалхон; В) ўқувчи, бошловчи; С) барча жавоблар тўғри; D) юртдош, ижодкор.

ТСЖ. Қўшимчалардан қайси бири ундош билан тугаган асосга қўшилиб ёзилади? — *-увчи.*

ТСЖ. *-лик* қўшимчаси қандай отларга қўшилса, шахснинг ҳудудга мансублигини билдиради? — *Ўрин-жой билдирувчи турдош отларга.*

ТСЖ. Қайси қаторда ўрин-жой билдирувчи қўшимча турдош отга қўшилган ва шахс оти ясовчи қўшимча нотўғри берилган? — *Болалик аёл, қишлоқли йигит.*

М. *-вчи* қўшимчаси 2 ҳолатда фонетик ёзув қоидасини келтириб чиқаради: а) *и* унлиси билан тугаган феълларга қўшилса: *ўқувчи, тўқувчи;* б) *а* унлиси билан тугаган феълларга қўшилса: *синовчи, тингловчи.*

М. *-увчи* шакли ундош билан тугаган феълларга қўшилади: *қурувчи, сузувчи.*

104-дарс. Нарса отлари

Қ. ***Нима?*** **сўроғига жавоб бўлиб, жонли ва жонсиз нарсаларнинг номларини билдирган отларга нарса отлари дейилади.**

Т. 96. Қайси қаторда нарса оти берилган?

А) арслон; В) палто; С) чўмич; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Қайси қаторда ясама шаклдаги нарса оти берилган? — *Ўчирғич, курак, айри.*

ТСЖ. Қайси қаторда қўшма шаклдаги нарса оти берилган? — *Тишковлагич.*

105-дарс. Нарса отларини ясовчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси

Қ. Нарса отларининг ясалиш формуласи: ***асос+қич,-гич, -ғич, -ги, -қи, -к, -қ, -оқ, -инди, -ма, -дон.***

Т. 97. Қайси қаторда *-оқ* қўшимчаси нарса отини ясаган? — *А) ўроқ; В) тўқмоқ; С) сўқмоқ; D) узоқ.*

ТСЖ. *Машинада кичкина совутгич ҳам бор эди* гапида ясама нарса оти қайси сўз? — *Совутгич.*

ТСЖ. Қайси қатордаги нарса оти фонетик ёзувда ёзилган? — *Ачитқи.*

Т. 98. Қайси қаторда ясама нарса оти нотўғри ёзилган?

А) йиғинди; В) куюнди; С) ювинди; D) ташландиқ.

ТСЖ. Фонетик усулда ёзилган нарса отини топинг. — *Очқич.*

СТ. 1. Нарса отлари деб қандай сўзларга айтилади? 2. Нарса отларини қандай гуруҳларга ажратиш мумкин? 3. *Очқич, қўлёзма, қуймоқ, сувдон, газлама, елпиғич, узанги, ёқилғи, тўплам* нарса отларининг ясалишини изоҳланг.

106-машқ. Ўрин-жой отлари

Қ. *Қаер?* сўроғига жавоб бўлиб, ўрин-жой маъносини билдирувчи отлар ўрин-жой отлари саналади. Бундай отлар ўрин-жой маъноси билан нарсалик маъносини ҳам билдиради, шунинг учун *қаер?* сўроғи билан бирга *нима?* сўроғини ҳам олиши мумкин. *-зор, -лоқ, -истон, -гоҳ, -хона* қўшимчалари ўрин-жой отларини ясайди.

ТСЖ. Қайси қаторда ҳудуд номини билдирувчи ўрин-жой номи берилган?

А) араб; В) гузар; С) сайргоҳ; D) хонадон.

ТСЖ. *Олчазорлар ястаниб ётар. Қатор қилиб солинган бир уй, икки айвон.* Гапларда нечта ўрин-жой оти мавжуд? — *3 та.*

Т. 99. Ўрин-жой отларини аниқланг.

А) остона, хонадон; В) толзор, гулистон; С) барча жавоблар тўғри; D) молхона, уй.

107-дарс. Фаолият-жараён номини билдирувчи отлар

Қ. Шахс ва нарсаларнинг фаолият жараёнини номловчи отларга фаолият-жараён отлари дейилади.

М. Фаолият-жараён отлари *-лик, -чилик, -гарчилик, -(у)в, -(и)м, -(у)м, -(и)қ* қўшимчалари ёрдамида ясалади: *ғаллачилик, серобгарчилик, терим, унум, танлов, чопиқ, умум, чақув.*

ТСЖ. Қайси қаторда жараён отини билдирувчи от берилган? — *Серобгарчилик.*

ТСЖ. Қайси қаторда фаолият-жараён оти берилган? — *Эзмалик.*

ТСЖ. *Анча оворагарчилик билан бир машина пахта олиб қайтдик.* Ушбу гапдаги ясама отни изоҳланг. — *Фаолият-жараён оти.*

108-дарс. Аниқ ва мавҳум отлар

Қ. Сезги аъзоларимиз орқали билишимиз мумкин бўлган нарсаларни билдирган отларга аниқ отлар дейилади. Сезги аъзоларимиз орқали билишимиз мумкин бўлмаган, тафаккур ва тасаввур орқали идрок қилинадиган нарсаларни билдирган отлар мавҳум отлар дейилади: *дев, хаёл, ақл, ўй, гўзаллик* ва ҳоказо.

ТСЖ. Қайси қаторда аниқ от берилган? — *Қалам.*

ТСЖ. Ясама шаклдаги мавҳум отни топинг. — *Гўзаллик.*

М. Мавҳум отлар кўплик шаклида қўлланганда, кўплик маъноси эмас, балки таъкидлаш, кучайтириш маънолари ифодаланади.

Т. 100. Қайси қаторда мавҳум от мавжуд?

А) ҳасад; В) бино; С) қирғоқ; D) арча.

109-дарс. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси

Қ. Мавҳум отлар *-лик, -ч, -инч* қўшимчалари ёрдамида ясалади.

ТСЖ. Кўплик қўшимчаси қайси отда нарсанинг бирдан ортиқ эканини кўрсатмаган? — *Ёмонликлар.*

СТ. *Овунч, тинч, хуррамлик, ҳамдардлик, юпанч, яхшилик, дадиллик, ҳамжиҳатлик, ўкинч* каби ясама мавҳум отларни изоҳланг.

110-дарс. Отларнинг луғавий шакллари. Сон шакллари

СТ. *-лар* қўшимчасини мавҳум, саналмайдиган ва атоқли отларга қўшиб изоҳланг.

Қ. Отларнинг луғавий шакллари икки хил – сон шакллари: бирлик ва кўплик: *қалам, қаламлар;* кичрайтириш-эркалаш шакллари: *уйча, онахон*. Отларнинг *-лар* қўшимчасини олган шакли кўплик шакли, *-лар* қўшимчасисиз қисми эса бирлик шакли саналади.

Т. 101. Отларнинг кўплик шакли қандай ҳосил бўлади?

А) фақат -лар қўшимчаси билан; В) бирлик шаклида кўплик маъносини ифодалаш билан; С) от олдидан кўпликни билдирувчи сон, равиш, олмош ва такрор сўз келтириш билан; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 102. Кўпликдаги отни топинг.

А) далалар; В) халқ, армия, пода; С) тўрт киши, кўп одам; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 103. Қайси қаторда кўплик ифодаланмаган?

А) дадангизлар, аянгизлар; В) ҳаволар, бахтлар; С) сувлар, гуллар; D) барчасида бирлик ифодаланган.

ТСЖ. *-лар* қўшимчаси ҳурмат маъносида келганда, ундан олдин қайси қўшимча келиши мумкин? — *Эгалик.*

ТСЖ. *Бу Олимтой яратган робот.* Ушбу гапда отга хос қандай қўшимча ишлатилган? — *Эркалаш шакли.*

111-дарс. Отларнинг кичрайтириш ва эркалаш шакллари

СТ. *Китобча, рўмолча, болагинам, дўндиқчам, болажон, келинчак, укажон, Салимахон, Турсуной, Онабиби, Иззатжон* сўзларини изоҳланг.

Қ. Отларнинг *-ча, -чоқ, -чак* қўшимчаларини олган шакли кичрайтириш шакли; *-гина (-кина),-қина, -жон, -хон, -ой* қўшимчаларини олган шакли эса эркалаш шакли ҳисобланади.

ТСЖ. Қайси қаторда кичрайтириш-эркалаш шаклидаги от берилган?

А) балиқчам, дўндиқчам; В) болачоқ, келинчак; С) онажон, Турғуной; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Қайси қаторда кичрайтириш шакли мавжуд? — *Келинчак.*

ТСЖ. Қайси қаторда эркалаш оти берилган? — *Аяжон.*

115-дарс. Сифат

Қ. Отга боғланиб, унинг белгисини билдирадиган ва *қандай?, қанақа*? сўроқларига жавоб бўладиган сўзларга сифат дейилади.

ТСЖ. Қайси бирикмада тобе сўз сифат билан ифодаланган?

А) яхши яшаш; В) қишки мавсум; С) кузги экин; D) барча жавоблар тўғри.

СТ. 1. Сифат деб нимага айтилади? 2. Сифатлар қандай сўроқларга жавоб бўлади? 3. Ранг-тус, маза-таъм, белги-хусусият сифатларига 2 тадан мисол келтиринг.

116-дарс. Сифатларнинг ясалиши

СТ. 1. Ушбу сифатларнинг таркибини аниқланг: *ширин, ширали, мазмундор, серунум, камҳосил, кўйлакбоп, хушфеъл.* 2. *-ли, -дор, -қи, -ин, -сиз, -ган, бе-, сер-* қўшимчаларидан ясама сифат ҳосил қилинг.

Қ. Сифатлар таркибига кўра туб ва ясама сифатларга бўлинади. Таркибий қисмларга бўлинмайдиган сифатлар туб сифатлар, асос ва ясовчи қисмдан иборат бўлган сифатлар ясама сифатлар ҳисобланади. Ясама сифатлар асосга қўшимчалар қўшиш ёки сўз қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

ТСЖ. Қайси қаторда туб сифат берилган? — *Мукаммал, ширин.*

Т. 104. *Ҳиндубек туркий, форсий тилларни мукаммал ўрганган илмли, маърифатли, дилкаш киши эди.* Ушбу гапда нечта ясама сифат мавжуд?

A) 4 та; B) 3 та; C) 5 та; D) 6 та.

Т. 105. Ҳам от, ҳам сифат ясовчи қўшимчаларни аниқланг.

A) -ин, -қ; B) сер-, -ки; C) -чан, -каш; D) барча жавоблар тўғри.

СТ. 1. Туб сифатлар деб қандай сифатларга айтилади? 2. Ясама сифатлар қандай қисмларга ажратилади? 3. *бо-, сер-, ко-, -кир, -ий, -ги, -дон, -чан, -каш, -манд* қўшимчалари ёрдамида сифатлар ясанг.

Т. 106. Қайси қўшимча хослик билдирувчи сифат ясамайди?

A) -манд; B) -ий; C) -ги; D) -дон.

117–118-дарслар. Сифат ясовчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси

СТ. 1. *-ли* ва *-лик* қўшимчалари қайси сўзларга қўшилади? 2. *-лик* қўшимчаси ёрдамида от ва сифат ясанг. 3. *-қ, -қи* қўшимчалари билан сифат ясалганда қандай товуш ўзгаришлари юзага келади?

Қ. *-ли, сер-, -дор, -сиз, но-, -чан, -ма, -ий(-вий)* каби қўшимчалар сифат ясовчи қўшимчалар ҳисобланади. *-ги, -ки,* қўшимчаси пайт билдирувчи отларга қўшилиб, пайтга хос белгини, *-симон* қўшимчаси ўхшашлик белгисини, *-(в)ий* қўшимчаси хослик белгисини билдирувчи сифатлар ясайди.

М. *-ли, -дор, ба-, сер-, -манд* қўшимчалари асосда ифодаланган белгига эгаликни билдиради. Бу қўшичалар *(-манд* қўшимчасидан ташқари) асосда ифодаланган белгига эга эмасликни билдирувчи *но-, -сиз, бе-* қўшимчалари билан зид маънолидир.

ТСЖ. Қайси шаклдош сўз ясама ҳисобланади?

А) енгилмас; В) ясама; С) сувсиз; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Қайси қаторда белгига эгалик юзага келтирувчи сифат ясовчи қўшимча берилмаган?

А) -ли, -дор; В) бо-, сер-; С) -манд, бе-; D) барчасида белгига эгалик ифодаланган.

Т. 107. Сифат ясовчи қайси қўшимча ўхшашлик белгисини ифодалайди?

А) -ги; В) -вий; С) -манд; D) -шунос.

119-дарс. Сифатларнинг тузилишига кўра турлари. Содда сифат

Қ. Сифатлар тузилишига кўра содда, қўшма, жуфт ва такрорий бўлади. Бир асосдан иборат бўлган сифатлар содда сифатлар ҳисобланади.

ТСЖ. Қўшма сифатни топинг. — *Эркпарвар.*

ТСЖ. *алвон-алвон, лўппи-лўппи* сифатлари... — *такрорий.*

СТ. 1. Ушбу сифатларнинг тузилишига кўра турларини изоҳланг: *қизил, оч пушти, тўқ қизил, эгри-бугри, қинғир-қийшиқ, тинчликсевар, қип-қизил.* 2. Содда, туб ва ясама сифатларнинг фарқини изоҳланг.

120-дарс. Қўшма сифат

СТ. 1. *Эрксевар, очкўз, кулранг, меҳмондўст, девқомат, шерюрак* сифатларининг тузилиш қолипларини изоҳланг (мас.: *чаламулла — сифат+от* каби). 2. Қўшма сифатлар деб нимага айтилади?

Қ. Икки ва ундан ортиқ асосдан таркиб топган сифатлар қўшма сифат ҳисобланади. Қўшма сифатлар, асосан, қўшиб ёзилади.

ТСЖ. Сифат +от таркибли қўшма сифатни топинг.— *Майда гап.*

Т. 108. *1) жигарранг; 2) умумбашарий; 3) ҳаётбахш; 4) хушқад; 5) ширинсўз; 6) ичакузди; 7) осмонўпар; 8) баланд-парвоз.*

Ушбу қўшма сифатларнинг қайсилари сифат+от қолипида эканини аниқланг.

A) 4, 5, 8; B) 1, 4, 6, 8; C) 2, 3, 4, 7; D) 5, 8.

121-дарс. Жуфт сифатлар ва уларнинг имлоси

Қ. Ўзаро яқин ёки зид маъноли икки асоснинг жуфт келишидан ҳосил бўлган сифат жуфт сифат ҳисобланади. Жуфт сифат қисмлари чизиқча билан ёзилади.

М. Жуфт сифат қисмлари *-у, -ю* воситасида боғланса, улар ўртасига чизиқча қўйилади ва ажратиб ёзилади: *yakka-yu yagona.*

Қ. Жуфт сифатлар қуйидагича юзага келади: яқин маъноли сўзлардан: *сарғиш-қўнғир;* антонимлардан: *катта-кичик;* синонимлардан: *қинғир-қийшиқ;* иккинчи қисми маъно билдирмайдиган сўзлардан: *майда-чуйда, ғадир-будур.*

ТСЖ. Қайси жуфт сифатнинг таркиби ясама сўзлардан иборат? — *Узуқ-юлуқ.*

СТ. 1. Қандай сифатлар жуфт сифатлар ҳисобланади? 2. *Қинғир-қийшиқ, ғадир-будур, эгри-бугри, катта-кичик, сарғиш-қўнғир, турли-туман, енгил-елпи, эски-туски, майда-чуйда, қора-қура* сифатларининг таркибини изоҳланг.

Т. 109. Қайси қатордаги жуфт сифатлар қисмлари ясама сўзлардан ташкил топган?

A) ўйдим-чуқур, алғов-далғов; B) арзон-гаров, яккам-дуккам; C) эсли-хушли, узуқ-юлуқ; D) баланд-паст, еру-кўк.

122-дарс. Такрорий сифатлар ва уларнинг имлоси

СТ. 1. Таркиби ясама сўзлардан иборат такрорий сифатларга мисоллар келтиринг: *аччиқ-аччиқ* каби. 2. *Майда-майда, қизиқ-қизиқ, лўппи-лўппи, оппоқ-оппоқ, чаққон-чаққон* такрорий сўзлари ёрдамида гаплар тузинг.

Қ. Бир асоснинг айнан такрорланишидан ҳосил бўлган сифат такрорий сифат саналади. Такрорий сифатлар белгини таъкидлаб, кучайтириб ифодалайди. Такрорий сифат қисмлари чизиқча билан ажратиб ёзилади.

ТСЖ. Қайси қаторда такрорий сифат берилган? — *Майда-майда, лўппи-лўппи.*

ТСЖ. Қайси қаторда такрорий сифат мавжуд? — *Кимдир елпиб-елпиб барра-барра гўштлардан кабоб пиширяпти.*

123-дарс. Аслий ва нисбий сифатлар

СТ. *Рўмолли, сермева, эрксевар, тонгги, хушбичим, беор, серғалва, девсифат, ранго-ранг, хушбўй, кичкина, буюк, серсайрат, ўткир, кўм-кўк, турли, гўзал, очиқ, ҳайбатли* сифатларини аслий ва нисбий гуруҳларга ажратинг.

Қ. Аслий сифатларнинг белгилари: а) белгини тўғридан тўғри ифодалайди: *мазали, гўзал;* б) белгини даражалаб кўрсатиш имкониятига эга: *қорароқ, сал қора, жуда қора;* в) *-роқ* қўшимчасини эркин қабул қилади: *каттароқ.* Нисбий сифатлар аслий сифат белгиларини қабул қилмайди: *деворий, чиллаки, кузги.*

ТСЖ. Қайси қаторда аслий сифат берилган? — *Чиройли.*

ТСЖ. Нисбий сифатни топинг. — *Кўчма.*

124-дарс. Сифат даражалари

СТ. 1. Сифатларни аслий ва нисбий гуруҳларга ажратинг: *кучли, юксак, чексиз, нозик, чўзинчоқ, юмалоқ, қип-қизил, яхшигина, қоп-қора.* 2. Сифатларга изоҳ беринг: *жингалак, қалин, ўсик, қорамтир, дўнг, узун, шиддатли, суронли.*

Қ. Белгининг ортиқ ёки камлик жиҳатидан фарқланиши сифат даражалари, ана шундай маъно ифодаловчи шакллар эса даража шакллари дейилади.

М. Сифатларнинг қуйидаги тўрт хил даражаси мавжуд:

1. Оддий даража. 2. Қиёсий даража. 3. Орттирма даража. 4.Озайтирма даража.

ТСЖ. Оддий даражадаги сифатни топинг. — *Юмалоқ.*

Т. 110. *Беқиёс* сифатини изоҳланг.

A) оддий даража; B) қиёсий даража; C) орттирма даража; D) кучайтирма даража.

125-дарс. Сифатларнинг оддий даража шакли

СТ. 1. *Ширин олма, тоза сув* бирикмаларини изоҳланг. 2. *Янги олма, ваҳимали кўринмоқ, ям-яшил водий, топ-тоза ҳовли, хаёлчан одам, дангасароқ бола* бирикмаларидан оддий даражадаги сифатларни ажратинг.

Қ. Белгининг одатдаги меъёрда эканлигини билдирувчи ва бошқа даражалар учун асос бўлиб хизмат қилувчи сифат шакли оддий даража шакли дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда оддий даражадаги сифат берилган?
— *Замонамга садоқатли дили соф тоза имонман.*

126-дарс. Сифатларнинг орттирма даража шакли

СТ. 1. Сифатларнинг орттирма даражаси қандай ҳосил қилинади? 2. *Кўм-кўк кўзлар, ранго-ранг гуллар, дум-думалоқ бино, тим қора палто* бирикмаларида сифатнинг орттирма даражада эканини изоҳланг.

Қ. Белгининг меъёрдан ортиқ эканлигини билдирган сифат шакли орттирма даража шакли дейилади.

М. Сифатнинг орттирма даража шакли қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади: 1) оддий даража шаклидаги сифат олдидан *энг, ғоят, жуда, ниҳоятда, бағоят* сўзлари келтирилади: *жуда қизил, ғоят ширин; 2)* оддий даража шаклидаги сифатнинг биринчи бўғини товуш ўзгариши билан такрорланади: *бус-бутун, кап-катта, тўппа-тўғри.*

Т. 111. Орттирма даражадаги сифатни топинг.

А) калондимоғроқ; В) ғоятда қўрқинчли; С) тип-тиниқ шудринг; D) В ва С.

Т. 112. *Ўткир кўзли бир чол* бирикмасидаги сифатнинг даражасини аниқланг.

А) оддий; В) орттирма; С) кучайтирма; D) қиёсий.

127-дарс. Сифатларнинг қиёсий даража шакли

СТ. 1. Сифатларнинг қиёсий даражаси қандай ҳосил қилинади? 2. *-роқ* қўшимчасини қабул қиладиган 10 та сифат келтиринг.

Қ. Белгининг меъёрдан бир оз кам эканлигини қиёсан ифодалайдиган сифат шакли қиёсий даража шакли дейилади. Қиёсий даража шакли *-роқ* қўшимчаси ёрдамида ясалади.

ТСЖ. Қиёсий даражадаги сифатни топинг. — *Каттароқ.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда икки хил даражадаги сифат мавжуд? — *Тилимиз дағалроқ, лекин жуда бой, рангли охори тўкилмаган эртак, достон, қўшиқ кўп.*

Т. 113. *Чуқур ва хаёлчан кўзларида ғоят сирли ва сеҳрли бир ҳолат акс этади* гапидаги нечта сифатни қиёсий даражага айлантириш мумкин?

А) 1 та; В) 2 та; С) 3 та; D) 4 та.

128-дарс. Сифатларнинг озайтирма шакли

СТ. 1. *Жуда совуқ, ғоят ширин* сифатларини озайтирма шаклга келтиринг. 2. Қандай сифатлардан озайтирма сифатлар ҳосил қилиб бўлмайди?

Қ. Белгининг меъёрдан кам эканлигини билдирувчи шакл сифатнинг озайтирма даража шакли ҳисобланади. Озайтирма шакл сифатнинг оддий даража шакли олдига *сал, бир оз, баъзан, пича, ҳийла, ним* сўзларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Ранг-тус билдирувчи айрим сифатлардан *-(и)мтир, -(и)ш* қўшимчалари ёрдамида ҳам озайтирма даража шакли ясалади.

ТСЖ. Қайси қаторда оддий даражадаги сифат берилган?

A) эпчил; B) оқчил; C) сарғиш; D) нимтатир.

ТСЖ. Озайтирма даража қайси қаторда синтактик усулда ҳосил бўлган? — *A) жуда совуқ; B) бир совуқ; C) бир оз совуқ; D) A ва C.*

Т. 114. Озайтирма сифат ясовчи қўшимчани топинг.

A) -мсиқ, -имсиқ; B) -имтир, -иш; C) -дик, -дук; D) -дай, -дек.

129-дарс. Сифатларнинг маъно гуруҳлари

СТ. 1. *Ширин, қизил, катта, одобли, хушфеъл, беҳисоб, тонгги, кузги, хушбўй, муаттар* сўзларини сифатнинг 6 та маъно гуруҳига ажратинг. 2. Хусусият, ранг-тус, маза-таъм, ҳажм-ўлчов сифатларига 2 тадан мисол келтиринг.

Қ. Сифатлар қандай белгини ифодалашига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) хусусият сифатлари; 2) ранг-тус сифатлари; 3) маза-таъм сифатлари; 4) ҳажм-ўлчов сифатлари; 5) ҳид сифатлари; 6) макон-замон билдирувчи сифатлар.

ТСЖ. Хусусият сифатини топинг. — *Хушфеъл.*

130-дарс. Хусусият, ҳажм-ўлчов, макон-замон сифатлари

СТ. 1. *Узун, қисқа, кенг, баланд* сифатлари унинг қайси турига мансуб? 2. Макон-замон сифатлари қайси қўшимча ёрдамида ясалади?

Қ. Нарсаларнинг турли хусусият-ҳолатларини билдирган сифатлар хусусият сифатлари; ҳажми, вазни, ўлчови ва шакли-

ни билдирган сифатлар ҳажм-ўлчов сифатлари; ўрин ва вақтга нисбатан белгиларини билдирган сифатлар макон-замон сифатлари дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда хусусият сифати берилган? — *Эпчил, дудуқ.*

Т. 115. Ҳажм-ўлчов сифатини аниқланг.

А) нотаниш; В) баҳайбат; С) қувноқ; D) ғамгин.

131-дарс. Ранг-тус, маза-таъм ва ҳид сифатлари

СТ. 1. *Ранг-тус, маза-таъм, ҳид* билдирувчи сифатларга 4 тадан мисол айтинг. 2 *-мтир, -мтир, -иш* қўшимчаларини қандай сифатлар қабул қилади?

Қ. Бу сифатлар нарсаларнинг ранг-тусини (*оқ, нафармон, кўкиш*), маза-таъмини (*ширин, бемаза, тотли*), ҳидини (*хушбўй, бадбўй, қўланса, муаттар*) билдиради.

ТСЖ. Қайси қаторда ранг-тусни билдирувчи сифатлар берилган? — *Олачипор, зангори.*

Т. 116. Қайси қаторда шаклдош қўшимча берилган?

А) оқчил, изчил; В) оқиш, кўкиш; С) қорамтир, кўкимтир; D) барчасида шаклдош қўшимча мавжуд.

132-дарс. Сифатларнинг отлашуви

СТ. 1. Сифатларнинг отлашиши деганда нима англашилади? 2. *Мусулмон одамман, ўргилай. Мусулмонман, ўргилай* гапларини отлашиш жиҳатидан изоҳланг. 3. Сифат қайси ҳолатда эгалик, келишик, кўплик қўшимчаси билан ўзгара олади?

Қ. *Қизил ранги* битишувида от (аниқланмиш) тушиб қолса, ундаги белгилар ва қўшимчалар сифатга кўчса, сифат отлашган бўлади ва от бажарган синтактик вазифаларда келади.

ТСЖ. Қайси қаторда сифат отлашган? — *Илғорларга мукофотлар топширилди.*

Т. 117. Қайси қаторда сифат отлашмаган? *А) Доно — дурдан аъло. В) Тўғри ўзади, эгри тўзади. С) Дангаса одамнинг баҳонаси кўп. D) Ёмону яхшини хулқидан англагил.*

133-дарс. Мустаҳкамлаш

Қ. Сифат... а) отнинг белгисини билдиради; б) *қандай? қанақа?* сўроқларига жавоб бўлади; в) сифатлар таркибига кўра туб ва ясама бўлади.

ТСЖ. Қайси шаклдош сўз ясама ҳисобланади? — *Енгилмас.*

Қ. Сифатларнинг тузилишига кўра турлари: ***содда, қўшма, жуфт, такрорий.***

Қ. Содда сифатлар икки хил: а) туб: ***кўкимтир, оч яшил*****; б) ясама:** ***бўйдор, серсув.***

137-дарс. Сон

СТ. 1. Бирдан ўнгача бўлган сонлар иштирокида бирикмалар тузинг. 2. Сон деб нимага айтилади ва уларнинг сўроқлари қандай?

Қ. Нарсаларнинг сон-саноғи ва тартибини билдириб, ***қанча?, неча?, нечанчи?*** **сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар сон дейилади.**

ТСЖ. *Етимлик нимадир бизлардан сўра, Ўнинчи йилларнинг саргардонлиги* гапида қандай сон иштирок этган? — *Тартиб сон.*

Т. 118. *Ҳозирги вақтда бир йилда дунё бўйича тахминан саккиз юз минг тоннадан бир миллион тоннагача чой етиштирилади.* Ушбу гапда нечта сон мавжуд?

A) 3 та; B) 2 та; C) 4 та; D) 5 та.

138-дарс. Сонларнинг маъно гуруҳлари

СТ. Берилган сонларни маъносига кўра миқдор сонлар ва тартиб сонларга бўлинг: *бир, ўнта, ўндан бир, икки ярим, ўнинчи, биринчи, бештача, иккинчи, учала.*

Қ. Сонлар нарсалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг миқдори ёки тартибини билдиради. Шунга кўра сонлар икки гуруҳга бўлинади: 1) миқдор сонлар; 2) тартиб сонлар. Миқдор сонлар қандай миқдорни билдиришига кўра саноқ, дона, чама, тақсим, жамловчи, каср сонларга бўлинади.

ТСЖ. Миқдор сонни аниқланг. — *Бештача.*

Т. 119. Сонлар неча гуруҳга бўлинади?

A) 3 га; B) 4 га; C) 2 га; D) 5 га.

139-дарс. Саноқ сон

СТ. 1. Бирдан ўнгача ва ўн бирдан тўқсон тўққизга қадар сананг. Ўн бирдан тўқсон тўққизга қадар бўлган сонларнинг қандай ҳосил бўлганини тушунтиринг. 2. Саноқ сонлар ни-

мани билдиради ва улар қандай ифодаланади? 3. Юзлик сонлар қандай ҳосил қилинади?

Қ. Сон-саноқни билдирувчи сонлар саноқ сонлар дейилади; саноқ сонлар кўпинча ёзувда араб рақамлари билан ёзилади.

ТСЖ. Саноқ сон берилмаган қаторни топинг. — *Етди.*

Т. 120. *Етти ўлчаб, бир кес* мақолида миқдор билдирган сўз соннинг қайси турига киради?

A) тақсим сон; B) чама сон; C) дона сон; D) саноқ сон.

140-дарс. Дона сон ва унинг ясалиши

СТ. 1. Қуйидаги сонларга *-та* қўшимчаси, *дона, нафар, бош, тур, боғ* сўзларини қўшиб, бирикмалар тузинг: *олти, беш, уч, ўттиз, эллик, етмиш.* 2. Дона сонларнинг ясалиши ҳақида гапиринг.

Қ. Нарсаларнинг миқдорини доналаб ифодалайдиган сонлар дона сон дейилади. Улар *-та* қўшимчаси ёрдамида ясалади. Доналаш маъноси *-та* қўшимчасидан ташқари *дона* сўзи билан ҳам ифодаланади. Доналаб саналаётган нарсаларнинг турини таъкидлаш учун *-та* қўшимчаси ўрнида бош (ҳайвонлар), нафар (шахслар), туп (ўсимликлар), литр (суюқлик), грамм (оғирлик) каби сўзлар ҳам ишлатилади.

ТСЖ. Дона сон берилган қаторни топинг.

A) ўнта бола; B) беш нафар бола; C) уч дона олма; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Қайси қатордаги миқдор сонда товуш алмашиши мавжуд? — *Иккала, битта, еттовлари.*

ТСЖ. Қайси қаторда сон олмош ва равиш ҳосил қилишда иштирок эта олади? — *Бир.*

Т. 121. Дона сон қайси қўшимча ёрдамида ясалади?

A) -та; B) -си; C) -ов; D) -лик.

141-дарс. Чама сон ва унинг ясалиши

СТ. Берилган саноқ сонларга *-тача, -лаб, -ларча* қўшимчаларини қўшинг. Маънода қандай ўзгариш бўлганини айтинг: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, юз, минг.*

Қ. Нарсанинг миқдорини тахминлаб, чамалаб кўрсатадиган сонларга чама сон дейилади, улар *-тача, -лаб, -ларча* қўшимчалари ёрдамида ясалади.

ТСЖ. Қайси қаторда чама сон берилган?

A) бештача, юзлаб; B) мингларча; C) уч-тўрт (киши); D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. *Машраб билан Акмал ўн беш-йигирма болага жавобгар* гапида қайси сўз туркумига оид сўзлар қатнашган? — *От, боғловчи, сон, сифат.*

Т. 122. Чама сон берилган қаторни топинг.

A) ўнтача; B) юзлаб; C) мингларча; D) барча жавоблар тўғри.

142-дарс. Жамловчи сон, унинг ясалиши

СТ. 1. Унли билан тугаган *икки, олти, етти* сонларига *-ала, -ов* қўшимчалари қўшилганда асос қисмда қандай ўзгариш бўлганини аниқланг. 2. Жамловчи сонлар қандай ясалади? Улар нима учун шундай номланади?

Қ. Нарсаларнинг миқдорини жамлаб кўрсатадиган сонлар жамловчи сонлар дейилади. Улар *-ов, -ала, -овлон* каби қўшимчалар ёрдамида ясалади.

М. *-ов, -ала* қўшимчалари фақат иккидан саккизгача бўлган сонларга қўшилиб, жамлик маъносини ифодалайди. Бу қўшимчалар унли билан тугаган саноқ сонларга қўшилганда, асос қисмидаги *и* унлиси тушиб қолади.

ТСЖ. Жамловчи сон қайси сонларга қўшилса, фонетик ёзувга амал қилади? — *Етти, олти, икки.*

Т. 123. *-ов, -ала, -овлон* каби қўшимчалар ёрдамида сон ясалганда қандай фонетик ўзгариш юз беради?

A) товуш ортиши; B) товуш тушиши; C) товуш алмашиши; D) товуш ўзгариши.

143-дарс. Тақсим сон ва унинг ясалиши

СТ. 1. Берилган саноқ сонларга *-тадан* қўшимчасини қўшинг. Маънода қандай ўзгариш бўлганини айтинг: *бир, икки, ўн, юз, минг.* 2. Тақсим сонлар қандай ҳосил қилинади?

Қ. Нарсаларнинг миқдорини тақсимлаб кўрсатадиган сонларга тақсим сон дейилади. Улар *-тадан* қўшимчаси ёрдамида ясалади.

ТСЖ. *Лайлак ҳар йили учтадан бола очар экан* гапидаги сон турини аниқланг. — *Тақсим сон.*

ТСЖ. *Мен икковига биттадан эзилган шафтоли бераман* гапида сонларнинг ёзилишини аниқланг. — *1) фонетик; 2) фонетик.*

Т. 124. *Мен саккизта олмани икки кўча нарида турадигаи тўртта қизга иккитадан бўлиб бердим.* Ушбу гапдаги тақсим сонни аниқланг.

А) икки; В) иккитадан; С) саккизта; D) тўртта.

144-дарс. Каср сонлар, уларнинг ясалиши ва имлоси

СТ. 1. Оддий ва ўнли касрларни аввал араб рақамлари билан, сўнгра ҳарфлар билан ёзинг. 2. Каср сонлар нимани ифодалайди? 3. Каср сонларни ифодаловчи сўзларни айтинг.

Қ. Бутун миқдорнинг қисмини ифодаловчи сонлар каср сон дейилади. Бутун миқдорни билдирувчи қисм кўпинча чиқиш келишигида келади: *ўндан бир, тўртдан бир.*

М. *1/2, 1/4, 1/8* ифодалари *иккидан бир, тўртдан бир, саккиздан бир* тарзида, шунингдек, *ярим, чорак, нимчорак* тарзида ўқилади.

ТСЖ. Қайси қаторда каср сон берилмаган?

А) ўндан бир; В) нимчорак; С) нол бутун юздан йигирма; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. 1. *Менга олтита қўйидан биттасини берди. 2. Соат чоракам тўрт бўлган эди. 3. Чоракам олтида уйғондим. 4. Бир ярим тонна буғдой сотиб олдим.* Қайси гапларда каср сонлар мавжуд?

А) 1, 2, 3, 4.

Қ. Каср сон бутун миқдорнинг қисми, яъни бирдан кичик сонлардир.

Т. 125. Каср сон тўғри берилган қаторни аниқланг?

А) ; В) 2, 1; С) 0,5; D) А ва С.

145-дарс. Ҳисоб сўзлари

СТ. 1. Қандай сўзлар ҳисоб сўзлари дейилади? 2. Масофа, вақт ва сатҳ ўлчовини билдирувчи сўзлар қайсилар? Улар ёрдамида бирикмалар ҳосил қилинг. 3. Ўлчов сўзлар неча турга бўлинади?

Қ. Саноқ сон билан саналадиган нарсаларни ифодаловчи сўз ўртасида қўлланиб, бу нарсанинг ўлчовини билдирадиган сўзлар ҳисоб сўзлардир.

ТСЖ. Қуйидаги отларнинг қайси бири ҳисоб сўз бўла олмайди?

A) ҳовуч, гап, халта; B) этак, челак, соат, яшик; C) литр, грамм, метр, мил; D) барчаси бўла олади.

ТСЖ. Қайси қаторда тарихий бўлган ўлчов сўзлар берилган?

A) мисқол, ботмон; B) қадоқ, пул; D) A ва B.

ТСЖ. Қайси қатордаги ҳисоб сўз пул бирлигини билдиради?

A) пул; B) пақир; C) мири; D) барча жавоблар тўғри.

Т. 126. Ўлчов сўзни топинг.

A) икки товоқ; B) бир этак; C) тўрт ҳовуч; D) барча жавоблар тўғри.

146-дарс. Тартиб сонлар

СТ. 1. Қуйидаги саноқ сонларга *-(и)нчи* қўшимчасини қўшинг. Қандай маъно ифодалашини айтинг. Қайси ҳолатда *-нчи, -инчи* қўшилишини тушунтиринг: *бир, икки, уч, олти, етти, ўн.*

Қ. Нарсаларнинг кетма-кетлик тартибини билдирадиган сонлар тартиб сон дейилади. У *-(и)нчи* қўшимчаси ёрдамида ясалади.

М. *Тартиб сонлар араб рақами билан ёзилганда, -(и)нчи қўшимчаси ўрнида араб рақамидан сўнг чизиқча ёзилади: 9-синф, 30-декабрь. Тартиб сонлар рим рақамлари билан ифодаланганда чизиқча қўйилмайди.*

ТСЖ. Қайси қаторда тартиб сон берилган? — *Саккизинчи декабр.*

Т. 127. Тартиб сон тўғри берилган қаторни топинг.

A) XX аср; B) 9-синф; C) иккинчи уй; D) A ва B,C

152-дарс. Равиш

СТ. 1. Берилган сўз бирикмаларидаги белги ифодалайдиган сўзларни, нарсанинг ёки ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдиришга кўра фарқланг: *тонгги шабада, секин юрмоқ, қувончли хабар, тез ўқимоқ, аъло кайфият, атайин гапирмоқ.*

Қ. Ҳаракат-ҳолатнинг бажарилиш тарзи, пайти, ўрни, даража-миқдори каби белгиларини билдирувчи ва *қандай?, қачон?, қаер?, қанча?* сингари сўроқларга жавоб бўлувчи сўзлар равиш дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда равиш иштирок этган битишув мавжуд? — *Секин юрдик.*

ТСЖ. *Шу вақт нима учундир бирдан шарақлаб кулиб юбордик* гапида нечта равиш мавжуд? — *2.*

ТСЖ. Қайси қаторда равиш берилган? — *Йиллаб.*

Т. 128. *Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдимда.* Ушбу гапдан равишни аниқланг.

A) ўртоқларимга; B) мақтанадиган; C) эртага; D) бўлдимда, тоза.

153-дарс. Равишларнинг ясалиши

СТ. 1. Берилган равишларни таркибий қисмларга ажратинг: *эрталаб, йиллаб, дўстларча, қаҳрамонона, фидокорона, тахминан, мажбуран.* 2. Ясама равишлар қандай ясалади?

Қ. Равишлар туб ва ясама бўлади. Ясама равишлар қўшимчалар қўшиш, асос қисмни жуфт ва такрор қўллаш йўли билан ҳосил қилинади. Тузилишига кўра равишларнинг содда, қўшма, жуфт ва такрорий турлари мавжуд: *қаҳрамонона, ҳамиша, бир оз, олдин-кетин, галма-гал.*

ТСЖ. Такрорий ясама равишни аниқланг. — *Ёнма-ён, изма-из.*

Т. 129. Равиш тузилишига кўра неча турга бўлинади?

A) 3; B) 6; C) 4; D) 5.

154-дарс. Равиш ясовчи қўшимчалар

СТ. 1.Берилган равишларни таркибий қисмларга ажратинг: *эскича, янгича, ўзича, йиллаб, қаҳрамонона, эркакчасига, саҳарлаб, виждонан, болаларча.* 2. *-ча, -лаб, -ларча, -она, -ан, -часига* қўшимчалари ёрдамида ясалган равишлар қаторини тузинг.

Қ. *-ча, -лаб, -ларча, -она, -ан, -сига* қўшимчалари от, сифатга қўшилиб равиш ясайди: *ўзбекча, ўзича, йиллаб, дўстона, қаторасига, саҳарлаб, виждонан, болаларча.*

PS. *Тубдан, қўққисдан, ростдан, бирдан, бирга, тезда, авваллари, сўнгра, кечаси, кундузи, ўша туни* сўзларидаги ***-дан, -га, -да, -лар, -и, -ра, -си*** қўшимчалари яхлитлашиб қолган.

Т. 130. Равишларда қайси келишик қўшимчалари асос қисм билан мустаҳкам бирикиб, ҳозирги кунда ажралмас ҳолга келган?

A) барча жавоб тўғри; B) чиқиш келишиги; C) ўрин-пайт келишиги; D) жўналиш келишиги.

155-дарс. Равишларнинг маъно турлари

СТ. 1. Берилган сўзларни ҳолат, пайт, ўрин, миқдор-даража равишларига ажратишга ҳаракат қилинг: *астойдил, бирин-кетин, бафуржа, қалбан, эрталаб, саҳарлаб, атайлаб, атайин, асло, қатъиян, қишин-ёзин, қисман, бехосдан, ичкари, ташқари, олға, кўр, оз.*

Қ. Равишлар маъносига кўра ҳолат, пайт, ўрин, миқдор-даража, мақсад-сабаб равишларига бўлинади: ***яёв, эрталаб, анча, атайин, ноилож.***

Т. 131. Равишлар маъносига кўра неча турларга бўлинади?

A) 5 та; B) 6 та; C) 10 та; D) 9 та.

156-дарс. Ҳолат равишлари

СТ. 1. Берилган равишлардан *қандай?, қай ҳолда?, қай тарзда?* суроқларига жавоб бўлувчи равишларни ажратинг. Бу сўзларни гап ичида келтиринг: *ҳозир, хомлигича, бирдан, яққол, янгича, яёв, ўртача, қардошларча.* 2. Қандай равишлар ҳолат равишлари дейилади?

Қ. ***Чиндан, қўққисдан, пиёда, мажбуран, тасодифан, астойдил, эскича, қаторасига, бирма-бир, яккама-якка, ёнма-ён, бафуржа, зўрға, мардларча сўзлари қандай?, қай ҳолда?, қай тарзда?*** **суроқларига жавоб бўлиб, ҳолат равиши ҳисоб-ланади.**

ТСЖ. Ҳолат равиши берилган қаторни топинг. — *Тинг-лар эдим бетиним, Узун тунлар ётиб жим.*

Т. 132. Қайси қаторда ҳолат равиши берилган?

A) *зўрға; B) завқланиб; C) югурмоқ; D) ўқимоқ.*

157-дарс. Пайт равишлари

СТ. 1. Гапларни ўқинг. Равишларни топиб, қайси суроққа жавоб бўлишини аниқланг: а) *Аждодлар ёди ҳамиша қалби-мизда яшайди.* б) *Эрта-индин таътил бошланади.* 2. Пайт равишлари нимани билдиради?

Қ. ***Энди, ҳозирча, сўнгра, ҳануз, ҳамиша, доимо, ҳамон, дастлаб, эрта-индин, қишин-ёзин, кеча-кундуз*** **сўзлари** ***қачон?*** **сўроғига жавоб бўлиб, пайт равиши ҳисобланади.**

ТСЖ. *Ярим кечадан кейин Салмон отанинг уйқуси бутунлай қочди* гапида қандай равишлар мавжуд? — *Пайт ва ҳолат.*

Т. 133. Пайт равиши қандай сўроққа жавоб бўлади?

A) қачон? B) қаер? C) қандай? D) қанча?

158-дарс. Ўрин равишлари

Қ. ***Олға, ичкари, ташқари, олдинда, орқада, узоқдан, юқори, қуйи*** **каби сўзлар** ***қаерда?, қаер?*** **сўроқларига жавоб бўлиб, ўрин равиши ҳисобланади.**

ТСЖ. Ўрин равиши қатнашган гапни аниқланг. — *Салмон ота гапни узоқдан бошлади.*

СТ. 1. Берилган сўзларда *қаерга?, қаерда?, қаер?* каби сўроқларга жавоб бўлувчи сўзларни ажратинг: *аввал, сўнг, олдин, кейин, олға, ичкари, ташқари, узоқдан, юқори, қуйи.* 2. Ўрин равишларига гап ичида мисоллар келтиринг.

Т. 138. Ўрин равиши тўғри берилган сўзни топинг.

A) олға; B) ичкари; C) сингари; D) барча жавоблар тўғри.

159-дарс. Миқдор-даража равишлари

СТ. 1. Берилган сўзлар ичидан *қанча?* сўроғига жавоб бўлувчи сўзларни ажратинг: *сал, пича, эрта, индин, кеча, кундуз, тез, ғоят, хиёл, кўп, оз.* 2. Миқдор-даража равишлари қандай сўроқларга жавоб бўлади? 3. Улар қандай маънони англатади?

Қ. ***Сал, пича, хиёл, оз, кўп, кам, анча, ғоят, жуда, энг, бениҳоят*** **каби сўзлар** ***қанча*****? сўроғига жавоб бўлиб, миқдор-даража равиши ҳисобланади.**

ТСЖ. Қайси қаторда миқдор-даража равиши мавжуд? — *Қаддини ростлаб, эшикни узоқ тақиллатди.*

Т. 135. *Бўйинг сал чўзилсин, биронта дурадгор уста топилса, шогирдликка топширардик.* Ушбу гапдан миқдор-даража равишини топинг.

A) ушбу; B) чўзилсин; C) сал; D) биронта.

160-дарс. Мақсад-сабаб равишлари

Қ. ***Атайлаб, атайин, азза-базза, ноилож, ноилożликдан, шўрттага, қасддан, чорасизликдан*** **сўзлари** ***нега*****? сўроғига жавоб бўлиб, сабаб-мақсад равиши ҳисобланади.**

ТСЖ. *Анвар Солиевич бу ерга бемақсад, азза-базза келарди*? Ушбу гапда равишнинг қандай тури қўлланган? — *Мақсад.*

ОНА ТИЛИ 072005

1-дарс. Тил ва нутқ

СТ. Тил деб нимага айтилади? Қачон ўзбек тилига давлат мақоми берилган?

ТСЖ. *Алишернинг қалбига кирмоқчидай тикилиб қаради тоғаси.* Ушбу гапда қандай инверсия бор? – *Эга ва кесим инверсияси*

Т. 1. Ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ЎзР Конституциясининг нечанчи моддасида кўрсатилган?

A) 1-модда; B) 2-модда; C) 3-модда; D) 4- модда.

2-дарс. Фонетика

СТ. 1. Фонетика бўлими ҳақида гапиринг. 2. Унли ва ундош товушлар деб нимага айтилади?

ТСЖ. *Билим меҳнат билан, тилак ғайрат билан азиз.* Ушбу гап қандай унлилардан тузилган? – *Тил олди, лабланган.*

ТСЖ. Қайси гапда нуқталар ўрнига бўғиз ундоши ёзилиши керак? – *Карам са...оватдир.*

Т. 2. Қайси қатордаги ясама сўзлар жарангли ундошдан иборат?

A) тинчлик; B) севинч; C) ранжи; D) муродбахш.

3-дарс. Имло

СТ. Орфография нимани ўрганади? Асос ва қўшимчалар имлоси ҳақида нималарни биласиз? Бош ҳарфларнинг ишлатилиш ўринлари ҳақида гапириб беринг.

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз хато ёзилган? – *Ғазандан қоч.*

Т. 3. Қайси қатордаги сўз тўғри ёзилган?

A) қўрқгудай; B) тўкгани; C) уюшуқ; D) совға.

4-дарс. Қўшимчалар

СТ. Қўшимчалар деб нимага айтилади? Шакл ясовчи қўшимчалар ҳақида гапиринг. *Олинди, экинда* сўзлари таркибида келаётган қўшимчалар нимаси билан бир-биридан фарқ қилади?

ТСЖ. Қайси қатордаги қўшимча сўз ясовчи ва синтактик шакл ясовчи ҳисобланади? – *-им.*

Т. 4. *Икки, олти, етти* сонларига *-ов, -овлон, -ала* қўшимчалари қўшилса, қандай фонетик жараён юз беради?

A) товуш тушиши; B) товуш ортиши; C) товуш алмашиши; D) барча жавоблар тўғри.

5-дарс. Лексикология

СТ. Атамалар деб нимага айтилади? Шевага хос сўзларга мисоллар келтиринг. Эскирган сўзлар ҳақида гапиринг.

ТСЖ. *Муаррих, фиқҳ, шуаро, ҳандаса* сўзлари қандай сўзлар? – *Тарихий.*

Т. 5. Қайси қаторда синтаксисга оид атама берилган?

A) боғлама; B) модал сўз; C) наҳв; D) маяк.

6-дарс. Феъл

СТ. Феълнинг грамматик хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг. Феъл нисбатларини ясовчи қўшимчалар қайсилар?

ТСЖ. Феълнинг биргалик нисбат қўшимчасига синоним бўла оладиган шакл ясовчи қўшимча қандай қўшимчага омоним бўлиши мумкин? – *Мураккаб қўшимчага: сўз ясовчи+ шакл ясовчи.*

Т. 6. *Қушлар уни яхши кўришиб, Майна деб исм қўйишибди. Ёзувчи турмушни ҳар тарафлама ўрганиши, бунинг учун унинг ҳамма соҳаларидан хабардор бўлиши керак.*

Биринчи ва иккинчи гапда қайси нисбат қўшимчалари қўлланилган?

A) Биринчи гапда ўзлик / иккинчи гапда ҳам ўзлик; B) 1-гапда биргалик / 2-гапда ҳаракат номи шаклини ҳосил қилган; C) 1-гапда мажҳул нисбат / 3- гапда ҳаракат номи; D) 1-гапда ҳаракат номи / 2- гапда ўзлик.

7-дарс. От

СТ. От сўз туркуми ҳақида гапиринг. Отларнинг маъно гуруҳларига мисоллар келтиринг. От ясовчи қўшимчалар ҳақида гапиринг.

ТСЖ. Қайси қаторда жуфт от берилган? – *Нон-пон олмоқ.*

Т. 7. Жўналиш келишиги қўшимчасини топинг.

A) -на; B) -дин; C) -им; D) -ин.

8-дарс. Сифат

СТ. Аслий ва нисбий сифатлар ҳақида сўзлаб беринг. Содда, қўшма, жуфт сифатларга мисоллар келтиринг. Оддий, қиёсий ва орттирма даражалари қандай фарқланади?

ТСЖ. Қайси қаторда сифат изофа таркибида келган? – *Қомати баланд бўлган ҳар бир кишининг ҳиммати ҳам баланд бўлавермайди.*

Т. 8. *Қизил* сўзининг синонимларини топинг.

А) мош-гуруч, ол; В) чоғ, адил; С) қаварик, ол; D) ол, алвон.

9-дарс. Сон

СТ. Қўшма ва жуфт сонлар ҳақида гапиринг. Сонларнинг имлоси ҳақида сўзланг.

ТСЖ. Араб рақамининг рим рақамидаги муқобили қайси қаторда нотўғри берилган? – XXXX – 40.

Т. 9. Сонларга эгалик ва келишик қўшимчалари қачон қўшилади?

А) отлашганда; В) сонлар умуман бу қўшимчаларни олмайди; С) -ов, -овлон қўшимчалари билан бирга келади; D) барча жавоб тўғри.

10-дарс. Равиш

СТ. Ҳолат равиши деб нимага айтилади? Пайт, ўрин, даража-миқдор равишлари қатнашган гаплар тузинг.

ТСЖ. Равиш ясовчи қўшимчани топинг. – *-сига, -часига.*

Т. 10. *Бунда булбул китоб ўқийди. Бунда қуртлар ипак тўқийди.* Ушбу мисраларда келтирилган «*бунда*» сўзи қандай равиш ҳисобланади?

А) ўрин; В) пайт; С) ҳолат; D) А ва В.

11-дарс. Олмош

СТ. Берилган гаплар таркибидаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қайси сўз ўрнида қўлланганини аниқланг: *Олим мусобақада ғолиб чиқди. Бу ҳаммамизни қувонтирди.*

ТСЖ. Қайси қатордаги қўшма гапда олмошлар нисбий сўз бўлиб, эга тобе гапли қўшма гапни ҳосил қилган? – *Ким кўп китоб ўқиса, унга мукофот бор.*

ТСЖ. *Ҳамид Олимжон ўз шеъриятида шундай камолот даражасига эришдики, у сўздан танбур торларидек турли парчаларда фойдаланарди, уни ўйната, жаранглата биларди.* Ушбу гапда нечта олмош қатнашган? – *4 та.*

Т. 11. Қайси қаторда гапда олмош от ўрнида ишлатилган?

A) У дарс қиляпти. B) У киши ёмон. C) Мана бу ерим ерийди. D) Қаёққа борай?

ТСЖ. Агар олмош «*Африка иқлими*» маъносини билдирса, унинг алмашиш вазифаси қандай бўлади? – *Сўз бириктмаси.*

ТСЖ. *Китобни кўп ўқисангиз, ундан кўп ҳикмат топасиз.* Ушбу гапдаги олмош қайси бирлик ўрнида қўлланган? – *Сўз ўрнида.*

ТСЖ. *Истагим шуки, доимо тинчлик бўлсин.* Ушбу гапда олмош қайси бирлик ўрнида қўлланган? – *Гап.*

ТСЖ. Қайси сўз туркуми аташ маъносига эга эмас? – *Олмош.*

ТСЖ. Олмош қайси туркум ўрнида алмашиниб қўлланиши мумкин? – *От, сифат, сон, равиш.*

Т. 12. Қайси қаторда олмош гап ўрнида қўлланган?

A) Истагим шуки, доимо тинчлик бўлсин. B) Сурайёнинг дугоналари кўп, улар ичида мен ҳам борман. C) Бу чиройли китоб. D) Тўғри жавоб йўқ.

13-дарс. Кўрсатиш олмошлари

ТСЖ. Қайси қаторда кўрсатиш олмошлари мавжуд эмас? – *У анча вақт индамай турди.*

ТСЖ. *Ким астойдил ўқиса, ўша ўқишга киради.* Бош гапдаги олмош қайси олмошга ишора қилган? – *Сўроқ.*

М. Сўз маъносини аниқлаб келувчи олмошлар ўзи аниқлаётган сўздан олдин қўлланади.

ТСЖ. Кўрсатиш олмоши қайси гапда сифатловчи-аниқловчи бўлиб келган? – *Катта йўлда ўша маҳлуқ кетиб борар эди.*

ТСЖ. Кўрсатиш олмошлари қайси синтактик вазифада кела олмайди? – *Кириш сўз.*

ТСЖ. Қайси қаторда кўрсатиш олмоши таркибида қўшимчалар яхлитлашган? – *Бунда, ўшанда, шундай, шунчалик, ана шунга.*

СТ. *Бу, у, шу, ўша* сўзларининг ҳар бирини гап ичида қўллаб гап тузинг ва изоҳлаб беринг. *У, бу, шу, ўша* олмошларининг ўзаро фарқини айтинг.

Т. 13. *У, бу, шу, ўша, ана шу, мана бу* каби олмошлари қатнашган гапда тиниш белгиси тўғри қўлланган қаторни топинг.

A) Шу – бизнинг уйдир. B) Шу – бизнинг уй бўлади. C) Бу – бизнинг уй. D) Бизнинг уй – шудир.

14-дарс. Кўрсатиш олмошларининг орфоэпияси ва орфографияси

СТ. Ушбу гап таркибидаги кўрсатиш олмошини аниқланг ва шу олмош ҳақида гапириб беринг. *Ниятимга етаман, мана бу тўполонлар ўтиб олсин-чи, – деди у Онабибига. Мен, сен, у, бу, шу* олмошларига *-дай, -ақа, -ча* ҳамда келишик қўшимчаларини қўшганда қандай ўзгариш юз беради?

ТСЖ. *Мен, сен, у, бу, шу* олмошларига қайси қўшимчалар қўшилса, фонетик ўзгариш юзага келади? – *Дастлабки икки олмошга қаратқич ва тушум келишиклари қўшимчалари қўшилса, кейинги уч олмошга -дай, -ақа, -ча қўшимчалари қўшилса, хослик қўшимчаси мен, сен олмошларига қўшилса.*

Қ. Қўшма шаклдаги *мана бу, мана шу, ана бу, ана шу* олмошлари ажратиб ёзилади.

ТСЖ. Қайси олмош нотўғри ёзилган? – *Ана шу.*

ТСЖ. Кўрсатиш олмошларига қайси қўшимчалар қўшилса, бир *н* товуши орттирилади? – *Айрим келишик қўшимчалари, кўмакчи қўшимчалар, -ақа қўшимчаси.*

ТСЖ. Агар кўрсатиш олмошларига унли билан бошланувчи қўшимчалар қўшилса, қандай ҳодиса юзага келади? – *Бир товуш ортади.*

Т. 14. Кўрсатиш олмошларига эгалик қўшимчаси қўшилганда қандай ўзгариш юз беради?

A) фонетик; B) морфологик; C) лексик; D) логик.

15-дарс. Кишилик олмошлари

СТ. Гап ичида келтирилган бир хил олмошларнинг қайси маънолари билан фарқланишини изоҳланг.

ТСЖ. Кишилик олмошлари... – ***мен, сен, у, биз, сиз, сизлар, улар*** *олмошлари, уч шахсдан бирига ишора қилувчи олмошлар.*

М. Кишилик олмошлари қуйидаги белгилар билан изоҳланади: а) *мен, биз* – сўзловчи; б) *сен, сиз, сизлар* – тингловчи; в) *у, улар* – нутқдан ташқаридаги шахс, нарса, воқеа-ҳодисалар; г) *мен, сен* бирликда; д) услубий талаб билан *биз, сиз, улар* бирликни, *сенлар* кўпликни англатади.

ТСЖ. *Улар келдилар.* Ушбу гапдаги олмош биринчи шахсга ишора қилса, қандай маъно англашилади? – *Ҳурмат.*

ТСЖ. *Сиз* олмоши ҳурмат маъносини билдирганда қайси қўшимча билан бирга қўлланади? – *Бирор қўшимчанинг бўлиши шарт эмас.*

ТСЖ. Қайси олмошлар айрим қўшимчаларни олиб, товуш ўзгаришларига учраши мумкин? – *Мен, сен, у.*

Т. 15. *Биз, сиз* кишилик олмошлари от билан мослашув ҳосил қилганда қандай ўзгариш юз беради?

А) Ҳоким қисм эгалик қўшимчасини олиши шарт бўлади. В) Тобе қисм белгисиз қўлланиши мумкин. С) Ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. D) Ҳоким қисм таркибида эгалик қўшимчаси қўлланмайди.

16-дарс. Ўзлик олмоши

СТ. *Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл* мақолида қайси олмош қатнашган ва бу мақолни шарҳлаб беринг. *Ўзим, ўзинг, ўзи* олмошларини *мен, сен, у* олмошларига боғлаб, бирикма ҳосил қилинг.

ТСЖ. *Ўзга юртларда шоҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўлган яхши.* Ушбу гапдаги ўзлик олмоши қандай вазифани бажарган? – *Аниқловчи.*

ТСЖ. Ўзлик олмошлари қайси келишик қўшимчасини олса, яхлитланиб қолади? – *Жўналиш келишиги.*

ТСЖ. Ўзлик олмоши кишилик олмоши билан маънодош бўлиши учун қайси қўшимча билан бирга қўлланиши керак? – *Эгалик.*

ТСЖ. Қайси олмош кишилик ўрнида таъкидни ифодалайди? – *Ўз.*

М. Ўзлик олмоши... – *а) фақат «ўз» сўзи; б) кишилик олмошлари ўрнида қўлланилади; в) кўпинча шахсни кўрсатади; г) баъзан предметни кўрсатади.*

ТСЖ. Ўзлик олмоши қайси қаторда белгисиз қаратқич шаклида келган? – *Ўз уйингни ўзинг асра. Ўз уйим – улан тушагим. Ўз сўзини айтибди.*

ТСЖ. Ўзлик олмоши қайси қаторда кўрсатиш маъносига эга? – *Ўз уйи, ўз машинаси, ўз белгиси, ўз вазифаси.*

Т. 16. Берилган гапларнинг қайси бирида кишилик олмоши ўрнида ўзлик олмошини қўллаб бўлмайди?

A) Бу китоб меники. B) Ҳар ким уникига боради. C) Бу менинг уйим. D) Ҳар ким сизни сўрайди.

17-дарс. Сўроқ олмошлари

СТ. Сўроқ олмоши ҳақида гапиринг. Сўроқ олмошларига қандай қўшимчаларни қўшиш мумкин? Сўроқ олмошлари иштирокида гап тузинг.

ТСЖ. Қайси қаторда равиш ўрнида қўлланувчи сўроқ олмоши берилган? – *Нега?*

Қ. Шахс, нарса-ҳодиса, белги-хусусият, миқдор, сабаб, мақсад, пайт, ўриннинг ифодаси бўлган барча сўроқ сўзлар – сўроқ олмошлари; а) *ким?* – шахс сўроғи; б) *нима*? – нарса-ҳодиса сўроғи; в) *қандай?, қайси*? – белги-хусусият сўроғи; г) *нечта?, неча?, қанча?* – миқдор сўроғи; д) *нега?, нечун?, нечук?* – сабаб-мақсад сўроғи; е) *қаерда?, қаерга?, қаердан? қай ер?* – ўрин-жой сўроғи; ж) *қачон?, қай вақт?* – пайт сўроғи.

ТСЖ. Гап талаффузида сўроқ олмоши қандай хусусиятга эга бўлади? – *а) сўроқ мазмунини ифодалайди; б) мантиқий урғуга эга бўлади.*

ТСЖ. Қайси қаторда сўроқ белгиси нотўғри қўлланган? – *Ким нима деса ишонаверма? Кимда ким ёлғонласа, ўзига зарар қилади.*

Т. 17. Шахс ва нарса-ҳодиса сўроқлари тўғри берилган қаторни топинг.

A) ким?, нима? B) қандай?, қанақа? C) ҳар ким?, ҳар қанча? D) алланима?, аллақандай?

18-дарс. Белгилаш олмошлари

СТ. Белгилаш олмоши деб нимага айтилади? Белгилаш олмошларини қайси сўз туркумлари ўрнида ишлатиш мумкин?

ТСЖ. Қайси қаторда белгилаш олмошлари мавжуд? – *Ҳар ким экканини ўради. Сен шундай яшагинки... Ялпи мажлис ўтказилди.*

ТСЖ. Белгилаш олмошларидан қайсиси жамлаш, умумлаштириш маъносига эга? – *Бари, ҳамма.*

Қ. Белгилаш олмошлари – а) ажратилган шахс, нарса белгиларини билдиради Ф. *ҳар + сўроқ олмоши; ҳар +бир сўз;* б) шахе, нарса, белги, ҳаракатни жамлаб ифодалайди: *ҳамма, барча, бари, ялпи, бутун;* в) миқдор-даражани билдиради: *шундай, бундай, ўшанча, шунча, бунча.*

Т. 18. Тўпдан ажратилган нарса, шахс, белги ҳаракат-ҳолатни ифодалайдиган олмошлар турини белгиланг.

A) кўрсатиш олмоши; B) кишилик олмоши; C) белгилаш олмоши; D) ўзлик олмоши.

19-дарс. Гумон олмошлари

СТ. Гумон олмошлари деб қандай олмошларга айтилади? Гумон олмошлари иштирокида гап тузинг.

ТСЖ. Қайси сўз *киши, нарса, нима* сўзи билан қўшиб ишлатилса, гумон олмоши ўрнида келади? – *бир.*

ТСЖ. *Кимдир* сўзи билан эркин алмаша оладиган олмошни топинг. – *биров.*

Қ. Гумон олмошлари: а) гумон маъносини ифодалайди; б) *алла* + сўроқ олмоши формуласида бўлади; в) *алла* + нарса қолипида бўлади; г) сўроқ сўз + олмош + *дир* юкламаси билан ҳосил қилинади, баъзан *негадир, бир киши, бир нимадир, бир нарса* шаклидаги гумон олмошлари ҳам учрайди.

М. *Бир* сўзига жамловчи соннинг *-ов* қўшимчаси қўшилса, *кимдир, аллаким* каби гумон олмошларининг муқобили пайдо бўлади.

Т. 19. *Кимдир қарши сўз айтган эди, муаллим жеркиб берди.* Ушбу гапда *кимдир* сўзини яна қайси олмош билан алмаштириб бўлади?

A) биров; B) аллаким; C) бир киши; D) тўғри жавоб йўқ.

20-дарс. Бўлишсизлик олмошлари

СТ. Бўлишсизлик олмошлари деб нимага айтилади? Бўлишсизлик олмошларига келишик қўшимчалари қай тартибда қўшилади?

ТСЖ. Қайси қаторда бўлишсизлик олмоши мавжуд эмас? – *Олтин кўмилган жойни ҳеч ким тополмади.*

Қ. Бўлишсизлик олмошлари: а) *ҳеч+* сўроқ олмошлари: *ҳеч қачон, ҳеч қанча, ҳеч ким;* б) *ҳеч+бир, нарса, нима*; в) бу олмошлар иштирок этган гапнинг кесими инкор шаклида бўлади: *ҳеч ким унутилмайди.*

М. Бўлишсизлик олмошлари ҳар доим ажратиб ёзилади, эгалик, келишик қўшимчалари билан турланади.

Т. 20. *Ҳеч қачон бу мажлис ҳақида ҳеч ким чурқ этмасин.* Ушбу гапда нечта бўлишсизлик олмоши берилган?

A) 4 та; B) 3 та; C) 2 та; D) 1 та.

21-дарс. Олмош ўрнида қўлланадиган сўзлар

СТ. *Камтарин қулингиз сўзи* иштирокида гап тузинг ва унинг қандай маъно англатаётганини изоҳланг. *Бандаи ожиз* сўзи қандай олмош ўрнида келади?

ТСЖ. От-олмош қатнашган гапни топинг. – А) *Ўтиришда камина ҳам бор эди.* В) *Фақир сизнинг илтимосингизга бел боғлаган. С) Сизни ҳамиша дуо қилиб қолувчи бандаи ожизингиз.*

М. Эски ўзбек тилида (XV–XX асрлар) камтарлик ифодаси сифатида *мен* олмоши ўрнида... А) *фақир, банда, камина, қулингиз* сўзлари В) *бандаи ожиз, камина-ю камтарин* форсий изофалари келади.

Т. 20. Олмош ўрнида қўлланган сўз қатнашган қайси гапда имло хатога йўл қўйилган?

A) Камина сизнинг хизматингизга тайёр. B) Камина ўзингиздан сўрайди. C) Фақир буларнинг барчасини унутганман. D) Барча жавобларда тўғри ёзилган.

М. *Мен* олмоши ўрнида от олмошлар қўлланганда кесим 3-шахсда бўлади.

Т. 21. Мен олмоши ўрнида *камина, банда, фақир* сўзлари қўлланганда кесим мазмунан нечанчи шахсда бўлади?

A) I; B) II; C) III; D) I ва III шахсда.

22-дарс. Олмошларнинг тузилишига кўра турлари

СТ. Олмошлар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади? *Мен, у, ҳамма* сўзлари тузилишига кўра қандай олмошлар саналади?

Қ. Олмошлар тузилишига кўра: содда, қўшма, жуфт, такрорий бўлади.

Т. 22. Содда олмошлар олмошларнинг қайси маъно гуруҳларида мавжуд?

А) кишилик ва ўзлик; В) кўрсатиш, сўроқ; С) гумон; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Жуфт олмошлар олмошларнинг қайси маъно гуруҳларида мавжуд? – *Кишилик ва кўрсатиш.*

ТСЖ. *1. Кишилик. 2. Ўзлик. 3. Кўрсатиш. 4. Сўроқ. 5. Белгилаш. 6. Бўлишсизлик. 7. Гумон* олмошларининг қай бирида қўшма олмошлар мавжуд? – *3, 5, 6, 7.*

Т. 23. *Ҳар бир, ҳамма, жами* олмошлари қайси олмош таркибига киради?

А) бўлишсизлик; В) гумон; С) белгилаш; D) кишилик.

23-дарс. Содда ва қўшма олмошларнинг имлоси

СТ. Содда олмошлар иштирокида гаплар тузинг ва уларнинг имлосини тушунтиринг.

Қўшма олмошлар деб нимага айтилади? *Ана шу, ҳар ким, ҳамма нарса, бир нима* қўшма олмошлари имлоси ҳақида сўзланг.

ТСЖ. Аффиксация усулида ясалган содда ясама олмошларни аниқланг. – *Аллаким, аллақандай.*

Т. 24. Туб олмошларни аниқланг.

А) жами, ялпи; В) ким, нима; С) ўз, қандай; D) барча жавоблар тўғри

Қ. Содда олмошлар бир асосдан иборат олмошлардир: *ҳамма, мен.*

М. Қўшма олмошлар *ҳеч, бир* қисмли олмош ва *ана шу, мана шу* олмошлари.

Т. 25. *Кимдир мени ёки сени қўрқитмоқчи.* Ушбу гапда нечта содда олмош қатнашган.

А) 1 та; В) 2 та; С) 3 та; D) 4 та.

24-дарс. Жуфт ва такрорий олмошлар имлоси

СТ. Жуфт олмошлар деб нимага айтилади? Такрорий олмошларга мисоллар келтиринг.

ТСЖ. Такрорий олмошлар иштирок этган гапни топинг. – *Қанчадан қанча аждодларимиз орзуси бу. Ўртоғимнинг феъли ўша-ўша.*

ТСЖ. Жуфт олмошлар иштирок этган гапни топинг. – *Унинг билими унча-мунча эмас.*

Қ. Жуфт олмошлар: олмош+олмош қолипида: ***ана-мана, у-бу, сизу*****-биз; Такрорий олмошлар: а) бир олмошни айнан такрорлаб:** ***шу-шу, ўша-ўша*****; б)** ***бу*** **олмоши товуш ўзгариши билан:** ***унча-мунча.***

ТСЖ. Қайси қаторда қўшма сифат *олмош +сифат* қолипидан пайдо бўлади? – *Ўзбилармон.*

ТСЖ. Қайси ибора таркибида олмош мавжуд? – *Ўзига келмоқ, ўзидан кетмоқ.*

ТСЖ. Қайси қатордаги ибора таркибида олмош мавжуд эмас? – *Ўзига айтмоқ.*

Т. 26. Қандай олмошлар қўшма шаклда ишлатилади?

A) бўлишсизлик; B) биргалик; C) кўрсатиш; D) барча жавоб тўғри.

28-дарс. Исмлар

СТ. Қадимда сўзлар қандай гуруҳларга бўлинган? Исмлар деганда қайси сўз туркумларини тушунасиз? Исмларнинг ўзига хос хусусиятлари нима?

ТСЖ. Қадимда қайси халқлар сўзларни отлар, феъллар, ёрдамчиларга ажратиб, тилшуносликни фан сифатида шакллантирган? – *Ҳиндлар.*

ТСЖ. Қайси халқлар сўзларни исмлар, феъллар, ёрдамчиларга ажратган? – *Араблар.*

ТСЖ. Арастудан кейин қайси халқ олимлари исмлар ичидан сифат, сон, олмошни ажратишган? – *Юнон олимлари.*

ТСЖ. Қайси халқ олимлари мустақил сўзларни от, сифат, сон, олмош, феъларга ажратишди? – *Руслар.*

ТСЖ. Қайси қаторда исмлар тўлиқ берилган? – *От, сифат, сон, олмош, сифатдош, ҳаракат номи, тақлид сўз.*

Қ. Исмлар: а) сон – миқдорнинг номи; б) от – нарсанинг номи; в) сифат – белгининг номи; г) олмош – номлар ўрнида алмашиниб келувчи сўз. ***Сифатдош, ҳаракат номи, тақлид*** **сўзлар ҳам исмлар таркибига киради.**

Исмлар эгалик, келишик шакллари билан ўзгара оладиган сўзлардир.

ТСЖ. Эгалик, келишик, кўплик шакллари қуйидагиларнинг қайси бирига қўшилади? – *От, олмош, сон, сифат.*

Т. 27. Кимлар от, олмош, отлашган сифат, сифатдош ва бошқаларни исмлар деб номлаган?

A) тожик тилшунослари; B) рус тилшунослари; C) ўзбек тилшунослари; D) инглиз тилшунослари.

29-дарс. Исмларнинг луғавий муносабат шакллари

СТ. Исмларнинг луғавий шакллари қайси қўшимчалар ёрдамида ясалади? Исмларнинг муносабат шакллари қайси қўшимчалар ёрдамида ясалади?

ТСЖ. Исмларнинг қайси шакллари луғавий шакл ҳисобланади? — *A) кўплик; B) кичрайтириш, эркалаш шакллари; C) қиёслаш.*

ТСЖ. Исмларнинг муносабат шакллари қайси қаторда тўғри берилган? — *-ман, -сан, -дир.*

Қ. Исмларнинг кўплик, кичрайтириш, эркалаш, қиёслаш маъноларини билдирувчи қўшимчаларга эга бўлган шакли исмларнинг луғавий шакли дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда исмларнинг луғавий шакли берилган? — *Тугунча.*

Қ. Исмларнинг муносабат шакллари исмларнинг эгалик, келишик ва кесимга мосланган шакли.

ТСЖ. Қайси қатордаги исм кесим сифатида муносабат шаклини ҳосил қилган? — *Бир нарса бўлса сендан.*

ТСЖ. *Раънонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилиб, яна ерга оғди.* Ушбу гапда нечта муносабат шакли мавжуд? — *5 та.*

ТСЖ. Исмларнинг луғавий шаклини топинг. — *Далалар.*

Т. 28. *Бўлмоқ, саналмоқ, ҳисобланмоқ* сўзлари қайси қўшимчалар қаторига киради?

A) луғавий шакл ясовчи; B) синтактик шакл ясовчи; C) сўз ясовчи; D) булар ҳеч қандай қўшимча таркибига кирмайди.

30-дарс. Исмларнинг эгалик шакллари

СТ. Эгалик қўшимчалари деб қандай қўшимчаларга айтилади? Унли билан тугаган исмларга қайси эгалик қўшимчалари қўшилади? Ундош билан тугаган исмларга қайси эгалик қўшимчалари қўшилади?

Қ. Эгалик шакллари — исмларга қўшилиб, асос қисмда ифодаланган нарса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатнинг уч шахсдан бирига қарашлилигини билдирувчи қўшимчалар.

ТСЖ. Қайси қаторда эгалик қўшимчаси мавжуд эмас? – *Чанг.*

М. Вилоят, шаҳар, туман, корхона номларида қўлланиладиган шахс, эгалик қўшимчалари шахсга қарашлилик маъносини эмас, хослик, умум маъносини беради: *Бобур боғи, Орол денгизи, Бекобод бекати, Бахт уйи.*

ТСЖ. Қайси қаторда эгалик қўшимчаси умумдан ажратилганлик маъносини ифодалаган? – *Муқимий боғи.*

ТСЖ. Қайси қаторда эгалик қўшимчаси мавжуд эмас? – *Туни билан мижжа қоқмади.*

Т. 29. Эгалик қўшимчалари нечта?

A) 10 та; B) 9 та; C) 5 та; D) 3 та.

Т. 30. Қайси сўзда эгалик шакли мавжуд эмас?

A) авваллари, олдинига, бирданига; B) кечаси, туни, кундузи; C) тонгги, сўнгги, аввалига; D) барчасида мавжуд эмас.

31-дарс. Сифатдош ва ҳаракат номидаги эгалик қўшимчаси

СТ. Ҳаракат номларига эгалик қўшимчаларини қўшинг ва уларни изоҳланг. *Ўқишим, яшашинг, боришимиз* сўзлари таркибини изоҳланг.

Қ. Эгалик қўшимчалари сифатдош ва ҳаракат номига қўшилса, шахс ва сон қўшимчасини ишлатишга эҳтиёж қолмайди.

ТСЖ. Эгалик қўшимчаси қайси қаторда сифатдошга қўшилган? – *Билганингни элдан аяма.*

Т. 31. *Билган нарсанг наф келтирар.* Сифатдош нечта?

A) қўлланган-у, аммо яхлитлашган; B) 1 та;
C) 2 та; D) 3 та.

32-дарс. Эгалик қўшимчаси имлоси

СТ. Асос қисми *-к, -қ* ундошлари билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчалари қай тарзда қўшилади? *Завқ, пишлоқ* сўзларига эгалик қўшимчаларини қўшинг ва уларни тушунтиринг.

Қ. *-к, -қ* билан тугайдиган исмларга унли билан бошланувчи эгалик қўшимчалари қўшилса, бу товушлар *-г -ғ* га айланади.

ТСЖ. Қайси сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилса, охирги товуши жаранглиси билан алмашмайди? – *Нок, чок, ишқирок, эрк.*

М. *Қорин, бўғин, ўғил, шаҳар, бўйин, заҳар, бурун* каби сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда қисқа унли тушади.

ТСЖ. Қайси қатордаги сўзга эгалик қўшимчаси қўшилса, товуш иккиланади? – *Ҳақ.*

ТСЖ. Эгалик қўшимчаси қўшилса, товуш ўзгармайдиган сўзлар қайси қаторда берилган? – *Идрок, эрк, турқ, итифоқ, халқ.*

Т. 32. *Ўғлимиз унга жуда ёқди.* Ушбу гапда нечта фонетик ўзгариш юз берган?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) 4 та.

34-дарс. Келишик шакллари

СТ. Турланиш нима? Келишик шакллари қандай вазифа бажаради? Ўзбек тилида нечта келишик бор?

Т. 33. Қайси қаторда келишик шакли мавжуд?

A) ҳаётда; B) тезда; C) ўзга, D) тўсатдан.

Қ. Исмларни бошқа сўзларга тобелантириб (бошқарув, мослашув қилиб) боғлаш учун хизмат қилувчи қўшимчалар келишик шакллари дейилади.

PS. Келишик шакллари доим тобе қисмга қўшилади.

Қ. Турланиш – исмларнинг эгалик қўшимчалари ҳамда келишик қўшимчалари билан ўзгариши.

М. Бош келишик – *ким?, нима?, қаер?*

Қаратқич келишиги (*-нинг, -н,-им,-ин*) – *кимнинг?, нимaнинг?, қаернинг?*

Тушум келишиги (*-ни, -н, -и*) – *кимни?, нимани?, қаерни?*

Жўналиш келишиги (*-га, -ка, -қа*) – *кимга?, нимага? қаерга?*

Ўрин-пайт келишиги (*-да*) – *кимда?, нимада?, қаерда?*

Чиқиш келишиги (*-дан, -дин*) – *кимдан?, нимадан?, қаердан?*

Т. 34. *Майни қўйки, волау зор ул, Жон бериб васлига харидор ул* байтида нечта сўз турланган?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) 4 та.

35-дарс. Бош келишик

СТ. Бош келишик шакли қандай қўшимчага эга? Улар гапда қандай вазифа бажаради? Бош келишикдаги сўзлар қатнашган гаплар тузинг ва тушунтиринг.

Қ. Бош келишик – исмларнинг келишик қўшимчаларисиз туриши.

PS. Бош келишикдаги исм гапда кўпинча эга ёки от кесим, баъзан ундалма бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда бош келишикдаги исм қатнашган? – *Муҳайёнинг ижозати билан устаси оқсоқ чолни чақирди.*

Т. 35. Бош келишик шаклидаги сўзларни топинг. *Карим чумолиларга узоқ тикилиб қолди.*

A) Карим, узоқ, тикилиб қолди; B) Карим, узоқ; C) Карим; D) Карим, тикилиб қолди.

36-дарс. Қаратқич келишиги

СТ. Қаратқич ва қаралмиш деб нимага айтилади? Қандай ҳолатларда қаратқич келишиги қўшимчаси тушиб қолмайди? Мисоллар билан изоҳланг.

Қ. Қаратқич келишиги – қаратқични қаралмишга тобелантириб келади ва исмларга қарашлилиги шу сўзда ифодаланади. *Менинг китобим* мослашувида қаратқич – *менинг*, қаралмиш – *китобим* (*китобим* исми *менинг* исмига қарашли).

PS. Қаратқич белгили ёки белгисиз, қисқарган шаклларда қўлланиши мумкин: *китобнинг бети* – белгили; *китоб бети* – белгисиз. *Маним юртим* бирикувида биринчи *-им* қаратқич шаклидир.

ТСЖ. Қайси қаторда қаратқич қўлланмаган. – *Бобур боғи, қариялар уйи.*

ТСЖ. Қайси қаторда қаратқич келишиги қўшимчаси бўлиши шарт? – *Мактабимиз чиройли боғи.*

Қ. Агар қаратқич ва қаралмиш ёнма-ён келса, қаратқич кўпроқ белгисиз қўлланилади, аммо олмош қаратқич бўлганда *-нинг* бўлиши шарт. Шунингдек, қаратқич ва қаралмиш орасига бошқа сўз кирса, *-нинг* бўлиши шарт.

Т. 36. Қайси қўшимча қаратқич келишигининг эквиваленти ҳисобланади?

A) -нинг B) -н C) -ни D) -им.

37-дарс. Тушум келишиги

СТ. Тушум келишиги қайси қўшимча ёрдамида ифодаланади? Тушум келишигининг қўшимчаси тушириб қолдирилиши ҳам мумкинми? Мисоллар келтиринг.

Қ. Тушум келишигидаги исм доимо ўтимли феълга боғланади, у билан ёнма-ён турганда тушум келишиги қўшимчаси тушиб қолади: *эшикни супурдим — эшик супурдим.*

PS. Тушум келишигидаги сўз атоқли от, олмош, сифатдош бўлса, шунингдек, тушум келишигидаги сўз ва ўтимли феъл орасида бошқа сўз бўлса, келишик қўшимчаси белгисиз қўлланмайди. Тушум келишигидаги сўз доимо тўлдирувчи бўлиб келади.

ТСЖ. Эгалик қўшимчасини олган исмларга боғловчи сўз қайси келишикда бўлади? — *Қаратқич.*

ТСЖ. Ўтимли феъл билан бошқарув ҳосил қилувчи сўзда тобе қисм қайси келишикда бўлади? — *Тушум келишигида.*

ТСЖ. Эски ўзбек ёзувида тушум келишигининг қўшимчаси қайси шаклда бўлган? — *-г, -иг, -ғ, -иғ.*

Т. 37. *Бу гапни эшитиб, тўнини тескари кийиб олди.* Ушбу гапда тушум келишигидаги нечта сўз мавжуд?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) йўқ.

М. Тушум келишигидаги сўз белгили кела олади.

38-дарс. Жўналиш келишиги

СТ. Жўналиш келишигининг қўшимчалари қайсилар? Жўналиш келишигидаги сўз қандай сўроқларга жавоб бўлади? *Жўрттага, эртага* сўзларида қайси келишик шакли мавжуд?

Қ. Жўналиш келишиги қўшимчаси ўрин-жой отларига қўшилиб, *қаерга?* сўроғига жавоб бўлади ва гапда ўрин ҳоли бўлади.

М. Жўналиш келишиги қўшимчаси пайт маъносидаги исмларга қўшилиб, пайт ҳоли бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда жўналиш келишигидаги исм пайт ҳоли бўлмаган? — *Сизга атадим бу гулларни.*

Қ. Жўналиш келишигидаги сўз шахс ва нарса отларига қўшилса, доим воситали тўлдирувчи бўлади: *Қоидани дафтарга ёздим.*

PS. Агар исм *-к, -қ* товуши билан тугаса, жўналиш келишигининг *-ка, -қа* қўшимчаси қўшилади ва фонетик ёзув амал қилади; баъзан *-а, -на, -ға* шакли ҳам ишлатилади.

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз нотўғри ёзилган? – *Куракга.*

Т. 38. Қайси гапда жўналиш келишигидаги сўз қатнашган?

А) Ер ҳайдасанг куз ҳайда. В) Абдулла Қаҳҳор давр, халқ талабини чуқур ҳис қилган ҳожиржавоб ёзувчи эди. С) Тўғри жавоб берилмаган. D) Андижон борай дедим, боролмадим.

39-дарс. Ўрин-пайт келишиги

СТ. Ўрин-пайт келишиги шакли деб нимага айтилади? *-да* қўшимчаси қачон пайтни ифодалайди? Мисоллар келтиринг.

Қ. Ўрин-жой отларига қўшилганда ўрин ҳоли (*қаерда*?), пайт отларига қўшилганда пайт ҳоли (*қачон*?), шахс ва нарса отларига қўшилганда воситали тўлдирувчи (*кимда?, нимада?)* бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда ўрин-пайт келишигидаги сўз воситали тўлдирувчи бўлиб келмаган? – *Улар маҳаллада туради.*

Т. 39. *Тонгда, ўртада, пастда, орқада.* Ушбу сўзларда қайси келишик шакли мавжуд?

А) ўрин-пайт; В) жўналиш; С) қўшимча яхлитлашган; D) А ва В.

40-дарс. Чиқиш келишиги шакли

С.Т. Чиқиш келишигидаги сўзлар қандай сўроқларга жавоб бўлади? Чиқиш келишиги шаклидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг ва уларни изоҳланг.

Қ. Чиқиш келишиги қўшимчаси ўрин-жой отларига қўшилса, ўрин ҳоли (*қаердан*?), пайт отларига қўшилса – пайт ҳоли (*қачон*?), шахс-нарса отларига қўшилса – воситали тўлдирувчи (*кимдан?, нимадан*?) бўлади.

ТСЖ. Чиқиш келишигидаги сўз қайси қаторда пайт ҳоли бўлган? – *Одамлар эрталабдан бу ерга тўпланишди.*

ТСЖ. Агар тушум келишиги қўшимчаси ўрнида чиқиш келишиги қўшимчаси қўлланса, қандай маъно англашилади? – *Қисм.*

ТСЖ. Чиқиш келишигидаги сўз одатда қандай сўз бирикмасини юзага келтиради? – *Бошқарув.*

ТСЖ. Қайси қаторда чиқиш келишигидаги сўз мавжуд эмас? – *Қўққисдан гапирмоқ.*

ТСЖ. Бошқарувда қайси келишик қўшимчалари яхлитланиб келиши мумкин? — *Чиқиш, жўналиш, ўрин-пайт келишиги қўшимчалари.*

ТСЖ. Чиқиш келишиги қўшимчаси нечта келишик қўшимчаси билан маънодош бўла олади? — *4 та.*

Т. 40. Чиқиш келишигининг бўлишсиз шакли қўлланган гапни топинг.

A) Тошкент кетмоқ; B) узоқдан келмоқ; C) сустлигидин ланд емоқ; D) бўлишсизлик шакли йўқ.

41-дарс. Исмларнинг кесимга хословчи шакллари

СТ. Кесим эга билан қандай мослашади? *-ман, -сан, -дир* қўшимчалари кесимга қай тарзда қўшилади?

Қ. *-ман, -сан,-дир* қўшимчалари *бўлмоқ, саналмоқ, ҳисобламоқ* богламалари; *экан, эмиш, эди* тўлиқсиз феъллари от кесим таркибида исмни кесимга хословчи шаклдир.

ТСЖ. Қайси қаторда исм кесимга хосланмаган? *1. Мен ўқитувчиман. 2. Ҳаёт гўзалдир. 3. Адам фермер бўлди. 4. У кўпчиликка бош экан. 5. Салима кеча келган экан. — 1, 2, 3, 4, 5.*

Қ. Ҳаракат номи билан ифодаланган кесим таркибида *керак, лозим, даркор, шарт* сўзлари бўлганда, шахс-сон қўшимчалари ҳаракат номига қўшилади: *A) У ўқиши шарт. Б) Мен ўқишим даркор.*

Т. 41. Эга ва кесим шахс-сонда мослашган гапни топинг.

A) Мен ўқишим керак. *B) Биз ўқишимиз шарт.*
C) Сен ўқишинг керак. *D) Барча жавоблар тўғри.*

46-дарс. Ёрдамчи сўзлар

СТ. Сўз туркумлари деб нимага айтилади? Мустақил сўз туркумларига таъриф беринг. Ёрдамчи сўзларга мисоллар келтиринг.

Қ. Аташ маъноли сўзлар ва олмош мустақил сўзлардир.

ТСЖ. Қайси қаторда аташ маъносига эга сўз берилган? — *Фараз.*

Қ. Ёрдамчи сўз: а) аташ маъносига эга бўлмайди; б) сўроққа жавоб бўлмайди; в) гап бўлаги бўлмайди.

PS. Ёрдамчи сўзлар — *боғловчи, кўмакчи, юклама.*

ТСЖ. *Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор* гапида нечта ёрдамчи сўз мавжуд? — *3 та.*

51-дарс. Кўмакчилар ва қўшимчаларнинг маънодошлиги

СТ. *-дек* қўшимчаси қандай маънони англатади ва қайси кўмакчилар билан маънодош? Мисоллар келтиринг. Жўналиш келишиги қўшимчасига маънодош кўмакчилар қайсилар?

ТСЖ. Қайси кўмакчи жўналиш келишиги қўшимчасига маънодош бўла олади? – *Томон.*

ТСЖ. *Каби, сингари, янглиғ* кўмакчиларига маънодош қўшимчани топинг? – *-дек.*

ТСЖ. *Ҳовлининг ярмигача ариқ тортиб экилган қулупнай пушталарида сув ялтирайди* гапида *-да* ўрин-пайт келишиги қўшимчасини қайси кўмакчи билан алмаштириш мумкин? – *А) устида; В) узра.*

Қ. а) *каби, сингари, янглиғ -дек*; б) *учун, сари, томон, боғлаб -га*; в) *билан, орқали -да*; г) *орқали, -дан ўзаро маънодош*

Т. 47. Жўналиш келишиги билан синоним бўладиган кўмакчиларни топинг

А) учун; В) билан; С) орқали; D) В ва С.

52-дарс. Кўмакчи билан бирга келган сўзларнинг шакллари

СТ. Қайси кўмакчилар бош келишик шаклидаги сўзларга боғланади? Жўналиш келишигига қайси кўмакчилар боғланади.

Қ. а) бош келишикдаги исм+*билан, каби, сингари, учун, сари, сайин, чоғли, бўйлаб;* б) жўналиш келишигидаги исм+*кўра, қарамай, яраша, асосан, мувофиқ*; в) бош ва жўналиш келишиги+*томон, учун*; г) чиқиш келишиги+*кейин, бўлак, бошқа, ўзга, ташқари, буён, сўнг, аввал;* д) қаратқич келишигидаги сўз+*олд, ост, уст, ич, ён, тепа, паст, ора.*

ТСЖ. Қайси қаторда бош келишикдаги сўз билан қўлланадиган кўмакчи берилган? – *Чоғли.*

Т. 48. Чиқиш келишиги билан боғлана оладиган кўмакчилар қаторини топинг.

А) олд, уст, бўлак; В) олд, ост, кейин; С) ост, бошқа; D) бошқа, ўзга, ташқари.

56-дарс. Боғловчилар

СТ. Боғловчилар қандай вазифа бажаради? Ҳам кўмакчи, ҳам боғловчи вазифасида қўлланувчи сўзни айтинг.

ТСЖ. Қайси гапда боғловчи бор? — *Адҳам билан Карим бизни кўргани келишди.*

Қ. Боғловчилар — содда гапда уюшиқ бўлакларни, қўшма гапда содда гапларни ўзаро боғлайди.

ТСЖ. Қайси гапда эргаштирувчи боғловчи бор? — *Мен буни яхши кўраман, чунки у руҳни кўтаради.*

Т. 49. *Билан* кўмакчиси уюшиқ бўлакларни боғлаб келганда қандай вазифа бажаради?

A) боғловчи; B) боғловчи-кўмакчи; C) фақат кўмакчи; D) уюшиқ бўлакларни боғламайди.

57-дарс. Боғловчиларнинг вазифасига кўра турлари

СТ. Берилган сўзлар ичидан боғловчиларни ажратинг. Уларнинг турини аниқлаб, гаплар тузинг: *учун, томон, билан, ҳамда, ва, бироқ, ичида, ҳамиша, аммо, кетмоқ, ё...ё, чунки.*

Қ. Боғловчилар вазифасига кўра икки хил: а) ***тенг боғловчилар*** **— уюшиқ бўлаклар ва боғланган қўшма гап қисмларини боғлайди:** ***олма ва ўрик гуллади; Ёз келди ва кунлар исиди;*** **б) эргаштирувчи боғловчилар — фақат тобе гапни ҳоким гапга боғлайди:** ***Истагим шуки, доимо тинчлик бўлсин.***

ТСЖ. Қайси қаторда эргаштирувчи боғловчилар берилган? — *Чунки, агар, -ки.*

Т. 50. Боғловчи қатнашган гапни топинг.

A) Укам мактаб томон борарди. B) Балки қушчага аён ҳамирим кетди қаён? C) Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси. D) A ва C.

58-дарс. Тенг боғловчилар

СТ. Тенг боғловчилар мазмуний муносабатларига кўра қандай турларга бўлинади? Боғловчиларнинг ҳар бир турига мисол келтириб, дафтарингизга ёзинг.

Т. 51. Зидлов боғловчилар берилган қаторни аниқланг.

A) балки, аммо, ҳамда; B) гоҳ...гоҳ -у, -ю; C) аммо, балки, бироқ; D) лекин, бироқ, билан.

Қ. Тенг боғловчилар 4 хил бўлади: а) бириктирув боғловчилари: ***ва, ҳамда, билан, ҳам*****; б) зидлов боғловчилари:** ***аммо, лекин, бироқ, балки*****; в) айирув боғловчилари:** ***ё...ё, гоҳ...гоҳ, баъзан...баъзан, дам...дам, хоҳ...хоҳ;*** **г) инкор боғловчилари:** ***на...на.***

ТСЖ. Бириктирув боғловчиси *ҳам* такрорланиб қўлланса, қайси боғловчи вазифасида келади? – *Айирув.*

59-дарс. Соф ва вазифадош боғловчилар

СТ. Соф боғловчиларни айтинг ва улар иштирокида гаплар тузинг. Қандай боғловчилар вазифадош боғловчилар дейилади?

ТСЖ. Қайси қаторда соф боғловчи бор? – *ва, лекин, ҳамда.*

Қ. Соф боғловчилар – фақат боғловчи вазифасини бажарадиган бирликлардир: ***ва, бироқ, гоҳ...гоҳ, дам...дам.***

ТСЖ. Қайси қаторда вазифадош боғловчи берилган? – *Балки, ҳам, билан, ...на ...на, -да, бир... бир*

ТСЖ. Боғловчи-юкламани топинг? – *-у, -ю, -да, ҳам, на...на.*

ТСЖ. Боғловчи-кўмакчини топинг? – *Билан.*

Қ. Вазифадош боғловчилар: а) боғловчи-кўмакчи: ***билан;*** **б) боғловчи-юклама:** ***-да, -у, -ю, ҳам, -ки, -на...на;*** **в) боғловчи-модал сўз:** ***балки.***

Т. 52. *Балки* модал сўзи боғловчиларнинг қайси турига киради?

A) зидлов боғловчиси; B) бириктирув; C) зидлов ва инкор; D) айирув.

60-дарс. Бириктирув боғловчилари

СТ. Бириктирув боғловчиларини сананг. Қандай боғловчилар бириктирув боғловчилари дейилади?

Қ. Бириктирув боғловчилари: а) соф боғловчилар: ***ва, ҳамда;*** **б) кўмакчи-боғловчи:** ***билан;*** **в) юклама-боғловчилар;** ***ҳам, -да, -у, -ю.***

PS. Бириктирув боғловчилари уюшиқ бўлаклар ва уюшиқ гапларни боғлайди.

ТСЖ. Бириктирув боғловчиларидан қайси бири айирув боғловчи ҳам бўла олади? – *Ҳам.*

ТСЖ. Қайси қаторда бириктирув боғловчиси уюшиқ бўлакларни боғлаган? – *Сиз билан биз улар олдида масъулмиз.*

Т. 53. Қайси қаторда бириктирув боғловчили гап берилган?

А) Илм бир дарё – ичи тўлмиш дуру гавҳар билан. В) Эшикни ёп-да, ўрнингга келиб ўтир. С) Буларнинг барчаси юклама. D) А ва В.

61-дарс. Айирув боғловчилари

СТ. Қандай боғловчилар айирув боғловчилари ҳисобланади? *ё, ёки, ё..., ё* боғловчилари нима мақсадда қўлланилади? Мисоллар келтиринг.

Қ. Айирув боғловчилари уюшиқ бўлаклар ва уюшиқ гапларни боғлайди.

ТСЖ. Айирув боғловчилари қайси қаторда тўғри қўлланган? – *Гоҳ ёмғир, гоҳ қор ёғади.*

Қ. Айирув боғловчилари: а) бирин-кетинликни кўрсатади: *дам...дам;* б) бири бўлиб, иккинчиси бўлмаганини кўрсатади: *ё, ёки, ёхуд;* в) такрор: *гоҳ...гоҳ, дам...дам.*

Т. 54. Тенг боғловчилардан қайси бири воқеа-ҳодисанинг фақат биттаси бажарилишини билдиради?

А) айирув; В) бириктирув; С) инкор; D) А ва В.

62-дарс. Зидлов боғловчилари

СТ. Зидлов боғловчилари ўзаро қандай муносабатда бўлган бўлакларни боғлайди? Зидлов боғловчиларини сананг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

Қ. Зид маъноли... уюшган бўлак ва уюшган гапларни: *Қуёш ёритади, лекин иситмайди.*

PS. *Балки* сўзи кўпинча зидлов боғловчиси вазифасида келади.

ТСЖ. Қайси ҳукм нотўғри? – *Аммо сўзидан кейин вергул қўйилади.*

Т. 55. Қайси қаторда *балки* боғловчи вазифасида келган?

А) Халқни қўрқитган эмас, балки халқ дардига шерик бўлган одам марддир. В) Собир нафақат ўқишда, балки спортда ҳам энг фаол ўқувчи. С) Балки у мени сўрагандир. D) А ва В.

63-дарс. Инкор боғловчиси

СТ. *на..., на* боғловчисининг вазифасини тушунтириб беринг. *на..., на* қандай хусусиятларга эгалигини мисоллар билан изоҳланг.

Қ. Инкор боғловчиси: а) *на...на*; б) уюшиқ бўлак ва уюшиқ гапларни боғлайди; в) кесими тасдиқ шаклда бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда услубий хато мавжуд? – *Анвар на кулмайди, на гапирмайди.*

Т. 56. *на..., на* боғловчили гапларнинг кесими қандай шаклда бўлади?

А) тасдиқ; В) изоҳлаш; С) сўроқ; D) инкор.

64-дарс. Якка ва такрор боғловчилар

СТ. Якка боғловчилар иштирокида гаплар тузинг. Қандай богловчилар такрор ҳолда қўлланади? Улар нимани англатади?

Қ. Богловчилар қўлланишига кўра икки хил: а) якка қўлланувчилар: *ва, лекин, чунки;* б) такрор: *ё...ё, дам...дам, бир...бир.*

Т. 57. *Кўринарди на бир дарахт, на бирор кулба. Бўш келмадик бўронларга, қилмасдик тавба.* Ушбу шеърий парчада боғловчи қай тарзда қўлланган?

А) якка; В) такрор; С) инкор; D) тасдиқ.

65-дарс. Эргаштирувчи боғловчилар

СТ. Боғловчи деб нимага айтилади? Унинг қандай турлари бор? Қандай богловчилар эргаштирувчи боғловчилар дейилади? Мисоллар келтиринг.

Қ. Сўз бирикмасида тобе қисмни, эргашган қўшма гапда тобе гапни ҳоким қисмга боглайди: *чунки, яъни, агар.*

Т. 58. Эргаштирувчи боғловчилар тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

А) чунки, яъни, агар, гарчи; В) чунки, учун, -ки, -ким; С) гарчи, агар, -у; D) барча жавоблар тўғри.

66-дарс. Сабаб боғловчилари

СТ. Қандай боғловчилар эргаштирувчи боғловчилар деб аталади? Сабаб боғловчиларини айтинг. Улар иштирокида

гап тузинг. Нима учун бу боғловчилар сабаб боғловчилари дейилади?

Қ. Сабаб боғловчилари – сабаб тобе гапни ҳоким гапга боғлайди.

ТСЖ. Сабаб боғловчисини аниқланг. – *Чунки, негаки.*

Т. 59. *Халқ бундай ёлборишларга қулоқ солмади,... ғишт қолипдан кўчган эди.* Нуқталар ўрнига қандай боғловчи қўйилади?

A) зидлов боғловчиси; B) кўмакчи; C) айирув боғловчиси; D) сабаб боғловчиси.

67-дарс. Аниқлов боғловчиси

СТ. Аниқлов боғловчиси иштирокида гаплар тузинг. Нима учун *яъни* боғловчиси аниқлов боғловчиси ҳисобланади? Мисоллар билан тушунтиринг. Қайси боғловчидан аввал доим вергул қўйилади?

Қ. а) соф аниқлов боғловчиси: *яъни*; б) боғловчи юклама: *-ки, -ким.*

ТСЖ. *Жулқунбой, ...Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг асосчисидир.* Кўп нуқта ўрнига қайси богловчи қўйилади? – *Яъни.*

Т. 60. *Жулқунбой, яъни Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг асосчисидир.* Богловчи гапга юклаган маънони аниқланг:

A) сўроқ; B) тасдиқ; C) инкор; D) изоҳлов.

68-дарс. Шарт боғловчилари

СТ. Шарт боғловчиларини айтинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Боғловчилар иштирок этган гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳақида гапиринг: *агар* боғловчисининг маънодошларини айтинг (*гар, гарчи, башарти, мабодо*).

Қ. Шарт ва тўсиқсиз тобе гапларни ҳоким гапга боғлайди. Баъзан содда гапда келади: *агар, агарда, башарти, гарчи.*

ТСЖ. Қайси қаторда тенг ва эргаштирувчи боғловчи берилган? – *Ҳамда, чунки.*

Т. 61. *Шуълафизо* сўзининг маъносини топинг?

A) шуъла орттирувчи; B) кучли шуъла ҳосил қилувчи; C) шуълалар йиғиндиси; D) A ва B.

69-дарс. Юкламалар

СТ. Қандай сўзлар туркуми юклама дейилади? Юкламалар қандай маъно турларига эга? Уларни қатнаштириб гаплар ёзинг.

ТСЖ. *Ахир, фақатгина далаларда иш бошланди-ку!* Гапда нечта юклама бор? – 3 та.

Қ. Юкламалар сўзга сўроқ, таъкид, айирув, чегаралаш, гумон, ўхшатиш, инкор маъноларини юклайди.

PS. Қўлланилиши икки хил: а) сўз шаклида: *ҳатто, ахир, фақат, худди, гўё, гўёки, нақ, ҳеч, сира, наҳотки;* б) қўшимча шаклида: *-ми, -чи, -а, -я, -гина, -кина, -қина, -дир, -у, -ю, -да, на...на.*

Т. 62. *-да* ёрдамчиси юклама вазифасида келганда унинг ўрнига қайси юкламани қўйиш мумкин бўлади?

А) ҳам; В) ҳамда; С) -ки; D) -ким.

71-дарс. Соф ва вазифадош юкламалар

СТ. на..., на ёрдамчиси қандай вазифа бажаради? Мисоллар билан тушунтиринг. *-у (ю), -да* юкламалари қачон боғловчи вазифасини бажаради? Мисоллар келтиринг.

Қ. *-у,-ю, -да, ҳам, -ку, -ки, -а* юкламалари иккита вазифада қўлланилади. Шунинг учун вазифадош юкламалар ҳисобланади. Қолган барчаси соф юкламалар.

ТСЖ. Қайси қатордаги юкламалар бошқа юклама ўрнида ишлатиляпти? – *Чой қайнатиб ичишни-да унутди.*

Т. 63. Вазифадош юкламалар берилган қаторни топинг.

А) -у, -ю, -да, ҳам; В) -ми, -ки, наҳот, -чи; С) -а, -я, ҳамда; D) фақат, ёлғиз, наҳот.

72-дарс. Сўроқ-таажжуб юкламалари

СТ. Сўроқ юкламалари ҳақида гапиринг. Нима учун улар сўроқ юкламалари дейилади? Улар гап мазмунига сўроқ маъноси билан бирга яна қандай маъно юклайди?

Қ. Гап мазмунига кўра сўроқ-таажжуб маъносини юкловчи ёрдамчилар *-ми* (сўзга қўшиб ёзилади), *-чи, -а, -я* (сўздан чизиқча билан ажратилади).

ТСЖ. *Шу мактабда ўқийсиз...* нуқталар ўрнига қайси юкламаларни қўйиш мумкин? – *-ми, -а.*

Т. 64. Қайси қатордаги гапда имловий хато мавжуд?

А) Мен бор-ку! — деди Акбарали кулиб. В) Келдинг-ми? Лолахон. С) Лобархон-чи? У бормайдими? D) Хато мавжуд эмас.

73-дарс. Айирув-чегаралов юкламалари

СТ. *-гина, -кина, -қина* қўшимчалари яна қандай хусусиятга эга? Мисоллар билан тушунтиринг.

Қ. Ўзи қўшилаётган сўзнинг маъносини айириб, чегаралаб келади: *фақат, холос, -гина (-кина, -қина).*

PS. Булардан фақат соф юклама вазифадош юклама ҳисобланади.

ТСЖ. *Хотин, бу гаплар фақат китобда бор холос, ҳаёт бошқа.* Гапда нечта айирув-чегаралов юкламаси бор? — *2 та.*

ТСЖ. Маънодош юкламаларни топинг. — *Фақат, -гина, ёлғиз, бир, холос.*

Т. 65. *Дарсга қизгина келмади. Қизгина йиғлай-йиғлай ухлаб қолди.* Ушбу гапларда *-гина* шакли қандай маъно ифодалаган?

А) 1-гапда эркалаш, 2-гапда юклама; В) 1-гапда юклама, 2-гапда эркалаш; С) иккала гапда ҳам эркалаш; D) иккала гапда ҳам юклама.

74-дарс. Кучайтирув-таъкид юкламалари

СТ. Кучайтирув-таъкид юкламалари гап мазмунига қандай маъно юклайди? Мисоллар билан тушунтиринг.

Қ. Сўз ёки гап маъносини кучайтириб, таъкидлаб келувчи юкламалар: а) сўз шаклида: *ҳам, наҳотки, ҳатто, ҳаттоки, ғирт, ахир;* б) қўшимча шаклида: *-у, -ю, -да, -ку,-ки, -ким, -оқ, -ёқ, -э, -эй.*

PS. *-оқ, -ёқ* қўшимчалари қўшиб, қолганлари чизиқча билан ёзилади.

ТСЖ. Қайси қаторда кучайтирув юкламаси нотўғри ёзилган? — *Ҳаммасига сабабчи сену!*

Т. 66. Сўз юкламаларга қайсилар киради?

А) ҳатто, -гина, ҳам; В) наҳотки, ҳам, ғирт; С) ҳам, ҳамма, ва; D) -ку, -ғирт, -гина.

75-дарс. Ўхшатиш-қиёслаш юкламалари

СТ. Ўхшатиш-қиёслаш юкламалари деб нимага айтилади? *Худди, гўё, гўёки* сўзлари иштирокида гаплар тузинг.

Т. 67. Ўхшатиш-қиёслаш юкламали гап берилган қаторни топинг.

А) Агар Собир келса, кинога борамиз. В) Дардга дармон бўладиган ҳам шу сўз, турмушга оғу соладиган ҳам худди шу сўз. С) Мендан сўрадингми ё акамданми? D) Айёрлигинг менга дарров аён бўлди.

76-дарс. Гумон юкламалари

СТ. Гумон юкламасининг вазифасини сўзлаб беринг. Уларнинг ёзилишини айтиб беринг.

Қ. Сўзга гумон маъносини юкловчи *-дир* юкламасидир.

ТСЖ. Қайси қаторда гумон юкламаси бор? – *Уруғингдир, аймоғингдир, бирор оғзи маймоғингдир.*

PS. *-дир* юкламаси кесимнинг муносабат шакли бўлган *-дир* қўшимчаси билан шаклдош.

Т. 68. *-дир* юкламаси қайси қўшимча билан шаклдош?

А) гумон юкламаси билан; В) кесимлик шакли билан; С) инкор юкламаси билан; D) «фақат» юкламаси билан.

80-дарс. Ундов сўзлар

СТ. Қандай сўзлар ундов сўзлар дейилади? Ундовлар маъносига кўра қандай турларга бўлинади? Мисоллар билан тушунтиринг.

Т. 69. Қайси қаторда ундов сўз бор?

А) Ия, буларни нима қиласан. В) Қўй, йиғлама, эй бахши. С) Чу, биродар. D) Барча жавоблар тўғри.

Қ. Ундовлар: а) ҳис-ҳаяжон ифодалайди: *ҳей, ие, вой, салом, ҳорманг, балли;* б) буйруқ-хитобни ифодалайди: *ҳув, чуҳ, ҳўш.*

Т. 70. *Абдуқодир «тсс» деб бармоғини лабига қўйди.* Ушбу гапдаги қўштирноқ ичидаги сўз қандай маънони англатади?

А) ҳис-ҳаяжон; В) буйруқ-хитоб; С) нутқий одат; D) бу ундов сўз эмас.

81-дарс. Ҳис-ҳаяжон ундовлари

СТ. Ҳис-ҳаяжон ундовларини айтинг. Улар иштирокида гаплар тузинг. Нима учун бу ундовлар ҳис-ҳаяжон ундовлари деб аталади?

Қ. Ҳис-ҳаяжон ундовлари: а) қувончни: *вой бў;* б) эркаланишни: *балли, яшанг*; в) роҳатланишни: *оҳ-оҳ, вой-вой*; г) норозиликни: *и-и-и, ие*; д) ҳайрон қолишни: *вой, ие;* е) ғазаб-нафратни: *уфф, ўх;* ж) оғриқни: *вой-вой...* ифодалайди.

PS. Ҳис-ҳаяжон ундовлари киши ҳиссиёти билан боғлиқ.

Т. 71. – *Э, э, еб бўпти, Кўкёл дейдилар уни.* Гап охирига қандай тиниш белгиси қўйилади?

A) нуқта; B) кўп нуқта; C) нуқтали вергул; D) ундов.

82-дарс. Буйруқ-хитоб ундовлари

СТ. Буйруқ-хитоб ундовлари қатнашган гаплар тузиб, уларнинг қандай маъно англатаётганини тушунтиринг.

Қ. Буйруқ-хитоб ундовлари ушбу вазифаларда бўлади: а) кишиларнинг диққатини тортиш: *ҳой, ҳей, вей*; б) ҳайвонларни чақириш ва тўхтатиш: *беҳ-беҳ, тсс, дррр, чух;* в) жониворларни ҳайдаш: *чуу, чуҳ.*

ТСЖ. Қайси қаторда ҳайвонларни чақириш ундови берилмаган? – *Чип-чип.*

Т. 72. Буйруқ-хитоб ундовларига қайсилар киради?

A) оҳ, уҳ, ҳей; B) чип-чип, ия; C) ҳей, ҳай, кишт-кишт; D) барча жавоблар тўғри.

83-дарс. Тақлидлар

СТ. Қандай сўзлар *тақлид сўзлар* дейилади? Товушга тақлид сўзларни айтинг ва гаплар тузинг. Улар нима учун шундай номланади?

Қ. Нарсаларнинг товуши ва ҳолатига тақлидни билдирувчи исмлар икки хил бўлади: а) товушга тақлид – нарсаларнинг овозига тақлидни билдиради; *қарс-қурс, чап-чуп, ға-ға, билиқ-билиқ, тарс-турс;* б) ҳолатга тақлид – нарсаларнинг ҳолатига тақлидни билдирувчи сўзлар: *жимир-жимир, билқ-билқ.*

Т. 73. Ҳолатга тақлид сўзлар берилган қаторни аниқланг.

A) лип-лип, тарс; B) билқ-билқ, шип; C) ярқ, ға-ға; D) ғийқ, тарс.

84-дарс. Тақлид сўзларнинг тузилиши ва имлоси

СТ. Такрор тақлид сўзлар қандай ҳосил қилинади? Такрор тақлид сўзларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Қ. Тақлид сўзлар... – а) содда шаклда: *шип, қарс, тирс*; б) айнан такрорлар шаклида: *дук-дук, шитир-шитир*; в) товуш ўзгариши такроридан: *чарс-чурс, тақ-туқ, ялт-юлт*.

ТСЖ. Қайси қаторда товушга тақлид ҳол вазифасида келган? – *Қиз пиқ-пиқ йиғлай бошлади.*

Т. 74. Такрор тақлид сўзлар берилган қаторни топинг.

A) ялт-юлт; B) чарс-чурс; C) тарс-турс; D) барча жавоблар тўғри.

85-дарс. Модал сўзлар

СТ. Қандай сўзлар модал сўзлар дейилади? Модал сўзлар қандай тиниш белгилари билан ажратилади?

Қ. Сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ифодаловчи модал сўзлар қуйидагиларни ифодалайди: а) ишончни: *албатта, шаксиз*; б) гумонни: *эҳтимол, балки, шекилли;* в) тасдиқ муносабатни: *дарҳақиқат, ҳақиқатан*; г) фикрнинг тартибини: *аввало, авваламбор;* д) фикрни далиллашни: *масалан, жумладан, чунончи*; е) ачинишни: *аттанг, афсус*; ж) қувончни: *хайрият... .*

PS. Гапда вергул билан ажратилади.

ТСЖ. Қайси гапда гумон муносабатидаги модал сўз берилган? – *Қорнинг ёғиши, эҳтимол, тинар.*

Т. 75. *Хайрият, даранинг охирига яқинлашиб қолдик.* Ушбу гапдаги модал сўз қандай маъно англатаяпти?

A) хулоса; B) қувонч; C) ишонч; D) гумон.

86-дарс. Модал сўзнинг турлари

СТ. Модал сўзлар деб қандай сўзларга айтилади? Модал сўзларнинг маъно турини айтинг ва мисоллар келтиринг.

Қ. Модал сўзлар фикрга ишончни, қувончни, фикр далилини, тасдиқни, фикр хулосаси маъноларини юклайди.

ТСЖ. Қайси қатордаги модал сўз киши қувончини ифодалаши мумкин? – *Хайрият.*

Т. 76. Фикрнинг тартибини билдирувчи модал сўзлар берилган қаторни топинг.

A) албатта, аввало; B) шаксиз, дарҳақиқат; C) аввало, авваламбор; D) эҳтимол, балки, чамаси.

87-дарс. Соф ва вазифадош модал сўзлар

СТ. Қандай модал сўзлар соф модал сўз ҳисобланади? Вазифадош модал сўзларни айтинг.

Қ. Соф модаллар: а) фақат модал маъно учун хосланган сўзлар: ***ҳақиқатан, дарҳақиқат, аттанг, шекилли, аввало, аввалambор, масалан, умуман, тахминан;*** **б) ҳам аташ, ҳам модал вазифани бажарувчи сўзлар:** ***афтидан, чамаси, эҳтимол, шубҳасиз.***

ТСЖ. Қайси қаторда икки вазифада келувчи модал сўз берилган? – *Афсус.*

ТСЖ. Қайси равиш модал маънода ҳам қўллана олади? – *Аввало.*

ТСЖ. *Афтидан, шубҳасиз* сўзлари қайси ҳолатда модал сўз бўла олади?

А) маъноли қисмларга бўлинмаса; В) кириш сўз бўлса; С) ёзувда вергул билан ажратилса.

Т. 77. Соф модал сўз берилган қаторни топинг.

А) эҳтимол, аввало, аввалambор; В) дарҳақиқат, хуллас, масалан; С) афтидан, эҳтимол; D) шубҳасиз, умуман, тахминан.

88-дарс. Тасдиқ ва инкор сўзлар

СТ. Тасдиқ сўзлар ҳақида гапиринг. Инкор сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Қ. Нутқда айрим сўзлар... а) тасдиқ маъносини ҳосил қилади: ***ҳа, ҳўп, майли, бўлди, ҳўш;*** **б) инкор маъносини ҳосил қилади:** ***йўқ, мутлақо, асло, аксинча.***

PS. Бундай сўзлар диалогда *-ми* юкламали сўроқ гапнинг жавоби бўлиб келади.

ТСЖ. *-ми* сўроқ юкламасининг жавоби бўлган сўзлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган? – *а) ҳа, ҳўп, майли б) асло, мутлақо, йўқ.*

Т. 78. *Дунёни қизғанма мендан, азизим, Сен юрган йўллардан юрмасман...* Нуқталар ўрнига қандай сўз қўйилади?

А) асло; В) йўқ-йўқ; С) майли; D) ҳўп-ҳўп.

ОНА ТИЛИ 082006

1-дарс. Кириш суҳбати

ТСЖ. *«Сўз дурининг тафовути мундин даҳа беҳоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдир. Андоққи, шарифидин ўлган баданга руҳи пок этар, насифидин ҳаётлиқ танҳа захри ҳалок хосияти зуҳур этар»*. Алишер Навоийнинг ушбу пурҳикмат фикрларининг мухтасар мазмуни қайси қаторда тўғри берилган? – *Сўз шундай қудратга эгаки, унинг меҳри билан ўликка жон киради, заҳри билан тирикни ўлдиради.*

М. Инсон маълум бир фикрни сўз ва ишоралар билан ифодалайди.

ТСЖ. Мақолни давом эттиринг. «Тиҳ яраси битади, лекин...» – *тил яраси битмайди.*

2-дарс. Адабий нутқ ва унинг услублари

Қ. Адабий нутқ – ишланган, сайқалланган, меъёрга солинган нутқдир.

М. Адабий нутқда ҳар бир сўз ва қўшимчанинг талаффузи, имлоси, қўлланиши, маънолари аниқ меъёрлар билан чегараланади.

Қ. Услублар – адабий нутқнинг муайян соҳадаги мулоқот учун мослаштирилган шакллари.

ТСЖ. Адабий тилнинг услублари қайси қаторда тўлиқ берилган? – *Бадиий, илмий, расмий-идоравий услублар.*

ТСЖ. Мантиқлилик, аниқлик атамаларнинг кенг қўлланиши қайси услубнинг белгиси? – *Илмий.*

ТСЖ. Давлат қонунлари, президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, иш қогозлари услуби... – *расмий-идоравий услуб.*

ТСЖ. Қайси жавобда расмий-идоравий услубнинг сўз ва бирикмалари берилган? – *Қарор қилинди, тасдиқланади, инобатга олинсин, ижро учун қабул қилинсин.*

3-дарс. Такрорлаш. Мустақил сўз туркумлари

ТСЖ. Қайси қаторда мустақил сўз туркумлари тўлиқ берилган? – *От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш.*

М. Маълум сўроққа жавоб бўладиган, аташ маъносига эга. гап бўлаги бўла оладиган туркумлар... — *мустақил сўз туркумлари.*

ТСЖ. Қуйидаги сўзлардан қайси бири аташ маъносига эга? — *Оҳиста, фойда.*

ТСЖ. Олмош қандай хусусиятлари билан бошқа туркумлардан ажралиб туради? — *Аташ маъносига эга эмаслиги билан.*

ТСЖ. Кўпинча кесимга боғланиб келадиган феълнинг тўғавий шаклини аниқланг. — *Равишдош.*

ТСЖ. Аксарият феъл-кесимга боғланиб келадиган мустақил сўз туркумини аниқланг. — *Равиш.*

ТСЖ. Қайси қаторда сифатдош отлашган? — *Билмаганни сўраб ўрганган олим.*

ТСЖ. Қайси қаторда сифатлашув ҳодисаси юз берган? — *Касалга енгилроқ овқат беринг.*

4-дарс. Ёрдамчи сўз туркумлари

ТСЖ. *1) наҳотки; 2) ахир; 3) ҳатто; 4) ғирт; 5) худди; 6) нақ.* Булардан қайси бири юклама ҳисобланади? — *Барчаси юклама.*

ТСЖ. *1) башарти; 2) қадар; 3) агар; 4) сари; 5) шунинг учун; 6) кейин; 7) балки; 8) орқали.* Булардан қайси бири кўмакчи? — *2, 4, 6, 8.*

ТСЖ. *Биласизми, сиз ва биз бир ариқдан сув ичамиз-а.* Ушбу гапда мустақил туркумга кирмайдиган нечта бирлик мавжуд? — *2 та.*

ТСЖ. Қайси қатордаги кўмакчи чиқиш келишигидаги сўз билан бирга қўлланилади? — *Кейин, тортиб.*

ТСЖ. Ёрдамчилардан қайси бири ўзи бирга келган сўз билан гап бўлаги бўла олади?

A) кўмакчи; B) боғловчи; C) барча жавоблар тўғри; D) юклама.

5-дарс. Ундов, тақлид ва модал сўзлар

ТСЖ. Қайси қаторда ҳолатнинг номи бўлган исмлар берилган? — *билқ-билқ, дув-дув.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда *чамаси* сўзи вергул билан ажратилади? — *Бугун чамаси ёмғир ёғади.*

ТСЖ. *Бай бай бай бунақасини емаганимга неча йил бўлди экан.* Гапда қайси тиниш белгилари ишлатилиши зарур? – *Ундов сўзлар орасида чизиқчалар, ундов сўзлардан кейин вергул, гап охирида* ***кўп нуқта***.

ТСЖ. Куйидагилардан қайси бири гапда аниқловчи ва ҳол вазифасида келиши мумкин? – *Тақлид сўз.*

ТСЖ. Тақлид сўзлардан ясалган феълларни аниқланг. – *Увулла, ялтира, данғилла, милтилла.*

ТСЖ. *1) додла; 2) саломлаш; 3) гижгижла; 4) чийилла.* Ушбулардан қайси бири ундов сўзлардан ясалган феъл ҳисобланади? – *1, 2.*

6-дарс. Олмошнинг маъно турлари

М. Олмошлар аташ маъносига эга эмас. Қайси сўз туркуми ўрнида алмашиб келса, унинг синтактик вазифасини бажаради.

ТСЖ. Қайси қаторда белгилаш олмоши сифат ўрнида келиб, сифатловчи-аниқловчи вазифасини бажарган? – *У кишидан бир гап чиқади.*

ТСЖ. Агар *у* кишилик олмоши қаратқич келишигининг қўшимчасини олса, қайси мустақил сўзга боғланади?

А) от; В) отлашган сўз; С) барча жавоблар тўғри; D) ҳаракат номи.

ТСЖ. *1. У она бўлишдан беҳад шод. 2. У қиз узоқда яшайди. 3. У биз қидирган одам эмас. 4. У кишидан бир гап чиқади.* Қайси гап таркибида *у* шаклдош сўзи кишилик олмоши бўлиб келмаган? – *2, 4.*

ТСЖ. Олмошнинг қайси маъно гуруҳидаги қўшма шакллар ажратиб ёзилмайди? – *Қўшма шаклдаги ҳар қандай олмош ажратиб ёзилади.*

ТСЖ. *Ким бировга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилади.* Ушбу эргаш гапли қўшма гапда бош гапдаги қайси сўз изоҳланяпти? – ***Унга*** *тўлдирувчиси.*

7-дарс. Равишнинг маъно турлари

М. Равиш сўз туркумининг ҳолат, миқдор-даража, ўрин, мақсад, сабаб, пайт маъно гуруҳлари бор.

ТСЖ. *Унда-бунда* жуфт равиши гапдаги ўрнига кўра равишнинг қайси маъно гуруҳига мансуб бўлади? – *Ўрин ёки пайт.*

ТСЖ. Қайси қаторда ўрин равиши берилган? — *Олға.*

М. Равиш ҳаракатнинг белгисини билдириб, феъл-кесимга тобеланади.

ТСЖ. Қайси қаторда равиш отга боғланиб, аниқловчи бўлиб келган? — *А) Оз сўз — соз сўз; Б) Кўп гап — эшакка юк.*

ТСЖ. *1) тўхтовсиз; 2) зўрға; 3) эрта-кеч; 4) озгина; 5) қишин-ёзин; 6) юқорида; 7) мардларча; 8) энди; 9) инглизча; 10) тўғрига.* Ясама равишларни аниқланг. — *1, 3, 5, 7, 9.*

ТСЖ. Қайси равишларда муносабат шакллари яхлитлашиб кетган? — *Юқоридан, тўғрига.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси равишда урғу 1-бўғинга тушмаган? — *Ҳамиша.*

8-дарс. Маълумотнома матни ва ижодий-тавсифий матн

ТСЖ. Агар матнда фикрлар аниқ ва исбот билан берилган бўлса, қандай матн ҳисобланади? — *Маълумотнома матни.*

М. Маълумотнома матни — бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ёки мавжуд ҳолат ҳақида оддий ахборот.

ТСЖ. Маълумотнома матнида ушбулардан қайси бири қўлланилмайди? — *Кўчма маъно, бадиий тасвирий воситалар.*

М. Ижодий-тавсифий матн — ижодий равишда баён этилган тасвир ёки хабар, маълумотнинг ижодий-тавсифий баёни.

ТСЖ. Қайси қаторда ижодий-тавсифий матннинг кўринишлари берилган? — *Илмий, публицистик ва бадиий услуб, иншо.*

9-дарс. Иншо

М. Иншо — ижодий меҳнатнинг олий кўриниши, мураккаб ақлий меҳнат жараёни.

ТСЖ. Иншо ёзилганда қуйидагилардан қай бирига тайёрланилади? — *1. Мавзуга оид бадиий ёки ҳаётий манба. 2. Мавзуга оид илмий мутолаа. 3. Тезис (қисқа ифода) яратиш. 4. Далиллаш учун кўчирмаларни йиғиш. 5. Хомаки режани шакллантириб олиш.*

ТСЖ. Дидактик мақсадларга кўра иншоларнинг қайси турлари бор? — *Таълимий ва синов иншолари.*

ТСЖ. Иншонинг тезиси нима?

А) материал йиғиш; В) кўчирма йиғиш; С) хомаки режа; D) қисқа ифода.

10-дарс. Иншо турлари

ТСЖ. Қайси арабий сўз *яратиш, бино қилиш, қуриш* маъносларини беради? – *Иншо.*

ТСЖ. *Иншо* сўзининг истилоҳий маъноси қайси қаторда тўғри берилган? – *Ижодий ёзма иш.*

ТСЖ. Қайси ижодий меҳнат кичик бир асар сифатида баҳоланади? – *Иншо.*

М. Иншо мазмун-моҳиятига кўра 3 турли бўлади: 1. Адабий мавзудаги иншолар. 2. Адабий-ижодий иншолар. 3. Эркин мавзудаги иншолар.

ТСЖ. Иншонинг қайси турида адабиёт дастурида қайд қилинган ва тушунтирилган мавзу яратилади? – *Адабий мавзудаги иншо.*

ТСЖ. Адабий ижодий мавзулардаги иншолар... – *Адабиётда ўтилган маълумотга ўқувчининг муносабати.*

ТСЖ. Агар адабиёт фани дастурида қайд этилмаган мавзуларда иншо ёзилса, қандай номланади?

A) адабий; Б) адабий-ижодий; C) эркин; D) B ва C.

11-дарс. Адабий ва адабий-ижодий мавзулардаги иншолар

ТСЖ. Агар иншо А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари ва ундаги Отабек ва Кумуш ҳақида бўлса, қандай номланади? – *Адабий мавзудаги иншо.*

ТСЖ. Агар ўқувчи адабий матнда мустақил фикр билан қатнашса, қандай иншо ҳисобланади? – *Адабий-ижодий мавзудаги иншо.*

12-дарс. Эркин мавзудаги иншолар

ТСЖ. Ўқувчининг билими, дунёқараши, фикр-мулоҳазалари асосида нодастурий иншо ёзилса... – *Эркин мавзудаги иншо.*

ТСЖ. Агар иншо режаси мураккаб режа бўлса, қайси ўринларда икки нуқта қўйилади?

A) режа сўзидан сўнг; B) бир неча бўлак бўлган асосий қисмдан сўнг; C) барча жавоб тўғри; D) кириш ёки хулоса қисмчалардан ташкил топса.

13-дарс. Иншога эпиграф танлаш

ТСЖ. Иншонинг мазмунига мос келувчи машҳур ҳикматли сўз, мақол, ибора ёки бадиий парча... – *эпиграф дейилади.*

М. Эпиграф – режадан кейин, иншо матнидан олдин, сарлавҳанинг ўнг чеккасига ёзилади. Эпиграф бўлган матндан сўнг тиниш белгиси қўйилади, муаллифи қавс ичида ёзилиб, ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди.

ТСЖ. «Алишер Навоий – шеърият қуёши» мавзусидаги иншога қайси эпиграфни қўйиш маъқул? – *Беш асрким, мазмий саройни, Титратади занжирбанд бир шер... (А.Орипов)*

16-дарс. Синтаксис ҳақида умумий тушунча

М. Гап, сўз бирикмаси, сўз, товуш, қўшимча... – тил бирликлари.

ТСЖ. *Тебраниб ёнаётган шам зўр муъжизадай ҳамманинг диққатини жалб қилган эди.* Гапда нечта сўз ва бўлак бор? – *1 та сўз, 5 та бўлак.*

М. Синтаксис – сўз бирикмалари ва гапларнинг қурилиши ва ифода хусусиятларини ўрганувчи тил бўлими.

ТСЖ. Тиниш белгилари қўлланиши ҳақидаги қоидалар мажмуи... – *пунктуация.*

ТСЖ. Гапдаги қайси унсур тиниш белгилари билан ифода этилади? – *Оҳанг.*

Сўз бирикмаси синтаксиси
17-дарс. Сўз бирикмаси

ТСЖ. Сўз бирикмасининг қайси турида тобе қисм турланган бўлади? – *Мослашув ва бошқарув.*

ТСЖ. Қайси қаторда битишув мавжуд?— *Ёппасига оммалашмоқ.*

М. Сўз бирикмаси доимо 2 қисмдан иборат бўлади: 1) тобе қисм; 2) ҳоким сўз ёки ҳоким қисм.

PS. Ўзбек тилида тобе қисм, асосан, ҳоким сўздан олдин келади.

М. Ҳоким қисмнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб сўз бирикмаси 2 хил бўлади: отли ва феъли бирикмалар.

ТСЖ. Агар *ҳоким* сўз ҳаракат номи, отлашган сўз, от, олмош билан ифодаланса, қандай сўз бирикмаси ҳисобланади? – *Отли сўз бирикма.*

ТСЖ. Феълли сўз бирикмаси... – *ҳоким сўзи феъл, сифатдош ва равишдош бўлган сўз бирикмалар.*

ТСЖ. Сўз бирикмасининг қайси тури отли сўз бирикма бўлиши мумкин? – *А) мослашув; В) битишув; С) барча жавоб тўғри; D) бошқарув.*

ТСЖ. Сўз бирикмалари, қайси турида ҳоким сўз феъл бўлиши мумкин? – *Бошқарув, битишув*

ТС. Қайси қаторда феълли бирикма берилган? – *Дарахтга чиқмоқ.*

ТСЖ. *Беқиёс ўлка, оқ кабутар, ижодий муносабатлар* сўз бирикмалари... – *битишув.*

ТСЖ. *Деворни бузмоқ, укаси учун олмоқ* сўз бирикмалари ... – *бошқарув.*

ТСЖ. *Қиш аёзи, отасининг қизи* сўз бирикмалари ... – *мослашув.*

СТ. Сўзларнинг қандай бирикувига сўз бирикмаси дейилади? Сўз бирикмасида ҳоким сўз ва тобе сўзларнинг жойлашуви ҳақида гапиринг.

Т. 1. Сўз бирикмасини топинг:

А) оқ олма; В) оқ кўнгил; С) баҳор келди; D) оқ пахта.

18-дарс. Сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро бирикиш усуллари

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз бирикмасида тобе сўз ҳоким қисмга муносабат шакллари орқали бириккан? – *Чойнакдан каттароқ, китобнинг муқоваси.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз бирикмаларидан бирида кўмакчи тобе ва ҳоким қисмни бир-бирига боғлашга хизмат қилади? – *Ғолиблик учун курашиш.*

М. Келишик ва эгалик қўшимчалари ҳамда кўмакчилар – сўз бирикмалари таркибида қисмларни бир-бирига боғловчи воситалардир.

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз бирикмаси қисмлари грамматик воситасиз боғланган? – *Хонаки товуқ, тўғрига юрмоқ.*

Қ. Сўз бирикмаси қисмларининг боғланиш усули уч хил:

1. Битишув – тобе ва ҳоким сўзнинг ҳеч қандай қўшимчасиз фақат оҳанг ва маъносига кўра боғланиши: ишчан ўқувчи.

2. Мослашув — тобе сўзни ҳоким сўзга қаратқич келишиги ва эгалик қўшимчаси ёрдамида боғланиши: бизнинг синфимиз, хоналарнинг каттароғи.

3. Бошқарув — тобе сўзнинг ҳоким сўзга тушум келишиги жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари ёки кўмакчилар ёрдамида боғланиши: дўстларни ҳурмат қилмоқ, ғалаба учун курашмоқ.

PS. Мослашувда қаратқич келишиги қўшимчаси тобе сўзда, эгалик қўшимчаси ҳоким сўзда бўлади.

ТСЖ. Қуйидагилардан қайси бири фақат отли бирикма учун хос? — *Мослашув.*

ТСЖ. Агар келишикли бошқарувда ҳоким сўз сифат бўлса, тобе сўзда қайси келишик қўшимчалари грамматик восита вазифасини бажаради? — *Чиқиш ва жўналиш, баъзан қаратқич.*

ТСЖ. Битишувда асосан қайси туркумдаги сўзлар тобе сўз бўлиб келади? — *Сифат ва равиш.*

ТСЖ. Битишувда асосан қайси туркумдаги сўзлар ҳоким сўз бўлиб келади? — *От ва феъл.*

СТ. Сўз бирикмаси таркибидаги ҳоким ва тобе сўзларнинг ўзаро бирикиши неча усул билан юз беради? Улар қайсилар? Сўзларнинг гапдаги қандай бирикувини мослашув деймиз?

Т. 2. Ҳеч қандай қўшимчаларсиз, фақат оҳанг ва маъносига кўра боғланиш нима дейилади?

A) битишув; B) бошқарув; C) мослашув; D) ҳоким сўз.

19-дарс. Тенг ва тобе боғланиш

ТСЖ. Қайси қаторда сўз бирикмаси берилган? — *Газетадаги мақола.*

М. Сўзларнинг ўзаро боғланиши икки хил бўлади: 1. **Тенг боғланиш** — икки сўзнинг тенг ҳуқуқли, бири иккинчисига бўйсунмай боғланиши. Булар сўз қўшилмалари бўлиб, гап таркибида уюшиқ бўлакларни ҳосил қилади: *опам ва китоб, ўртоғим билан укам.* 2. **Тобе боғланиш** — бир сўзнинг бошқа бир сўзга бўйсуниши орқали боғланиши. Бунда сўз бирикмаси юзага келиб, унда қанча сўз қатнашса ҳам, битта тушунчани ифодалайди.

ТСЖ. Қайси қаторда битта тушунчани ифодаловчи синтактик бирлик берилган? – *Уйга кирмоқ.*

ТСЖ. Қайси қатордаги боғланиш иккита лексик маънони ифодалаган? – *Кўз ҳамда қулоқ.*

ТСЖ. Сўз қўшилмалари – сўзларнинг санаш оҳанги (ёзувда вергул) ёки тенг боғловчилар ёрдамида бирикиши.

СТ. Сўзларнинг ўзаро боғланиши деганда нимани тушунасиз? «сўз бирикмаси» ва «сўз қўшилмаси»нинг фарқи нимада?

Т. 3. Тенг боғланиш берилган қаторни топинг.

A) опамнинг китоби; B) уй ва том; C) уйга кирмоқ; D) укам билан бориш.

20-дарс. Мустаҳкамлаш

ТСЖ. Қайси қаторда тобе сўзни ҳоким сўзга боғловчи восита белгисиз қўлланган? – *Беда ўриш.*

ТСЖ. Қуйидагилардан қайси бири сўз бирикмаларида тобе ва ҳоким қисмни бир-бирига боғлай олмайди? – *Сўз ясовчи қўшимчалар, тенг боғловчилар.*

21-дарс. Матн мавзуси

М. Ҳар бир матн бир неча гаплардан ташкил топади. Мазмунидан келиб чиқиб, унга сарлавҳа қўйилади. Матннинг мавзуси (йўналишлари) кўп бўлса, режада кўрсатилади.

22-дарс. Сўз бирикмаси ва сўз

М. Сўз – лексик ҳодиса (тайёр материал); сўз бирикмалари – грамматик ҳодиса (тайёр материал эмас).

ТСЖ. Қайси қатордаги бирлик нутқ учун тайёр материал ҳисобланмайди? – *Гап ва сўз бирикмалари.*

ТСЖ. Қайси қаторда сўзнинг бирикмалар билан ифодаланиши нотўғри берилган?

A) олқор – чўл кийиги; B) нор – эркак туя; C) барча жавоблар тўғри; D) ғунон – икки яшар от.

М. Сўз бирикмалари учун тасвирий восита ҳам, кўчма маъноли бирикма ҳам мисол бўла олади. Ибора сўз бирикмаси бўла олмайди.

ТСЖ. Қайси қаторда сўз бирикмалари берилмаган?

A) сен туфайли; B) миси чиқмоқ; C) ҳеч қайсиси сўз бирикмаси эмас; D) Марказий Осиё.

СТ. Сўз бирикмаси ва сўзнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ҳақида гапиринг. Нега сўзга лексик ҳодиса сифатида, сўз бирикмасига грамматик ҳодиса сифатида қараймиз?

Т. 4. *«Ўртоғимнинг китоби»* бирикмасида қайси сўз маъно билдиради?

A) «китоб» сўзи; B) «ўртоғимга» сўзи; C) иккаласи ҳам лексик маъно билдирмайди; D) иккаласида ҳам маъно мавжуд.

23-дарс. Сўз бирикмалари ва қўшма сўз

М. Қуйидаги қўшма сўзларни сўз бирикмасига айлантириш мумкин: *билагузук, қийматахта, бешиктерватар, оққуш, қизилиштон, бош оғриғи, қизил уруғ, Учкўприк, бешотар, қўл қўймоқ, кўз сузмоқ, қош қоқмоқ, камқувват, кунгабоқар, Янгиқўрғон, осмонўпар, оққўнгил.*

М. Сўз бирикмаси ҳамда қўшма сўздаги қисмлар икки ва ундан ортиқ бўлади, лекин сўз бирикмасида қисмлар маъно мустақиллигини сақлаган бўлади. Грамматик алоқа сезилиб туради. Ҳар бирига алоҳида сўроқ бериш мумкин бўлади. Ҳар бир қисм мустақил сўз урғусини сақлаган бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда қўшма сўз берилган?

A) тилолди; B) яримавтомат; D) A ва B жавоб тўғри.

ТСЖ. Қайси қатордаги қўшма сўз мослашувчи бирикмадан ўсиб чиққан? — *Белбоғ, билагузук.*

СТ. Сўз бирикмаси ва қўшма сўзнинг фарқли хусусиятларини шарҳлаб беринг. Сўз бирикмаси ва қўшма сўз қисмларида урғунинг ўрни қандай?

Т. 5. Қийматахта сўзида урғу қайси бўғинга тушади?

A) 1; B) 1 ва 3; C) 2; D) 4.

28-дарс. Сўз бирикмаси ва турғун боғланма

М. Турғун боғланма — ибора: *қулоғига қуймоқ, қўли очиқ.*

М. Турғун боғланмаларда сўзлар ўзаро яхлитлашиб, бир луғавий маънога тенг бўлади: *Ёғ тушса ялагудек — тоза* (луғавий маъноси). Сўз бирикмасида эса ҳар бир қисм мустақил лексик маъноға эга бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда турғун боғланма қатнашмаган?

A) Йигит оқимга қарши сузиб, ариқнинг бошига етди. B) Семиз қўй гўшти ўз ёғида қовурилди. C) Ота-боболар но-

мини доим эсда тутиш кераклигини ўғлининг қулоғига қуйди.
D) Қиз йигитни яхши кўради.

ТСЖ. Қайси қаторда «иқрор қилмоқ» маъносидаги турғун боғланма берилган? — *Бўйнига қўймоқ.*

ТСЖ. Қайси қаторда «ҳовлиқма» маъносидаги ибора берилган? — *Ўпкаси йўқ.*

ТС. Қуйидагилардан қай бирини сўз бирикмаси сифатида қўллаб бўлмайди?

A) бўйнига илмоқ; B) қўли очиқ; C) тош отмоқ; D) тўнини тескари киймоқ.

ТСЖ. Қайси ҳукм тўғри? — *Сўз бирикмаси тушунчани, турғун боғланма лексик маънони билдиради.*

ТСЖ. Агар турғун боғланма бирор мустақил сўзга боғланса... — *сўз бирикмаси юзага келади.*

СТ. Сўз бирикмаси билан турғун боғланманинг асосий фарқи нимада? Уларнинг қайси бири тушунча, қайси бири лексик маъно англатади?

Т. 6. Қайси қаторда ибора қатнашган гап берилган?

A) Чолнинг авайлаб олиб келаётган тарвузи қўлтиғидан тушди. B) Дилдорахон ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди. C) Қўйни ўз ёғига қовурдик. D) Маъмурахон ушлаган тоғ капалаги учиб кетди.

29-дарс. Сўз бирикмаси занжири

ТСЖ. Агар сўз бирикмасида уч ва ундан ортиқ мустақил сўз маъно, грамматик жиҳатдан боғланса, нима юзага келади? — *Сўз бирикмалари занжири, яъни мураккаб сўз бирикмаси.*

ТСЖ. *Уч кундан бери шимолдан эсган майин шамол* бирикмасида сўз бирикмалари занжири қайси бўлак атрофида бирлашган? — *Эга.*

ТСЖ. Сўз бирикмалари занжири уюшган гапни аниқланг. — *Ўқувчилар баргак учун ярайдиган ва яхши пишиб етилган ўрикларни тердилар.*

PS. Сўз бирикмалари занжири кенгайган бирикмага тенг келади.

СТ. «Сўз бирикмалари занжири» деганда нимани тушунасиз? Сўз бирикмалари занжири гапнинг кесими атрофида бирлашган ҳолатига мисоллар келтиринг. Сўз бирикмалари занжири гапнинг эгаси атрофида бирлашган ҳолатига мисоллар келтиринг.

Т. 7. Сўз бирикмаси занжирида тобе қисм ва ҳоким қисм нечта мустақил сўздан иборат бўлади?

A) 2 та; B) чегараланмаган; C) 3 та; D) 4 та.

30-дарс. Матндаги асосий фикр

М. Матнда нечта гап бўлса ҳам, асосий фикрни битта гап ёки сўз бирикмаларида ифодалаш мумкин.

31-дарс. Сўз бирикмалари ва гап

ТСЖ. Сўзларнинг грамматик алоқага киришувидан қандай бирикмалар юзага келади? – *Сўз бирикмалари ва гап.*

М. Сўз бирикмалари тушунчани, гап ҳукмни ифодалайди.

ТСЖ. Қайси қаторда ҳукм ифодаланган?

A) ғазални ёдлаш; B) кўчатни ўтқазинг; C) ширин қовун; D) муҳандис акам.

М. Гап тугал фикр, тугал оҳанг ифодалайди, сўз бирикмалари тугалланмаган оҳангга эга бўлади.

ТСЖ. *1. Гул чиройли. 2. Ҳаёт гўзал.* Ушбу гаплардаги ҳукмлар қайси йўл билан тушунчага айланиб қолади? – *Сўзларнинг ўрни алмашиб.*

СТ. Сўз бирикмаси ва гап орасида фарқ нимада? *«Кесим – гапнинг маркази»* дейилишининг сабабини айтиб беринг.

Т. 8. Гап берилган қаторни топинг.

A) қизил гул; B) баҳор келди; C) осмон узра; D) оқ пахта.

32-дарс. Сўз бирикмаларини таҳлил қилиш

М. Таҳлил тартиби: а) гапдан сўз бирикмаларини аниқлаш; б) сўз бирикмаларидаги тобе ва ҳоким қисмни аниқлаш; в) грамматик воситани кўрсатиш, тобе ва ҳоким сўзнинг туркумини аниқлаш.

ТСЖ. *Заргаров саҳродаги ишлари миқёсини яхши тасвирлаб берди.* Гапда қандай сўз бирикмалари мавжудлигини изоҳланг. – *2 та битишув, 1 тадан бошқарув ва мослашув.*

ТСЖ. *Иқтидорли болалар мактабининг аълочи ўқувчиси* сўз бирикмалари занжирида ҳоким қисмни кўрсатинг.

A) иқтидорли болалар; B) иқтидорли болалар мактабининг; C) аълочи ўқувчиси; D) мактабнинг ўқувчиси.

33-дарс. Гап ҳақида умумий маълумот

ТСЖ. Қайси қаторда истак гап берилган? – *Қани, ҳозир бир пиёла иссиқ чой бўлса.*

ТСЖ. Буйруқ гапни топинг. – *Дариғ тутмай нигорим бўлса имкон бир келиб кетсун.*

ТСЖ. Сўроқ гапни аниқланг. – *Кап-катта одам шунга пайт тополмадингизми?*

ТСЖ. Дарак гапни топинг. – *Болалар ишлаяптилар.*

Қ. Гап – бирор воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабар, сўроқ, буйруқ ёки истакни ифодаловчи синтактик бутунлик.

М. Гапнинг маркази бўлган кесимда фикрий мундарижа ифодаланади.

ТСЖ. Гапдаги фикрий мундарижа қайси бирикмалар билан боғлиқ бўлади? – *Феъл-кесимнинг майл ва замон маънолари билан.*

М. Гап таркибидаги сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланади.

ТСЖ. Гапдаги сўзларнинг боғловчи воситаларини кўрсатинг.

A) келишик, эгалик, сон шакллари; B) замон ва шахс-сон қўшимчалари; C) барча жавоблар тўғри; D) кўмакчи ва боғловчилар.

М. Айрим ҳолларда гапдаги сўзлар тартиб ва оҳанг ёрдамида ҳам боғланади.

ТСЖ. *Оқ пахталар очилди – терайлик қувнаб-қувнаб.* Ушбу гапда қайси синтактик бирликлар гапдаги сўзларни ўзаро боғлаган? – *Тартиб ва оҳанг, замон ва шахс-сон қўшимчалари.*

М. Ҳар бир гап бирор мақсад-мазмунни ифодалайди. Оғзаки нутқда бу оҳанг билан юзага келади.

ТСЖ. Гап учун энг муҳим белги нима? – *Оҳанг.*

ТСЖ. Айни бир содда гапни мазмунига кўра неча хил ифодалаш мумкин? – *3 хил.*

М. Ёзма нутқда 3 хил оҳангга қараб гап охирида нуқта ёки сўроқ, ёки ундов белгиси қўйилади.

ТСЖ. *Шу пайтда меҳмонхонанинг эшигини биров тақиллатди.* Ушбу гапда қайси воситалар гапдаги сўзларни бир-бирига боғлаган? – *Тартиб, оҳанг, келишик, кўмакчи, шахс-сон, замон.*

СТ. Гапнинг грамматик асоси деганда нимани тушунасиз? Сўзловчининг мақсадига кўра гаплар неча хил бўлади? Қандай гаплар ундов гаплар дейилади?

Т. 9. Гап ҳукмни ифодалайди, тугал оҳанг билан айтилади. Шунга кўра гапнинг неча хил белгиси бор?

А) 3; *В) 5;* *С) 4;* *D) 6.*

34-дарс. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари

М. Гап: а) воқеа-ҳодиса ҳақида хабар қилади; б) сўрайди; в) тингловчига бирор ишни бажариш бўйича буюради.

Қ. Ифода мақсадига кўра гап: 1. Дарак. 2. Сўроқ. 3. Буйруқ. 4. Истак гап.

ТСЖ. Дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гаплар қайси шаклда бўлиши мумкин? – *1. Эгали ва эгасиз. 2. Йиғиқ ва ёйиқ. 3. Содда ва қўшма.*

ТСЖ. Қайси қаторда дарак гапнинг маркази берилган? – *Намойиш қилинди.*

СТ. Сўзловчининг нутқидаги гаплар мазмун ва мақсадига кўра неча хил бўлади? Гапда сўроқ мазмунини нималар юзага келтиради?

Т. 10. *Мен баҳорни соғиндим* гапида қандай мақсад ифодаланяпти?

А) истак; *В) дарак;* *С) буйруқ;* *D) сўроқ.*

35-дарс. Гапнинг ҳис-ҳаяжонга кўра турлари

М. Гап ҳис-ҳаяжон оҳангининг иштирокига кўра: 1) ҳис-ҳаяжонсиз гаплар; 2) ҳис-ҳаяжон (ундов) гаплар бўлади.

ТСЖ. Қандай гаплар шодлик, қувонч, суюниш, қўрқув, тантана, қайғуни билдиради? – *Ундов гаплар.*

М. Ёзувда ундов гапларнинг охирида ундов белгиси қўйилади.

ТСЖ. 1. *Қадамларингизга ҳасанот* 2. *Тўй муборак* 3. *Хайр, дўстим.* Ушбу гапларда қандай хато мавжуд? – *Ундов белгиси қўйилмаган.*

М. Ундов гап сўроқ гапдан ҳосил бўлса, олдин сўроқ кейин ундов белгиси қўйилади.

ТСЖ. Қайси қатордаги сўроқ гап дарак гап шаклида берилган? – *Сигир йўқолдими? Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!*

СТ. Ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра гаплар неча турли бўлади? Ундов гаплар қандай ҳосил қилинади? Ундов гаплар охирига қандай тиниш белгилари қўйилади?

Т. 11. *Тўйлар муборак*! гапи қандай гап?

А) ундов гап; В) сўроқ гап; С) истак гап; D) буйруқ гап.

36-дарс. Гапнинг тузилишига кўра турлари

PS. Гапнинг грамматик асоси – кесим.

М. Гапда бир ёки бир нечта мустақил грамматик асослар бўлиши мумкин. Шунга кўра гаплар иккига бўлинади: 1. Содда гаплар. 2. Қўшма гапларга.

Қ. Яхлит битта (бир дона ёки уюшган ҳолатда) грамматик асосли гапни содда гап дейилади: ***Шаҳноза ўқиди. Шаҳноза ўқиди ва ёзди.***

Қ. Икки ва ундан ортиқ мустақил грамматик асосли (эгали ва кесимли) гаплар – қўшма гаплар дейилади: ***Билимли ўзар, билимсиз тўзар.***

ТСЖ. Қайси қаторда қўшма гап берилган? – *Одам борки, одамларнинг нақшидур.*

СТ. Гаплар грамматик асосининг нечталигига кўра неча турли бўлади? Қандай гаплар содда гаплар дейилади? Қўшма гаплар содда гаплардан нимаси билан фарқланади?

Т. 12. Содда йиғиқ гап берилган қаторни топинг?

А) Шаҳноза ўқиди. В) Шаҳноза китобни ўқиди. С) Шаҳноза бу китобни ўқиди. D) Шаҳноза шу китобни ҳаяжон билан ўқиди.

37-дарс. Мустаҳкамлаш

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда грамматик асос мавжуд эмас? – *Ассалому алайкум, отахон, ҳорманг.*

39-дарс. Содда гап синтаксиси

М. Содда гап таркибида кесимлик шаклларига эга бўлган битта кесим бўлади (уюшган ҳолда бўлиши ҳам мумкин). Содда гапнинг таркибидаги бошқа бўлаклар шу кесим атрофида бирлашади. Қўшма гап таркибида эса уюшмаган кесимлар бошқа-бошқа гаплар таркибида бўлади.

М. Содда гаплар эганинг иштирок этиши ва этмаслигига кўра икки хил: *эгали ва эгасиз гаплар* бўлади.

ТСЖ. Содда гаплар иккинчи даражали бўлаклар иштирок этиши ёки иштирок этмаганига кўра... – *содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар дейилади.*

ТСЖ. Қайси қаторда эгасиз содда гап берилган? – *Янги фильмни томоша қилдик.*

СТ. Содда гаплар ўз таркибида эганинг иштирок этгани ёки этмаганига кўра неча хил? Содда гап таркибида нечта кесим бўлади? Қўшма гапда-чи?

Т. 13. *Янги фильмни томоша қилдик* гапи қандай гап?

А) эгасиз гап; В) эгаси мавжуд гап; С) эгаси яширинган гап; D) содда йиғиқ гап.

40-дарс. Гапнинг бўлакларга ажратилиши

Қ. Гапда сўзлар ўзаро грамматик муносабатга киришиб, гап бўлакларини ҳосил қилади.

ТСЖ. Гап бўлаклари вазифасини қандай сўзлар бажаради? – *Мустақил сўзлар.*

М. Ҳар бир гап бошқа гап бўлаклари билан грамматик муносабати орқали белгиланади.

ТСЖ. *Дилдора кечаги учрашув ҳақида завқланиб гапирди.* Ушбу гапдаги гап бўлакларини айтинг. – *Эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, кесим.*

ТСЖ. *Дилдора кечаги учрашув ҳақида завқланиб гапирди.* Гапда қандай синтактик муносабатлар мавжуд? – *1. Содда йиғиқ гап. 2. Ҳолли битишув. 3. Кўмакчили бошқарув (тўлдирувчи-тўлдирилмиш). 4. Сифатловчили битишув.*

Қ. Гап бўлаклари бешта: эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.

ТСЖ. *Бола бир гуруҳ жангчиларни хатардан ўтказиб қўйганини айтди.* Гапда қандай грамматик муносабатлар мавжуд? – *Иккита битишув, иккита бошқарув.*

ТСЖ. *Арава катта тол тагида тўхташи билан шу ердаги кўча девори ёнида ўтирган одам ўрнидан туриб кетди.* Гапда қайси бўлаклар мавжуд? – *Тўлдирувчи (кенгайган), аниқловчи (кенгайган), эга, кесим.*

СТ. Гап бўлаклари қандай белгиларига кўра ажратилади? Кесим ва эгага таъриф беринг. Тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол нега иккинчи даражали бўлак дейилади?

Т. 14. *Бу гапни эшитиб Замира бир оз ўнғайсизланди* гапи қандай гап?

A) содда йиғиқ гап; B) содда ёйиқ гап; C) эгасиз гап; D) қўшма гап.

41-дарс. Кесим ва унинг ифодаланиши

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда нуқталар ўрнига ўтган ва ҳозирги замон шаклидаги кесимни қўйиш мумкин? – *Китобни катта қизиқиш билан...*

Қ. Кесим гап маркази: 1. Тасдиқ, инкор, замон, майл, шахс-сон маъноларини ифодалайди. 2. Ҳукмни ифодалайди. 3. Бошқа бўлакларни ўз атрофига тўплайди. 4. Гапнинг асосий белгиларини кўрсатади.

ТСЖ. Иккинчи даражали бўлаклардан қайси бири кўпроқ кесимга бевосита боғланмайди? – *Аниқловчи.*

М. Кесимнинг сўроқлари: *нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилади?, ким(у)?, нима(у)?, нечанчи?, қандай?*

М. Кесим бир асосдан иборат бўлса, содда, икки ва ундан ортиқ асосдан иборат бўлса, мураккаб кесим дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда мураккаб кесим берилган? – *Кўчириб олган эдингиз.*

ТСЖ. Қайси туркум сўзлар билан ифодаланишига кўра кесимлар неча хил бўлади? – *Икки хил: феъл кесим ва от кесим.*

СТ. Гапда кесим бўлак бўлмаса, фикр ифодаланадими? *«Кесим гапнинг маркази»* деганда нимани тушунасиз? Қайси туркум сўзлари билан ифодаланишига кўра кесим неча хил?

Т. 15. *Ўлкамизга сўлим баҳор кириб келди* гапида кесим қайси сўз?

A) келди; B) баҳор; C) кириб келди; D) сўлим баҳор.

42-дарс. Феъл кесим ва от кесим

М. Агар соф феъл, равишдош, сифатдош кесим бўлса – феъл кесим.

ТСЖ. Қайси қаторда феъл кесим сифатдош билан ифодаланган? – *Ит ҳурар – карвон ўтар.*

М. Агар от, сифат, сон, олмош, равиш, модал, тақлид, ундов гап маркази бўлса, *от кесим* дейилади: *Усти ялтироқ, ичи қалтироқ.*

PS. Иборалар феъл кесим ва от кесим шаклида бўлади: *Айбини бўйнига қўйди. Дўкондорнинг қўли очиқ.*

ТСЖ. Қайси гапда ҳам мураккаб, ҳам содда от кесим мавжуд? – *Тез ҳал қилиш керак, талабгор кўп.*

ТСЖ. Қайси гапда мураккаб феъл кесим мавжуд? – *Муўтабар эшикни секин очиб чиқиб кетди.*

СТ. Кесимлар қандай белгиларга кўра феъл кесим ва от кесим турларига бўлинади? Қандай кесимлар феъл кесим ҳисобланади? Қайси туркум сўзлари билан ифодаланган кесимлар от кесим дейилади?

Т. 16. От кесим олмош билан ифодаланган гапни торинг.

A) Умидим кўп. B) Мақсадим шу. C) Вақтим йўқ. D) A ва C.

43-дарс. Содда ва мураккаб кесим

М. Кесим тузилишига кўра икки хил: содда ва мураккаб бўлади.

ТСЖ. Қайси қаторда мураккаб от кесим берилмаган? – *Алишер Навоий – шеърият қуёши.*

М. Содда кесим – биргина сўз; мураккаб кесим икки ва ундан ортиқ сўз.

PS. Мураккаб кесим таркибида кўмакчи феъл, боғлама, нисбий сўзлар *керак, лозим, даркор* сифатлари қатнашади.

ТСЖ. Қайси қаторда боғламали мураккаб от кесим мавжуд? – *Учрашув қизиқарли бўлди.*

ТСЖ. *Бу катта аҳамиятга эга ҳодиса ҳисобланади.* Гапдаги от кесимни изоҳланг. – *Мураккаб боғламали от кесим.*

СТ. Содда ва мураккаб кесимларга таъриф беринг. Мураккаб кесим қандай тузилишга эга бўлади?

Т. 17. Кесимни шакллантиришга хизмат қиладиган боғламалар қайсилар?

A) сари, эди; B) экан, эмиш; C) экан, каби; D) сари, каби.

44-дарс. Мураккаб от кесимларнинг тузилиши

М. Мураккаб от кесимларнинг формуласи исм+боғлама вазифасида келган ёрдамчи феъл ёки кўмакчи феъл.

ТСЖ. Мураккаб от кесимда асосий маъно нимадан аниқланади? – *Исмдан.*

PS. Исмга қўшилган кўмакчи ёки тўлиқсиз феъл икки вазифани бажаради: а) қўшимча маъно билдиради; б) кесимни эга билан боғлайди.

Қ. Боғлама – асл маъносини тўла ёки қисман йўқотган бирликлар: а) феъл бўлмаган сўзлар билан қўшилиб кесимни шакллантирувчилар; б) майл, замон, шахс-сон маъноларини ифодаловчилар.

ТСЖ. Қайси қаторда боғламали кесим мавжуд? – *Хурсанд эди.*

М. Боғламалар *1) бўл; 2) қил; 3) эди, экан, эмиш, ҳисобланади, саналади, чиқ...* каби ёрдамчилар.

PS. *Керак, зарур, даркор* сўзлари ҳам боғлама.

PS. *-дир* кўрсаткичи содда от кесимда боғлама ҳисобланади.

ТСЖ. *Меҳрибонлик қилган эди* бирикмаси... – *Мураккаб от кесим.*

СТ. Мураккаб от кесимлар қандай ҳосил бўлади? Боғлама нима? Уларнинг вазифаси қандай?

Т. 18. *Керак, зарур, даркор* сўзлари ҳам боғлама вазифасида кела оладими?

А) баъзида келади; В) А ва С; С) келмайди; D) кела олади.

45-дарс. Кесимнинг бирикмалар ва иборалар билан ифодаланиши

М. Кенгайган бирикма ва иборалар битта сўроққа жавоб бўлиб, яхлит ҳолда битта гап бўлаги бўлиб келади.

ТСЖ. Қайси гап таркибида иккита гап бўлаги мавжуд? – *Тарихни ўрганишдан асосий мақсад – миллий ўзлигимизни чуқурроқ англаш* (эга ва кесим).

ТСЖ. Қайси қаторда ибора кесим вазифасида келган? – *Ўтиришда Анварнинг кўнглига қил сиғмади.*

СТ. Нима учун ҳаракат номи билан тузилган бирикмалар гапда бир гап бўлаги ҳисобланади? Ибораларнинг яхлит ҳолда бир гап бўлаги саналишининг асоси нимада?

Т. 19. Гапда ибора нечта кесим ўрнида келади?

А) 2 та; В) 4 та; С) 1 та; D) 3 та.

46-дарс. От кесим ва эга орасида тиренинг қўлланиши

PS. Феъл кесим ва эга орасида тире мутлақо ишлатилмайди.

М. Қуйидаги ҳолларда от кесим ва эга орасида тире қўйилади: 1. От кесимда кесимлик қўшимчаси ёки боғлама бўлмаса: *Тинчлик — фаровон ҳаёт манбаи. Уч карра уч — тўққиз.* 2. Эга ёки от кесим ҳаракат номи билан кесимлик қўшимчасисиз ёки боғламасиз қўлланса: *Ўқиш — улғайиш.* 3. Эга ёки кесим кўрсатиш олмоши бўлса: *Бу — сиз учун катта синов. Яхши ниятли кишиларнинг аҳди — шу.* 4. Эга таъкидланса: *Уруш — қуён ови эмас.*

ТСЖ. Қайси қаторда тире тўғри қўйилган? — *Ҳар нарсага қизиқиш — биз учун эски одат.*

PS. Ушбу ҳолларда тире қўйилмайди: 1. От кесимда кесимлик кўрсаткичи ёки боғлама бўлса: *Мен ўқитувчиман. У ўқитувчи экан.* 2. От кесим сифат бўлса: *Ҳаёт гўзал.* 3. От кесим тартиб сон бўлса: *Сен биринчи.* 4. Эга билан кесим орасида *ҳам* ёрдамчиси бўлса: *Шарифа — тўқувчи. Шарифа ҳам тўқувчи.*

СТ. Эга ёки кесим ҳаракат номи билан ифодаланганда ёзувда тире қўйилишига мисоллар келтиринг. От кесим ва эга орасида ҳам ёрдамчиси бўлса, тире қўйиш керакми?

Т. 20. *Бу сиз учун катта синов* гапида тире қайси бўлакдан сўнг қўйилади.

А) «сиз» сўзидан кейин; В) «бу» сўзидан кейин; С) «учун» сўзидан кейин; D) тире қўйилмайди.

47-дарс. Мустақил ва номустақил кесим

ТСЖ. Қайси гап таркибида аввал номустақил, кейин мустақил кесим қатнашган? — *Қалб саломат бўлса, ақл ҳам, фикр ҳам саломат бўлади.*

Қ. Номустақил кесим — шарт майлидаги феълнинг кесим бўлиши.

PS. Шарт майлидаги феъл ифодаланган шакл истак гапда мустақил кесим ҳисобланади.

Қ. Мустақил кесимлар — шахс-сон ва замон шаклидаги феъл кесим, боғламасиз ва боғламали от кесимлар.

ТСЖ. Қайси қаторда номустақил кесимни шакллантирувчи восита берилган? — *Шарт майли.*

СТ. Қандай кесимлар мустақил кесим дейилади? Қўшма гап таркибидаги номустақил кесимли гапни содда гап сифатида қўллаш мумкинми?

Т. 21. *Қалб саломат бўлса, ақл ҳам, фикр ҳам саломат бўлади.* Гапда қандай кесим иштирок этган?

A) номустақил кесим; B) мустақил кесим; C) шарт майли қўшимчаси; D) A ва B.

51-дарс. Эга ва унинг ифодаланиши

Қ. Гап кесимининг қўшимчаларидан англашилиб турган шахс-сон маъносини билдирувчи бўлак – эга.

PS. Эганинг сўроқлари: *ким?, нима?, қаер?*

ТСЖ. Қайси ҳукм тўғри? – *1. Эга доимо бош келишик шаклида бўлади, эгалик ва кўплик шаклларини қабул қилиши мумкин.*

Қ. Эга қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади: *от, олмош, сифатдош, тақлид сўз, модал сўз, ҳаракат номи, равиш.*

ТСЖ. Сифатдош эга бўлиб келган гапни топинг. – *Ўқиган ўқдан ўзар, ўқимаган турткидан шошар.*

ТСЖ. *Қарс икки қўлдан чиқади.* Гапдаги эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган? – *Тақлид сўз.*

ТСЖ. Уюшган эгалари мавжуд бўлган содда гапни топинг. – *Ялқов билан анқов – душман учун катта ов.*

ТСЖ. Қайси қаторда сифат эга бўлиб келган? – *Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини.*

СТ. Эга қайси келишик шаклида бўлади? Отнинг қайси грамматик шаклларини қабул қилиши мумкин? Гап эгаси қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?

Т. 22. *Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин* гапида эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

A) равишдош; B) олмош; C) сифат (отлашган); D) сон.

52-дарс. Эгали ва эгасиз гаплар

Қ. Эгаси мавжуд бўлган гаплар эгали, шахсли гаплардир.

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда эга қатнашмаган? – *Шафтолизор боғларни кўрдим.*

ТСЖ. Қайси гапда эга мавжуд? – *Билган билганини ишлар, билмаган бармоғини тишлар.*

Қ. Эгаси мавжуд бўлмаган гаплар эгасиз (шахссиз) гаплардир.

ТСЖ. Қайси гапларда эга ифодаланмагани учун шахссиз гап ҳисобланади? — *1. Деразадан кўчага тикиламан. 2. Жўжани кузда санайдилар. 3. Бугунги ишни эртага қўйма. 4. Топшириқни ўз вақтида бажариш керак.— Барча жавоб тўғри.*

СТ. Эгали гапларга мисол келтиринг. Эгасиз гаплар шахс тушунчаси ифодаланишига кўра қандай турларга бўлинади?

Т. 23. *Бугун Самарқандга жўналади* гапи қандай гап турига киради?

А*) шахссиз гап; В) шахси маълум гап; С) эгаси умумлашган гап; D) фақат С жавоб тўғри.*

53-дарс. Эгаси яширин гаплар

М. Эгаси яширин гаплар икки турлидир: 1. Эгаси (шахси) маълум гаплар. 2. Эгаси (шахси) умумлашган гаплар.

Қ. Эгаси маълум гапларда... — эга матн, нутқ шароитидан, кесимнинг шахс-сон шаклидан маълум бўлиб туради.

ТСЖ. Қандай гапларнинг кесими, одатда, I ва II шахс шаклида бўлади? — *Эгаси (шахси) маълум гаплар.*

ТСЖ. Қайси қаторда эгаси (шахси) маълум гап берилган? — *Яқин кунларда якуний тест синовларидан ўтамиз.*

Қ. Эгаси умумлашган гаплар — гапнинг умумий мазмуни барча шахсларга алоқадор бўлади.

ТСЖ. Қандай гапларнинг кесими, одатда, II ва III шахс шаклларида келади? — *Эгаси умумлашган гаплар.*

ТСЖ. Халқ мақол, маталлари, ҳикматли сўзлар, одат тусига кирган расм-русумларни баён этувчи гаплар... — *Эгаси умумлашган гаплар.*

ТСЖ. Одат тусига кирган расм-русум ифодаси бўлган *Хонага кирган аввал салом беради* жумласи бош бўлаклар иштирокига кўра қандай гап саналади? — *Эгаси умумлашган гап.*

ТСЖ. Қайси қаторда шахси умумлашган гап берилган? — *Оналаримизни асрайлик.*

СТ. Эгаси яширинган гаплар неча турли бўлади? Қандай гаплар эгаси умумлашган гаплар ҳисобланади? Қандай гапларда эгани тушириш мумкин эмас?

Т. 24. Эгаси умумлашган гапларнинг кесими қайси шахс шаклларида келади?

А) I ва II шахс; В) I ва IV шахс; С) I ва III шахс; D) II ва III шахс.

54-дарс. Эгасиз гаплар. Шахси номаълум гап

М. Эгасиз гапларда эга умуман бўлмайди. Эгасиз гаплар уч турга бўлинади: *шахси номаълум, атов гаплар, сўз гаплар.*

ТСЖ. Кесими *асрамоқ даркор, бажариш шарт, сўраш жоиз, бориш лозим, қуриш керак* тарзида шаклланганда қандай гап юзага келади? — *Шахси номаълум гаплар (шахссиз гап).*

Қ. Шахси номаълум гапларда: кесим феъл билан ифодаланади, иш-ҳаракатни бажаришга имконият, зарурият, шарт, тилак, истак маънолари ифодаланади.

ТСЖ. Қандай гапларнинг кесимида эгалик қўшимчаси бўлмайди? — *Шахси номаълум гап.*

ТСЖ. *Кўнгилда армон қолмасин деб, чилёсин ҳам қилишга тўғри келди.* Ушбу гап... — *шахси номаълум гап.*

Ф. Шахси номаълум гапнинг кесими:

а) ҳаракат номи+лозим, шарт, керак, жоиз, даркор; б) шарт майли+бўлади; в) тўғри келади, тўғри келмайди.

ТСЖ. Қайси қаторда шахси номаълум гап берилмаган? — *Бу ерда ўртоқ Эргашевнинг ҳушёрлигига тан бериш керак.*

СТ. Қандай гаплар эгасиз гаплар дейилади? Эгасиз гапларнинг қандай турлари бор? Шахси номаълум гап деб нимага айтилади?

Т. 25. Шахси номаълум гапларда кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланади?

A) олмош билан; B) сифат билан; C) феъл ва ёрдамчилар билан; D) сон билан.

55-дарс. Атов гап

ТСЖ. *Ҳамон ёдимдадур, гул чоғи эрди.* Гапнинг иккинчи қисми ҳақидаги қайси ҳукм тўғри? — *Атов гап.*

Қ. Атов гап — сўзловчи кўз ўнгида бирор нарса-ҳодисани, нарса-буюм ёки даврни жонли гавдалантириш.

М. Атов гаплар битта сўздан иборат бўлиши ҳамда аниқловчилар билан кенгайиб келиши мумкин.

ТСЖ. Атов гап берилган қаторни топинг.— *Сентябрнинг бошлари. Эрталаб ўртоғим чақириб келди.*

СТ. Атов гаплар қандай замон маъноларида ифодаланиши мумкин? Атов гаплар неча сўздан иборат бўлади?

Т. 26. Атов гаплар қайси иккинчи даражали бўлак билан кенгайиб кела олади?

A) тўлдирувчи; B) аниқловчи; C) ҳол; D) от.

56-дарс. Сўз-гаплар

ТСЖ. *Ассалому алайкум, ҳорманг, ота!* гапи қандай гап? – *Сўз-гап.*

Қ. Бир сўздан иборат бўлиб, таркибга ажратилмайдиган, бошқа сўзлар билан кенгая олиш имкониятига деярли эга бўлмаган гаплар сўз-гаплардир.

М. Сўз-гаплар тасдиқ, инкор, сўров, таажжуб, ҳис-ҳаяжон кабиларни ифода этади.

PS. Сўз-гаплар асосан диалог, баъзан монологда иштирок этади.

ТСЖ. *Ёқимли иштаҳа, қуллуқ, ош бўлсин, лаббай, жоним билан, саломат бўлинг, хайр, ташаккур* каби сўз ёки иборалар матн таркибида қандай номланади? – *Сўз-гаплар.*

ТСЖ. *1. Ҳа. 2. Хўш. 3. Бажонидил. 4. Рост. 5. Йўқ. 6. Майли.* Ушбулардан тасдиқни ифодаловчи сўз-гапларни аниқланг. – *1, 2, 3, 4, 6.*

СТ. Қандай гаплар сўз-гаплар дейилади? Сўз-гаплар қандай маъно муносабатларни ифода этади?

Т. 27. Сўз-гаплар асосан қандай муносабатни ифодалайди?

A) фақат ундов; B) фақат модал; C) модал ва ҳис-ҳаяжон; D) ундов ва ҳис-ҳаяжон.

57-дарс. Ёйиқ атов ва сўз-гаплар

М. Атов гап содда ва мураккаб аниқловчилар билан бемалол кенгаяди.

ТСЖ. Мураккаб аниқловчи билан кенгайган атов гапни топинг. – *Янги шаҳар кўчалари. Илк баҳор шабадаси ёқимли эсади.*

PS. Сўз-гапларнинг кенгайиши жуда қийин ва ўта чегаралланган.

ТСЖ. Қайси қаторда сўз-гап такрорланиб қўлланган? – *Нима-нима? – деди кўзини катта очиб.*

СТ. Атов гапларнинг кенгайиши нималар ҳисобига бўлади? Улар нега ёйиқ ҳолда қўлланади? Сўз-гаплар кенгайиши (яъни ёйиқ бўлиши) мумкинми?

Т. 28. Атов гап қандай бирикмалар билан ифодаланади?

A) феъл; B) олмош; C) кўпроқ от ва ҳаракат номи; D) равишдош.

59-дарс. Содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар

Қ. Иккинчи даражали бўлакларнинг иштирокига кўра гаплар содда йиғиқ ёки содда ёйиқ гаплар бўлади.

ТСЖ. *Мен ўқидим* йиғиқ гапида эга билан кесим орасида қайси бўлак бўлса, ёйиқ гапга айланади? – *Иккинчи даражали бўлак.*

М. Фақат эга ва кесимдан иборат бўлган гап – содда йиғиқ гап.

Ф. Эга+кесим.

М. Эга ва кесимдан бошқа бўлаклар билан кенгайган гап – содда ёйиқ гап дейилади.

ТСЖ. Қайси қаторда ҳолли бирикма мавжуд? – *Шодҳуррамлик билан нишонламоқ.*

Қ. Гапнинг кесими ёки эгасига тобеланиб, уларга эргашиб келадиган гап бўлаклари иккинчи даражали бўлаклардир.

М. Иккинчи даражали бўлаклар: ҳол (давомли нуқта); аниқловчи (тўлқинли чизиқ); тўлдирувчи (узуқ-узуқ чизиқ).

СТ. Қандай гаплар содда ёйиқ гаплар ҳисобланади? Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол нега иккинчи даражали бўлаклар дейилади? Уларнинг гапдаги хизмати нимада?

Т. 29. Айрим бўлакларни кенгайтиришга, изоҳлашга, аниқлашга хизмат қилувчи бўлаклар қайсилар?

A) от, олмош, ҳол; B) сон, аниқловчи, ҳол; C) аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол; D) тўлдирувчи, ҳол, олмош.

60-дарс. Иккинчи даражали бўлаклар. Ҳол ҳақида умумий маълумот

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда ҳол мавжуд?

A) Нодонга юз айтсанг ҳам, бефойда. B) Бунда бор ҳарорат, муҳаббат, шафқат. C) Барча жавоблар тўғри. D) Ҳозир мактаб ўқувчисисан, келаси йили талаба бўласан.

СТ. Ҳоллар гапда кўпинча қайси бўлак билан муносабатга киришади? Ҳоллар тузилишига кўра неча хил? Қандай ҳоллар мураккаб ҳоллар дейилади?

Т. 30. *Аёл сочлари паришон, оёқлари яланг, ёқаси очиқ кўчага отилди* гапида қандай ҳоллар мавжуд?

A) пайт ҳоли; B) сабаб ҳоли; C) вазият ҳоли; D) ўрин ҳоли.

61-дарс. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли

Қ. Пайт ҳоли ўзи эргашган сўзга *қачон?* сўроғига жавоб бўлувчи бирлик билан богланиб ифодаланади: *Гапираётганда эҳтиёт бўлинг.*

Қ. Ўрин ҳоли макон билдирувчи сўзлар билан ифодаланади: *Шу ердан бошланар дарё.*

ТСЖ. Пайт ҳоли қатнашган гапни топинг. – *Ўшандан буён кўришмаймиз.*

ТСЖ. Ўрин ҳоли қатнашган гапни топинг. – *Ястаниб ётган далаларда иш қизғин.*

СТ. Гапнинг қандай бўлаги пайт ҳоли дейилади? Улар қандай сўзларга жавоб бўлади? Пайт ҳоллари қайси туркум сўзлар орқали ифодаланади? Ўрин ҳолига тавсиф беринг. У қандай сўроқларга жавоб бўлади, қайси туркум сўзлар билан ифодаланади?

Т. 31. *Қаерга?, қаердан?, қаерда?* каби сўроқларга жавоб бўладиган ҳол нима дейилади?

A) пайт ҳоли; B) ўрин ҳоли; C) вазият ҳоли; D) сабаб ҳоли.

62-дарс. Равиш ҳоли ва даража-миқдор ҳоли

Қ. Равиш, феъл ва кўмакчили отлар *қай тарзда?* сўроғини олиб, равиш ҳоли бўлиб келади.

Ф. *Равиш ҳоли+кесим=битишув.*

ТСЖ. Қайси қаторда мураккаб равиш ҳоли мавжуд? – ***Йиғлаб-йиғлаб*** *марза олсанг,* ***ўйнаб-ўйнаб*** *суғорасан.*

Қ. Сонлар, миқдор равишлари, *марта* сўзили бирикма *қанча*? сўроғини олиб, даража-миқдор ҳоли бўлади.

ТСЖ. Даража-миқдор ҳоли қатнашган гапни аниқланг. – *Шу гапни беш марта такрорлади.*

Ф. Даража-миқдор ҳоли+кесим=битишув.

СТ. Гапнинг қандай бўлаги равиш ҳоли дейилади? У гапда қандай сўроқларга жавоб бўлади? Даража-миқдор ҳоллари қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?

Т. 32. Равиш ҳоли кесимга қандай йўл билан боғланади?

A) мослашув; B) битишув; C) бошқарув; D) отли бирикма бўлиб.

63-дарс. Сабаб ва мақсад ҳоли

Қ. ***Нимага?, нима учун?*** **сўроқларига жавоб бўлувчи равишлар, кўмакчили отлар, -*лик, -сизлик* қўшимчаларини олган отлар, -*гани* қўшимчали сифатдошлар сабаб ҳоли бўлади:** ***Болалар ўйнаб келгани кўчага чиқиб кетди.***

Қ. Мақсад равишлари ва равишдошлари от ёки феъл дан кейин *учун, деб, мақсадида, мақсади билан* сўзларини келтириб, жўналиш келишигидаги отлар *нега?, нима мақсадда?, нима учун?* сўроқларига жавоб бўлиб, мақсад ҳоли бўлади.

Ф. Мақсад ҳоли=феъл+*-гани, -қани, -кани*: *Ўқигани келмоқ.*

От+*учун*=мақсад ҳоли: *Укаси учун олмоқ.*

Мақсад ҳоли=феъл+*деб*: *Келяпти деб кўчага чиқдим.*

Ҳаракат номи+*мақсадида, мақсади билан: Кўриш мақсадида бордим.*

ТСЖ. Мақсад ҳоли қатнашган гапни топинг. – ***Бир чимдим*** *ухлаш учун кўзни юмдим.*

ТСЖ. Жўналиш келишиги қўшимчасини олган иш оти орқали ифодаланган мақсад ҳолини топинг. – *Беморни кўришга жўнадик.*

СТ. Гапнинг қандай бўлаги сабаб ҳоли дейилади? Улар қандай сўроқларга жавоб бўлади ва от ҳамда сифатдошнинг қайси шаклларида ифодаланади? Мақсад ҳолига тавсиф беринг. Қандай сўроқларга жавоб бўлиши ва қайси туркум сўзлари орқали ифодаланишини айтинг.

Т. 33. *Тинчлик туфайли юрт обод* гапи қайси ҳол туркумига киради?

A) пайт ҳоли; B) равиш ҳоли; C) ўрин ҳоли; D) сабаб ҳоли.

68-дарс. Тўлдирувчи ҳақида умумий маълумот

ТСЖ. Қайси қаторда тўлдирувчи қатнашган? – *Мансуров одамлар билан хайрлашди.*

Қ. Бошқарувда тобе қисм тўлдирувчидир: ***Менга қарамоқ.***

Ф. *Бошқарув=тобе сўз+ҳоким сўз.*

Қ. Тўлдирувчилар тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги ёки кўмакчили от, отлашган сўз, сифатдош, ҳаракат номи, тақлид, модал сўз билан ифодаланади.

ТСЖ. Қайси қаторда сифатдош тўлдирувчи бўлиб келган? — *Билмагандан билган яхши.*

ТСЖ. *Мен унинг гўзал сиймосида* ***қалбим кўзгусини, висол орзусини, умидим гулшанини*** *кўрдим.* Гапдаги уюшиқ бўлакларни изоҳланг. — *Кенгайган бирикма билан ифодаланган тўлдирувчи.*

ТСЖ. Қайси гап бўлаги ёрдамида айтилмоқчи бўлган фикр равшанлашади? — *Тўлдирувчи.*

ТСЖ. *Бола бир гуруҳ жангчиларни ботқоқликдан хатарсиз ўтказиб қўйганини айтди.* Гапда нечта бўлак мавжуд? — *3 та.*

ТСЖ. *Радиодан таралаётган куй поезднинг тарақ-туруқига жўр бўлиб, кишини ҳайратга соларди.* Гапда нечта тўлдирувчи мавжуд? — *2 та.*

СТ. Гапнинг қандай бўлаги тўлдирувчи дейилади? Тўлдирувчининг гапдаги хизмати ҳақида гапиринг. Тўлдирувчилар кўпроқ қайси бўлакка боғланиб келади?

Т. 34. Тўлдирувчи қайси усул билан боғланади?

A) бошқарув; B) битишув; C) мослашув; D) A ва C.

69-дарс. Воситасиз тўлдирувчи

Қ. Белгили ва белгисиз тушум келишиги шакллари билан ифодаланган тўлдирувчилар воситасиз тўлдирувчилар дейилади.

Ф. Воситасиз тўлдирувчи = кимни?, нимани? сўроқларига жавоб бўлувчи от ёки от вазифасидаги сўзлар+феъл-кесим.

М. Воситасиз тўлдирувчи ўтимли феъл билан боғланади.

ТСЖ. Қайси гапда воситасиз тўлдирувчи мавжуд? — *Бечоранинг оҳу додини тингланг, уни хушнуд қилинг.*

СТ. Қандай тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчи дейилади? Воситасиз тўлдирувчи қандай сўроқларга жавоб бўлади?

Т. 35. Воситасиз тўлдирувчи берилган қаторни топинг.

A) чой ичмоқ; B) уйдан чиқмоқ; C) меҳмонга бормоқ; D) уйга бормоқ.

70-дарс. Воситали тўлдирувчи

СТ. Воситали тўлдирувчилар қайси грамматик шаклларга бўлинади? Воситали тўлдирувчи деб нимага айтилади?

Т. 36. Воситали тўлдирувчи қайси келишикдаги бирликлар билан ифодаланади?

A) жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш; B) қаратқич, жўналиш; C) ўрин-пайт, бош келишик; D) чиқиш, тушум.

74-дарс. Изоҳловчи

СТ. Тилимиздаги гап бўлакларининг одатдаги тартиби ҳақида гапиринг. Гап бўлакларининг ўзгарган тартиби деб нимани тушунасиз?

Т. 41. *Жалил писмиқ, Жуман совуқлар келишди.* Ушбу гапда нима мавжуд?

А) изоҳловчи; В) аниқловчи; С) тўлдирувчи; D) ҳол.

М. Изоҳловчи шахс ёки нарсани бошқача ном билан аниқлаб, аниқловчига ўхшаб кетади: *уста Қодир, гулчи Низом, Мавжуда хола.*

М. Изоҳловчидан кейинги изоҳланаётган қисм изоҳланмиш дейилади ва иккаласи битта гап бўлаги бўлади.

М. Изоҳловчи унвон, амал, машғулот ва касб, ёш, жинс, қариндошлик, лақаб, тахаллусни билдирувчи отлар ёки баъзан сифатлар бўлади.

ТСЖ. Қайси қатордаги сифатловчи сифат билан ифодаланган? — *Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек йирик насрий асарлар муаллифидир.*

ТСЖ. Қайси қаторда изоҳловчи ва изоҳланмишнинг ўрнини алмаштириш маъно ва грамматик шаклга таъсир этмайди? — *Аёл ҳамшира.*

75-дарс. Гап бўлакларининг тартиби

СТ. Гап бўлакларининг ўзгарган тартиби деб нимани тушунасиз? Гап бўлакларининг ноодатий тартиби нимага хизмат қилади?

Т. 42. Гап бўлакларининг ўзгарган тартиби кўрсатилган қаторни топинг.

А) дарё шовуллади; В) шовуллади шамол; С) ёмғир ёғди; D) тўғри жавоб берилмаган.

М. Ҳар бир бўлакнинг ўз ўрни бор. Одатда, гапда эга ва унга боғланган бўлаклар олдин, кесим ва унга боғланган бўлаклар кейин жойлашади. Бу тартиб ўзгарса, инверсия юзага келади. *Бу йўллар менга таниш. — Одатдаги тартиб. Менга таниш бу йўллар. — Инверсия.*

ТСЖ. Инверсия кўпроқ оғзаки ва поэтик услубга хос.

ТСЖ. *Шовуллади тун бўйи шамол.* Ушбу сатрда қандай инверсия мавжуд? — *Эга ва кесим инверсияси.*

ТСЖ. Одатдаги тартиб қайси услубнинг белгиси? — *Илмий.*

76-дарс. Гап урғуси (мантиқий урғу)

СТ. Гап урғуси деб нимага айтилади? Гап урғуси гапнинг қайси туркумларида бўлиши мумкин? Сўз урғусидан гап урғусининг фарқи нимада?

Т. 43. Айрим бўлакнинг бошқаларидан кучлироқ талаффуз қилинишига қандай урғу дейилади?

А) мантиқий урғу; В) сўз урғуси; С) гап урғуси; D) А ва С.

Қ. Урғу икки турли бўлади: *сўз ва гап урғуси.* Сўз урғуси бирор бўғинга, гап урғуси бирор бўлакка тушади.

PS. Сўз урғуси маъно фарқлашга хизмат қилади: *қизгина* — қизни ажратиб кўрсатиш маъносида; *қизгинам* — эркалаш маъносида.

Қ. Гап урғуси — гапда бирор бўлакни бошқасидан ажратиб, таъкидлаб талаффуз қилиш.

М. Гап урғуси олган бўлак кесим олдида жойлашади. Бироқ мантиқий урғу олган сўз мантиқ туфайли бошқа ўринда ҳам жойлашиши мумкин: *Тил — миллатнинг калитидир.*

81-дарс. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар

СТ. Тўлиқ гаплар деб нимага айтилади? Қандай гаплар тўлиқсиз гаплар дейилади? Тўлиқсиз гапнинг тўлиқ шакли нимада сезилади?

Т. 44. Зарурий умумий қоида, қонуний хусусиятларга хос бўлмаган гаплар қандай гап ҳисобланади?

А) тўлиқсиз гаплар; В) тўлиқ гаплар; С) бўлишсиз гаплар; D) бўлишли гаплар.

М. Гаплар ўз бўлакларининг тўла ифодалангани ёки айрим бўлакларининг тушиб қолганига кўра икки хил бўлади: **тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар**.

ТСЖ. Қайси гапда тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар мавжуд? — *Фамилиянгиз нима? — Аъзамхонова.*

М. Тўлиқ ва тўлиқсиз гап фақат суҳбат нутқида эмас, ёлғиз келиши ҳам мумкин: *Наврўзингиз муборак бўлсин*! (тўлиқ), *Наврўзингиз муборак*! (тўлиқсиз).

Қ. Тўлиқ гап — зарур бўлаклари мавжуд гаплар. Тўлиқсиз гап — зарур бўлаклардан бири ёки бир нечтаси туширилган гаплар.

ТСЖ. *Сиз институтга қачон борасиз? — Эртага.* Тўлиқсиз гапда қайси бўлаклар туширилган? — *Эга, ҳол, кесим.*

81А-дарс. Пунктуация

Қ. Тиниш белгиларининг қўлланишига оид қоидалар мажмуи – пунктуация.

Қ. Ҳозирги ўзбек ёзувида 10 хил тиниш белгисидан фойдаланилади: 1) нуқта; 2) вергул; 3) нуқтали вергул; 4) икки нуқта; 5) тире; 6) сўроқ; 7) ундов белгиси; 8) кўп нуқта; 9) қавс; 10) қўштирноқ.

ТСЖ. Фикр тугалланмаганлиги қайси тиниш белгиси орқали кўрсатилади? – *Кўп нуқта.*

Уюшиқ бўлакли гаплар

82-дарс. Гапнинг уюшиқ бўлаклари ҳақида маълумот

СТ. Гапдаги қандай бўлаклар уюшиқ бўлаклар дейилади? Уюшиқ бўлаклар ўзаро қандай боғланади? Қайси гап бўлаклари уюшиб келиши мумкин?

Т. 45. Қандай бўлаклар бир-биридан пауза билан ажратилади?

A) уюшиқ бўлаклар; B) иккинчи даражали бўлаклар; C) бош бўлаклар; D) B ва C жавоблар тўғри.

ТСЖ. Уюшиқ бўлакли гапни аниқланг. – *Сизу бизга бу бахт ва толени истиқлол берди* (4 та тўлдирувчи уюшиб келган).

Қ. Уюшиқ бўлаклар – бир хил бўлакларнинг битта бўлакка тобеланиши.

ТСЖ. *Қирлардаги ва тоғ этагидаги лолалар ҳамда бинафшалар кишига ҳузур бағишлайди.* Ушбу гапдаги уюшиқ бўлакларни аниқланг. – *Сифатловчи-аниқловчи ва эгалар уюшган.*

PS. Уюшиқ бўлаклар бир-бири билан тенг боғловчилар, юкламалар, боғловчи-кўмакчи ҳамда оҳанг (вергул) билан боғланади.

83-дарс. Уюшиқ кесим

СТ. Уюшиқ кесим деганда нимани тушунасиз? Уюшиқ кесим шу гапдаги нечта эгага алоқадор бўлиши зарур?

Т. 46. Уюшиқ кесимларнинг бажарувчиси нечта?

A) 2 та; B) 1 та; C) 4 та; D) 3 та.

ТСЖ. Қайси гапда кесимлар уюшган?

A) Сиз аълочи ва жамоатчисиз. B) Мен бу масалани уққан ва ечганман. C) Барча жавоблар тўғри. D) Дўкондорлар молиши мақтаб ва харидорни чорлаб туришади.

Қ. Уюшиқ кесимли гап — кўп кесимли содда гап.

М. Уюшиқ кесимлар битта бажарувчига — эгага алоқадор бўлиши зарур: *Шавкат ёзди, ўқиди ва дам олди.* Акс ҳолда, яъни алоҳида-алоҳида бажарувчига эга бўлса, қўшма гап ҳисобланади.

ТСЖ. Қайси қаторда уюшиқ кесимли гап берилган? — *Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди халқ ҳаёти билан бирга кўтарилиб, бирга улғайди.*

84-дарс. Уюшиқ эга

СТ. Уюшиқ эга деб нимага айтилади? Уюшиқ эгалар ўзаро ва кесим билан қандай воситалар орқали боғланади?

Т. 47. *Сиз билан биз бу оддий ҳақиқатни тушунмаган эканмиз* гапида қандай бўлак уюшган?

A) ҳол; B) тўлдирувчи; C) кесим; D) эга.

Қ. Уюшиқ эга — бир неча эганинг битта кесимга тобеланиши.

PS. Улар ўзаро боғланиб, битта кесимга эргашади: *Сиз билан биз улуғ ишга бел боғладик.*

ТСЖ. Қайси қаторда уюшиқ эгалар мавжуд? — *Биз ҳарбий учувчи ва ватан посбонлари бўламиз. Ҳарбий учувчилик ва ватан посбони бўлиш шарафли.*

85-дарс. Уюшиқ ҳол

СТ. Уюшиқ ҳоллар қандай ҳосил бўлади? Улар ўзаро қандай боғланади? Уюшиқ ҳолларнинг талаффузи ва ёзилиши ҳақида гапиринг.

Т. 48. Уюшиқ ҳол эга берилган қаторни топинг.

A) У дам ҳазил билан, дам жиддий сўрарди. B) Бу ернинг об-ҳавоси, иқлими ва шароити яхши эди. C) Шавкат ёзди, ўқиди ва дам олди. D) Мен баҳорни соғиндим.

Қ. Содда гапда бир неча ҳолнинг битта бўлакка тобеланиши уюшиқ ҳолдир: ***У дам ҳазил билан, дам жиддий сўрарди.***

PS. Бир хил бир неча ҳол битта бўлакка боғланган чоғдагина уюшиқ ҳол юзаға келади. Лекин ҳар хил ҳол битта бўлакка тобеланса ҳам уюшиқ ҳол бўла олмайди.

92-дарс. Ажратилган ҳол, ажратилган тўлдирувчи ва ажратилган аниқловчи

СТ. Ажратилган ҳол бўлакларининг хизмати, айтилиши ва ёзилиши ҳақида гапиринг. Ажратилган тўлдирувчи қандай хусусиятларга эга? Ажратилган аниқловчи қайси мақсадларда ишлатилади?

Т. 52. *Қобил бобо, ялангбош, ялангоёқ, эшик ёнида даҒ-даҒ титрайди.* Ушбу гапда ажратилган бўлак қайси?

А) ялангбош, ялангоёқ; В) даҒ-даҒ; С) титрайди; D) эшик ёнида.

ТСЖ. Қайси қаторда ажратилган ўрин ҳоли мавжуд? — *Ҳу ана у жойда, тахта кўприкнинг остида, кичик бир булоқ бор.*

Қ. А) Ажратилган ҳол — ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносига аниқлик киритади, изоҳлайди: *қуллар ишлар тез—мўъжизакор*. Б) Ажратилган тўлдирувчи — ўзидан олдин келган тўлдирувчиларни изоҳлайди, аниқлик киритади: Унсин учун, *бечора қиз учун*, бу қандай мудҳиш мотам! В) Ажратилган аниқловчи — ўзидан олдин келган эгани изоҳлайди: Ўғлим, *қўзичоғим*, ором олиб ухлаяпти.

PS. Ажратилган бўлаклар вергул ёки тирелар ичида туради.

93-дарс. Киритмалар

СТ. Киритмалар деб нимага айтилади? Киритмалар гап бўлаклари билан синтактик алоқага киришадими? Гапда киритманинг хизмати нималардан иборат?

Т. 53. Киритмалар ёзувда қандай тиниш белгилари билан ажратилади?

А) тире, кўп нуқта; В) вергул, қавс; С) вергул, тире; D) икки нуқта, қавс.

Қ. Киритмалар — гап таркибида мазмунга қўшимча маъно юкловчи, вергул, тире, қавс билан ажратилувчи, бирор бўлак билан грамматик боғланмайдиган бирликлардир. Улар 3 хил бўлади: А) *кириш сўз* — бир сўз билан ифодаланган содда киритма: *Хайрият*, вақтида етиб келдик. Б) кириш бирикма — бирикма шаклидаги киритма: *Менинг билишимча*, сиз буни яхши биласиз. В) кириш гаплар — гап ичида айни шу гапни изоҳлаб келган гап: Биз, *ўшанда тонг отмаган эди*, далага жўнадик.

PS. Киритмалар – гапга ишонч, гумон, тасдиқ, инкор, мансублик, алоқадорлик каби қўшимча ахборот ёки изоҳ юклайди.

ТСЖ. Қайси туркумга оид сўзлар гапда киритма бўлиб келади? – *Модал сўзлар ва ўз аташ маъносини йўқотган мустақил сўзлар.*

94-дарс. Киритма гаплар

СТ. Киритма гапларга тавсиф беринг. Киритма гаплар қандай эҳтиёжлар учун қўлланади? Улар қандай талаффуз қилинади ва қандай ёзилади?

Т. 54. Киритма гаплар талаффузда қайси белгилар билан ажратилади?

A) вергул, тире, қавс; B) кичик тўхтамлар ва овоз баландлиги билан; C) овоз баландлиги, икки нуқта; D) тўғри жавоб берилмаган.

М. Киритма гаплар сўзловчи ифодалаётган фикрга оид қўшимча ахборот ёки изоҳ юклайди: ***Айтайми,*** *бу ерлар жуда гўзал.*

ТСЖ. Киритма гаплар қайси соҳада кенг қўлланилади? – *Драматик нутқда.*

ТСЖ. Драматик нутқ қўлланиладиган киритмалар қандай номланади? — *Ремарка.*

95-дарс. Ундалма

СТ. Ундалма деб нимага айтилади? Ундалма гапнинг қайси ўрнида келиши мумкин? Қандай ундалма уюшиқ ундалма ҳисобланади?

Т. 55. Ундалмали гапларнинг кесими асосан нечанчи шахсда бўлади?

A) III шахс; B) I–II шахс; C) II– III шахс; D) I–III шахс.

Қ. Ундалма — сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки нарсани ифодаловчи сўз ёки бирикма.

М. А) Ундалма эгага ўхшайди, лекин эгадек кесимга грамматик тобе бўла олмайди. Б) Эга каби бош келишикда туради. В) Эгадан фарқли вергул ёки ундов билан ажратилади. Г) Ундалманинг ўрни эркин: бошида, ўртасида, охирида келади. Д) Ундалмалар уюшиб келиши мумкин. Е) Ундалмали гапларнинг кесими кўпинча I–II шахс-сон шаклларида бўлади.

ТСЖ. *Ў-ў, бойлик, бойлик! Менинг уйимга сен кирадиган бўлсангу, иймон кетадиган бўлса, мен сенга ўт қўяман, ўт!* Ушбу гапдан ундалмаларни ажратинг. — *Бойлик, бойлик.*

ТСЖ. Қайси гапда сифат ундалма вазифасида келган? — *Буни билармисиз, азизим?*

М. Бир сўз билан ифодаланган ундалма — **йиғиқ ундалма**: *Иним, китобларни сандиққа жойлаштираверинг.*

М. Ўзига қарашли аниқловчиси ёки изоҳловчиси бор ундалмалар — **ёйиқ ундалмалар**: *Жаҳонга юз тутган Ўзбекистоним, сенинг ҳар бир ютуғинг, менинг ютуғимдир. Муҳтарам ўқувчи! Китобни авайлаб асранг.*

96-дарс. Ундалмаларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

СТ. Ундалмаларда, гапдаги ўрнига кўра, қандай тиниш белгилари қўлланиши мумкин? Ундалма алоҳида оҳанг билан айтилиб, гап бошида келса, ундан сўнг қайси тиниш белги қўйилади?

Т. 56. *Зафар ойимлар келдилар* гапида ундов белгиси қаерга қўйилади?

A) «Зафар» сўзидан кейин; B) охирида; C) ўртасида; D) «ойимлар» сўзидан кейин.

Қ. Ундалмалар гап бошида келса, ундан сўнг, ўртада келса, икки томондан, охирида келса, ундан олдин вергул қўйилади: ***Сўзла, кўзгужон, ҳақиқатни эт баён.***

Қ. Ундалма ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ***эй, ҳой, оҳ*** **ундовлари билан келса, вергул эмас, ундов белгиси ишлатилади:** ***Ўғлим Ёдгор! Афтидан, мени танимадинг. Оҳ, азизим! Бу не кўргулик!***

ОНА ТИЛИ 092006

1-дарс. Дунё тиллари ва ўзбек тили

СТ. 1. Ўзингиз билган шеърни ўқинг. Мазмунини сўзлаб беринг. 2. Ватанимиз равнақи учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун нималар қилиш зарурлигини айтинг.

Т. 1. Ҳозирги кунда ер юзида мавжуд бўлган 3 мингдан ортиқ тиллар неча тил оилаларига бўлинади?

A) 3 та; B) 6 та; C) 20 та; D) 10 та.

М. Ҳозирги кунда ер юзида мавжуд бўлган **3000** дан ортиқ тил *ҳинд-европа, олтой, хом-сом, хитой-тибет* каби **20 дан зиёд** тил оилаларига бўлинади.

М. Қариндош тиллар – бир-бирига яқин умумий жиҳатлари кўп бўлган тиллар.

М. Туркий тиллар оиласи: *ўзбек, турк, туркман, қирғиз, озарбайжон, қарайим, болқор* сингари қариндош тиллар.

ТСЖ. *Она тили бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.* Ушбу ҳикмат муаллифи ким? – *Ислом Каримов.*

ТСЖ. Алишер Навоийнинг тил, сўз ҳақидаги афоризмини топинг.— *Кўнгил махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калити сўз бил* («Маҳбуб ул-қулуб»).

2-дарс. Сўз бирикмаси бўйича такрорлаш

СТ. 1. Матнни ўқинг. Ундаги гапларни сўз бирикмаларига ажратинг. 2. Ажратилган бирикмаларда тобе сўзларнинг ҳоким сўзга боғланиш турларини аниқланг.

Т. 2. Сўз бирикмасида тобе қисм ҳоким қисмга неча хил усул билан боғланади?

A) 3; B) 4; C) 6; D) 1.

ТСЖ. *Дўстлик қанчалик хилма-хил имтиёзларни ўзида жамлаган* гапида нечта сўз бирикмаси мавжуд? – *4 та.*

ТСЖ. *Илм ибодатдан афзал* гапида қандай сўз бирикмаси мавжуд? – *Келишикли бошқарув.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда мослашув ва битишув мавжуд? – *Илм асосига қурилмаган улуғликнинг охири хорликдир.*

3-дарс. Гап бўлаклари бўйича такрорлаш

СТ. 1. Гап бўлаклари ва уларнинг қандай турларга бўлиниши ҳақида гапиринг. 2. Гапнинг муҳим белгиси нима эканлигини айтинг. 3. Гап тузилишида кесимнинг ўрни ҳақида фикр юритинг.

Т. 3. Гаплар ифода мақсадига кўра неча турга бўлинади?

A) 3; B) 4; C) 5; D) 6.

ТСЖ. Ушбу гапда қандай гап бўлаклари мавжуд? *Одамлар айбини кўрма, ўз айбингни кўр. – 2 та қаратқичли аниқловчи, 2 та воситасиз тўлдирувчи, 2 та кесим.*

4-дарс. Уюшиқ ва ажратилган бўлаклар бўйича такрорлаш

СТ. 1. Уюшиқ ва ажратилган бўлаклар ҳақида гапиринг. 2. Умумлаштирувчи сўзлар қатнашган уюшиқ бўлакли гапларга мисоллар келтиринг. Тиниш белгиларини тушунтиринг.

Т. 4. Маълум бир синтактик бутунликда бир хил бўлаклар нечта бўлса, уюшиқ гаплар юзага келади?

A) 1 та; B) 2 та; C) 3 та; D) 4 та.

ТСЖ. *Истеъдодли шоирлар: Исмоил Соқий, Рустам Мусулмон ва бошқа ижодкорлар янги-янги шеърлари билан китобхонлар қалбига кириб бормоқдалар.* Ушбу гапда умумлаштирувчи сўз ва уюшиқ бўлаклар қайси бўлакка тегишли? – *Эгага.*

ТСЖ. *Ўзбекистон – она диёр, бағри тўла ҳикматдир.* Ушбу гапда қайси бўлак ажратилган? – *Эга.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда уюшиқ бўлаклар ажратилган бўлак таркибида келган? – *Инсонни эҳтирос эмас, унинг буюк бисоти – ақли, тафаккури бошқариши керак.*

5-дарс. Ундалма ва кириш сўзлар бўйича такрорлаш

СТ. 1. Ундалма ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг. 2. Кириш сўзлар ва уларнинг маънолари ҳақида гапиринг.

Т. 5. Ундалмалар кўпроқ нечанчи шахсга қаратилган бўлади? Баъзан-чи?

A) III, баъзан I; B) II, баъзан III; C) II, баъзан I; D) тўғри жавоб берилмаган.

ТСЖ. *Хуллас, қарс икки қўлдан чиқади* гапидаги кириш сўз фикрга қандай маъно юклаган? — *Фикрнинг хулосаси.*

ТСЖ. Қайси гапда ундалма такрор қўлланган? — *Камол, Камолжон, ухлаб қолдингми?*

ТСЖ. Қайси гапда ёйиқ ва йиғиқ ундалма мавжуд? — *Ўзимнинг булбулларим, нега тўхтаб қолдинг, булбулжон?*

ТСЖ. *Ахир, орият ўзбекнинг виждони эмасми?* гапида қайси туркумга оид сўз кириш сўз бўлиб келган? — *Юклама.*

ТСЖ. *Мен сизга айтсам, тирикликда гап кўп.* Ушбу гапдаги киритманинг номи қайси қаторда тўғри берилган? — *Кириш гап.*

6-дарс. Содда ва қўшма гаплар

СТ. 1. Содда гап деганда нимани тушунасиз? 2. Қўшма гап деб қандай гапларга айтилади? 3. Кесимлик белгиси деганда нимани тушунасиз?

Т. 6. Гап учун муҳим белги қайси?

A) кесим; B) эга; C) ҳол; D) аниқловчи.

ТСЖ. Қайси қатордаги жуфтликлар содда ва қўшма гап жуфтлиги ҳисобланади? — *Сизнинг энг ибратли ишингиз кўп китоб ўқишдир. Сизнинг ибратли ишингиз шуки, кўп китоб ўқийсиз.*

Қ. Содда гап — битта кесимлик белгисига, мазмуний ва оҳанг тугаллигига эга бўлган гап: ***Ҳар қандай одам фикр юритиш қобилиятига эга.***

Қ. Қўшма гап — икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топган, оҳанг тугаллигига эга бўлган бутунлик: ***Одам борки, фикр юритиш қобилиятига эга.***

ТСЖ. Гап учун муҳим белги қайси қаторда тўғри кўрсатилган? — *Кесимлик белгиси.*

ТСЖ. Гапларни содда ва қўшма гапларга ажратишга нима асос бўла олади? — *Кесимлик белгиси.*

ТСЖ. Қайси қаторда қўшма гап берилган? — *Нимаики кўнглингда бўлса, тилга келтирма.*

ТСЖ. Содда гапни аниқланг. — *Тилингни ўз ихтиёрингда асра, сўзингни эҳтиёт билан сўзла.*

ТСЖ. *Мен дўстимнинг келганини эшитдим* — *Мен эшитдимки, дўстим келибди.* Ушбу жуфтликда эргаштирувчи боғловчи вазифасидаги юклама қандай вазифани бажарган? — *Тўлдирувчи тобе гапни ҳоким гапга боғлаган.*

7-дарс. Қўшма гап қисмлари ва уларни боғловчи воситалар

СТ. 1. Қўшма гап қисмлари қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланишини айтинг. 2. Боғловчилар қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга яна қандай вазифани бажаришини аниқланг.

Т. 7. Қўшма гап қисмларини боғловчи воситалар неча турга бўлинади?

A) 4; *B) 5;* *C) 3;* *D) 6.*

М. Қўшма гапни ташкил этган содда гаплар қўшма гап қисмлари саналади.

Қ. Қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қиладиган воситалар боғловчи воситалар ҳисобланади.

ТСЖ. *1) ва; 2) ёки; 3) билан; 4) ё...ё; 5) гоҳ...гоҳ; 6) шунинг учун; 7) чунки.* Ушбу боғловчиларнинг қайси бири қўшма гап қисмларини боғлай олмайди? — *Фақат 3.*

М. Қўшма гап қисмлари қуйидаги боғловчи воситалар ёрдамида боғланади:

1. *Боғловчилар: а) тенг боғловчилар: ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ё, ё...ё, дам...дам; б) эргаштирувчи боғловчилар: то, токи, чунки, зеро, агар.*

2. Боғловчи вазифасини бажарувчи воситалар ёрдамида: *а) бўлса, эса, деб сўзлари; б) -у, -ю, -да, -ми, -ки юкламалари; в) ким..., ўша каби нисбий сўзлар; г) шунинг учун, шу туфайли, шу сабабли сингари кўмакчили қурилмалар; д) шарт майли қўшимчаси -са; е) -гач, -гунча...*

3. *Оҳанг.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси қўшма гапда эргаштирувчи боғловчи иштирок этган? — *Ўзингга дўст танла, чунки бир ўзинг бахтли бўлолмайсан.*

ТСЖ. Юклама қўшма гап қисмларини боғлаган гапни топинг. — *Шуни билки, одамлар дўстлари туфайли бахтиёрдир.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси гапда боғловчи вазифасидаги восита боғланган қўшма гап қисмини боғлаган? — *Яхши фикр тиниқ услубни талаб қилади, услуб эса фикр либосидир.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси гапда тенг боғловчи қўшма гап қисмларини боғламаган? — *Таълим фақат сўз ва ўрганиш билангина бўлади.*

ТСЖ. Оҳанг ёрдамида боғланган қўшма гапни топинг. — *Илм — бир дарахт, одоб унинг мевасидир.*

8-дарс. Қўшма гаплар таснифи

СТ. 1. Тенг богловчилар ҳақида гапиринг ва улар иштирокида иккита қўшма гап тузинг. 2. *Чунки, шунинг учун* боғловчи воситалари иштирокида биттадан қўшма гап тузинг.

Т. 8. Қисмлари оҳанг ёрдамида боғланган қўшма гаплар қандай қўшма гап саналади?

А) боғланган қўшма гап; В) боғловчисиз қўшма гап; С) эргашган қўшма гап; D) бундай қўшма гап бўлмайди.

Қ. Қўшма гаплар боғловчи вазифаларига кўра уч турли бўлади: ***1. Боғланган қўшма гап. 2. Эргашган қўшма гап. 3. Боғловчисиз қўшма гап.***

ТСЖ. ***Чунки, шунинг учун*** боғловчи воситалари қандай қўшма гап таркибида келади? — *Эргашган қўшма гап таркибида.*

ТСЖ. *Барака топ, жиян. Сен борсан, кўнглим тўқ.* Матнда қандай қўшма гап мавжуд? — *Боғловчисиз қўшма гап.*

ТСЖ. *Оғзига келганин демоқ нодон иши ва олдига келганин емоқ ҳайвон иши.* Ушбу гап... — *боғланган қўшма гап.*

Боғланган қўшма гаплар

9-дарс. Боғланган қўшма гап ҳақида маълумот

СТ. 1. Боғланган қўшма гап деб қандай гапларга айтилади? 2. Боғланган қўшма гапларнинг боғловчи воситаларини аниқланг.

Т. 9. *Бўлса, эса* сўзлари, *-у (-ю)* юкламаларидан қандай қўшма гап ҳосил бўлади?

А) боғланган қўшма гап; В) боғловчисиз қўшма гап; С) эргашган қўшма гап; D) мураккаб қўшма гап.

ТСЖ. *Шу онда чироқ ўчди ва бирданига ўқ узилди.* Ушбу гап.... — *Боғланган қўшма гап.*

ТСЖ. Боғланган қўшма гапни аниқланг. — *Мана, сен кетдингу, бўлдим хаёлкаш.*

Қ. Қисмлари тенг боғловчилар, *бўлса, эса* сўзлари ва *-у, -ю, -да* юкламалари ёрдамида боғланган гаплар — боғланган қўшма гаплар.

ТСЖ. *Сарбон шундоқ деди-да, қучоғини очиб Абубакр томон кела бошлади.* Ушбу боғланган қўшма гапда қандай восита қатнашган? — *Боғловчи-юклама.*

Т. 10. Қайси қаторда боғланган қўшма гап қатнашмаган?

А) Ҳужрага қайтдию, хаёл уни олиб қочди. В) Гапни чўзма, чунки ҳаёт қисқадир. С) Виждонли кишини таъқиб этиш мумкин, аммо шарманда қилиш мумкин эмас. D) Ҳар бир нарса ақлга муҳтож, ақл эса тажрибага муҳтождир.

10-дарс. Бириктирув боғловчиси ёрдамида боғланган қўшма гап

СТ. 1. Бириктирув боғловчисининг вазифаларини аниқланг. 2. Қўшма гап қисмларини боғлаб келадиган *-у, -ю, -да* юкламаларини қайси ҳолларда қўллаш мумкинлигини аниқланг.

Т. 10-а. Вазифадош бириктирув боғловчиларни топинг.

А) ва, ҳамда; В) аммо, лекин; С) ва, -ю; D) -у, -ю, -да.

М. Бириктирув боғловчиси гапнинг пайт, сабаб, натижа муносабатларида бўлган қисмларини боғлаб келади. Сабаб-натижа маъноси *натижада* сўзи орқали аниқланади: *Кузнинг ўрталарида ҳаво бир-икки айнийди-ю, водийга қалин туман тушади.*

11-дарс. Зидлов боғловчилари ёрдамида боғланган қўшма гап

СТ. 1. Боғловчиларнинг қандай мазмуний муносабат ифодалашини айтинг. Тиниш белгиларини тушунтиринг. 2. Зидлов боғловчилар ўрнида *-у, -ю, -да* юкламаларини қўллаб кўринг.

Т. 11. Зидлов боғловчилари қўшма гапнинг қайси ўрнида келади?

А) 2-гап бошида; В) 1-гап бошида; С) 2-гап ўртасида; D) 1-гап ўртасида.

ТСЖ. Қайси қаторда зидлов боғловчили боғланган қўшма гап берилган? — *Гул тўғрисида ёзганини кўрганим йўқ, лекин пахта ҳақида кўп ёзган.*

PS. ***Аммо, лекин, балки*** боғловчиларидан олдин, ***-у, -ю, -да*** юкламаларидан кейин вергул қўйилади.

М. Зидлов боғловчилари икки гап орасида зидлаш ва кетма-кетлик муносабатини юзага келтиради.

ТСЖ. *Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, ҳунари бўлсин.* Ушбу гап... — *зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.*

12-дарс. Айирув боғловчилари ёрдамида боғланган қўшма гаплар

СТ. 1. Айирув боғловчили қўшма гап қисмлари ўртасида қандай мазмуний муносабат ифодаланишини айтинг. 2. Қайси ҳолларда қўшма гап қисмларини *ё.., ё, ёки..., ёки* боғловчилари боғлаб келади?

Т. 12. Қайси боғловчини ёлғиз ҳолда ҳам, такрор ҳолда ҳам қўллаш мумкин?

А) ва, ҳам; В) аммо, лекин; С) ё, (ёки); D) балки.

ТСЖ. Айирув боғловчили боғланган қўшма гапни топинг. — *Мен куйладим гоҳ дилда кадар, гоҳ севиниб шеър тўқийман мен.*

Қ. Айирув боғловчили қўшма гап воқеа-ҳодисанинг галма-гал ёки улардан фақат бири рўй берганини ифодалайди.

PS. Такрорланган боғловчининг иккинчисидан олдин вергул қўйилади, ***ё, ёки, ёхуд*** богловчиси якка ҳолда қатнашса, вергул қўйилмайди.

ТСЖ. Айирув боғловчили боғланган қўшма гапни топинг. — *Мен бораман ёки сиз келинг.*

13-дарс. *Бўлса, эса* сўзлари ёрдамида боғланган қўшма гаплар

СТ. 1. *Бўлса, эса* боғловчили гаплар тузинг. Қўшма гапларни қисмларга ажратинг. *Бўлса, эса* сўзлари қандай муносабатда бўлган қўшма гап қисмларини боғлайди?

Т. 13. *Бўлса, эса* сўзлари қайси бўлакдан сўнг келади?

А) зидланаётган; В) қиёсланаётган; С) ўхшатилаётган; D) А ва В.

ТСЖ. Агар боғловчили қўшма гап қисмлари *бўлса, эса* сўзлари ёрдамида боғланса, содда гаплар орасида қандай муносабат юзага келади? — *Қиёслаш ва зидлик.*

Қ. *Бўлса, эса* сўзлари боғланган қўшма гап таркибида келиб, қиёслаш ва зидлик муносабати мавжудлигини билдиради.

ТСЖ. ***Бўлса, эса*** сўзлари боғланган қўшма гапнинг қайси ўрнида келади? – *Иккинчи гапнинг қиёсланувчи бўлагидан сўнг.*

14-дарс. Мустаҳкамлаш

СТ. 1. *ва* боғловчиси иштирокида тўртта гап тузинг, уларнинг иккитасида уюшиқ бўлакларни, иккитасида қўшма гап қисмларини богласин. 2. *Бўлса, эса* сўзлари, *-у, (-ю), -да* юкламалари иштирокида олтита қўшма гап тузинг. Уларнинг вазифаларини тушунтиринг.

Т. 14. *Бўлса, эса* сўзлари ёрдамида ҳосил қилинган қўшма гаплар турини аниқланг.

А) эргашган қўшма гап; В) мураккаб қўшма гап; С) боғловчисиз қўшма гап; D) боғланган қўшма гап.

Қ. ***На...на*** **инкор боғловчиси боғланган қўшма гап таркибида инкор муносабатини юзага келтиради; кесимлари бўлишли шаклда бўлади:** ***Кимсандан на хат бор, на хабар бор.***

ТСЖ. *Нури гоҳ севиниб, ширин хаёлларга ботади, гоҳ бутун вужудини титроқ босади.* Айирув боғловчили боғланган ушбу қўшма гапда мустақил кесимлар қайси эгаларни ўзига бўйсундирган? – *Нури ва титроқ.*

ТСЖ. *Нодон мол-дунё йиғади, ақлли одам бўлса, бошқаларга ёрдам бериб, бундан роҳатланади.* Ушбу қўшма гапнинг боғланган қўшма гап эканини қайси сўз кўрсатади? – *Бўлса.*

Эргашган қўшма гаплар

17-дарс. Эргашган қўшма гап ҳақида маълумот

СТ. 1. Берилган гап қисмлари қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланганини аниқланг. *А) Олим бўлсанг, олам сеники (мақол). Б) Камтар бўл, чунки камтарлик инсонни камолотга бошлайди.* 2. Юқоридаги гаплар қўшма гапларнинг қайси турига мансублигини ва бунинг сабабини айтинг.

Т. 15. *Нима эксанг, шуни ўрасан.* Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турига киради?

А) эргашган қўшма гап; В) боғланган қўшма гап; С) боғловчисиз қўшма гап; D) содда гап.

Қ. Қисмлари эргаштирувчи боғловчилар ёки шундай боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида боғланган қўшма гаплар — эргашган қўшма гаплар.

ТСЖ. *Олим бўлсанг, олам сеники.* Ушбу гапда эргаш гап бош гапга қайси восита орқали боғланган? — *Шарт майли қўшимчаси -са.*

Т. 16. Қайси қаторда тобе гап ҳоким гапдан кейин жойлашган? — *Оллоёрнинг энг зўр сифати шуки, унинг қўлида ёғлаётган чақалоқлар бирдан юпанади-қолади.*

ТСЖ. *Кимда ақл оз бўлса, ундаги шуҳратпарастлик шунчалик кучаяди.* Ушбу қўшма гапда кўрсатиш олмоши билан ифодаланган нисбий сўз қайси гап таркибида жойлашган? — *Ҳоким гап таркибида.*

18-дарс. Бош ва эргаш гап

СТ. 1. Қандай гап бош гап дейилади? 2. Эргашган қўшма гап қисмлари билан сўз бирикмаси қисмлари ўртасидаги ўхшашлик ҳақида сўзланг. 3. Эргашган қўшма гап қолипини чизинг. 4. Қандай гапга эргаш гап дейилади?

Т. 17. Эргашган қўшма гаплар неча қисмдан ташкил топади?

A) 4; B) 2; C) 3; D) бўлинмайди.

ТСЖ. Қайси гап таркибида иккита бош гап ва иккита эргаш гап мавжуд? — *Сув келса, ерлар суғорилса, кўчатлар яшнайди, атроф яшиллашади.*

Қ. Эргашган қўшма гапда нечта гап бўлишидан қатъи назар, у доимо икки қисмдан иборат бўлади: бош гап ва эргаш гап.

М. Эргашган қўшма гапда бош гап эргаш гапдан олдин, кейин; эргаш гап бош гапнинг ўртасида келиши мумкин.

ТСЖ. Қайси қаторда бош гап эргаш гапдан кейин келган?

A) Тонг отгач, йўлга чиқамиз. B) Истагим шуки, бахтли бўлғайсиз. C) Момақалдироқ шундай гулдурадики, осмон иккига бўлингандай туюлди. D) A ва C.

ТСЖ. Қайси гапда бош гап эргаш гапдан кейин жойлашган? — *Тил тинч бўлса, бош саломат бўлади.*

19-дарс. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар

СТ. Нисбий сўзлар деганда нимани тушунасиз? Нисбий сўзлар ёрдамида боғланган эргашган қўшма гапларга мисол-

лар келтиринг. Эргаш гап бош гапга қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланади?

Т. 18. *Гўё, худди, чунки* сўзларидан олдин қандай тиниш белгиси қўйилиши лозим?

А) икки нуқта; В) нуқтали вергул; С) вергул; D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. Аниқловчи эргаш гап қайси воситалар орқали боғланган? – *Шундай яхши одатларимиз борки, уларга ҳурмат билан қараш лозим* (-ки юкламаси, **шундай** аниқловчиси).

ТСЖ. Шарт майли қўшимчаси ҳамда нисбий сўзлар ёрдамида боғланган қўшма гапни топинг. – *Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади.*

ТСЖ. *Улар менинг айтганимни қилишади, чунки мен оиламизнинг кенжатойиман.* Ушбу гапдаги боғловчи воситани аниқланг. – *Сабаб боғловчиси.*

20-дарс. Эргаштирувчи боғловчили эргашган қўшма гаплар

СТ. 1. Қисмлари ўзаро *агар, чунки, токи* боғловчилари ёрдамида боғланган учта гап тузинг. 2. Қандай боғловчиларга эргаштирувчи боғловчилар дейилади?

Т. 19. *Мисраларда сўзлар гавҳар каби ёнади, гўё янги ранглар, янги жилвалар билан порлайди.* Ушбу гапдаги эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани топинг.

А) гўё; В) вергул; С) билан; D) кесим.

Қ. Эргаштирувчи боғловчилар – асосан сабаб, мақсад, шарт, қиёслаш-чоғиштириш – эргаш гапли қўшма гапларда келади ва бунда эргаш гап бош гапдан сўнг келади.

ТСЖ. *Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ, Боболардан қолган ноёб бу тортиқ. Токи авлодларга етолсин омон.* Гапнинг тури ва боғловчи воситасини аниқланг. – *Мақсад эргаш гапли қўшма гап:* ***токи, -са.***

PS. Шарт қўшма гапларда шарт боғловчилари тушиб қолса ҳам, *-са* қўшимчаси уларнинг вазифасини бажараверади: *Ер яхши ҳайдалса, ҳосил мўл бўлади.*

21-дарс. Кўмакчили қурилмалар ёрдамида боғланган эргашган қўшма гаплар

СТ. 1. Бош гапга *шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли* кўмакчили қурилмалар воситасида боғланган эргашган қўшма

гапларга 3 та мисол ёзинг. 2. Қандай эргаш гаплар бош гапга кўмакчили қурилмалар ёрдамида боғланади?

Т. 20. *Шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли* каби боғловчи воситалар қайси гап таркибида келади?

А) бош гап; В) эргаш гап; С) ҳар иккаласида; D) тўғри жавоб йўқ.

PS. *Шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли, шу боис* каби икки сўздан тузилган боғловчилар кўмакчили қурилмалар дейилади.

Қ. ***Шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли, шу боис* боғловчилари фақат сабаб эргаш гапли қўшма гапни боглайди. Бош гап таркибида туради: *Ўзимиз жуда чўллаб келган эдик, шунинг учун кечирдик.***

ТСЖ. Бош гап таркибида сабаб боғловчиси қатнашган гапни аниқланг. — *Гиёҳвандлик — инсоният кушандаси, шу туфайли унга қарши дунё аҳли оммавий кураш олиб бормоқда.*

22-дарс. *деб* сўзи ёрдамида боғланган эргашган қўшма гаплар

СТ. 1. Бош гапга *деб* равишдоши ёрдамида боғланган эргаш гапларда қандай тиниш белгиси қўйилишини тушунтиринг. 2. Қандай маънони билдирувчи эргаш гаплар бош гапга *деб* ёрдамида боғланади?

Т. 21. Бош гапга *деб* равишдоши ёрдамида боғланган эргаш гапларнинг кесими қандай майл шаклидаги феъллар билан ифодаланади?

А) буйруқ майлида; В) хабар майлида; С) шарт майлида; D) А ва В.

PS. *деб* сўзи мақсад ва сабаб эргаш гапларни бош гапга боғлайди.

ТС. 1. *деб* сўзи мақсад ёки сабаб эргаш гапларни бош гапга боғласа, уни қайси кўмакчилар билан алмаштириш мумкин?

А) учун; В) кейин; С) бошлаб; D) билан.

Қ. ***деб* сўзи 3-шахс буйруқ майли шаклидаги феъллар билан келса, мақсад эргаш гапли қўшма гап юзага келади: *Гул барглари учишади, тушмайин деб қўлингга.***

Қ. ***деб* сўзи ўтган замон феъли билан бирга келса, сабаб эргаш гапли қўшма гап юзага келади: *Ўртоқларим келишди деб, кўчага чиқдим.***

23-дарс. Шарт майли воситасида боғланган эргашган қўшма гаплар

СТ. 1. Кесими феълнинг шарт майли шакли билан ифодаланган эргаш гаплар қандай маъноларни ифодалайди? 2. Берилган қўшма гап таркибида нечта содда гап борлигини аниқланг:

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қуримасин дарёларим,
Алпомишга алла айтган момоларим
Руҳини шод этай десанг, халқ бўл, элим!

Т. 22. Шарт майли қўшимчаси ёрдамида боғланган қўшма гап қисмлари қандай тиниш белгиси билан ажратилади?

A) икки нуқта; B) вергул; C) нуқтали вергул; D) кўп нуқта.

Қ. Шарт майли қўшимчаси эргаш гапдан аввал келган гапларда қатнашади: ***Агар дарахт шохлари ёз фаслида сарғайса, куз эрта келади.***

ТСЖ. Шарт майли шакли ёрдамида боғланган қўшма гапни аниқланг. – *Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан.*

24-дарс. Кўрсатиш олмошли эргашган қўшма гаплар

СТ. 1. Кўрсатиш олмошлари эргашган қўшма гапнинг қайсилари таркибида қўлланади? 2. Бош гап таркибида кўрсатиш олмошлари иштирок этганда, унинг кесими қандай шаклда бўлади? 3. *-ки* юкламасининг вазифалари ҳақида гапиринг.

Т. 23. Эргаш гаплар бош гапга қайси юклама ёрдамида боғланади?

A) -ки; B) -у; C) -ку; D) -да.

PS. Кўрсатиш олмоши эга, кесим, тўлдирувчи, натижа тобе гапли қўшма гапларда келади.

М. Кўрсатиш олмоши аниқланадиган қўшма гаплар ***-ки*** юкламаси ёрдамида боғланади.

PS. ***-ки*** юкламаси бош гап таркибида бўлади.

PS. Баъзан кўрсатиш олмоши тушиб қолади: *Шоҳга билдирдиларки, аъёнлар ичида ғаламислар бор.*

ТС. 2. Кўрсатиш олмошли кесим эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

А) Шундан эҳтиёт бўлиш лозимки, ҳамроҳингиз асло нодон бўлмасин. В) Шундай одамлар борки, улар билан гаплашиб баҳра оласан. С) Бахтим шуки, сени учратдим. D) Шуни билингки, ҳеч бир янгилик бехосият бўлмайди.

25-дарс. Нисбий сўзли эргашган қўшма гаплар

СТ. 1. Қўшма гап тузиб, улар таркибидаги бош ва эргаш гапларни аниқланг. 2. *Ким ҳаракат қилса, у барака топади. Кимнинг кўнгли очиқ бўлса, унинг эл ўртасидаги мартабаси улуғ бўлади.* Ушбу қўшма гап таркибидаги бир-бирига нисбатланаётган олмошларни аниқланг.

Т. 24. Эргаш гапнинг кесими кўпроқ қайси майл шаклидаги феъллар бўлади?

А) аниқ майли; В) буйруқ майли; С) шарт майли; D) хабар майли.

Қ. Эргаш гап таркибида қўлланувчи *ким?, нима?, қанча?, қанчалик?, қаер?* каби сўроқ олмошлари ва бош гап таркибида унга жавоб бўлиб келувчи *шу, ўша, ўзи, шунча, шунчалик, шундай* каби олмошларнинг бир-бирига нисбатан қўлланганлиги, бири иккинчисини тақозо этганлиги учун, нисбий сўзлар ҳисобланади. Эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклида бўлади.

ТСЖ. Нисбий сўздан бири тушиб қолган аниқловчи эргаш гапли қўшма гапни топинг. – *Кимнинг кўнгли очиқ бўлса, эл ўртасида мартабаси улуғ бўлади.*

ТСЖ. *Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир.* Ушбу гап... — *нисбий сўзлар ёрдамида боғланган эга эргаш гапли қўшма гап.*

ТС. 3. Сўроқ ва ўзлик олмоши нисбий сўз бўлиб келган гапни аниқланг.

А) Кимда-ким кўп ўқиса, унинг зеҳни ортади. В) Кимнинг нияти тўғри бўлса, элга дўст бўлади. С) Ким бировга чуқур қазиса, ўзи йиқилади. D) Қаерда интизом бўлса, шу ерда ютуқ бўлади.

26-дарс. Эргашган қўшма гапларнинг содда гап билан маънодошлиги

СТ. 1. Берилган қўшма гапларнинг бош гаплари таркибидаги кўрсатиш олмошларини топинг. А) *Шуни сездимки,*

оила аъзолари бир-бири билан жуда иттифоқ экан. Б) Ким олдин мушт кўтарса, у ожиз бўлади 2. Эргаш гапли қўшма гап қандай қилиб содда гапга айлантирилади?

Т. 25. Эргаш гапни бош гап таркибига тегишли қандай олмош билан ифодаланган гап бўлаги ўрнига қўйиш орқали содда гапга айлантириш мумкин?

А) кўрсатиш олмоши; В) белгилаш олмоши; С) сўроқ олмоши; D) ўзлик олмоши.

ТСЖ. *Бахтим – сени учратганлигим.* Ушбу содда гапни қандай эргаш гапли қўшма гапга айлантириш мумкин? – *Кесим эргаш гапли қўшма гапга. (Бахтим шуки, сени учратдим.)*

Қ. Таркибида кўрсатиш олмоши мавжуд бўлган эргашган қўшма гаплар содда гаплар билан синоним бўлади: *Ким кўп ўқиса, у кўп билади. – Кўп ўқиган кўп билади.*

27-дарс. Кесим эргаш гапли қўшма гаплар

СТ. 1. Б.г +э.г. қолипи асосида қўшма гап тузинг. 2. Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмошининг қандай гап бўлаги вазифасида келаётганини аниқланг. 3. Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситани топинг. 4. Қандай гаплар кесим эргаш гаплар саналади?

Т. 26. Кесим эргаш гаплар бош гапга қандай восита орқали боғланади?

А) -у; В) -ю; С) -ки; D) -да.

Қ. Бош гапда кесим бўлган кўрсатиш олмоши изоҳланади, богловчи *-ки* юкламаси.

ТСЖ. Кесим эргаш гапли қўшма гапни топинг. – *Тилагим шуки, жаҳонда бир гулистон танлагин.*

ТСЖ. *Бунинг натижаси шу бўлдики, Тўлаганнинг қаншарига мушт тушди.* Ушбу гап... – *кесим эргаш гапли қўшма гап.*

28-дарс. Эга эргаш гапли қўшма гаплар

СТ. 1. Қандай гаплар эга эргаш гап ҳисобланади? 2. Эга эргаш гаплар бош гапга қандай воситалар ёрдамида боглана-ди? 3. Эга эргаш гапли қўшма гапнинг қолипини чизинг.

Т. 27. Ёзувда эргаш гап бош гапдан қандай тиниш белгиси билан ажратилади?

А) вергул; В) икки нуқта; С) нуқтали вергул; D) тире.

Қ. Эга эргаш гаплар бош гапга икки усул билан боғланади ва ҳар икки ҳолда бош гапдаги эга изоҳланади: а) кўрсатиш олмоши ва *-ки* юкламаси: *Шуниси эсимдаки, тарих ўқитувчимиз бу гапни айтган эди.* б) нисбий сўзлар ёрдамида: *Кимки илм уруғини сепса, у улуғлик мевасини теради.*

PS. Баъзан бош гапдаги изоҳланаётган *эга* тушиб қолиши мумкин.

ТСЖ. Бош гапдаги изоҳланаётган эга тушиб қолган гапни топинг. — *Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир.*

ТС. 6. Ушбу эга эргаш гапли қўшма гаплардан қайси бирида **эга** изоҳланмаган? *A) Ким сенга ёрдам қўлини чўзса, у сенинг дўстингдир. B) Кимки ростгўй бўлса, эл орасида қадр топади. C) Эсингдами, ўшанда тонг эди. D) B ва C.*

29-дарс. Ҳол эргаш гапли қўшма гаплар

СТ. 1. Берилган қўшма гаплар таркибидаги бош ва эргаш гапларни аниқланг. *A) Кечқурун ош сузсак, бир насиба кам. Б) Яна икки кўз ҳам бердим, ёв келганда кўрсин деб.* 2. Қандай гаплар ҳол эргаш гап саналади?

Т. 28. Ҳол эргаш гапли қўшма гапнинг неча тури мавжуд?

A) 11 та; B) 5 та; C) 8 та; D) 10 та.

Қ. Ҳол эргаш гапли қўшма гапларнинг қурилиши ҳам икки хил: А) бош гапдаги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган ҳол изоҳлаиади: *Қаерда интизом бўлса, шу ерда ютуқ бор.* Б) бутун бир бош гап ҳол мақомида изоҳланади: *Дутор чалиб ўтирсам, тори узилиб кетди.*

М. Ҳол эргаш гапнинг қуйидаги турлари бор: а) **пайт эргаш гапли қўшма гап** — *Ўқитувчи келгач, дарс бошланди;* б) **ўрин эргаш гапли қўшма гап:** *Оқсоқол қаерда бўлса, ўша ерда иш бир тартибда борарди;* в) **сабаб эргаш гапли қўшма гап:** *Ерда туз кўпайиб, дарахтлар қурий бошлади*; г) **мақсад эргаш гапли қўшма гап:** *Яна икки кўз ҳам бердим, ёв келганда кўрсин деб;* д) **шарт эргаш гапли қўшма гап:** *Агар астойдил ният қилинса, худо беради;* е) **миқдор-даража эргаш гапли қўшма гап:** *Сой қанчалик тез оқса, у шунчалик саёз бўлади;* ё) **натижа эргаш гапли қўшма гап:** *Рисқиев шундай урдики, рақиби нокаут бўлди;* ж) **тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап:** *Одамлар тўпланса ҳам, мажлис бошланмади;* з) **Қиёслаш-**

чоғиштириш ёки ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап: *Қор ёғяпти, гўёки пар ёғяпти;* к) **равиш эргаш гапли қўшма гап:** *Ҳалокат ариб, юзига қизиллик югурди.*

ТС. 5. *Ғафур Ғулом этагини силкитса, кулги тўкиларди.* Ушбу гап...

А) пайт эргаш гапли қўшма гап; В) сабаб эргаш гапли қўшма гап; С) шарт эргаш гапли қўшма гап; D) миқдор-даража эргаш гапли қўшма гап.

30-дарс. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар

СТ. 1. Қандай гаплар ҳол эргаш гап саналади? 2. Ёзувда тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапдан қандай тиниш белгиси билан ажратилади? 3. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларнинг икки хил қолипини чизинг.

Т. 29. Тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга қандай воситалар ёрдамида боғланади?

А) -ки; В) нисбий сўзлар воситасида; С) А ва В; D) тўғри жавоб йўқ.

Қ. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар икки хил усул билан пайдо бўлади: 1. Бош гапда тўлдирувчи бўлган кўрсатиш *олмоши+-ки* юкламаси шаклида: ***Шуни унутмангки, ҳаёт мураккаб.*** **2. Бош гапда нисбий сўзли тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап бўлганда:** ***Кимдан сўраманг, унга фикр беришга тўғри келади.***

ТСЖ. Тўлдирувчи эргаш гапни топинг. – *Қалбингиз нимани буюрса, шуни бажаринг.*

31-дарс. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар

СТ. 1. Қандай гаплар аниқловчи эргаш гап саналади? 2. Ёзувда аниқловчи эргаш гаплар бош гапдан қандай тиниш белгиси билан ажратилади? 3. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг икки хил қолипини чизинг.

Т. 30. Аниқловчи эргаш гаплар бош гапга қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланади?

А) -ки; В) -са; С) нисбий сўзлар; D) барча жавоб тўғри.

М. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам қурилиши икки хил: 1. **Бош гапдаги сифатловчи кўрсатиш олмоши билан ифодаланади *(шундай)*:** *Бу шундай дараки, Раҳмон-*

қул икки марта келиб қайтиб кетган. 2. **Нисбий сўзлар қатнашган қаратқич-аниқловчили қўшма гап:** *Кимнинг қуроли билим бўлса, унинг келажаги порлоқ.*

ТСЖ. Сифатловчи-аниқловчили аниқловчи эргаш гапли қўшма гапни топинг. — *Севги шундай навбаҳорки, у тикондан гул қилур.*

ТСЖ. *Катта арава қайси йўлга юрса, кичик арава ҳам худди шу йўлдан юради.* Ушбу гап... — *аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.*

Боғловчисиз қўшма гаплар

34-дарс. Боғловчисиз қўшма гаплар ҳақида маълумот

СТ. 1. Берилган қўшма гапларни қисмларга ажратинг.

1. Сув келди — чўлларда ҳаёт бошланди.

2. Сув келди ва чўлларда ҳаёт бошланди.

3. Сув келди, шунинг учун чўлларда ҳаёт бошланди.

2. Юқоридаги қўшма гапларнинг ўхшаш ва фарқли томонларига эътибор беринг.

Т. 31. *Ташқарида шамол увуллайди; ичкарида ойим, дадам ва мен жимгина чой ичамиз.* Ушбу қўшма гап турини аниқланг.

A) боғланган қўшма гап; B) боғловчисиз қўшма гап; C) эргашган қўшма гап; D) тўғри жавоб йўқ.

Қ. Таркибидаги содда гаплар мазмунан бир-бири билан боғлиқ бўлиб, махсус боғловчи воситаларсиз, фақат оҳанг ёрдамида боғланган қўшма гаплар — боғловчисиз қўшма гаплар.

М. Боғловчисиз қўшма гап қисмларини ёзувда ажратиш учун 4 хил тиниш белгиси ишлатилади: 1. **Вергул** — қўшма гап қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа: *Йигитлар дарахтларнинг остини юмшатдилар, қизлар мактаб ҳовлисини супурдилар.* 2. **Тире** — боғловчисиз қўшма гаплар орасида ўхшатиш, зидлаш, шарт муносабатлари ифодаланса: *Ҳамал келди — амал келди.* 3. **Икки нуқта** — боғланган қўшма гап қисмлари орасида изоҳлаш муносабати ифодаланса: *Бизнинг қароримиз шу: ҳашарда ҳаммамиз қатнашамиз.* 4. **Нуқтали вергул** — боғловчисиз қўшма гап қисмлари мазмунан мустақил бўлса, кетма-кет содир бўладиган воқеаларни билдирса, ичида бир неча тиниш белгила-

ри бўлса: *Хадича хола болалик чоғидаги сингари унинг белига нон тугиб берди, пешонасидан ўпди, дуо қилди; ирим қилиб ўзи кузатгани чиқмади.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси боғловчисиз қўшма гапда кетма-кет содир бўладиган ҳодиса қўлланган? – *Аввал улар бизга етиб олишсин, кейин бирга жўнаймиз.*

ТС. 6. Қуйидаги қайси боғланган қўшма гапда **тире** ишлатилиши керак?

A) Сиддиқжон тўхтади // орқасидан кимдир келаётган эди. B) Яхши ўғил – эл обрўси// яхши қиз – уй обрўси. C) Ғанимлар дуч келар// жанг бўлар пухта. D) Менинг бир жайдари фалсафамдир шу // ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

35-дарс. Қўшма гап турларининг маънодошлиги

СТ. 1. Берилган гапларнинг турларини айтинг. Улар қандай фарқланаётганини изоҳланг.

1. Бир киши ариқ очади, минг киши сув ичади.

2. Бир киши ариқ очади ва минг киши сув ичади.

3. Бир киши ариқ очса, минг киши сув ичади.

2. Берилган гапларнинг турларини айтинг. Улар ўзаро қандай фарқланаётганини изоҳланг.

1. Юрт тинч – сен тинч. 2. Юрт тинч – шунинг учун сен тинч. 3. Юрт тинч-у, сен тинч.

Т. 32. Зидлик, сабаб, шарт, пайт муносабатлари боғловчисиз, боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Шунга кўра улар...

A) бир-бирига маънодош бўла олади; B) бир-биридан маъноси йироқ бўлади; C) қисмлари уюшган ҳисобланади; D) тўғри жавоблар йўқ.

М. Қўшма гапнинг ҳар учала тури ўзаро синонимлик ҳосил қилиши мумкин: *1. Бир киши ариқ очади, минг киши сув ичади. 2. Бир киши ариқ очади ва минг киши сув ичади. 3. Бир киши ариқ очса, минг киши сув ичади.*

Т. 33. Қайси қаторда эргаш гапли қўшма гап мавжуд?

A) Қор ёғди – дон ёғди. B) Қор ёғди, гўё дон ёғди. C) Қор ёғди-ю, дон ёғди. D) барча жавоблар тўғри.

ТСЖ. *Юрган дарё – ўтирган бўйра.* Боғловчисиз боғланган қўшма гап қайси воситани қабул қилса, боғланган қўшма гапга айланади? – ***бўлса, эса*** *воситаларини.*

Мураккаб қўшма гаплар

39-дарс. Мураккаб қўшма гаплар ҳақида маълумот

СТ. 1. Берилган қўшма гапнинг қисмларини аниқланг. Уларнинг ўзаро қандай боғланаётганини айтинг. *Ўқитувчи боғдан келса, у тоғдан келади, Спарта давлатларини сўраса, Спартак юришларига ўтиб кетади.*

2. Берилган гап қисмларини аниқланг. Уларнинг ўзаро қандай боғланаётганини айтинг.

А) Гуллар ишқ ҳақида куйласалар, қушлар садоқат ҳақида чуғурлашиб баҳс қилишардилар, гуллар Наргисга тасалли берсалар, булбуллар чахчахлаб, Бамбурни гуллар боғига чақирадилар. Б) Дам қушлар овози янграйди; дам дарёнинг шовуллаши эшитилади, дам мусиқа садоси жаранглайди.

Т. 34. Турли боғловчи воситалар ёрдами билан ўзаро боғланган уч ва ундан ортиқ гапларнинг бир бутунлиги...

А) содда қўшма гап; В) эргашган қўшма гап; С) боғланган қўшма гап; D) мураккаб қўшма гап.

М. Мураккаб қўшма гаплар таркибида уч ва ундан ортиқ содда гаплар иштирок этади.

ТСЖ. *Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ.* Ушбу мураккаб қўшма гапда нечта содда гап мавжуд? — *3 та.*

Қ. Мураккаб қўшма гаплар 4 гуруҳга бўлинади: 1. Бир неча эргаш гапли мураккаб қўшма гаплар. 2. Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар. 3. Аралаш мураккаб қўшма гаплар. 4. Қисмлари уюшган мураккаб қўшма гаплар.

40-дарс. Бир неча эргаш гапли қўшма гап

СТ. 1. Берилган гаплар таркибидаги содда гапларни аниқланг.

А) Режа бажарилса, дастурхон мўл бўлса, ёр-у дўст, бирадарлар қалин бўлса, тантаналар қишгача давом этаверади. Б) Бошимда тегирмон тоши юргизсинлар, этимни ништар билан тилсинлар, мен сиздан ажралмайман.

2. Юқоридаги мураккаб қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланаётганини аниқланг.

Т. 35. Бир неча эргаш гапли мураккаб қўшма гап берилган қаторни топинг.

A) Шуни унутмангки, шуни ёдда тутингки, ҳаёт мураккаб.
B) Бугун ҳаво очиқ: деразани ланг очиб қўямиз.
C) Юрт тинч — шунинг учун сен тинч.
D) Кун оғиб, қоронғу тушиб, йўлларни кўриб бўлмай қолди.

Қ. Таркибида икки ва ундан ортиқ эргаш гаплар мавжуд бўлган гаплар бир неча эргаш гапли қўшма гап дейилади.

ТСЖ. *Халқимиз шуни истайдики, юртимиз тинч бўлсин, турмушимиз фаровон бўлсин, мустақиллигимиз барқарор бўлсин.* Ушбу гап таркибидаги уюшиқ гапларнинг турини аниқланг. — *Бош гап+тўлдирувчи эргаш гап+тўлдирувчи эргаш гап+тўлдирувчи эргаш гап.*

ТСЖ. *Бошимда тегирмон тоши юргизсинлар, этимни ништар билан тилсинлар, мен сизни дейман.* Қўшма гап таркибидаги эргаш гаплар қайси қаторда тўғри изоҳланган? — *Тўсиқсиз.*

41-дарс. Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап

СТ. 1. Берилган гап таркибида нечта содда гап борлигини аниқланг: *Ўзбек ёшларининг пешонаси шунинг учун ҳам ёруғ, иқболи баландки, уларнинг Ўзбекистондек жаннатмакон юрти бор.* 2. Юқоридаги мураккаб қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг ўзаро қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланаётганлигини айтинг.

Т. 36. Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап қисмлари ёзувда қандай тиниш белгиси билан ажратилади?

A) вергул; B) тире; C) икки нуқта; D) нуқтали вергул.

Қ. Таркибида икки ва ундан ортиқ бош гап мавжуд бўлган қўшма гап — бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап.

ТСЖ. *Бошимда ўйнар қамчилар, гоҳ кўзимдан ёш томчилар, Бир бенаво гул янчилар, озодкорим келмаса.* Гапдаги содда гаплар турини аниқланг. — *Бош гап+бош гап+бош гап+шарт эргаш гап.*

ТСЖ. Қайси қаторда нисбий сўзлар ёрдамида боғланган бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап мавжуд? — *Кимнинг қалби пок бўлса, унинг ишлари ўз-ўзидан юришиб кетаверади, ҳамма унга мададкор бўлади.*

42-дарс. Аралаш мураккаб қўшма гаплар

СТ. 1. Берилган гап қисмларини аниқланг.

A) Шуни унутмангки, сизлар келажагимизсиз ва бутун умидимиз сизлардан. Б) Қувишга қувдим-у, ҳали ҳам ичим ачийди,

бола бечора нима гуноҳ қилибди? 2. Юқоридаги гапларнинг ўзаро қандай воситалар ёрдамида боғланаётганини айтинг ва қандай тиниш белгиси қўлланишини изоҳланг.

Т. 37. *Аканг армиядан келса, иссиқхонани ишга соламиз, лекин сен аканга ёрдамчилик қиласан.* Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турига киради?

А) аралаш мураккаб қўшма гап; В) эргаш гапли қўшма гап; С) бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап; D) уюшиқ гапли мураккаб қўшма гап.

Қ. Таркибида эргашган, боғланган ёки боғловчисиз қўшма гаплар мавжуд бўлган гаплар аралаш мураккаб қўшма гаплар дейилади.

PS. *Шуни унутмангки, келажагимиз ва бутун умидимиз сизлардан* — ***тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап+боғланган қўшма гап.***

ТСЖ. *Билгинки, ҳунарсиз киши қуруқ савлатдир, қуруқ савлат эса қотиб турган суратга ўхшайди.* Мураккаб қўшма гапнинг қолипини кўрсатинг. — *Бош гап+тўлдирувчи эргаш гап+боғланган қўшма гап.*

Т. *Биров сенинг айбингни юзингга айтса, сўзини қайтарма, чунки у сенинг учун кўзгудир; кўзгу хира бўлиб қолса, бошқа айбингни кўрсатадими?* Ушбу аралаш қўшма гапдаги қўшма гапларни аниқланг. — *Эргашган қўшма гап + боғланган қўшма гап.*

43-дарс. Қисмлари уюшган мураккаб қўшма гаплар

СТ. 1. Ўқинг, шеърий парчанинг нечта гапдан ташкил топганини аниқланг.

Ўзбекнинг кураши ҳамиша ҳалол,
Унда йўқдир ғирром, йўқдир ёмонлик.
Доимо дўстларга тилайди камол,
Тилайди барчага дўстлик, омонлик.

2. Юқоридаги гапнинг бошқа мураккаб қўшма гап турларидан фарқини айтинг.

Т. 38. *Авлиёлар босган тупроқ азиз дерлар, қат-қатидан чиқаверар экан сирлар, Ҳар тупроқдан ҳар кун ўтмас ахир пирлар, Кўкрагимни ҳайрат тиклар, Темур бобо.* Ушбу гап мураккаб қўшма гапнинг қайси турига киради?

А) аралаш мураккаб қўшма гап; В) қисмлари уюшган мураккаб қўшма гап; С) бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап; D) бир неча эргаш гапли мураккаб қўшма гап.

Қ. Бир турдаги уч ва ундан ортиқ гаплардан ташкил топган гаплар қисмлари уюшган мураккаб қўшма гап дейилади.

ТСЖ. *Умр ўтар, вақт ўтар, хонлар ўтар, тахт ўтар, омад ўтар, бахт ўтар, лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан, сенинг юришларинг, сенинг кулишларинг.* Ушбу қисмлари уюшган мураккаб қўшма гапда нечта содда гап уюшган? – *7 та.*

Кўчирма гапли қўшма гаплар

46-дарс. Кўчирма гапли қўшма гап ҳақида маълумот

СТ. 1. Берилган гапнинг қандай содда гаплардан ташкил топганини аниқланг. *«Ҳали кўнглингиз ғунчадай ёш, ота», – деди Сайрамов.* 2. Юқоридаги гап таркибидаги содда гапларнинг ўрнини алмаштиринг. 3. Тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

Т. 39. *Қизча «ҳозир, ҳозир» деди-ю// у ердан нимагадир шошилиб чиқиб кетди.* Ушбу гапдаги //белгиси ўрнига қандай тиниш белгиси қўйилади?

A) нуқтали вергул; B) вергул; C) тире; D) икки нуқта.

ТСЖ. *«Ҳали кўнглингиз ғунчадай ёш ота», – деди Сайрамов.* Кўчирма гапдан кейин нима учун тире ва вергул қўйилди? – *Дарак гап бўлганлиги учун.*

Қ. Кўчирма гап – сўзловчининг ўз нутқида ишлатилган бировнинг гапи.

М. Кўчирма гапли қўшма гап икки қисмдан ташкил топади: сўзловчининг гапи – муаллиф гапи. Бировнинг гапи – кўчирма гап.

47-дарс. Кўчирма гапли қўшма гапнинг тузилиши

СТ. 1. Берилган гапдан муаллиф гапи ва кўчирма гапни ажратинг. 2. *«Интилганга толе ёр», – дейди халқимиз.* Тиниш белгиларининг қўлланишини изоҳланг.

Т. 40. *Донодан сўрадилар // «Эй донишманд, киши учун энг яхши нарса нима?».* Ушбу гапдаги // белгиси ўрнига қандай тиниш белгиси қўйилади?

A) тире; B) вергул; C) икки нуқта; D) нуқтали вергул.

ТСЖ. Кўчирма гапли қўшма гапнинг тузилиши ҳақидаги қайси ҳукм тўғри? – *Доимо икки қисмдан иборат бўлади.*

ТСЖ. *Кампир оёқ остида ўсган ўтдан юлиб, кийик томон юра бошлади: «Ма, жонивор, ма!».* Ушбу гапнинг қолипи қайси қаторда тўғри берилган? — *Муаллиф гапи+кўчирма гап.*

48-дарс. Кўчирма гапли қўшма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши

СТ. 1. Берилган кўчирма гапли қўшма гапдаги муаллиф гапини турли ўринларда қўлланг.

«Биз ягона дарахтнинг бутоқларидек бир бутун бўлган тақдиримиздан куч-қудрат касб этамиз», — деди Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева.

2. Кўчирма гап муаллиф гапининг турли ўринларида келган гап қолипларини чизинг ва уларга мисоллар келтиринг.

Т. 41. Кўчирма гап муаллиф гаплари орасида келса, қандай қолип ишлатилади?

A) М: «К», — м; B) К: «М» — м; C) М. К — м; D) М, «К», — м.

Қ. Муаллиф гапи (М) ва кўчирма гап (К) бир-бирига нисбатан турлича жойлашиши мумкин. Бунда тиниш белгилари қуйидагича ишлатилади:

1. М: «К». М: «К?» М: «К!».

2. М: «К», — м. М: «К?» — м. М: «К!» — м.

3. «К», — м. «К?» — м. «К!» — м.

4. «К, — м, — К».

ТСЖ. Қайси қаторда тиниш белгиси нотўғри қўлланган? — *«Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз!», — дейди Алишер Навоий.*

49-дарс. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар

СТ. 1. Ўзганинг гапи нутққа неча хил йўл билан олиб кирилиши ҳақида сўзлаб беринг. 2. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? 3. Қандай гапга ўзлаштирма гап дейилади?

Т. 42. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келгандаги тиниш белгиларининг қолипини кўрсатинг.

A) М: «К»; B) М; «К»; C) М, — «К»; D) М: — «К».

Қ. Кўчирма гап — ҳеч ўзгаришсиз нутққа тайёр олиб кирилган гап.

Қ. Ўзлаштирма гап — кўчирма гапнинг мазмунини ўзгартирмай, шакли ўзгартирилган гап.

Кўчирма гап: *«15 қадам нарига боринг», — деб буюрди Бобур навкарга. — Бобур навкарга ўн беш қадам нарига боришни буюрди.*

50-дарс. Кўчирма гапларни ўзлаштирма гапга айлантириш

СТ. 1. Дарак гап шаклидаги кўчирма гап ўзлаштирма гапга қандай айлантирилади? 2. Сўроқ гап шаклидаги кўчирма гап-чи? Анчайин мустақил бўлган қўшма гап қисмлари муаллиф гапидан кейин давом этса, қандай тиниш белгиси қўйилади?

Т. 43. Кўчирма гап ўзлаштирма гапга айлантирилганда кўчирма гапли қўшма гап қандай шаклни олади?

A) ёйиқ қўшма гап; B) боғловчисиз қўшма гап; C) содда гап; D) боғланган гап.

М. Кўчирма гап ўзлаштирма гапга айлантирилганда кўчирма гапли қўшма гап содда гап шаклини олади.

Қ. Кўчирма гап қуйидаги шаклий ўзгаришлар йўли билан ўзлаштирма гапга айлантирилади:

1. Дарак гап шаклидаги кўчирма гап кесими тушум келишигидаги сифатдош, ҳаракат номи билан ифодаланган тўлдирувчига, эгаси қаратқич аниқловчига айлантирилади. Муаллиф гапининг кесими вазифасидаги *деди* сўзи *айтди* сўзи билан алмаштирилади. Муаллиф гапининг эгаси ўзлаштирма гап эгаси бўлиб, гап бошида келади.

«Ёшларимиз истиқболи порлоқ», — деди муаллим. Муаллим ёшларимиз истиқболининг порлоқлигини айтди.

2. Сўроқ, буйруқ шаклидаги кўчирма гаплар дарак шаклига айлантирилади: *«Салима қандай ўқияпти?» — деб сўради онаси. Онаси Салиманинг қандай ўқиётганини сўради.*

3. Кўчирма гап таркибидаги ундов, киришлар тушириб қолдирилади. Ундалма чиқиш келишигидаги тўлдирувчига айлантирилади. *«Тўғри, устоз, ор-номус учун кураш болаликдан бошланади», — дейди донолар. Донолар ор-номус учун кураш болаликдан бошланишини айтганлар.*

ТСЖ. Кўчирма гапда тиниш белгиси нотўғри қўлланган қаторни топинг. — *Дўстимга дедим: «Сенга сир эмаски, гул бебаҳо, гулистон бевафодир».*

Нутқ услублари

55-дарс. Нутқ услублари ҳақида маълумот

СТ. 1. Нутқ услублари деб нимага айтилади? 2. Услубий хосланган ва услубий бетараф сўзлар деганда нимани тушунасиз? 3. Нутқ вазияти деганда нимани тушунасиз?

Т. 44. Ўзбек тилида нечта нутқ услуби бор?

A) 5 та; B) 4 та; C) 3 та; D) 6 та.

Қ. Нутқ услуби – адабий тилнинг ижтимоий ҳаётдаги маълум соҳа доирасига, маълум нутқий вазиятга хосланган кўриниши.

М. Сўзлар маълум нутқ услубига хосланиш – хосланмаслик белгисига кўра услубий хосланган ва услубий бетараф сўзларга бўлинади.

Қ. Услубий бетараф сўзлар – барча услубда бирдай ишлатиладиган сўзлар.

Қ. Услубий хосланган сўзлар – беш услубдан биридагина қўлланадиган сўзлар.

М. Нутқ услублари беш турли бўлади: **1. Сўзлашув. 2. Публицистик (оммабоп). 3. Илмий. 4. Расмий. 5. Бадиий.**

М. Нутқ услубларини ўрганувчи тилшунослик соҳаси **услубшунослик (стилистика)** дейилади.

56-дарс. Сўзлашув услуби

СТ. 1. Сўзлашув услуби деганда нимани тушунасиз? 2. Сўзлашув услубининг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?

Т. 45. Мулоқот услуби қайси сўзлашув услубларини ўз ичига олади?

A) публицистик услуб; B) расмий услуб; C) адабий ва оддий; D) илмий услуб.

Қ. Оилада, кўча-кўйда кишиларнинг фикр алмашиши жараёнида қўлланиладиган нутқ услуби – сўзлашув услуби дейилади.

М. Сўзлашув услубининг икки кўриниши бор: 1. **Адабий сўзлашув услуби.** 2. **Оддий сўзлашув услуби.**

Қ. Адабий сўзлашув услуби – адабий тил меъёрларига қатъий амал қилинган сўзлашув услуби: – *Муҳтарам зот! Сизни қаердан топса бўлади? – Мен сайлгоҳда бўламан.*

Қ. Оддий сўзлашув услуби — таркибида киноя, пичинг, қочирим, шева ва бошқа ноадабий сўзлар қатнашувчи услуб: ***Бадбахт фитна! Қўясанми, қўймайсанми, ахир?***

PS. Сўзлашув услуби эркин услуб бўлиб, диалогик суҳбат нутқида бўлади.

57-дарс. Публицистик услуб

СТ. 1. Матн тузинг. Қайси услубга хослигини ва ўзига хос услубий белгисини айтинг. 2. Қандай услуб публицистик услуб дейилади?

Т. 46. Оммавий ахборот воситалари услуби қандай услуб ҳисобланади?

А) бадиий услуб; В) публицистик услуб; С) илмий услуб; D) А ва В.

Қ. Публицистик услуб — оммавий ахборот воситалари услуби (газета, журнал, ТВ, радио услуби).

PS. Бу услуб **оғзаки** ва **ёзма** шаклда бўлади.

М. Муҳим хусусияти 4 та: *а) ахборот бериш ва таъсир қилиш; б) соддалик ва тушунарлилик; в) таъсирчанлик; г) адабий тил меъёрларига қатъий риоя қилиш.*

ТСЖ. Қайси жумла публицистик услубда бўлиб, таркибида атов гап ҳам қатнашган? — *Баҳор... Бу кун олам уйғонмоқда.*

58-дарс. Бадиий услуб

СТ. 1. Матнни ўқинг. Қандай нутқ услубига хослигини аниқланг. *Толларнинг кўм-кўк соч попуклари қизларнинг майда кокилларидай селкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг намли юзлари кулди.* 2. Матннинг қандай ўзига хос услубий белгиларга эга эканлигини айтинг.

Т. 47. Образлилик ва эстетик таъсир этиш қайси услубнинг муҳим белгиси?

А) илмий услуб; В) публицистик услуб; С) расмий услуб; D) бадиий услуб.

Қ. Маълум бир воқеликни бадиий тасвир воситалари орқали образли ифодаловчи ва шу йўл билан тингловчига эстетик таъсир этувчи услуб — бадиий услуб.

PS. Оғзаки ва ёзма адабиёт матнлари шу услубда бўлади.

М. Асосий хусусиятлари: *а) образлилик ва эстетик таъсир этиш; б) кўчма маъноли сўзларни қўллаш; в) шева ва кўчирма гап, бошқа тил воситаларидан фойдаланиш.*

ТСЖ. Бадиий услубдаги жумлани топинг. — *Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти.*

60-дарс. Расмий услуб

Қ. Расмий услуб — адабий тилнинг ёзма шаклига хос бўлиб, путқий қолип, қатъий одат тусига кириб қолган жумлаларнинг намоён бўлиши.

М. Расмий услуб — дипломатик алоқалар, идора, корхона ва муассасаларнинг иш юритиш жараёнида, шахсларнинг ариза, тилхат, маълумотнома, ишонч қоғози, таржимаи ҳол ва бошқа иш юритиш қоғозларида қўлланилади.

61-дарс. Мустаҳкамлаш

ТСЖ. Иншо сўзининг луғавий (аташ) маъноси қайси қаторда тўғри берилган? — *Юзага келтириш, ёзув, ижод.*

68-дарс. Қўшма гаплар бўйича

ТСЖ. *Қор дегани одамнинг тиззасидан келар, совуқ эса юз-қўлни чақиб олар экан.* Ушбу гап... — *боғланган қўшма гап.*

69-дарс. Кўчирма, ўзлаштирма гаплар ва нутқ услублари бўйича

ТСЖ. Қайси қаторда тиниш белгиси тўғри қўйилган? — *«Эсли одам сўз бошламас «мен» билан...»* — *деган эди туркман шоири Махтумқули.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз *оҳак* сўзи билан пароним бўлиб, *хазина, бойлик* маъносини беради? — *Ганж.*

ТСЖ. Бирор нарсанинг йиғиндиси, тўплам маъносини берувчи сўзни топинг. — *Куллиёт.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз *«эркак туя»* ҳамда *«бадандаги қизил доғ»* маъноларида шаклдош бўлади? — *Нор.*

ТСЖ. «Хилқат» сўзининг аташ маъноси қайси қаторда берилган? — *Яратилиш, бунёдга келиш.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз *рафиқа, турмуш ўртоқ, қайлиқ* синонимик қаторига мансуб? — *Завжа.*

ОНА ТИЛИ 102004

1-дарс. Мустақиллик — олий неъмат

ТСЖ. *Офтоб билан ой ҳам сўз ила равшан, фалак айлан-ши ҳам, билгил сўз билан.* Сўз қудрати ҳақидаги ушбу фикр кимга тегишли? — *Абдураҳмон Жомий.*

ТСЖ. Қайси қаторда *тил* сўзи кўчма маънода ишлатилган? — *Агроном Салимов деҳқончиликнинг тилини яхши биллади.*

ТСЖ. Қайси қаторда *тил* сўзи ибора таркибида келган? — *Салимжон тилини тишлаб қолди.*

ТСЖ. *Тил* сўзи қайси туркумга оид бўлганда тусловчи қўшимчаларни қабул қилади? — *Феъл.*

ТСЖ. Қайси қатордаги ясама сўзда ясовчи асос «тил» оти бўлмаган? — *Қовун тилими.*

ТСЖ. Талаффузда бир товуш тушиб қоладиган сўзлар қайси қаторда берилган? — *Дастхат, дўст, Ёркент.*

ТСЖ. Қайси қаторда бир товуш икки ҳарф билан ифодаланган? — *Тенглама, денгиз.*

ТСЖ. Ургу маъно фарқлашга хизмат қиладиган сўзларни топинг. — *Ошиқ, томчилар, сурма.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда сифатловчи-аниқловчи мажозий (метафорик) маъно касб этган? — *Кумуш чойшаб ёпиб далалар, Қор қўйнида ухлаб ётади.*

2-дарс. Умумхалқ тили ва адабий тил

М. Умумхалқ тили — маълум бир халқнинг сўзлашув тилидир.

М. Адабий тил — маълум бир қоидалар асосида тузилган, ишланган тилдир.

М. Шева ва лаҳжа — маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг тилидир; бу тил умумхалқ тилига киради.

3-дарс. Ҳозирги адабий тилнинг шаклланиши ва ишланиши

ТСЖ. Ўзбек (туркий) тилига оид дастлабки ёзма ёдномалар қайси даврга тегишли ва улар қайсилар? — *VI–VII аср, Ўрхун-Энасой ёзувлари.*

ТСЖ. Ўзбек (туркий) тили ўз ички имкониятлари билан ривожланиш йўсинда бойиб боради? — *Сўз ясаш ва шевадан сўз олиш.*

М. X–XI асрлардан бошлаб, ўзбек (туркий) тилида «Девону луғатит-турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» каби асарлар юзага келган.

ТСЖ. Ўзбек (туркий) тилининг гуллаб-яшнаш даври қайси асрга тўғри келади? — *XV аср.*

ТСЖ. «Киши ики турлук киши атанур, бири ўгратигли, бири ўгранур...» Ушбу байт қайси давр ўзбек тилига мансуб? — *XI аср.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси сўзлар ўтмишда маъноли қисмлардан ташкил топиб, бугунга келиб уларнинг ўзак ва қўшимчалари яхлитлашиб қолган? — *Пичоқ, қулоч, супур, ёмғир.*

PS. Пичоқ — бич+оқ; қулоч — қул+оч; супур — сув+ур; ёмғир — ёг+мир (метатеза).

ТСЖ. XI асрда яшаган тилшунос олимлар номини кўрсатинг. — *Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий.*

ТСЖ. Алишер Навоий қайси асарида форс-тожик ва ўзбек (туркий) тилини солиштириб, тилимизнинг бойлиги, ясовчиларнинг маъно бўёқларини тасвирлаб берган? — *«Муҳокамат ул-луғатайн».*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўз бирикмасида имловий хато мавжуд? — *Қаҳрабодек сап-сариқ сабзи.*

4-дарс. Ўзбек адабий тилининг бўлимлари

М. Ўзбек адабий тили мазмунига кўра: ***фонетика, лексика, морфология, синтаксисга бўлинади.***

М. Ўзбек адабий тили қўлланишига кўра: ***алифбо, имло, талаффуз, тиниш белгилари, услуб қисмларига бўлинади.***

ТСЖ. Адабий тилнинг товушлари тилимизнинг қайси бўлимида ўрганилади? — *Фонетика.*

ТСЖ. Адабий тилнинг ҳар бир бўлимига хос қонун-қоидалар тизими қандай умумлаштирилади? — *Адабий тил меъёрлари.*

ТСЖ. Оғзаки тилнинг қонун-қоидалари тизими қайси бўлимда ўрганилади? — *Орфоэпия.*

ТСЖ. *Буви, шоти, шакароб, патинжон* каби сўзлар умуҳалқ тилининг қайси жабҳасига тегишли? — *Шевага хос сўзлар.*

М. Шевалар адабий тилдан фонетик (товушлар томонидан), лексик (сўз томонидан), морфологик (қўшимчалар томонидан), синтактик (гап қурилиши томонидан) фарқ қилади.

5-дарс. Алифбо ва имло

М. Лотин ёзувига асосланган янги алифбо 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган.

М. Янги алифбони жорий қилиш 1994 йилдан 2005 йилгача мўлжалланган эди.

М. Янги алифбога 1995 йилда ўзгартириш киритилган.

М. Лотин ёзувидаги янги алифбо бўйича имло қоидалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 24 августда қабул қилинган.

6-дарс. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси

М. Лотин алифбоси кирилл алифбосидан уч жиҳатига кўра фарқланади: *1. Баъзи ҳарфлар шаклида. 2. Ҳарфлар сираси, яъни қаторида. 3. Айрим ундошларнинг икки ҳарф бирикмаси билан ифодаланишида.*

М. *Ж* ҳарфи икки хил товушни беради: 1. *Жон, ривож* сўзларида қоришиқ. 2. *Журнал, гижда, мужда* сўзларида сирғалувчи ундошни.

ТСЖ. Қуйидаги қайси сўзлар бир сўзнинг икки хил ёзилиши ҳисобланмайди? — *Танбур-тамбур, руҳ-рух, артмоқ-арчмоқ.*

ТСЖ. Қайси қаторда имло хатоси мавжуд? — *Ер хазина, сув гавҳар.*

ТСЖ. Қайси қатордаги жуфтликда бирининг ўрнига иккинчисини ёзиб қўйиш услубий ва имловий хатони юзага келтиради? — *Ёд-ёт, ҳийла-хийла, тана-таъна.*

PS. Булар паронимлар бўлиб, кўпроқ сўз қўллаш билан боғлиқ тестлар тузишда ишлатилади.

ТСЖ. Қайси қаторда сўз қўллаш билан боғлиқ хато мавжуд? — *Терак ёғочи тешага соф бўлолмас. Хол сўзининг арабча кўплиги аҳволдир.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўзлар янги алифбога кўра нотўғри тартибда берилган? — *Қиш, сабзи, шоли, дала.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда **нг** ҳарфи ишлатилган? — *Бирлашган куч енгилмас.*

7-дарс. Ўзбек тили имлосининг асосий қоидалари

М. Имло қонунлари деганда фонетик, морфологик ва шаклий ёзувлар тушунилади.

Қ. Фонетик ёзув — сўз ва қўшимчалар қандай айтилса, шундай ёзиш ёки товуш ўзгаришига учраган сўзларнинг ёзилиши: ***булоққа, оғзи, сана, аччиқ, сенга, менга.***

Қ. Морфологик ёзув — сўз ва қўшимчаларнинг айтилишига кўра эмас, махсус қоидаларга кўра ёзиш: ***тузсиз, кетди, ўқибди, мақсад, мутолаа, Навоий.***

Қ. Шаклий ёзув — бошқа тилдан кирган сўзларнинг аслида қандай ёзилган бўлса, шу шаклини сақлаш: ***танк, солдат, университет, ашъор, театр, драма, баҳор, гўшт.***

PS. Аксар олинма сўзларнинг ёзилиши шаклий ва морфологик ёзув қонунига мос келади.

ТСЖ. Қуйидаги жуфтликларнинг қайси бирида от ва сифат паронимлиги мавжуд? — *Ёд-ёт, соф-соп.*

ТСЖ. *1) тузсиз; 2) хўп; 3) бод; 4) ёғду; 5) жудо; 6) ёндош; 7) тақиб; 8) чинни; 9) ювунди; 10) сава.* Ушбу сўзларнинг қайси бирининг пароним жуфти мавжуд? — *Барчасининг.*

PS. 1) туссиз; 2) хўп; 3) бот; 4) ёғду; 5) жуда; 6) ёндош; 7) таъқиб; 8) чинни; 9) ювунди; 10) саъва.

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда фонетик ёзувдаги сўз мавжуд? — *Оғзида боли борми, асал томар сўзидан.*

8-дарс. Унлилар имлоси

ТСЖ. Қайси сўзлар талаффузида қўш ундош ёки унлидан бири тушириб айтилади? — *Таассурот, тааджжуб, бадиий, фанний.*

М. Қайси сўзларда *а* ҳарфи *и* товушига яқин айтилади? — *Муомала, муҳокама.*

М. Рус тилидан ўтган бир қатор сўзларда *о* ҳарфи *ў* ёки *и* шаклида айтилади. — *Завод, код, конституция, оркестр.*

М. *о* ҳарфи сўз охирида урғу олмаган ўзлашма сўзларда *и* каби айтилади: **ректор, ирригатор.**

М. *Қовун, совун, товус, мўғул* каби сўзларда иккинчи бўғиндаги *у* ҳарфи *и* каби айтилади, лекин морфологик ёзувга амал қилади.

ТСЖ. Нотўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг. — *авф, тақазо, бир оз, мувофақият, томаша.*

PS. Афв, тақозо, бир оз, муваффақият, томоша.

ТСЖ. Қайси қаторда хато ёзилган сўзлар мавжуд? — *Пиёз жуда кўп касалликларга, жумладан, қон босимига ҳам даъводир.*

PS. Пиёз, касалликларга, даводир.

ТСЖ. Қайси қатордаги жуфтликни пароним ҳисоблаш мумкин? — *дон-Дон.*

PS. Аслида бу омоним.

9-дарс. Ундошлар имлоси

ТСЖ. Қайси қаторда *қ* ундошининг жарангсиз жуфти берилган? — *х.*

ТСЖ. Портловчи сонорлар қайсилар? — *м, н, нг.*

ТСЖ. Қайси қатордаги сўзларда маъно айирувчи товуш мавжуд? — *Шоҳ, ҳуш, ҳол, ҳам.*

ТСЖ. Қайси сўзларда портловчи тил орқа товуши ёзилади? — *Па...та, шў..., та...т, а...лоқ.*

ТСЖ. Қайси сўздаги бир сонор иккинчи бошқа сонор билан алмашиб талаффуз қилинади? — *Кўринмаслик, кўнмаса керак.*

PS. Кўриммаслик, кўммаса керак.

ТСЖ. *1) shahar; 2) tosh; 3) ishoq; 4) shodlik; 5) ashob.* Ушбу сўзлардан қайси бирида **s** ва **h** ҳарфи орасига тутуқ белгиси қўйилиши керак? — *3, 5. is'hoq, as'hob.*

ТСЖ. Хато ёзилган сўзлар қаторини топинг. — *Мавсим, қирғовил, ёвиз, мўғил.*

ТСЖ. Қайси сўзлар талаффузида бир ***й*** товуши орттириб айтилади? — *Шариат, филиал, диагноз, материал.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси сўзларга қўшимча нотўғри қўшилган? — *Килограмм+ми, металл+лар.*

ТСЖ. Тўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг. — *Мўъжиза, мўътадил, мўътабар.*

ТСЖ. Ушбу сўзлардан қайси бирида талаффуз ва ёзув мувофиқ келмайди? — *Ялинмоқ, тўнғич, раҳмдил, ёнма-ён, конгресс.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда нотўғри ёзилган сўз мавжуд? — *Инсоннинг биринчи сўзи ҳам, сўнги сўзи ҳам — Она!*

PS. *Сўнгги.*

М. Ушбу қўш ундошли сўзлардан битта ундош туширил-ган бошқа маънодаги сўз юзага келади: *қаттиқ, эссиз, тилла, ёлғонди, тилли, ноннинг, силла, эллар, медалли, ушшоқ.*

ТСЖ. Такрорий ундошли олинма сўзни топинг. — *Мурраккаб, наққош, иззат.*

ТСЖ. Такрорий ундошли ўзбекча сўзни топинг. — *Тилла, чаппа, тўққиз.*

М. Қўш ундошли сўзлар сўз ясаш, шакл ясовчи қўшимчалар қўшиш пайтида ҳам юзага келиши мумкин: ачи+қ=аччиқ, иси+қ=иссиқ, медал+ли=медалли, саси+қ=сассиқ.

10-дарс. Ўзак ва қўшимчалар имлоси

М. *-қ, -в* қўшимчалари от ясаганда *а* товуши *о* билан almашади: *саноқ, бўёқ, сайлов, танлов.*

М. *в* ва *и* ҳарфлари билан туговчи феъллардан от ясалганда, шу *и* ҳарфи *у* га алмашади: *ўқув, тўқув.*

М. Ўзагида *у* товуши бўлган сўзларга *-им* қўшимчаси сўз ясовчи қўшимча бўлиб қўшилса, *-ум* ёзилади: *тузум, тутум, тушум, унум, уюм.*

PS. Бу қоида *-инди, -ин, -илл, -ик, -иқ* қўшимчаларига ҳам тегишли: *тузук, тутуқ, ювунди, тугун, шовулла.*

ТСЖ. Қайси қаторда *-лик* қўшимчаси нотўғри қўлланган? — *Кучлик, уйлик-жойлик, илмлик.*

ТСЖ. Қайси қаторда *-лик* қўшимчаси тўғри қўлланган? — *Ёзлик, кўрпалик.*

ТСЖ. Қайси қаторда *-лик* қўшимчаси нотўғри қўлланган? — *Болалик уй бозор.*

ТСЖ. *Совуқ мижозлик кишилар ўрикни асал билан ейишлари керак.* Ушбу гапда қандай хатолик мавжуд? — *Қўшимча қўшиш билан боғлиқ.*

ТСЖ. Қўшимчанинг ишлатилиши билан боғлиқ хато қайси қатордаги гапда берилган? — *Яхши одам беғубор, кенгфеъллик бўлади.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда битта фонетик, учта морфологик ёзувда ёзилган сўз мавжуд? — *Қийналиб-қийналиб марза олсанг, тўйиб-тўйиб қовун ейсан.*

PS. *Қийналиб-қийналиб марза олсанг* — фонетик ёзув, *тўйиб-тўйиб, қовун, қийналиб-қийналиб* — морфологик ёзув.

ТСЖ. *Тушунмам сўзи... — тушунмайман* бўлишсизлик равишдошининг I шахс бирлик шакли.

М. *к, қ* ҳарфи билан тугаган исмларга эгалик қўшимчалари қўшилганда *г ғ* ҳарфи билан алмашади? — *Тилаги, беги, таёғи, бутоғи.* Аммо, *очерк, юқ, эрк, халқ* сўзларида бундай бўлмайди. — *Очерки, юқи.*

М. *Қорин, ўғил, ярим, заҳар, кўнгил* каби сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилса, ўзакдаги *и* тушади: *қорним, ўғли, заҳрингиз.*

М. *Парво, обрў, мавқе, мавзу, авзо* каби сўзларга I, II шахс эгалик қўшимчалари қўшилса, битта *й* орттириб ёзилади: *парвойим, авзойинг.* Аммо III шахс эгалик қўшимчаси қўшимчаси қўшилса, *й* ёзилмайди: *парвоси, авзоси.*

М. *к* ва *қ* ҳарфи билан тугаган исмларга жўналиш келишиги *-ка, -қа* шаклида қўшилади: *токка, қишлоққа.* Аммо *буғга, баргга, оғган, сиғгунча* сўзларида бундай эмас.

ТСЖ. Хато ёзилган сўзларни топинг. — *Кеткан, келмапти, тушинмоқ, улгирмоқ, туғулди, қурулди, паша.*

11-дарс. Қўшма сўзлар имлоси

ТСЖ. Тўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг. — *Раъногул, сўзбоши.*

М. Икки ёки уч сўз қўшилиб, битта янги сўз ясаса ва бир урғуга эга бўлса, қўшиб ёзилади: *намозшомгул, Ўзбекфильм.*

М. *а* унлиси билан тугаган етакчи феълга *о* билан бошланган кўмакчи феъл қўшилганда, *а* унлиси туширилиб, *б* товуши билан тугаган феъллар қўшилганда, *в* билан алмаштирилиб, қўшиб ёзилади: *айтолмадим, кетавер.*

ТСЖ. Қўшиб ёзиладиган сўзлар қаторини топинг. — *Табрик нома, беда поя, дев сифат, умум халқ, иш ёқмас, от боқар.*

М. Қўшма сўз қисмлари бир-бирини изоҳласа, ажратиб ёзилади: *тил олди, ўрта кенг, узун бўйли, осма кўприк, Жўра тоға.*

ТСЖ. Қандай сўзлар ажратиб ёзилади? — *Қўшма феъл, қўшма олмош, қўшма сонлар: сир тут, ана шу, ўн тўрт.*

М. Сифат олдидан *тўқ, жиққа, тим, лиқ* сўзлари келса, ажратилиб ёзилади: *жиққа ҳўл, лиқ тўла.*

М. Белгининг ортиқлик даражасини кўрсатувчи ушбу сўзлар орасига чизиқча қўйилмайди: *кўпдан кўп, янгидан янги, очиқдан очиқ.*

12-дарс. Жуфт сўзлар имлоси

ТСЖ. Қайси сўзлар орасида чизиқча қўйилади? — *Унда-бунда, ҳамма-ҳаммаси.*

М. Жуфт сўзлар орасида доим чизиқча ишлатилади. Аммо *-у, -ю* юкламаси билан боғланса, чизиқча *-у, -ю* юкламасидан олдин қўйилади, холос: *yor-u do'st, yer-u ko'k.*

М. Белгини фонетик йўл билан кучайтирувчи сифатлар *-ма, -ба* билан бириккан сўзлар чизиқча билан ёзилади: *дум-думалоқ, тўппа-тўғри, уйма-уй, дам-бадам.*

ТСЖ. Қуйидаги сўзлардан қайси бири *нурли, ёруғ* маъносини беради? — *Мунаввар, анвар.*

ТСЖ. Ўтмиш адабий тилида «суяк» нима дейилган? — *Устихон.*

ТСЖ. Қайси қаторда қўшиб ёзиш имлоси бузилмаган? — *Оққуш, яриморол, гулхайри, йўлбошчи, ғайрирасмий.*

ТСЖ. Қайси сўзлар орасига чизиқча қўйилади?— *Асбоб/ускуна, ора/чора.*

ТСЖ. *1) пиёз; 2) ини; 3) роғ; 4) тикин; 5) чева.* Ушбу сўзлар қуйидаги қайси сўзлар билан жуфтлик ҳосил қила олади? — *1) сабзи; 2) оға; 3) боғ; 4) экин; 5) мева.*

13-дарс. Қисқартма сўзлар имлоси

М. Қисқартма сўзлар бирикмадаги 1-ҳарфларни ва 1-бўғинларни олиб, 1-бўғин ва 1-ҳарфларни олиб ҳосил қилинади: *МДҲ, Давбанк, ЎзМУ.*

ТСЖ. Қайси қаторда қисқартма сўз тўғри берилган? — *З. М. Бобур, педколлеж.*

ТСЖ. Қисқартма сўзлар хато келган қаторни топинг. — *Педколлеж, Б.М.Т.*

14-дарс. Бош ҳарфлар имлоси

М. Гаплар, сўроқ, ундов, кўп нуқтадан сўнг келадиган отлар, атоқли отлар, қисқартма отлар, ҳурмат маъносида қўлланган ***сиз*** ва ***ўзингиз*** олмошлари, байрам ва тарихий кун

номларининг биринчи сўзи, асар номи, корхона ва муассаса номлари бош ҳарфлар билан ёзилади. Айримлари қўштирноқ ичида берилади.

М. Олий ташкилот, унвон ва лавозим номлари, орден ва медалларнинг биринчи сўзи, вазирликларнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади.

ТСЖ. Тўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг. — *Ўзбекистон Қаҳрамони, «Дўстлик» ордени.*

М. Атоқли отлар умумийлик, тур маъноларини ифодаласа, кичик ҳарф билан ёзилади: *Кеча фарҳодлар келишди.*

15-дарс. Бўғин кўчириш қоидалари

М. Сўз сатрдан сатрга бўғин асосида кўчирилади.

ТСЖ. Қайси қаторда бўғин кўчириш қоидаси бузилган? — *э-кин, С.В.-Раҳимов, 7-б-синф.*

ТСЖ. Қайси сўзларда қўшимча қўшилиши билан биринчи бўғиндаги ундош иккинчи бўғинга ўтиб қолади?— *Қалб, қувонч, сулҳ.*

ТСЖ. Суд сўзининг маъноси... — *ҳуқуқ идораси, фойда.*

16-дарс. Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари

ТСЖ. Қайси сўзлар талаффузида шева элементлари сезилади? — *Апа, келопти, кевотти.*

ТСЖ. Қайси сўзларда урғу биринчи сўзга тушган? — *Ақл, исм, нақд, ҳукм.*

ТСЖ. Иккинчи бўғини *и* ёзиладиган сўзлар қаторини топинг. — *Муҳим, мудир, муқим.*

ТСЖ. Қайси олинма сўзларнинг охирги бўғинидаги унли товуш талаффуз қилинмайди? — *Образ, трактор, ректор.*

ТСЖ. *1) боғлар; 2) чоғлар; 3) йигитча; 4) аҳил; 5) атлас; 6) механик; 7) физик; 8) олма.* Ушбу сўзлардан қайсиларида урғунинг ўрин алмашиши маънога таъсир қилади? — *Барчасида.*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда мантиқий урғу *анжумани* сўзига тушган? — *Бугун Тошкентда ўқитувчилар анжумани иш бошлади.*

Қ. Тутуқ белгиси унлидан кейин келса, шу унли чўзиб айтилади, ундошдан кейин келса, айириб ўқилади: *таълим, масъулият.*

М. *Бир* сўзига *-та* қўшилса, *р* товуши *т* га айланади: *битта, ўн битта.*

ТСЖ. Қайси сўзларда қўш ундош тўлиқ талаффуз қилинади? — *Муҳаббат, таманно, иззат, қассоб.*

ТСЖ. Қайси пароним сўзларда талаффузи бир хил икки товуш маънони айиради? — *Ухламоқ-уҳламоқ, хуш-ҳуш, хам-ҳам.*

ТСЖ. Қайси қаторда қўшма феъл нотўғри ёзилган? — *Опкетти, опқочти.*

ТСЖ. Қуйидаги қайси сўзларнинг талаффуз ва ёзилиши бир-бирига тўғри келмайди? — *Универсал, жунжикмоқ, гигиена, дастхат.*

ТСЖ. Ушбу сўзларнинг қайси бирида қўш ундошларнинг бири талаффуз қилинмайди? — *Аттестат, конгресс.*

17-дарс. Талаффуз ва оҳанг

ТСЖ. Қайси аниқловчили бирикма бир урғу билан айтиб қўшиб ёзилса, омоним юзага келади? — *Тоза гул.*

М. Сўроқ ва ундов гапларнинг ёрқин белгиларидан бири оҳанг бўлиб, улар охирида сўроқ ёки ундов белгилари қўйилади.

ТСЖ. Оҳанг қандай синтактик бирликларда аниқ эшитилади? — *Ажратилган бўлакларда.*

ТСЖ. Қайси гапда иккита вергул ишлатилиши керак?— *Хайр ўғлим оқ йўл бўлсин.*

PS. *Ўғлим* сўзи ундалма бўлиб, гап ўртасида келгани учун вергул икки томонига қўйилади.

ТСЖ. Қандай ундалмаларда кучли оҳангдан фойдаланиб, ундалмадан сўнг ундов белгиси қўйилади? — *Чақириқ, мурожаат ундалмаларида.*

ТСЖ. *Баланд болахонали уй* бирикмасида қайси ҳолатда уйнинг баландлиги англашилади? — *Баланд қисмидан сўнг тўхталиш бўлса.*

ТСЖ. Хато ёзилган жуфтликни топинг. *Сурьат-сурат, нашъа-наша, тана-таъна.* — *Барча сўзлар тўғри ёзилган.*

ТСЖ. *Тўғри йўлда учта енгил машина кетар эди* гапида *тўғри* сўзи қай ҳолатда кириш сўзга айланади? — *Тўғри сўзидан кейин вергул бўлса.*

18-дарс. Синтаксис ва тиниш белгиларининг қўлланиши

ТСЖ. Ҳозирги ёзма адабий тилда нечта тиниш белгиси қўлланади? — *10 та.*

М. 1) нуқта; 2) сўроқ; 3) кўп нуқта; 4) қавс; 5) қўштирноқ; 6) нуқтали вергул; 7) тире; 8) икки нуқта; 9) ундов; 10) вергул.

ТСЖ. Ушбулардан қайси бири тиниш белгиси эмас? — *Чизиқча.*

ТСЖ. Боғловчисиз қўшма гапларда қайси тиниш белги ишлатилади? — *Вергул, икки нуқта, нуқтали вергул, тире.*

19-дарс. Тиниш белгиларини қўллаш қоидаларининг асослари

М. Тиниш белгилари ҳар қандай гапда мазмун, оҳанг ёки гапнинг грамматик қурилишига кўра қўлланади.

ТСЖ. Нуқта, ундов, сўроқ белгиси гап охирига қай ҳолатда қўйилади? — *Ифодаланмоқчи бўлган мазмун тугалланган бўлса.*

ТСЖ. Икки нуқта, тире, вергул ёки нуқтали вергул қўшма гаплар орасида қайси қоидага асосан қўлланади? — *Қўшма гап қисмларининг мазмун муносабатига кўра.*

ТСЖ. Ёзма нутқда ўзгаларнинг гапи қай тарзда берилади? — *Қўштирноққа олинади.*

ТСЖ. Тугалланмаган ёки изоҳталаб тушунчалар ёзма нутқда қандай берилади? — *Қавс ёки кўп нуқта орқали.*

ТСЖ. Эга билан кесим орасида ёзма нутқда тиренинг қўйилиши ёки қўйилмаслиги нимага боғлиқ бўлади? — *Гапнинг грамматик қурилишига.*

ТСЖ. Эргаш гаплар бош гапдан қандай ажратилади? — *Вергул билан*

М. *Икки нуқта, тире* изоҳ оҳанги бўлса қўйилади; *қўштирноқ, қавс* ажратилган оҳанг бўлса қўйилади; *вергул, нуқтали вергул* кичик тўхталиш оҳанги бўлса қўйилади.

ТСЖ. *Ватанимиз — келгусида буюк давлат бўлади.* Нима учун боғламали от кесим бўлса ҳам, эгадан сўнг тире қўйилган? — *Эга мантиқий урғу олгани учун.*

20-дарс. Содда гаплар ва уларда тиниш белгиларининг қўлланиши

ТСЖ. Қандай гаплар хабар берувчилик хусусияти борлиги, тинч оҳанг билан айтилгани учун нуқта қўйилади?— *Дарак гаплар.*

М. Агар сўроқ гап қўшимча мазмун ифодаласа, ундан сўнг ундов белгиси, сўроқ белгисидан ташқари кўп нуқта ва бошқа белгилар қўйилади.

ТСЖ. Қайси гапнинг охирига ундов ва сўроқ белгиси қўйилиши керак? — *Курашади икки тўлқин, қараб турайми*

М. Ундов гаплар мазмунига кўра икки гуруҳни ташкил қилади: ҳис-ҳаяжонни англатувчи ҳамда буйруқ, илтимос, ташвиқ, маслаҳат, дўқ маъноларини англатувчи.

ТСЖ. Қайси гапда 4 та тиниш белгиси ишлатилиши керак? — *Мен етим ўсганман оҳ у етимлик.*

PS. *Мен етим ўсганман, оҳ, у етимлик!..*

ТСЖ. Қайси қатордаги гапда уюшмаган ёйиқ ундалмалардан сўнг ундов белгиси қўйилган? — *Азиз муаллимлар, азиз устозлар! Бугунги байрамингиз муборак бўлсин!*

21-дарс. Эга билан от кесим орасида тиренинг ишлатилиши

Қ. Кесим ҳаракат номи ёки саноқ сон билан ифодаланганда эга билан кесим орасига тире қўйилади: ***Мақсадим — аъло ўқимоқ. Икки карра икки — тўрт.***

Қ. Эга билан кесим ***бу, шу, у, мана бу*** **сўзлари билан ажратилганда тире қўйилади:** ***Шу — мен ахтарган одам. Бизни чақирган — мана бу.***

М. Агар эга билан кесим орасида *ҳам* боғловчиси келса, тире қўйилмайди. *Олма — мева. Олма ҳам мева.*

М. Кесим шахс қўшимчасини олса ёки юклама билан бирикса, тире қўйилмайди: *Бу киши — муаллим. Бу киши муаллимимиз-ку!*

М. Кесим сифат, тартиб сон, равиш, айрим олмошлар билан келса, тире қўйилмайди: *Юртимиз обод. Гап кўп. Сен биринчи.*

ТСЖ. Қайси қаторда тире нотўғри қўйилган? — *Биринчи сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунидир.*

ТСЖ. Қайси қаторда тире нотўғри қўйилган? — *Нега юришингиз — секин?*

ТСЖ. Қайси қаторда тире тўғри қўйилган? — *Сен — Муқанна, сарбадор — сен. Эрксевар, қон, ўзбегим.*

ТСЖ. Тире тўғри қўйилган гапни топинг. — *Мен туғилган ватан — у муқаддас.*

22-дарс. Уюшиқ бўлакларда тиниш белгилари

Қ. Гапда бир хил шаклда, бир хил вазифада келиб, бир хил бўлакка боғланадиган бўлаклар уюшиқ бўлаклар ҳисобланади.

ТСЖ. Қайси гапда уюшиқ бўлаклар фақат оҳанг билан боғланган? — *У ҳовли супурди, сув ташиди, уй тозалади.*

М. Боғловчисиз боғланган уюшиқ бўлаклар вергул билан, агар улар бирикиб келса, нуқтали вергул билан ажратилади.

М. Боғловчисиз уюшиқ бўлаклардан *аммо, лекин, бироқ, гоҳ, дам, ҳам, ёки, ё, баъзан, бир, на* боғловчилари якка ёки такрор қўлланганда вергул ишлатилади; *ё, ёки, ва, ҳам, ҳамда, билан* боғловчили уюшиқ бўлаклар орасига вергул қўйилмайди.

ТСЖ. Қайси қаторда кўмакчи уюшиқ бўлакларни боғлаган? — *Қалам билан дафтар олдим.*

ТСЖ. Қайси қаторда *билан* кўмакчиси ўз вазифасида келган? —*Ҳаё билан одам тирикдир.*

23-дарс. Уюшган аниқловчи

Қ. Сифатловчи-аниқловчи уюшса, нарсани бир томондан аниқлайди: ***Чиройли, норғул, бўйчан йигит.***

Қ. Уюшмаган аниқловчилар нарсани ҳар томонлама аниқлайди ва орасига вергул қўйилмайди: ***Чиройли норғул бўйчан йигит.***

24-дарс. Умумлаштирувчи бўлак

Қ. Умумлаштирувчи бўлак — нечта уюшиқ бўлак бўлса, барчасининг маъносини ўзида мужассам этади; олдин келса, икки нуқта, кейин келса, тире билан ажратилади: ***Ҳамма нарса: уйлар, деворлар, дарахтлар қоронғуликка жимгина чўкди.***

Бу қари, эркак-аёл — ҳамма меҳмонларни кутиб олишга чиқиб чиқди.

ТСЖ. Сўз бирикмаси уюшган гапни топинг. — *Хирмонга [illegible] йўлдан ёки уватдаги ёлғизоёқ йўлдан борилади.*

ТСЖ. Қайси қаторда уюшган бўлаклар хато тузилган? — *Истеъдодли адиб кўп асарлар ва драмалар ёзди.*

ТСЖ. Қайси қаторда уюшмаган ундалма мавжуд? — *Дилором, жажжи сингилчам, сен қаерда эдинг?*

ТСЖ. Уюшиқ бўлакларни боғлаган қайси боғловчилардан олдин вергул қўйилмайди? — *-да.*

ТСЖ. Қайси боғловчи уюшиқ бўлакларни боғлаганда вергул қўйилмайди? — *ҳамда, -у, -ю.*

ТСЖ. *1) аммо; 2) ёки; 3) баъзан; 4) балки; 5) на.* Ушбуларнинг қайси биридан олдин вергул қўйилади? — *Барчасидан олдин вергул қўйилади.*

ТСЖ. Сўз бирикмалари занжирида вергул ишлатилмаса, бу кўпроқ қандай аниқловчи бўлади? — *Уюшмаган аниқловчи.*

ТСЖ. Агар умумлаштирувчи бўлакдан кейин *масалан, яъни, хуллас* каби кириш сўзлар келса умумлаштирувчи бўлак ва кириш сўздан кейин қайси тиниш белгилари қўйилади? — *Умумлаштирувчи бўлакдан сўнг вергул, кириш сўздан сўнг икки нуқта.*

ТСЖ. *Республикамиздаги кўплаб педагогика институтлари, масалан: Фарғона, Наманган, Сирдарё институтлари — университетга айланди.* Нима учун тире ишлатилган? — *Умумлаштирувчи бўлак бўлгани учун.*

25-дарс. Гапнинг ажратилган бўлаклари ва уларда тиниш белгилари

Қ. Ажратилган бўлаклар ўзидан олдинги бўлакни изоҳловчи, диққатни ана шу бўлакка қаратувчи бўлак. Бешала бўлак ҳам ажратилиши мумкин; гапнинг ўртаси ва охирида кела олади. Ажратилган бўлак тире ва вергул билан ажратилади.

ТСЖ. Қайси қаторда ажратилган бўлак тире билан ажратилиши лозим? — *Исми Барлос, содда, диловар, ов ва қуш илмининг пиридир.*

PS. Иккита вергул ўрнида тире бўлиши керак.

ТСЖ. Қайси қаторда изоҳ сўз чизиқча билан ажратилиши лозим? — *Моҳир синовчи, учувчи машинани усталик билан ерга қўндирди.*

ТСЖ. Қайси қаторда равишдош билан ифодаланган ҳол ажратилган? — *Сўнг, букчайиб, оҳистагина ерга эгилди.*

ТСЖ. Қайси қаторда кўмакчили ҳол ажратилган? — *Гулнор намли кўзлари билан Йўлчига тикилиб, бир нимадан қўрққан сингари, яна унга суқилди.*

ТСЖ. Қайси қаторда кўмакчили тўлдирувчи ажратилган? — *Шуни ёдда тутингки, тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб ўлган яхшироқ.*

26-дарс. Гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмаган сўзларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Қ. Ундалмалар, кириш сўз, кириш бирикма ва кириш гаплар, *ҳа* ва *йўқ* сўзлари, ундовлар ҳеч қачон гап бўлаги бўлмайди, яъни гаплардаги бошқа бўлаклар билан грамматик боғлана олмайди.

Ундалмаларда тиниш белгилари.

М. Ундалма — гап бошида келганда вергул ёки ундов белгиси билан ажратилади; сўз ўртасида келганда икки томонидан, охирида эса олдидан вергул қўйилади.

ТСЖ. *Қуёш нуринг тўкавер мўл-кўл!* Ундалмадан сўнг қандай тиниш белгиси қўйилади? — *Вергул.*

ТСЖ. *Қалай Ҳакимбой ишлар ўнгиданми?* гапида қандай хатолик мавжуд? — *Ундалманинг икки томонига вергул қўйилиши керак.*

27-дарс. Киритмаларда тиниш белгилари

М. Киритма — кириш сўз, кириш бирикма, кириш гап; улар сўзловчининг маълум бир хабарга модал муносабатини ифодалайди. Гапнинг боши, ўртаси ва охирида келиб, вергул, тире ва қавс билан ажратилади.

ТСЖ. Қайси гапда киритма сўз мавжуд? — *Сўзсиз, буни ҳамма билади-ку.*

ТСЖ. Қайси гапда кириш гап мавжуд? — *Қурбон ота унинг суҳбатини хушламаса ҳам, одамнинг юзи иссиқ — ҳамсафар бўлиш тўғрисидаги сазасини ўлдирмади.*

28-дарс. Ундов сўзлар, *ҳа, йўқ* сўзларида тиниш белгиларининг ишлатилиши

М. Ундов сўз — йиғиқ ундалмадан олдин келганда вергул қўйилмайди; баъзан ундов сўздан сўнг кўп нуқта ва ундов қўйилиши мумкин.

ТСЖ. Қайси қаторда ундов сўздан сўнг кўп нуқта қўйилиши мумкин? — *О сержант, бу уруш кўп одамларнинг ёстиғини қуритиб юборди.*

ТСЖ. *Йўқ йўқ мен бошқа нарса демоқчи эдим* гапида қандай тиниш белгилари қўйилиши зарур? — *Вергул, вергул, нуқта.*

29-дарс. Қўшма гапларда тиниш белгилари

М. *ва, ҳам, ҳамда* боғловчиларидан ташқари барча қўшма гапларда содда гаплар чегараси, тиниш белгилари *вергул, тире, икки нуқта, нуқтали вергул* бўлади.

Қ. Айрим қўшма гапларда содда гаплар ўта мустақил бўлса, нуқта ишлатилиб, боғловчи бош ҳарф билан берилади ва содда гаплар тусини олади.

ТСЖ. Қайси қўшма гап тиниш белгиси билан чегаралан-майди? — *Ишим тўғриланиб кетди ҳам ерим ўзимга қолди.*

ТСЖ. Қайси айирув боғловчили қўшма гапда тўлиқсиз гап иштирок этган? — *На кўча бор, на муҳташам уй-жой, на дала шийпони бор.*

ТСЖ. Айирув боғловчилари қатнашган гапларда вергул қайси ўринда бўлади? — *Иккинчи айирув боғловчисидан олдин.*

ТСЖ. Қайси гапда тиниш белгиси тўғри қўйилган? — *Узоқ-узоқдан оқ зар кўйлакда кўринади тоғлар, тепалар; Гоҳ чўзилиб қуюқ ўрмонлар кўз ўнгидан аста ўтарлар.*

30-дарс. Эргаш гапли қўшма гапларда тиниш белгисининг ишлатилиши

М. *Шунинг учун, чунки, гўё* боғловчилари эргаш гапни бош гапга боғласа, улардан олдин *вергул* қўйилади: *Олам гўзал, чунки шодмен.*

М. *-ки* боғловчи-юкламасидан кейин *вергул* қўйилади: *Кўрадики, ҳосил мўл.*

М. Эргаш гап равишдош билан тугаса, ундан сўнг *вергул* қўйилади: *Совуқ тушгач, шаҳарга кўчдик.*

М. Эргаш гап *сифатдош+учун, сари, сайин, чоғ, бўйлаб* сўзлари билан тугаса, ундан сўнг *вергул* қўйилади: *У ишлаган сари, туйнук кенгая бошлади.*

М. Эргаш гап *сифатдош+дан ёки -да* шакли билан тугаса, ундан сўнг вергул қўйилади: *Сен кулганда, олам ёришар.*

М. Эргаш гап *номустақил кесим* билан тугаса, ундан сўнг *вергул* қўйилади. *Куз келса, дам оламан.*

PS. Бир неча эргаш ёки бир неча бош гапли қўшма гаплар фақат *вергул* билан ажратилади.

31-дарс. Богловчисиз қўшма гапларда тиниш белгилари

М. Бир пайтда ёки кетма-кет рўй берувчи воқеа-ҳодисаларни ифодалаган богловчисиз қўшма гаплар орасига *вергул* қўйилади: *Бир вақт дастурхон ёзилди, турли таомлар кирди.*

М. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари анча мустақил бўлса ёки содда гапларда вергул бўлса, *нуқтали вергул* қўйилади: *Ҳаёт давом этади; Мирзақул гоҳ севиниб, гоҳ ғам чекиб яшай бошлайди.*

М. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари бир-бирини изоҳласа, тўлдирса, сабаб муносабатини юзага келтирса, кесим аниқланса, *икки нуқта* қўйилади: *Элнинг бир сўзи бор: ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма.*

М. Богловчисиз қўшма гап қисмлараро зидлик, ўхшашлик, натижа, пайт муносабати бўлса *тире* қўйилади: *Жисмимиз йўқолур — ўчмас номимиз (зидлик). Сув келди — нур келди (қиёс). Раис кириб келди — мажлис очилди (пайт, кутилмаганлик).*

ТСЖ. Қайси қаторда тиниш белгиси тўғри қўйилган? — *Ариқлар чиқардик— ёвлар қуритди.*

ТСЖ. Боғловчисиз қўшма гаплар орасида тиниш белгиси нотўғри қўйилган гапни топинг. — *Чол ундан баландроқ келди; мен бригадирликдан тушмайман, деб чиқиб кетди. Сизнинг қилаётган ишингиз ёмғирга ўхшайди; ҳар бир томчиси дон ундиради.*

PS. Икки нуқта.

ТСЖ. Боғловчисиз қўшма гапни топинг. — *Лекин қийинчилик тортамиз, бусиз бўлмайди.*

М. *Нуқтали вергул, тире, икки нуқта* қўйиладиган боғловчисиз қўшма гаплар эргашган қўшма гаплардан юзага келади.

32-дарс. Кўчирма гапларда тиниш белгилари

М. Ўзгаларнинг гапи — кўчирма гап, уни тилга олган сўзловчининг гапи — муаллиф гапидир.

ТСЖ. Кўчирма гапли қўшма гапларда қайси тиниш белгилари ишлатилади? — *Нуқта, тире, вергул, икки нуқта, қўштирноқ.*

М. Кўчирма гапнинг ўрни эркин: муаллиф гапидан олдин, кейин, ўртасида, муаллиф гапи кўчирма гап орасида келиши мумкин.

М. Агар кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, муаллиф гапидан олдин вергул ҳамда тире қўйилади, муаллиф гапи кичик ҳарф билан ёзилади.

М. Агар кўчирма гап муаллиф гапидан сўнг келса, ундан олдин икки нуқта қўйилади ва кўчирма гапдан сўнг тире қўйилади ёки қўштирноққа олинади.

М. Кўчирма гапдаги ундов, сўроқ белгилари қўштирноқ ичида, нуқта ҳамда вергул қўштирноқдан кейин қўйилади.

М. Кўчирма гапнинг узилиб қолган жойида нуқта, сўроқ, ундов белгиси бўлса, ундан кейинги келган муаллиф гапи охирига нуқта қўйилади, кейин тире қўйилиб, кўчирма гапнинг иккинчи қисми бош ҳарф билан бошланади: *«Бунинг тагига ўзимиз етмасак, ким етади? — деди Комила. — Биров келиб бизга ҳисобот берадими?»*

ОНА ТИЛИ 112004

1-дарс. Ўтилганларни такрорлаш

ТСЖ. 1-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. «Давлат тили тўғрисида»ги қонундан олинган ушбу жумла қайси услубда? — *Расмий услубда.*

ТСЖ. Тил меъёри бузилган қаторни топинг. — *Сўзни ёзувда бир йўлдан иккинчи йўлга кўчириб ёзиш, бўғин асосида кўчириб ёзилади.*

ТСЖ. Номустақил кесим қатнашган гапни топинг. — *Ёз келса ҳам, ёмғир тинай демасди.*

ТСЖ. Мустақил кесим қатнашган гапни топинг. — *Қани энди, шу иссиқда ичишга муздек сув бўлса!*

ТСЖ. *1) дев сифат; 2) лиқ тўла; 3) дарди бедаво; 4) кеча кундуз; 5) кўп вақт.* Ушбулардан қайси бири қўшиб ёзилади? — *фақат 1.*

ТСЖ. *1) кўпдан кўп; 2) кир совун; 3) дўст душман; 4) ранг баранг.* Ушбулардан қай бири ажратиб ёзилади? — *Фақат 1.*

ТСЖ. Эгалик қўшимчаси қўшилганда товуш алмашмайдиган сўзларни аниқланг. — *Кубок, очерк, ҳуқуқ, иттифоқ.*

2-дарс. Тил ва нутқ

М. Тил — алоқа қуроли ва воситасидир. Тилнинг умри узоқ, нутқнинг умри эса қисқадир. Тилнинг қонун-қоидалари узоқ вақт сақланиб туради. Нутқ эса ўзгаришда бўлади.

ТСЖ. *Сўзингни буюк этсанг, ўзингга буюклик келтирасан.* Ушбу ҳикмат кимга тегишли? — *Навоийга.*

М. *Нутқнинг ёзма ва оғзаки шакли бўлади.*

ТСЖ. Қайси қаторда нутқ меъёри бузилган? — *Латифжонни адаси келди.*

3-дарс. Сўз ва унинг сеҳри

М. Ўзбек тили сўзларга бой, ўзбек тилидаги сўзларнинг барчаси тўпланса, 100—120 мингдан ортиб кетади.

ТСЖ. Алишер Навоий асарлари бўйича Э. Фозилов раҳбарлигида тузилган луғатда қанча сўз мавжуд? — *70 мингга яқин.*

М. П.Шамсиев, С. Иброҳимовлар тузган Навоий асарлатида 60 мингга яқин сўз мавжуд.

ТСЖ. Қайси сўзлар ўз синонимига эга? — *Бутунлай, мақ.*

PS. *Умуман, ҳолсизланмоқ.*

ТСЖ. Қайси жуфт сўз от маъносида қўлланилади? — *-совуқ, кирди-чиқди.*

М. Полисемия (кўп маънолилик) — бирдан ортиқ маъно ирган сўзлар: *бош.*

М. Синонимлар — бир хил маъно билдирадиган турли лдаги сўзлар: *ботир, қўрқмас, жасур.*

М. Омоним — бир хил шаклдаги ҳар хил сўзлар: *кўк, ён, сочиқ.*

М. Кўп маъноли сўзларда маъно боғлиқлиги бўлади, омоларда бўлмайди.

М. Ибора — маъноси кўчган бирикма ёки гап: *тилини шлаб қолмоқ, сиркаси сув кўтармайди.*

М. Идиома — ҳаётий бўлмаган ҳодиса, ҳаракат, ҳолат свири: *Унинг кўзи бор.*

ТСЖ. Қайси гапда идиома қатнашган? — *У кишининг дизи мустаҳкам.*

4-дарс. Неологизмлар

М. *Неологизм* — жамиятдаги ўзгаришлар туфайли тилга кириб келган янги сўзлар: *маркетинг, ҳиссадорлик.*

PS. Янги сўзлар тўғридан-тўғри кириб келади ёки ишлатилмай қолган эски сўзлар ҳисобланади: *виза (рухсатнома), бакалавр (олий маълумот тизими); бадал (эваз), хатбоши (абзац).*

ТСЖ. Ўтмишда арбитр маъносини берувчи неологизмни топинг. — *Ҳакам.*

М. Сифатлаш — сифат, от, равиш, қаратқич-аниқловчиларнинг белги билдириб келиши.

ТСЖ. Қайси қаторда от сифатлаш вазифасида келган? — *Олтин куз келди.*

ТСЖ. Қайси қаторда кўчма маъноли сўз мавжуд? — *Эгарнинг қоши нақшдор.*

ТСЖ. Қайси қаторда иборанинг сўз синоними нотўғри берилган? — *Осмонўпар — шинам, чиройли.*

5-дарс. Услубият

М. Услуб — сўзловчи ва ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, воқеа-ҳодисага шахсий муносабати.

М. Денотатив маъно — туб (асл) маъно.

Коннотатив маъно — кўчма маъно.

Модал маъно — қўшимча услубий маъно.

ТСЖ. Услубий бетараф сўзларни топинг. — *Қалам, китоб, дарахт.*

ТСЖ. Кўчма маъноли сўз қатнашган гапни топинг. — *Ҳасратим бир китоб бўлди.*

М. Сўзлашув услубидан бошқа барча услуб ёзма услуб ҳисобланади.

ТСЖ. *Гўрида тўнғиз қўпмоқ* идиомаси қайси услубда ишлатилади? — *Сўзлашув услубида.*

М. Ёзма нутқ — адабий тил меъёрлари асосида тузилган расмий тилдир.

ТСЖ. *Эълон, қарор, таржимаи ҳол* қайси услубда ёзилади? — *Расмий услубда.*

ТСЖ. Дарслик, рисола, монография қайси услубда ёзилади? — *Илмий услубда.*

ТСЖ. *Туя кўрдингми – йўқ* идиомаси қайси услубда ишлатилади? — *Оммабоп.*

ТСЖ. Ижтимоий-сиёсий сўзлар қайси услубнинг материали ҳисобланади? — *Публицистик.*

ТСЖ. Назм, наср, эссе қайси услубда ёзилади? — *Бадиий услубда.*

Услубни яратувчи воситалар

М. Услубни яратиш учун мазмун ҳамда лексик, фонетик, грамматик воситалар қатнашади.

6-дарс. Лексик воситалар

ТСЖ. Қайси қаторда гулнинг чиройлилик белгиси ишлатилган? — *Гул юз.*

ТСЖ. Қайси қаторда *гул* сўзи ҳаракат маъносига кўчган? — *Қўли гул одам.*

М. Сўзлар модал маъносига кўра ижобий ва салбий, муътадил маъно билдириши мумкин.

ТСЖ. Салбий маъно билдирган сўзларни топинг. — *Ялқов, сассиқ, бўҳтон.*

М. Метафора — нарса, ҳаракатнинг ўхшаш томонининг бошқасига кўчириш: *Қуёшнинг олтин қалами нур таратар эди.*

ТСЖ. *Баҳор келинчакдек ясаниб келди* гапида маъно кўчишининг қандай тури мавжуд? — *Метафора.*

М. ***Метонимия*** — шахс ёки предметни унга боғлиқ бўлган бошқа бир ном билан аташ: — *Зал оёққа турди.*

ТСЖ. Метонимия қатнашган гапни топинг. — *Осмонга тикилар миллион жуфт кўзлар.*

М. ***Синекдоха*** — шахс ёки предметни бирор аъзо, бўлак орқали бериш: *Ёлғиз туёғимиз Отабек. Ўн қўл ўн ҳунар.*

М. ***Киноя*** — қочириқ, мазаҳ маъносида ёзма нутқда қўштирноқ ичида берилувчи сўз: *Сизнинг «ҳимоянгиз» мени гўрга тиқади.*

ТСЖ. Қайси қатордаги ибора *«индамади»* маъносини беради? — *Тилини тишлади.*

ТСЖ. Қайси ибора *тўғри юр, тўғри бўл, тўғри гапир, тўғри иш қил* маъноларида баробар ишлатилаверади? — *Кўзингга қара.*

ТСЖ. Ушбу сўзлардан қайси бири ўтмишда чиройли ёзадиган котибларга нисбатан ишлатилган? — *Хушнавис.*

ТСЖ. Нуқта-нуқта сўзлари... — *паронимлар.*

7-дарс. Архаик ва тарихий сўзлар, қўшимчалар

М. *Архаизм* — ҳозир маънодоши қўлланадиган сўз ёки қўшимча: *ашу — қизил тупроқ, ашуқ — темирқалпоқ, дубулға, сабиғ эшитиб — сўзини эшитиб, ўғузғару — ўғизга, элигин тутди — қўли билан ушлади.*

М. *Тарихий сўзлар* — бугунда маънодоши бўлмаган сўз, бирикма ҳамда қўшимчалар: *ажойибхона — музей, зоопарк, мингбоши — лавозим.*

ТСЖ. Оғирлик ўлчови бўлган тарихий сўзларни топинг. — *Қадоқ (40 гр), чакса (5 кг), пайса (50 гр), мисқол (4,25 гр).*

8-дарс. Шевага хос сўзлар. Ноадабий сўзлар

М. Шевага хос сўзлар (диалектизмлар) сўзлашув усулида кенг қўлланадиган қарлуқ-чигил-уйғур, ўғиз ва қипчоқ лаҳжаларидир.

ТСЖ. Шевага оид сўзлар қатнашган гапни топинг. — *Ўжаки бирам чиройли.*

PS. Бузоқ.

М. Ноадабий сўзлар — фақат сўзлашув нутқида келадиган, адабий тилда мутлақо қўллаб бўлмайдиган сўзлар: *иннеу-кейин, анақа, эррайим, хумпар, бобой.*

PS. Жаргон, арго, вулгар, варвар сўзлар (сўкиш сўзлари) ноадабий қатламга кирувчи сўзлардир.

9- дарс. Атамалар. Касб-ҳунарга оид сўзлар

М. Атамалар (термин, истилоҳ) — фан-техника, касб-ҳунарга оид бир маъноли сўз ва бирикмалар: ҳол, боғлама — синтаксиснинг атамалари.

ТСЖ. Фонетикага оид атамалар берилган қаторни топинг. — *Урғу, бўғин, товуш.*

М. Профессионализм — ҳар бир касб-ҳунар эгасигина ишлатадиган сўзлардир: косиб *ангоб, лоя, соғи, бетлик, пошна, чарм, қолип* сўзларини ишлатади.

10-дарс. Омоним ва паронимлар

М. Омонимлик (шаклдошлик) бир сўз туркуми ёки бир неча сўз туркуми доирасидагина юзага келади.

ТСЖ. Бир туркум доирасида омоним бўладиган сўзларни топинг. — *Бўл, суз, қовоқ, сир.*

ТСЖ. Ушбу омонимлардан қайси бири от ва феъл доирасида шаклдош бўлмайди? — *Ёш, тик, кўк.*

ТСЖ. *Ол, тик* сўзлари қайси туркумда омонимлик ҳосил қилади? — *Феъл ва сифатда.*

